

Әнәтган Дада

84(54)6

K 21



# ӘНАЁТГАН ДАДА



II  
жид





**САЙДАҢМА**





*Ҳар саҳар боқсам фалакка, бир ғаройиб ҳоли бор,  
Мен Ватан васфида сўз айтсам, сўзимнинг боли бор,  
Бу чаманнинг ой ила юлдуз деган тимсоли бор,  
То жаҳонда бу диёрнинг эрку истиқлоли бор,  
Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор...*

Муамал Муамал

II  
жилд



ОЛТИ  
ЖИЛДИК

САЙЛАМА

Шеърлар, ғазаллар,  
мухаммаслар, достонлар

**УЎК: 821.512.133-1**

**КБК: 84(5Ў)6**

**К-21**

**Камол, Жамол**

Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. II жилд.  
Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, дostonлар / Жамол Ка-  
мол. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 448 б.

**ISBN 978-9943-20-437-9**

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол «Сайланма»сининг ушбу иккинчи жилдига унинг ўтган аср саксонинчи йиллар охирларидан жорий асрнинг дастлабки ўн йили оралиғида яратилган энг сара шеърлари, ғазаллари, мухаммас ва рубоийлари киритилди. Жаҳон адабиётидан қилинган таржималардан айрим намуналар илова этилди. Шунингдек, шоирнинг шеърхонлар орасида шуҳрат ва эътибор қозонган «Варахша», «Ражаб Ашуров дostonи», «Ҳасан ва ой» ҳамда арузда битилган «Шаҳрибону» дostonлари ҳам ҳукмингизга ҳавола этилмоқда.

Китобга хотима ўрнида берилган «Ҳақиқат, мен сени севдим» манзумасида шоир ўзи умр бўйи талпиниб яшаган энг буюк эзгулик – Ҳақ ва ҳақиқатга ташналиги, севги, садоқати ҳақида сўзлайди.


**УЎК: 821.512.133-1**

**КБК: 84(5Ў)6**




**ISBN 978-9943-20-437-9**

© Жамол Камол, «Ёнаётган дала». «Янги аср авлоди»,  
2018 йил.



# I

*Пол бўлиб атрофга қарайман секин,  
Улар кулишади, демак, улар ҳақ.  
Менинг тасаввурим уфқида лекин  
Ёнаётган дала, ёнаётган халқ...*



## АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН ЖОН...

Абадийдир, азизлар,  
Бошимизда осмон.  
Нидо келар осмондан:  
Аввал Ватан, кейин жон...

Абадийдир, ёронлар,  
Замин деган шу макон.  
Нидо келар заминдан:  
Аввал Ватан, кейин жон...

Боши эгик отажон,  
Қадди букик онажон,  
Бизлар учун жаҳонда  
Аввал Ватан, кейин жон.

Орзуларинг бир жаҳон,  
Умидларинг бир жаҳон,  
Лекин жаҳонда, дўстим,  
Аввал Ватан, кейин жон.

Ўзбекистон чироғи,  
Болажон, ҳей, болажон,  
Унутма, ҳеч унутма,  
Аввал Ватан, кейин жон.

Киприк кетар, кўз қолар,  
Қолар Ватан – жонажон.  
Жамолдан шу сўз қолар:  
Аввал Ватан, кейин жон!..

**1988**

## ЎЗБЕКИСТОН АЙБЛИДИРМУ?

«Ўзбеклар иши» деган айбловлар билан халқимизни ёмонотлиқ қилмоқчи бўлганларга жавоб

Ўзбекистон айблидирму? Ўзбекистон айблимас,  
Аҳли инсоф бу асл деҳқонни асло айбламас.  
Ўзгалар эрди мудом айшу фароғат айлаган,  
Унга меҳнат бўлди ҳар дам, унга заҳмат бўлди, бас.

Одамийлик қилди қанча супраларга ош кўйиб,  
Сув таратди гоҳи бош остига тунлар тош кўйиб.  
Неча йиллар боши узра учдилар тайёралар,  
У заҳар ютди ва жон берди уватга бош кўйиб...

Билмадим, бундай машаққатни жаҳон кўрганмикин?  
Ер очиб ул қирга ҳам, саҳрога ҳам экди экин.  
Пахтаси қийматда кам бўлди карам, картошкадан,  
Гарчи олтиндир, ёронларга жўнатди сувтекин.

Гоҳи дўқ-дашном эшитди, гоҳ насиб этди қамоқ,  
Елкада кетмон, ҳамиша тўн ямоқ, кўйлак ямоқ.  
Ойга ҳам етгайди гар тизса кумуш карвонлари,  
Шунчалик сарват ила ном олди ул – текинтомоқ...

Кўп эрур фарзандлари деб таъналарга қолди бот,  
У – бадавлат камбағалдир, у – саводли бесавод.  
Беадад «бер-бер»га учраб, битди ёлғиз денгизи,  
Энди бу дардлар, аламларга куйиб, излар нажот...

Ўзбекистон айблидирму, Ўзбекистон айблимас,  
Аҳли инсоф бу асл деҳқонни асло айбламас.  
Ўзгалар эрди мудом айшу фароғат айлаган,  
Унга меҳнат бўлди ҳар дам, унга заҳмат бўлди, бас...

1988

## ЁНАЁТГАН ДАЛА...

Зал чапак чалади... гуриллайди зал,  
Шигда чилчироқлар, қандиллар биллур.  
Юзлар, табассумлар бир-бирдан гўзал,  
Оппоқ баданларда либослар виллур...

Лол бўлиб атрофга қарайман секин,  
Улар кулишади, демак, улар ҳақ.  
Менинг тасаввурим уфқида лекин  
Ёнаётган дала, ёнаётган халқ...

Шамол у ёқларда кезади санқиб,  
Қуёш ўт пуркайди, олов чамбарим.  
Ранглар рўмолларни бошларга танғиб,  
Чиқиб келар менинг маҳрумаларим...

Тонгдан то шомгача ишлайди улар,  
Қўлларда кетмонлар – зилдай темир юк.  
Шўрлаган елкалар, косовдек қўллар,  
Лаблар қовжираган, киприклар куюк.

Йил сайин, ой сайин, соатлар сайин  
Офтоб уриб турар уларни давом.  
Улар ўртангандан ўртаниб, кейин  
Ловва-ловва ёниб кетишар тамом...

Пахта даласида бугун алқисса  
Гулханлар ёнади таратиб зиё.  
Қизлар, жувонларинг ўзини ёқса,  
Уял, эй жамият, уял, эй дунё!

Кўкўпар хирмонлар билан ёнма-ён  
Гулханлар кули бор, уюм ва уюм.  
Шамол совуради, сочади ҳар ён,  
Булутлар кўз ёши тўкади юм-юм...

Эй олис элларда яшовчи инсон,  
Ногоҳ кипригинга қўнса бир гўбор,  
Чексиз фалак ичра сарсон, саргардон  
Кезган у заррани аягил зинҳор.

Хиросима ёқдан етишмаган у,  
Ёки Чернобилдан даракчи эмас.  
Ўзбек тупроғидан етишган кул бу,  
Унсиз фарёдини эшит бир нафас...

**1988**



## ХАЛҚИМ

Қочган ҳам, қувган ҳам ўзни ҳақ дейди,  
Қочган ҳам, қувган ҳам нуқул халқ дейди.

Халқим, дер ўзини ўтга отганлар,  
Халқим, дер юртини ёвга сотганлар.

Халқим, дер пишиқлар, балки ғўрлар ҳам,  
Халқим, дер ўғрилар, порахўрлар ҳам...

Нотиқлар минбарлар узра ғоз туриб,  
«Халқимнинг ҳукми шу!» дейди ҳайқириб.

Ҳукмлар ўқилур халқнинг номидан,  
Фатволар тўқилур халқнинг номидан.

Мажлислар қилганда, қароримиз – халқ,  
Ҳар куни тилларда такроримиз – халқ.

Халқ десак, сўзларга сиғмайди ақл,  
Халқнинг ноиблари халқданам оқил...

Шунданми, баъзида тутақиб балким,  
Қичқиргим келади: қайдасан, халқим?

Қайдасан? Не учун бизга доимо  
Қиличсан, қалқонсан, сеҳрсан, дуо?

Сенинг-ку Оллоҳдан ваколатинг бор,  
Шунинг-чун ҳар ишда адолатинг бор.

Адолат қил, кўрсат ўзингни, халқим,  
Айтгил адолатли сўзингни, халқим.

Токи топай, дерман, дардимга дармон,  
Ўтай шу дунёдан мен ҳам беармон...

**1988**

## АЗАЛИЙ САВОЛ

Болам, насиб этган шу дунёга боқ,  
Оқилга дарс бериб яшайди аҳмоқ.

Ўғрини инсофга чақирар тўғри,  
Лекин тўғрилиқдан лоф урар ўғри.

Ҳалолнинг бошида қанча ёзиқлар,  
Сазойи қилади уни бузуқлар.

Худбинлар майдонда бари бир тараф,  
Адибда алаб йўқ, шоирда шараф.

Уят-андишанинг баҳоси тупроқ,  
Мушт еган хижолат чекади кўпроқ.

Мунофиқ ўлганнинг ёнини олар,  
Муттаҳам, виждон, деб айҳаннос солар.

Қотиллар йиғлашар марҳумни йўқлаб,  
Лекин туришади милтиқни ўқлаб...

Ҳа, бу ўша-ўша, дунёю дундир,  
Боболар айтгандек, буқаламундир.

Қаерга бораркин бу дунёйи зол?  
Мана, ўғлим, сенга азалий савол...

**1988**



## БМТГА МАКТУБ

Жаноб Бош секретарь,  
Менда таклиф бор:  
Дунёда халқ йўқдир қусурдан холи.  
Шуни иқрор этиб тарихда илк бор,  
Тузилсин бир буюк мажлиси олий.

Дунёда халқ борким, каттадир-кичик,  
Вакили қатнашган йиғин бўлсин бу.  
Улар кўришсинлар бир-бирин қучиб,  
Кейин айласинлар тавба, тазарру...

Тазарру этсинлар улар аввало  
Минг йиллик урушлар, сўғишлар учун.  
Бир-бирни қул қилиб, қарам этиб ё,  
Занжирга солишлар, бўғишлар учун.

Сўнг сафга тизилиб, қалқиб оёққа,  
Ҳазрати Одамни айласинлар ёд.  
Ҳаммамиз теппа-тенг башармиз дея,  
Қасамёд қилсинлар, қутлуғ қасамёд.

Қасамёд қилсинлар, то бундан кейин  
Дунёда даҳлсиз замон бўлсин деб.  
Ҳар ким ўз ерига ўзи хўжайин,  
Ҳар ким ўз уйида омон бўлсин деб...

Жаҳон тарихида бу тенгсиз улуғ  
Ва тенгсиз мўътабар аҳднома бўлсин.  
Бу – халқлар кўлида мангу бир ёрлиқ  
Ва башар аҳлига бахтнома бўлсин...

Жаноб Бош секретарь,  
Қутлуғ қадам бу,  
Ўзини танисин энди одамзод.  
Бир-бирни бўғовлаш, қирон қилишни  
Яна минг йилларга чўзгаймиз наҳот?..

**1988**

## УСМОН НОСИР

Пайғамбарнинг ўн бир ўғли бор эди,  
Ўн биридин Шоюсуф гулзор эди.  
Шоюсуфни овга олиб чиқдилар,  
Чаҳга ташлаб, бўри еди, дедилар.  
Онаси йиғлаб чиқди чаҳ бошига,  
Етти дарё мавж урар кўз ёшига...

(Халқ қўшиғи)

Қаро тунлар қаро ер қаъридин оламга сас келгай,  
Тирик жонларга деб жон ўртагич ўтлиғ нафас  
келгай:

Аё, қайлардасан, Усмон?

Нечук жойлардасан, Усмон?

Нечук кўйлардасан, Усмон?

Магар гўрдек қоронғу,

зим-зиё уйлардасан, Усмон?

Онанг ўлсин, болам, вой, не қаро кунларга сен  
қолдинг?

Элим, деб мунчалар ёндинг, тилим, деб мунчалар  
ёндинг!..

Қаро тунлар қаро ер қаъридин оламга оҳ келгай,  
Тирик жонларга деб жон ўртагич, мунглиғ нидо  
келгай:

Аё, бахтиқаро Усмон!

Жувонмарг қисмати минг бир наслга

Можаро, Усмон!

Дили мотамсаро Усмон!

Ва шоир қалбида минг бир жароҳат,

Минг яро Усмон!

Онанг ўлсин, болам, вой, не бало кунларга сен  
қолдинг?

Элим, деб мунчалар ёндинг, тилим, деб мунчалар  
ёндинг!..



## МЕНГА НИМА? СЕНГА НИМА?

*(Жаллод билан суҳбат)*

Эшитдингми, адо бўпти Оролимиз,  
Қум ичида қолиб кетмиш қанча кема.  
Келажакда не кечаркан аҳволимиз,  
Шуни ўйлаб, куйинаман...  
– Менга нима?

Ҳар мингтадан юзта бола ўлар бизда.  
Оналарнинг юраклари қийма-қийма.  
Тоза ҳаво, тоза сув йўқ юртимизда,  
Тупроғимиз заҳарланди...  
– Сенга нима?

Пахта ўсар боғларда ҳам ўтлоқларда,  
Гапларимни ҳақиқат бил, ёлғон дема.  
Мева билан гўшт топилмас қишлоқларда,  
Ўзинг айт, шу инсофданми?  
– Менга нима?

Боболардан қолган юз минг китоблар бор,  
Ўйлайверсам, босар мени чин ваҳима.  
Ҳай, уларни ўқимоққа савод даркор,  
Бизлар эса бесаводмиз...  
– Сенга нима?

**1988**



## АЙЛАМА

Шумнинг қаричини қулоч айлама,  
Номарднинг ишини ривож айлама.

Дунё моли учун ғаним бўлса дўст,  
Ғанимнинг дардига илож айлама.

Кўзи очиқ ҳар бандаи мўминни  
Ташнайи зор айлама, оч айлама.

Мажнуннинг ёшини этиб шашқатор,  
Лайлининг ҳуснига хирож айлама.

Яхшиларни камситма, хор этмагил,  
Ёмонларни соҳиби тож айлама.

Еганимни ҳар кун битта тариқ нон,  
Ичганимни ҳар кун ўмоч айлама.

Худоё, кам тутма иноятингни,  
Ўзингдан ўзгага муҳтож айлама...

**1988**



## АЙТСИНЛАР

Сен дунёдан кетар чоғинг, қолганлар  
Сенинг кечган ҳаётиңдан айтсинлар.  
Йўл устида туриб, ўйга толганлар  
Мақсад ила муродингдан айтсинлар.


Ёлғон-яшиқ айтдингми ё айтмадинг,  
Айтган сўздан қайтдингми ё қайтмадинг,  
Бу дунёда сайёдмидинг, сайдмидинг?  
Сабринг ила саботингдан айтсинлар.

Юрган эсанг бу дунёда ғўр бўлиб,  
Нокасларнинг алёрига жўр бўлиб,  
Икки кўзинг очиқ, аммо кўр бўлиб,  
Етишмаган саводингдан айтсинлар.

Етган эса ўз юртингга савобинг,  
Ғанимларга берган одил жавобинг,  
Тайин эса орифларни тавобинг,  
Маҳшар куни нажотингдан айтсинлар.

Жамол, қара, кетмоқдадир карвонлар,  
Карвонларнинг юки – орзу, армонлар,  
Сен дунёдан кўз юмганда, ёронлар –  
Байтинг қўшиб, баётиңдан айтсинлар...

**1990**



## ҚЎШНИЛАР

(Бўлган воқеа)

Қўшниларим бири ишчи,  
Бири оддий қурувчи.  
Ишдан кейин қиттак-қиттак  
Отиб, татиб турувчи.  
Кўча-кўйда пиво сероб,  
Кўча-кўйда мусаллас.  
Қўшниларим бир кун чала,  
Бириси кун тўла маст...  
Келишади суюнишиб,  
Суюқ ошдек суйилиб.  
Қараганга кўш мағизли  
Ялакатдай туюлиб.  
Бошланади ола-ғовур.  
Бошланади баралла:  
Саҳаргача тапир-тупур.  
Ўйин-кулги, таралла...  
Бу савдолар оширгандан  
Оширади зардимни.  
Ахир бир кун чидаёлмай,  
Очдим юрак дардимни:  
«Ҳой, кўшнилар, борми инсоф?  
Худо олди уйқуни.  
Ўлсин агар ичиш деган  
Бўлаверса ҳар куни.  
Шу зорманда ичкиликдан  
Наф кўрибди қай одам?  
Доим эмас, гоҳ-гоҳ деган,  
Кам-кам, деган Хайём ҳам...»  
Қўшниларим жим қолишди  
Бир-бирига қарашиб.  
Кейин бирдан хахолашди,  
Сўз қотишди, талашиб:  
«Қиттак-қиттак отилмаса,  
Даврон тугул, дам эмас.

Сиз ҳам биздан қолишмайсиз,  
Сиз ҳам биздан кам эмас...  
Ичингиздан пишиқсизу  
Кўринишда анойи.  
Қачон кўрса, пичир-пичир,  
Ширин-ширин хиргойи.  
Қачон кўрса, ширакайфсиз,  
Кайф устида юрасиз.  
Майин-майин симирасиз,  
Роҳатини сурасиз...»  
Мен – ширакайф? Ёрилгудек  
Бўлар сабру тоқатим.  
Лекин шу дам эсга тушар  
Ғалати бир одатим.  
Мен гоҳида йўллардаям  
Хаёл билан бўламан.  
Шивир-шивир шеър тўқийман,  
Хиргойи ҳам қиламан.  
Ана шуни айтишади,  
Ана шунга ишора.  
Қўшниларим сўзни яна  
Давом этди шу ора:  
«Кўзингизни очинг мундоқ,  
Уйғоқмисиз, ухлоқсиз?  
Тўғри, бир оз ўқигансиз,  
Аммо анча қолоқсиз.  
Хайём билан орамизда  
Салкам тўққиз, ўн аср.  
Бизнинг аср эмас ундоқ,  
Анов-манов жўн аср.  
Кўп-кўп, яна доим ичиш –  
Бизнинг аср байроғи!  
Қойилмисиз? Баракалла!  
Шундоқ бўлсин бу ёғи...»

**1990**

## МАЙЛИ, СЕН ШОД БЎЛ...

Аё дўстим, бу ўткинчи дунёда  
Кўнгил бузуқ бўлма, қалби обод бўл.  
Умринг узун бўлсин, бахтинг зиёда,  
Мен маъюс бўлайин, майли, сен шод бўл.

Номардлик кўйидан сира ўтмадим,  
Дўстдан вафо кутдим, жафо кутмадим.  
Тузини еб, яқосидан тутмадим,  
Мен маъюс бўлайин, майли, сен шод бўл.

Бу дунё бировга номус-ор экан,  
Бировларга минг бир ҳадис хор экан,  
Пешонада шундоқ ёзуқ бор экан,  
Мен маъюс бўлайин, майли, сен шод бўл.

Сенга кўп кўринди бир парча жойим,  
Тупроққа қоришди қадрим, баҳойим.  
Ҳаммасига шоҳид қодир Худойим,  
Мен маъюс бўлайин, майли, сен шод бўл.

Балки юз мақомга ўзни солурсан,  
Ҳақнинг жавобини Ҳақдин олурсан,  
Ўшанда Жамолни эслаб қолурсан  
Мен маъюс бўлайин, майли, сен шод бўл...

**1990**



## ЕТДИНГМУ?

Аё жоним, умр бўйи жон чекиб,  
Оху кўзли жононингта етдингму?  
Адирларга, саҳроларга боғ экиб,  
Жамбилингта, райҳонингта етдингму?

Дунё надир, сен ҳам, мен ҳам омонат,  
Бошимизда савдо ила синоат.  
Синоатнинг таги – сабру қаноат,  
Қаноатинг, кўрғонингта етдингму?

Томирингда оққан қонда туйғу йўқ,  
Сендан менга, мендан сенга қайғу йўқ.  
Узоқ тунлар кўзларингда уйқу йўқ,  
Ай мусулмон, иймонингта етдингму?

Умринг ўтар ҳар жабҳада от суриб,  
Қароринг йўқ ўй ўйлашга ўлтириб.  
Аё руҳим, парвоз этиб, чарх уриб,  
Юлдуз тўла осмонингта етдингму?

Жамол, кўрдим, сўзларингда алам бор,  
Кўзингда ёш, кўлларингда қалам бор,  
Тилингда Ҳақ, юрагингда олам бор,  
Битилмаган достонингта етдингму?..

**1991**



## НАВОЛАР ИСТАР

Эй юлдуз боқишли, гўзалим Лайли,  
Сени деб куйларим нашъали, найли.  
Шунчалар ёндирдинг, ёндирсанг, майли,  
Шоир оташингдан наволар истар...

Ҳавода уқпардек аста юзиб ўт,  
Кўнгил оромини бузиб-бузиб ўт,  
Шаҳлоларинг ўйнат, менга сузиб ўт,  
Шоир кўзларингдан имолар истар.

Юзингга ой тугул, қуёш ҳам банда,  
Сеҳрлар сендадир, савдолар сенда.  
Лутф айла, янграсин латиф бир ханда,  
Шоир лабларингдан садолар истар.

Шаккардек дудоғинг каломга ўгир,  
Ниҳол қоматингни саломга ўгир,  
Лаълинг Жамол деган бир номга ўгир,  
Шоир тилларингдан дуолар истар...

**1989**



## ТААЖЖУБ ҚИЛАМАН...

(Иғвогарга)

Таажжуб қиламан, сени, эй нокас,  
Нега туққанида онанг бўлмаган?  
Туғибоқ шу замон бўғмабдими, бас,  
Сени иблис туққан, одам туғмаган.

Насли Азозилсан, тор манглайингда  
Муҳр бор, шайтони лаиндан чизиқ.  
Башарангни кўрган арвоқ сесканар,  
Калтакесак каби кўзларинг қисиқ...

Куя тушган каби ипириқ қошинг  
Ўргимчак суркаган қозон куяси.  
Бир тутам тук битган қилтириқ бошинг  
Илонлар ин кўйган иғво уяси.

Дарранда дейилса, типик мисолсан,  
Ҳаётда шиоринг: кемир ва емир!..  
Яъжуж-Маъжужларга тирик тимсолсан,  
Бир қарич оғзингда тишларинг темир.

Сен юрган кўчалар ғаразга макон,  
Сен юрган кўйларда кўкарар мараз.  
Сен босган йўлларда инсон-ку инсон,  
Тошлар қон қусади, тупроқлар араз...

Ҳар ерда ҳозирсан касофат каби,  
Эшигингни қоқар хотинталоқлар.  
Мудом атрофингда очофат каби  
Бир тўда қарғалар, қораялоқлар...

Бўхтондан туғилдинг, тамом туришинг,  
Шу ёруғ дунёда юришинг – бўхтон.  
Бўхтондир ҳунаринг, ишинг, юмушинг,  
Тириклигинг бўхтон, турмушинг бўхтон.

Ўлсанг, қабрга ҳам киролмагайсан,  
Ҳатто дўзахга ҳам бўлмас ижозат.  
Садқайи қалам кет, садқайи суҳан,  
Одам шаклидаги ахлат, нажосат!..

**1990**



## ШОИР

Султондан сўрдилар: шоир зоти ким,  
Унинг табиати не иқлимга эш?  
Аввал мийиғида кулди-да, кейин  
Дедиким, ҳар шоир ўзича дарвеш...

Дарвешдан сўрдилар: шоир зоти ким,  
Унинг кўзгусида не сир намоён?  
Аввал мийиғида кулди-да, кейин  
Дедиким, ҳар шоир ўзича султон...

Султонлар наздида дарвешсан магар,  
Дарвешлар наздида балки султонсан.  
Аммо аслида-чи, шоир, кўп маҳал  
Ожиз бир бандасан, ғариб инсонсан...

**1992**



## САМАРҚАНДУ БУХОРО БУ...

Тоғларда оху каби ўйноқ шамолдир,  
Тоғлар аро бахмал либос боғларда болдир,  
Боғларида тунлар барқут, тонглар зилолдир,  
Тонгларида ширин наво, нурли хаёлдир,  
Самарқанддир, Бухородир – офтобжамолдир,  
Бунда севги, бунда вафо, бунда висолдир.

Бунда турмуш ажиб сурур, гўзал нашида,  
Бунда ижод, яратишга жонлар бахшида,  
Олмос ёнар муҳаббати ўт-оташида,  
Тилсим тошар бу ўлканинг ичи-тошида,  
Самарқанддир, Бухородир – офтобжамолдир,  
Орастадир, эртактаги жаннат мисолдир.

Ҳар тошида тарих яшар, афсона яшар,  
Ҳар уйида гулшан яшар, гулхона яшар,  
Ҳар куйида минглаб савту тарона яшар,  
Фарзандлари меҳнат қилиб, мардона яшар,  
Самарқанддир, Бухородир – офтобжамолдир,  
Жаҳон аро давраларда тотли мақолдир...

Нуратонинг чўққисидан ташласанг назар,  
Зумрад водий қуёш эмиб, жилва кўрсатар,  
Олтин дарё оқиб ётар, кокиллари зар,  
Дашт бағридан Жайҳун келар унга сарбасар,  
Самарқанддир, Бухородир – офтобжамолдир,  
Иймони бут, дастурхонда нони ҳалолдир.

Бешигим дер бу ўлкани улуғ Осиё,  
Бешигида улғаймишдир Улуғбек, Сино,  
Кўзларида минг йилларни қамраган зиё,  
Бу – тарихга карвонбоши бўлган дунё,  
Самарқанддир, Бухородир – офтобжамолдир,  
Шарқ кўйнида қутлуғ диёр дориломондир...

## ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ

Бошинг узра Чотқол тоғдек виқоринг,  
Бўзсувинг бор, Солоринг бор, Анҳоринг.  
Кузинг атлас, келинчакдир баҳоринг,  
Баҳорингда ажаб атру ифоринг,  
Ер юзида ягонасан, Тошкентим,  
Туркистонда таронасан, Тошкентим...

Бозорларинг, гузарларинг кенгишдир,  
Боғларингда фавворалар кумушдир,  
Меҳмонларинг бағрингни гул демишдир,  
Чиройингта ҳамма ҳайрон эмишдир,  
Ер юзида ягонасан, Тошкентим,  
Туркистонда таронасан, Тошкентим.

Ўзбекистон давлати бор қўйнингда,  
Истиқлолнинг савлати бор қўйнингда,  
Буюкларнинг санъати бор қўйнингда,  
Худойимнинг раҳмати бор қўйнингда,  
Ер юзида ягонасан, Тошкентим,  
Туркистонда таронасан, Тошкентим...

Сенда қўшиқ, алёр ила кечар кун,  
Тонготарда шафақларинг лолагун,  
Тупроғингни ўпиб, тавоф айлагум,  
Дунё кезиб, қўшиқларинг куйлагум,  
Ер юзида ягонасан, Тошкентим,  
Туркистонда таронасан, Тошкентим...

**1994**



## ОРЗУ

*(Халқ ноиблари ўқимасин)*

Кўйиб берсанг, хаёл қурғур  
Қаёқларга элтади.  
Тоғу тошдан ошиб, ҳатто  
Парламентга етади.  
Парламентда мажлис борар,  
Парламентда сессия.  
Депутатлар чапак чалар  
Нотиқларга жон дея...  
Мажлис борар, кўрар уни,  
Тинглар бутун шаҳру кент.  
Кутмаганда сўзни бўлиб,  
Таклиф этар Президент:  
«Ўрнингиздан туринг ҳамма,  
Кетмайди бу нағмангиз.  
Костюмингиз тугмасини  
Ечинг бир-бир ҳаммангиз...»  
Дув туришар, тугмалар ҳам  
Ечилади кетма-кет.  
Не бўлар деб ҳамма ҳайрон,  
Давом этар Президент:  
«Қорнингизга қаранг энди,  
Қоринми у, тандирми?  
Бундан кейин уйингизга  
Кўйиб келинг тандирни.  
Кўйиб берса, сўзингизда  
Нуқул инсоф, адолат.  
Қорнингизга боқинг аммо,  
Чекинг бир оз хижолат.  
Қоринларга барҳам беринг,  
Қорин нега керакдир?  
Эркак киши қорин қўйса,

Қиёматдан даракдир...»  
Бир депутат чидаёлмай,  
Қўл кўтарар қимтиниб.  
Президентга савол берар  
Ёш боладек ўксиниб:  
«Теннис ўйнаб, футбол тепдик,  
Бироқ таъсир этмади.  
Не қилайлик, қорин ўлгур  
Биздан сира кетмади?...»  
Президент шарт жавоб айтар:  
«Кўражаксиз таъсирни,  
Шолғом шўрва ичинг ҳар кун,  
Халққа беринг тандирни...»  
Бўлар шунда чапаквозлик,  
Бўлар яна гулдурос.  
Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг,  
Сизга ёлғон, менга рост.  
Хаёл мени орзуларга  
Етаклайди, нетаман?  
Насиб этса, бир кун ўша  
Орзуйимга етаман...

**1995**



## ХИВОНИ КЎРДИМ

Кўк гумбази баланд эмас, паст экан,  
Миноралар савлатига мос экан,  
Таъриф айлаб айтганлари рост экан,  
Кўрдим-кўрдим, оға, раънони кўрдим,  
Хоразмга бориб, Хивони кўрдим.

Қийғос ўтар базмлари, тўйлари,  
Мафтун этар оҳанглари, куйлари,  
Уклар тақиб ўйнар шамшод бўйлари,  
Кўрдим-кўрдим, оға, зебони кўрдим,  
Хоразмга бориб, Хивони кўрдим.

Дастурхонда ширин, иссиқ нони бор,  
Меҳнат ила шуҳрати бор, шони бор,  
Тахт устида Феруз деган хони бор,  
Кўрдим-кўрдим, оға, анқони кўрдим,  
Хоразмга бориб, Хивони кўрдим.

Туташ экан бунда кўшқу айвонлар,  
Тозабоғда ўсар сабза, райҳонлар,  
Жамол дейди қолиб яна ҳайронлар:  
Кўрдим-кўрдим, оға, дунёни кўрдим,  
Хоразмга бориб, Хивони кўрдим.

**1995**



## ТЎХТАСИН ЖАЛОЛОВ ЁДИМГА ТУШДИ...

Сўз юритдинг қадр қиймат устида,  
Бошимдан ҳуш деган қушларим учди.  
Кета бердим, йўлнинг баланд-пастиди  
Тўхтасин Жалолов ёдимга тушди...

Манглайда офтоб муҳри бор эди,  
Сўз айтса, сўзининг сеҳри бор эди,  
Юрагида оташ меҳри бор эди,  
Тўхтасин Жалолов ёдимга тушди...

Мавлоно, дейилса, лойиқ эди ул,  
Нафосат мулкига содиқ эди ул,  
Ҳамиша ёш эди, ошиқ эди ул,  
Тўхтасин Жалолов ёдимга тушди...

Ажаб инсон эди, ҳасаддан холи,  
Кўнглида ниятлар, амаллар олий,  
Уфқда ярқ этган юлдуз мисоли,  
Тўхтасин Жалолов ёдимга тушди...

«Хамса» талқинлари – ҳамон талқиндир,  
Фузулий талқини – олов, ёлқиндир,  
«Шоиралар» – денгиз аро тўлқиндир,  
Тўхтасин Жалолов ёдимга тушди...

Унда яхлит эди маърифат, имон,  
Сибирларда ўрмон кесган қаҳрамон,  
Буюк гавҳаршунос, буюк таржимон,  
Тўхтасин Жалолов ёдимга тушди...

Эвоҳки, меҳнати қадр топмади,  
Ойи кемтик қолди, бадр топмади,  
Кетди у, турмоққа сабр топмади,  
Тўхтасин Жалолов ёдимга тушди...

Дўстим, бу дунёнинг иши – жимжима,  
Ўт олсин, сув олсин, номардга нима,  
Қадр қийматимни билмаслар, дема,  
Тўхтасин Жалолов ёдимга тушди...

Мунгли садо берди юракда торим,  
Тилимга келди шу соғинчим, зорим,  
Раҳмат қилган бўлсин Парвардигорим,  
Тўхтасин Жалолов ёдимга тушди...

**1996**



## ТОНГЛАРДА ЮЛДУЗИ БОРДИР ШУҲРАТНИНГ...

Ҳазонрез боғларда кузнинг зийнати,  
Бу боғларда изи бордир Шуҳратнинг.  
Барглар шивирида дарди, ҳасрати,  
Маъюс бир кулгуси бордир Шуҳратнинг...

Оппоқ боши қорли тоғлар бошидек,  
Оқшомлар чиройи қаро қошидек,  
Шабнамлар милтираб мунчоқ ёшидек,  
Сирлар тўла кўзи бордир Шуҳратнинг.

Давраларда таъкид ила хитоби,  
Номардларга қилган қаҳри, итоби,  
Токчаларда неча турфа китоби,  
Ўнлаб ўғил-қизи бордир Шуҳратнинг.

Умидворлар, омин, деса, тилакда,  
Етишганлар, раҳмат, деса, юракда,  
Ёзувчилар йиғилишса, юксакда  
Ўрни бордир, ўзи бордир Шуҳратнинг...

Айрилиқ доғини чекди нақадар,  
Шоирни Ватандан этдилар бадар,  
Ҳамма гапни айтди, дема биродар,  
Айтилмаган сўзи бордир Шуҳратнинг.

Юракларда яшаб, ёди ўчмагай,  
Мармар лавҳаларда оти ўчмагай,  
Бу дунёда хотироти ўчмагай,  
Тонгларда юлдузи бордир Шуҳратнинг...

**1996**

## ТЎРА МИРЗО - МИРЗОЛАРНИНГ ТЎРАСИ...

Тўра Мирзо – мирзоларнинг тўраси,  
Жамол билан Иброҳимнинг жўраси,  
Эл ичида донишмандлар сараси,  
Шундай олим борми яна, ёронлар?

Алпомишни айтиб, адо этолмас,  
Гўрўғлининг поёнига етолмас,  
Сусанбилдан кўнгил узиб, кетолмас,  
Шундай олим борми яна, ёронлар?

Адолатдир унга тошу тарози,  
Ҳоди Зариф эди буюк устози,  
Қадаҳ сўзин айтишнинг ҳам устоси,  
Шундай олим борми яна, ёронлар?

Ўз номини этмас сира афиша,  
Севган сўзи: инсоф билан андиша,  
Раҳбарликни қойил қилар ҳамиша,  
Шундай олим борми яна, ёронлар?

Раъно янгам осмондаги ойсимон,  
Ўғил-қизлар юлдузлардир, чароғон,  
Тўра ака қуёш десам, йўқ гумон,  
Шундай олим борми яна, ёронлар?

Азиз боши омон бўлсин, соғ бўлсин,  
Эккан гули чаман бўлсин, боғ бўлсин,  
Шогирдлари кўкси доим тоғ бўлсин,  
Шундай олим борми яна, ёронлар?

**2006**

## ФАХРИЯ

Бир азиз инсонга меҳрим бор менинг,  
Дўстим бор, жонимга баробарим бор.  
Шу ёруғ жаҳонда фаҳрим бор менинг,  
Назир Ражабовдек биродарим бор...

Мудом мунис чеҳра, қалам қошлигим,  
Ўртанса, оҳ чекиб, кўзи ёшлигим,  
Машаққат юзланса, сабри тошлигим,  
Назир Ражабовдек биродарим бор.

Донишманд раҳбар деб аташар уни,  
Қалбида аламнинг тугун-туғуни,  
Масков турмасининг собиқ тутқуни,  
Назир Ражабовдек биродарим бор.

Навоийдан ашъор ўқиб, баҳс этар,  
Шекспирни талқин этиб, дарс ўтар,  
Румий ҳикматини сизга арз этар,  
Назир Ражабовдек биродарим бор.

Дунё кезиб, дунё кўрди бағоят,  
Хотирида юзлаб шеър у ҳикоят,  
Толстой бобони этган зиёрат  
Назир Ражабовдек биродарим бор.

Қурувчига қурувчидир бегумон,  
Деҳқон келса, деҳқон бўлар шу замон,  
Файласуф олдида файласуф инсон,  
Назир Ражабовдек биродарим бор.

Давраларда билимдонлар сарвари,  
Куюк қалби – шу дунёнинг гавҳари,  
Курашларда арслондек жангари,  
Назир Ражабовдек биродарим бор...

Қаторда тургувчи яна борми, ҳай,  
Илму маърифатни қўлламоққа шай?  
Жамол, кўкрак кериб айтсанг арзигай,  
Назир Ражабовдек биродарим бор...

**2008**



## ЧИНОР

*Қадрдон акамиз, Ўзбекистон Фанлар  
академиясининг академиги Саид Шермухаммедовга*

Бўстон эрур бизнинг Ватан айлонаси,  
Олмаси бор, анжири бор, анори бор,  
Чаман эрур Ўзбекистон фалсафаси,  
Саид ака деган кўркам чинори бор...

Не ниҳоллар япроқ ёзиб, топди эъзоз  
Шу чинорнинг паноҳида, соясида.  
Не фикрлар қанотланиб, этди парвоз,  
Чирой очиб Мустақиллик ғоясида.

Бу дунёда инсон нима, ҳаёт надир,  
Ўқиб, билдик донишманднинг китобидан.  
Аён бўлди: инсонларга нажот надир,  
Давраларда айтган сўзи, хитобидан.

Бухорода баҳор эди, тонглар кумуш,  
Қоракўлда буй чўзганда бўйларингиз.  
Наршахийнинг китобида битилганмиш  
Саксон эмас, тўқсон йиллик тўйларингиз.

Саид ака, ҳамроҳ бўлсин орзу-ҳавас,  
Қаламингиз чарчамасин маъно битиб.  
Саксон. тўқсон деганлари писанд эмас,  
Яшайверинг чинор бўлиб, юзга етиб...

**17 март 2010 йил**



## ДИЛ СЎЗИ

*Етук шифокор, қадрдон акамиз,  
тиббиёт фанлари доктори Шаҳоб Ҳамроевга*

Саломатлик – туман бойлик, мақолимиз,  
Саломатлик билан қувонч, қут-барака,  
Шу бойликнинг суюнчиғи, посбонисиз,  
Қўли тилло, дили дарё Шаҳоб ака...

Ҳаёт борки, тасодиф бор, фалокат ҳам,  
Не бўлар деб баъзан юрак така-пука.  
Юракларга бир тасалли келар шу дам,  
Шаҳоб ака борку, деймиз, Шаҳоб ака...

Ибн Сино ватани бу, тер тўкишар  
Шифокорлар гуруҳ-гуруҳ, якка-якка,  
Ҳаммасига асл устоз, етук раҳбар,  
Ҳаммасига мадалкорсиз, Шаҳоб ака.

Не-не азиз инсонларнинг даргоҳида  
Давра борми, йиғин борми, тўй-маърака,  
Ўзингиз бор, ўрнингиз бор алоҳида,  
Хизматдасиз, иззатдасиз, Шаҳоб ака.

Жўрабоши деймиз сизни фахрланиб,  
Ёнингизда биз биродар, ака-ука.  
Яшайверинг қирчиллама йигит бўлиб,  
Омон бўлинг бахтимизга, Шаҳоб ака...

**15 март 2010 йил**




## ДЕНГИЗГА

Мен дунёга келдим дунё кўргали  
Не дарёлар кечдим, толе ёр экан.  
Толеим ёр бўлиб, етишди гали,  
Қаршингда турибман, буюк океан...  
Мафтун бўлиб қолдим сенга термулиб  
Ва сенга абадий шайдолигим рост.  
Кумуш тўлқинларни қирғоққа суриб,  
На кеча, на кундуз тинмас гулдурос.  
Энкайиб турибди ҳузурингда ер,  
Энгашиб турибди бошингда осмон.  
Ҳар битта тўлқининг – ўкирган бир шер,  
Азалий қудратсан, буюк ғалаён...  
Не сир бор бу сўнгсиз гулдуросларда?  
Тўлқинлар тўлқинни қувиб, мингашар.  
Ердаги самовий эҳтиросларда  
Не шиддат ниҳондир, не ҳикмат яшар?  
Эй ярим дунёни тутган ҳайқиреқ,  
Сендан юксалади мунаввар бир руҳ.  
Бир армон қалбимда кўзғалар ёниқ  
Ва менинг бағримни яралайди у...  
Ҳамон балойи нафс ерда ҳукмрон,  
Орзулар оч-офат, юраклар йўқсил.  
Ҳамон ялло қилиб яшайди ёлғон,  
Инсонлар то ҳануз инсонларга қул.  
Ҳамон Ҳақ олдида башар шарманда,  
Уруш, фалокатлар таъсир этмади.  
Инсон озод эмас, кишанга банда,  
Зулм давом этар, яро битмади...  
Тириклик кўйида эллар оломон,  
Қайрилиб боқишмас бахти қарога.  
Динлар, тариқатлар, мазҳаблар ҳамон  
Дунё талашади келмай арога...  
Тоғ-тоғ тўлқинларинг баланддан баланд,  
Одамзод пойида ҳайқиреқ солар.


Ва лекин сен унга камсан, океан,  
Унга дунё керак, балки дунёлар...  
Унга меҳр қўйиб, вафо кўрди ким?  
Писандмас мавжларинг, дилраболаринг.  
Унинг қулоғига кирмайди балким  
Ёлвориш, пичирлаш, илтижоларинг...  
Бугун рўпарангда турибман, денгиз,  
Башар уммонида битта томчиман.  
Шу ёруғ оламда аламлар чексиз,  
Шоирлар куйлади, мен давомчиман.  
Менинг ҳам суюнчим – ёлғиз Оллоҳим,  
Менинг ҳам қисматим сувдек беқарор.  
Менинг ҳам юракда ўтли бир оҳим,  
Менинг ҳам номардга муҳтожлигим бор...  
Тенгсиз талъатингни қилдим томоша,  
Руҳинг даво бўлди дардимга бир дам.  
Тингладим туганмас шов-шувлар оша  
Оппоқ чорлоқларнинг фиғонини ҳам.  
Зангори оқшомлар, субҳидамларда  
Сувларингда қалқиб сузаркан қуёш,  
Тушди кўзларимга ҳафиф бир парда,  
Кўрдим сенинг мовий кўзларингда ёш...  
Ўзингсан Жамолга энди жонажон,  
Шу борлиқ жаҳонда умр йўқ сенсиз.  
Энди айрилиш йўқ бизга ҳеч қачон,  
Сен менинг қалбимда яшайсан, денгиз.  
Сўнгсиз чиройингга тўймадим зотан,  
Кўзларим боқдилар ташна, мўлтираб.  
Руҳим учиб келиб бир кун самодан,  
Сенинг соҳилингда қолса, не ажаб.  
Шаффоф туйғуларинг қалбимга тўлиб,  
Руҳимда яшайбер, эй буюк ҳамроз.  
Яшайбер дунёнинг ҳайрати бўлиб,  
Еру самоларга солиб гулдурос...

**Нью Жерси, Атлантика соҳили,  
9 сентябрь 2001 йил**



## II

*Шоир сўз айтгани келар дунёга,  
Индамай жим туриш – шоирга ўлим  
Қайси тоққа борай, қайси дарёга,  
Товушларга тўлиб кетганда кўнглим?*



**ТОВУШЛАРГА ТЎЛИБ КЕТГАНДА  
КЎНГЛИМ...**

Уни насиб этди менга Худойим,  
Юлдузлар ёнади унинг оҳида.  
Нима у, шивирлаб тургувчи доим,  
Руҳимга замзама солиб гоҳида?

Шеърят, бировнинг кўзидаги ёш,  
Бировнинг бўйнига осилган тошсан.  
Дунё бор эканки, бўлмайсан адош,  
Менинг осмонимда ёнган қуёшсан...

\* \* \*

Оқшом чўқар, зулмат босар тим қаро,  
Сукунатга сингиб, тин олар товуш.  
Шабнамга бурканиб ётган боғ аро  
Тунги ноласини бошлайди Ҳаққуш.

Ҳақ деб қичқиради Ҳаққуш ҳар кеча,  
Қичқариб, ўзини ғамга ўрайди.  
Фалакка кўз тикиб оппоқ тонгача,  
Инсонлар қавмига нажот сўрайди...

\* \* \*

Йўлимиз айрилди, дўсти аржуманд,  
Сен у ён, мен эсам кетдим бу ёққа.  
Қаёққа, деб мендан сўрамадинг сен,  
Мен ҳам сўрамадим сендан: қаёққа?

Ўртамизда дарё, оқар саҳрога,  
Сен тошлар отасан, кетади чўкиб.  
Сен тош отаётган ўша дарёга  
Мен ҳам ўлтирибман кўз ёши тўкиб.

\* \* \*

Автобусга чиқсам, ажиб манзара,  
Ҳамма пичир-пичир ўз-ўзи билан.  
Ўзи билан ўзи гаплашар ҳамма,  
Иши йўқ ёнида қўшниси билан.

Ҳамма пичир-пичир – ғариб бир ҳолат,  
Ўйлаб, етолмадим асло бу сирга.  
Во ажаб, деб ҳайрон бўлиб бир муддат,  
Мен ҳам тушиб кетдим пичир-пичирга...

\* \* \*

Дейманки, дунёда жаҳолат ўлсин,  
Киши ўз наслини ўзи бўғади.  
Унутма, ҳой бола, ёдингда бўлсин,  
Миллатни эркакмас, аёл туғади.

Аёлнинг гашига тегаверма кўп,  
Турмушнинг роҳати сенга кам бўлар.  
Аёлнинг бошини эгаверма кўп,  
Миллатнинг боши эгик, ҳам бўлар...

\* \* \*

Пайдо бўлдимми, бас, қаршимда қатор  
Эшиклар тақа-тақ ёпилар фақат...  
Одамлар, ҳай, шошманг, сизда гапим бор,  
Одамлар, бир нафас сабру қаноат...

Мен нон сўрамайман, сўрамайман мол,  
Пул ҳам сўрамайман, ошиқманг унча.  
Бир савол сўрайман, фақат бир савол,  
Киши саволдан ҳам кўрқарми шунча?..

\* \* \*

Қодирийни отган ким эди ўша,  
Ким эди аламга этган мубтало?  
Тарих тарих бўлиб, халқим, ҳамиша  
Ўзингдан чиққанинг ўзингга бало.

Бировлар емасди балки ҳолвани,  
Кимга тўй бўлмасди, кимларга аза.  
Ўзингдан чиққанинг сотмаса сени,  
Ўзингдан чиққанинг сени аяса...

\* \* \*

Йўлингда йўлбошчи бўлиб қолмасин,  
Ўзинг доим йўлга бошла нафсингни.  
Ҳазир бўл, бошингга чиқиб олмасин,  
Оёғинг остига ташла нафсингни.

Баъзилар кўтариб юради қўлда,  
Ҳамма айтганига рози бўлади.  
Нафси идрокига ҳукмрон элда  
Оқил қолиб, жоҳил қози бўлади...

• • •

Худоё, ўзинг эт мушкулимни ҳал,  
Бу дардим жонимни андоқ ўртади.  
Остонангта қўйсам бошимни ҳар гал,  
Иблис етиб келиб, мени туртади.

Етишмоқ бўламан иноятингта,  
Лекин мушкулим бор яна, Худоё.  
Ҳар сафар бош эгсам ибодатингта,  
Бошимга ёприлиб келади дунё...

• • •

Миллатни сўрайсан ғашимга тегиб,  
Бу ҳақда дунёнинг тўхтами аён.  
Юрсанг ҳақсизликка бошингни эгиб,  
Ўзингни миллат деб санама, ўғлон.

Ҳақиқатпарастлик – миллат белгиси,  
Бусиз элнинг миллат бўлмоғи мушкул.  
Халойиқ деганинг миллат бўлгуси  
Ҳимоя этолса ҳақгўйларни ул...

\* \* \*

Ғалати феъли бор... ҳар сафар ҳуриб,  
Итлик табиатин аён қилади.  
Ҳар куни бир эшик олдида туриб,  
Вовуллаб, юракни хуфтон қилади.

Йўлдан ўтганда ҳам кўтарар дод-вой,  
Асабни қақшатар гоҳо толдириб.  
Дунё сеникими, айтақолгин, ҳой,  
Кетай шу дунёни сенга қолдириб...

\* \* \*

Шайтонлар галаси яшайди ерда,  
Юракларда кезар шарпаси, ваҳми.  
Қайларда юрибди, қайси бир гўрда  
Инсонга панд берган Азозил қавми?

Савол қаршисида қотиб турма лол,  
Дема, қайдан топай бугун уларни?  
Сен аста синчиклаб атрофга кўз сол,  
Шайтоннинг қавми бил мунофиқларни...

\* \* \*

Табиатда учрар шундоқ ҳодиса,  
Нечук изоҳ берар бунга ёронлар?  
Бўри битта қўйнинг қорнини ёрса,  
Томоша қилади бошқа баранлар...

Ва лекин учрайди бунинг акси ҳам,  
Йўлбарс човут солар чўлоқ бўрига.  
Йўқ, қараб туришмас бир четда бу дам,  
Бўрилар галаси ёприлар унга...

\* \* \*

Ўзгалар юртида замонлар туташ  
Тараққиёт даври, ўзгариш асри.  
Бизда мазҳаб талаш, мартаба талаш,  
Соқол можароси, хотинлар баҳси...

Айтгил, қайда эдинг, қайларга етдинг,  
Эй ўзни муслмон атаган банда?  
Беш аср ичида нима кашф этдинг,  
Қай бир муаммони ечдинг оламда?..

\* \* \*

Бир шоир подшонинг бўйнидан қучиб,  
Кўксига бошини қўйиб, йиғлади.  
Кўрганлар эс-ҳуши бошидин учиб,  
Шоирнинг ҳолига куйиб йиғлади.

Майлига, шоирни подшо сийласа,  
Лекин бир андиша дилни тиглагай:  
Шоирки подшони қучиб йиғласа,  
Халқининг ҳолига маймун йиғлагай...

\* \* \*

*(Бир ошнамнинг куйиниб айтганлари)*

Шу Турон заминга сочиб аланга,  
Не урушлар кечди, жангу можаро.  
Мардлар, баҳодирлар кетдилар жангга  
Ва ҳалок бўлдилар майдонлар аро.

Қолди эр ўрнида қўрқоқ, ғаламис,  
Юракларда нуқул ваҳим, васваса.  
Биз ўша номарднинг авлодларимиз,  
Ношуду нотавон, худбин, хунаса...

\* \* \*

Бунчалар ҳавога сакраманг, хўжам,  
Биздан қолган дунё сиздан қолади.  
Шунчалар сайраган сайроқи тил ҳам  
Бир куни чарчайди, сўздан қолади.

Унда сиз тарафга боқмайди дунё,  
Раво ҳам кўрмайди бир жумла хатни.  
Севган қулларингиз ёприлиб, илло,  
Бўйнингизга илар тавқи лаънатни...

\* \* \*

Муҳаммадни Оллоҳ сийламиш тугал,  
Карамлар ичида энг олий карам:  
Бошини саждага қўйганда ҳар гал  
Ўзни унутаркан Расули акрам...

Эй бандаи мўмин, тириксанки, бас,  
Бир юзинг оқ эса, бири қародир.  
Саждага бошингни қўйиб, бир нафас  
Ўзни унутишга бўлдингми қодир?

\* \* \*

Тасвирий ойна – шаҳримиз кўрки,  
Шодон қиёфалар, гулгун чеҳралар.  
Санъатингга қойил, балли, тасвирчи,  
Лекин ўтинчим бор сендан, биродар.

Сен ҳам шу улуснинг ҳолига куйгил,  
Сен ҳам бир тангилик айла чинакам.  
Бахтиёр аёллар ёнига қўйгил  
Мардикор аёллар сувратини ҳам...

\* \* \*

Ҳаво сийраклашиб, бўғилар нафас,  
Соатлар кетидан соат ўтади.  
Ёлғон чулдирайди ҳамон, тинчимас,  
Ҳақиқат бир четда навбат кутади.

Ҳақиқат – йигитдир, ёлғон – хунаса,  
Ёлғоннинг дардига, дўстлар, даво йўқ.  
Мажлисда ҳақ сўзга навбат етмаса,  
Жамоат уйида, демак, ҳаво йўқ...

\* \* \*

Навойи адолат истади фақат,  
Дедики, йўқолсин зулм ва пора.  
Қулоқ солишмади, охир-оқибат  
Давлат ҳам, улус ҳам бўлди чилпора.

Зўравонлик қилманг, дейди азизлар,  
Юракларга солманг алам ва қутку.  
Дунёдан суприлур адолатсизлар,  
Дунёнинг башарга адолати шу...

\* \* \*

Бир воиз маърифат, маънавият деб  
Сўз очди мозийдан, неча хонликдан.  
Лекин сўзламади сабабият деб  
Элдаги китобдан, китобхонликдан.

Боболар китобни офтоб демиш,  
Биродар, холис қил дилда ниятни.  
Китобсиз маърифат қайда бор эмиш?  
Ким кўрмиш китобсиз маънавиятни?

\* \* \*

Ҳофиз давраларда қўшиқ айтмаса,  
Тоғларга борармиш айтиб навони.  
Айтгани жаранглаб, элдан қайтмаса,  
Тошлардан кутармиш акси садони.

Шоир сўз айтгали келар дунёга,  
Индамай жим туриш шоирга – ўлим.  
Қайси тоққа борай, қайси дарёга,  
Товушларга тўлиб кетганда кўнглим?

\* \* \*

Ҳалол бор, ҳаром бор, ҳақ билан ботил,  
Шайтоний қутку бор, илоҳий шараф.  
Жанг борар майдонда, шаҳид бор, қотил,  
Ё ул тарафдасан, ёки бул тараф.

Оллоҳ берган ақл, бийрон тил билан  
Агарда айтганинг ёлғондир сенинг.  
Демакки, иблиснинг малайидирсан,  
Демак, қиблагоҳинг шайтондир сенинг...

\* \* \*

Ўттиз беш ёшида отам отилди,  
Уч ойлик чақалоқ эдим ўшанда.  
Ўша тун ошимга заҳар қотилди,  
Тақдир зарбасини едим ўшанда.

Йўқ, деб қичқираман умрим борича,  
Лекин қисмат деган турмайди аяб.  
Ўттиз беш йилдирки, ҳар ярим кеча  
Мени отишади деворга суяб...

\* \* \*

Бир эшикка келиб, салом бермасдан,  
Дафъатан бир нима сўрарми киши?  
Шундоқ бўлсин дейлик, шундоқ бўлганда,  
Ўйлаб кўр, кишининг битарми иши?

Баъзан Худо дейсан бир кунда юз бор,  
Лекин салом дейиш сенга кўп қийин.  
Саждага бош кўйиб, аввал салом бер,  
Сўрайдиганингни сўрайбер кейин...

\* \* \*

Мен таржима қилдим, Маснавий эди,  
Бировдан ўтиндим, ўқи, деб, илло.  
Румийни ўқишга вақтим йўқ, деди,  
Ёқамни ушладим: астаффуруллоҳ.

Майлига, эй нодон, аламга тўлиб,  
Ҳаттоки адоват ошкор этсанг.  
Лекин розимасман, дунёга келиб,  
Дунё китобини ўқимай кетсанг...

\* \* \*

### ***Эркин Воҳидовга назира***

Дунё экан, умрим ўтар гаровда,  
Бир бедаво қул ўлтирар ичимда.  
Ихтиёрим ўзимдамас, бировда,  
Эҳтимолки ул ўлтирар ичимда...

Ичингдаги қулни ўлдир, деб такрор  
Фармон бердим ўз-ўзимга, бўлмади.  
Ўзим гарчи ўлиб бўлдим неча бор,  
Ичимдаги қулим асло ўлмади...

\* \* \*

Мақтанма, негаким насабинг улуғ,  
Беклар мақтанмайди, қуллар мақтанар.  
Оқиллар ҳеч замон мақтанарми, йўқ,  
Нодонлар мақтанар, гўллар мақтанар.

Дунё унутарми асрлар оша  
Туркистон арслони чеккан наърасин?  
Ўзбек бўл, донишманд бек бўлиб яша,  
Ўзбекқул бўлишдан Худо асрасин...

\* \* \*

Дарвозанг тақиллаб қолди ногаҳон,  
Кимдир эшигингни қоқди бир куни.  
Сен эса қўймадинг, ҳайдадинг ҳамон,  
Ҳаттоки итингта талатдинг уни.

Ким эди ул сайёҳ, эшикдан қувиб,  
Жулдур чопонли деб этмадинг қабул?  
Ҳақнинг даргоҳидан иноят бўлиб,  
Эшигингта келган Куръон эди ул...

\* \* \*

Илгари эшикка келса бир гадо,  
Ё Оллоҳ, ё Ҳақдўст, дегучи эди.  
Гадолар эшикка келишиб гоҳо,  
Воҳ-ҳей, бола, дея қичқирар энди.

Сен ҳам шу дунёда битта гадосан,  
Гадолигинг айтган сўзингда зоҳир.  
Халқнинг эшигида Ҳақдўст демасдан,  
Воҳ-ҳей, бола, дейсан, ёлғончи шоир...

\* \* \*

Намозни тугатиб, шукрона айтиб,  
Кўл очдим тилакка, хайри дуога.  
Қаршимда тўлин ой турарди қалқиб,  
Мен эсам ёлборар эрдим Худога.

Шошма, дедим ойга, шошма, дедим, ҳой,  
Лекин кетолмадим қисматдан ўзиб.  
Дуойим биттанча ботиб кетди ой,  
Мен-чи, қола бердим кўлларим чўзиб...

• • •

Тўйми ё маърака, ҳар ҳолда йиғин,  
Ёниб сўз айтарди ўртада ўғлон.  
Қўшним қўшнисига энгашиб секин,  
Шивирлаб дедики, ҳаммаси ёлғон...

Ошнам, сайрайверма ҳуда-беҳуда,  
Иззатинг сазаси қайтгай, қайтмагай.  
Одамлар шивирлаб бир-бирларига,  
Ҳаммаси ёлғон, деб яна айтмагай...

• • •

Бир яхши одамни таҳқирлаб улар,  
Кейин даврадан ҳам қувишди яна.  
Давом этаверди ўйин-кулгулар,  
Давом этаверди айшу тарона.

Мен кетдим, базмингиз сизга буюрсин,  
Қадам ҳам босмайман энди, вассалом.  
Яхшини хор қилган даврангиз қурсин,  
Яхшини хор этган айшингиз ҳаром...

• • •

Баъзилар дейдики, хушомад ўлсин  
Ҳаммага ёқади, нечук сири бор?  
Унутма, шу нуқта ёдингда бўлсин,  
Унинг ҳам бир куни борар ери бор.

Ҳақ ундан сўрайди: нега мен қолиб,  
Бандага сиғиндинг, эй ноқис банда?  
У турар етти газ тили осилиб,  
Оллоҳнинг олдида бўлиб шарманда...

• • •

Кеча Бешоғочда Йўлчини кўрдим,  
Турарди мардикор дўстлари билан.  
Қайтиб келдим, деди, йўлимни бурдим,  
Мирзакаримбой ҳам қайтди мозийдан...

– Қачон қайтдингизлар?

Дедики, бугун.

Нечун қайтганини аммо айтмади.

– Унсин-чи? Гулнор-чи?.. Хўрсинди узун,

Деди: ҳамма қайтди, Ойбек қайтмади...

\* \* \*

Ким шоҳлик, кимлардир гадолик қилар,  
Ўртади ўртача қуллар беҳисоб.  
Нафс деган ҳар куни расволик қилар,  
Ҳай-ҳайлаб ҳар куни қичқирар инсоф:

Ҳадеб разолатдан бераверма дарс,  
Ҳадеб адолатни қилаверма хор.  
Бу юртда билимдон фақат сен эмас,  
Бу юртнинг донишманд фарзандлари бор...

\* \* \*

Неча бир тўнинг бор, кўрдим барчасин,  
Чопоним битта деб турмайсан қараб.  
Бирини шарт ечиб ташлаб, бошқасин  
Кийиб олиш сенга бир лаҳзалик гап.

Мен эсам қишми-ёз, иссиқми-совуқ,  
Эгнимда шу эски, жулдур чопоним.  
Уни ечар бўлсам, бошқа тўним йўқ,  
Қаҳратонда қолиб, қақшайди жоним...

\* \* \*

Дерлар: тасодиф бор, қонуният бор.  
Улар бир-бирига туташдир маҳкам –  
Қонуниятсизмас тасодиф зинҳор,  
Тасодифсиз эмас қонуният ҳам.

Кўкда қонуният яшайди, йўқса,  
Ерда бўлмас эди ному нишони.  
Тепада тасодиф ҳукмрон эса,  
Тасодифлар босиб кетар дунёни...

\* \* \*

Ҳовлим бор, боғчали, анор, анжирли,  
Саҳнида кезаман гоҳо тавбалаб.  
Кундузи эшиги турар занжирли,  
Оқшомлар қўяман яна тамбалаб.

Лекин бир эшик бор, уни айтайин,  
Уни тамбалашга етмас бардошим.  
Кўз солиб, дунёга боққанам сайин,  
Тавба эшигига эгилар бошим...

• • •

Тангри одамзодни сийлади беҳад,  
Қалбига қўр берди, кўзларига нур.  
Неъматлар ичида энг буюк неъмат,  
Бахш этди башарга ақлу тафаккур.

Деди: йўлларида машъала бўлсин,  
Бахтинг кулар бўлса, ақлингдан кулар.  
Ақлинг йўлини тўсганлар билсин,  
Худонинг йўлини тўсгайдир улар...

• • •

Тафаккур Зуҳални қучди алқисса,  
Энг олис юлдузга етди бир учи.  
Аmmo қай гўшада ҳамон бир кимса  
Инсонлар фикрига солади қайчи.

Тафаккур, сен унга дашномингни айт,  
Айтгил, не эмишдир илоҳий ҳукм.  
Тафаккурсиз башар бўлурму ҳеч пайт?  
Тафаккурсиз миллат ўлимга маҳкум...

• • •

Бу дунё ўғрига – ўғрихонадир,  
Фосиқларга – нуқул фоҳишахона.  
Гўдакларга – сўнгсиз бир афсонадир,  
Ошиқлар хайлига – байту тарона.

Аммо аслида-чи, нечук дунё бу,  
Бориб, қайга етар унинг давоми?  
Етук инсонларга ибодатгоҳ бу,  
Самовий гумбазли масжиди жомий...

• • •

Сирдарё бўйига амир Музаффар  
Судраб келди бирмас, етмиш замбарак.  
Ўқлар Бухорода қолмишди тугал,  
Чораси қолмади қочишдан бўлак...

Дўстим, ўқларингни тургил текшириб,  
Майлига, жабҳалар очгил-очмагил,  
Бир куни отингни яланғоч миниб,  
Амир Музаффарга ўхшаб қочмагил...

\* \* \*

Ўзбек атлас тўқир кўкдан олиб ранг,  
Жухуд атлас дейди асл зотини.  
Ўзбек куй яратар, самовий оҳанг,  
«Мўғулчайи дугоҳ» қўяр отини...

Халқим, саховатинг бир олам-жаҳон,  
Лекин ўз-ўзидан савол келгуси:  
Ўзбекча, деб атлас тўқийсан қачон?  
Ўзбекчайи дугоҳ қачон бўлгуси?

\* \* \*

Искандар олдида эркатой эдинг,  
Доро даврида ҳам ўзинг арзанда.  
Амир Темурнинг ҳам нонини эдинг,  
Омадинг бир келса, келар экан-да...

Нима у, замонлар эврилса ҳамки  
Нону насибангни айлаган улуғ?  
Аввалги подшолар золим эди, деб  
Янги ҳукмдорга этасан қуллуқ.

\* \* \*

Дунё деганлари, эй ғофил банда,  
Ювош бир ит деса, ишонма зинҳор,  
Аввал товонингни ялаб газанда,  
Кейин оёғингдан олмоғи ҳам бор.

Ким ҳам бас келарди ўша золимга,  
У инсон зотини абгор этади.  
Шундоқ экан, кулма менинг ҳолимга,  
Сенга ҳам бир куни навбат этади...

\* \* \*

Иккимизга қолди яна шу дунё,  
Иккимизга қолди чораю тадбир.  
Борми сендек яна дарди бедаво?  
Борми мендек яна ожиз, бетадбир?

Ҳақнинг эшигини этайлик тавоф,  
Йўқса, бу тириклик – зиндон, асорат.  
Сенга берсин, дейман, ақл ва инсоф,  
Менга берсин, дейман, жиндек жасорат...

• • •

Бизда тарозидан урса устомон,  
Эплабсан, қандингни ур, деганлар кўп.  
Биров бир мансабга илашса, ҳамон  
Давринг келди, бегим, сур, деганлар кўп.

Ҳақиқат ярқираб турса-да кундек,  
Ҳақиқат кўйида юргувчилар оз.  
Тусланиб турамиз буқаламундек,  
Аҳдида устувор тургувчилар оз...

• • •

Бир юртнинг подшоси оқилу доно,  
Измида миршаблар, фармон ва ҳукм.  
Ўзини қуёш деб атайди, аммо  
Халқи тупроқ ялаб яшашга маҳкум.

Лаблари гезариб ташлайди қадам,  
Ишга эртан кетиб, кечин қайтади.  
Ҳатто ҳолдан тойиб, йиқилганда ҳам  
Қизил қуёшим, деб қўшиқ айтади...

\* \* \*

Ҳар йили муқаддас Маккага бориб,  
Шайтонга тош отар бизнинг ҳожилар.  
Гоҳида оёқлар остида қолиб,  
Жонидан айрилиб, тани янчилар...

Эй мўмин, ёғочга тошлар отасан,  
Не учун шайтон деб атайсан уни?  
Чинакам шайтонлар истехзо билан  
Ортингдан кузатиб турибди сени...

\* \* \*

Кўк саҳнида ёнган митти юлдузга  
Етиш-чун эҳтимол минг йиллар керак.  
Ялт этса, шуъласи тушади кўзга,  
Бир зумда юлдузга уланар юрак...

Олам мўъжизага макондир, эй дўст,  
Мўъжиза бормикин оламда сўздек?  
Баъзида бир зумда айтилган бир сўз  
Минг йилларга етар митти юлдуздек...

\* \* \*

Ватан озод бўлди, Ватан – мустақил,  
Йўқ энди юракка чўкиб ётган тош.  
Ташвиш, қийинчилик... Лекин бари бир,  
Бир кун булут бўлса, бир куни қуёш...

Ватан озод бўлди, Ватан – мустақил,  
Энди пинҳон-пинҳон тўкмайман кўз ёш.  
Гоҳида бир алам... Лекин бари бир  
Бир кун булут бўлса, бир куни қуёш...

\* \* \*

Дарвеш Ҳақдин ҳар кун улуш сўрайди,  
Белбоғини ёйиб, чекиб интизор.  
Ҳассага суяниб, йўлга қарайди,  
Бугун не бергай деб Ҳақ – парвардигор...

Мен – ўша дарвешнинг набирасиман,  
Қуп-қуруқ супрадир гоҳо дафтарим.  
Қаламим қўлимда, йўлга қарайман,  
Бугун не бергай деб Оллоҳи карим...

\* \* \*

Дунёни пўртана, демишди Қобус,  
Висол кутганларга фиरोқ беради.  
Кечаги подшолар бугун бир маҳбус,  
Маҳкамага бориб, сўроқ беради.

Эҳтиёт бўл дунё деган денгиздан,  
Бебош тўлқинларга имтиҳон бўлма.  
Битта ўпич олиб Моника қиздан,  
Балога қолгувчи Клинтон бўлма...

\* \* \*

Бултур бир ой кезиб Американи,  
Кўрдимки, кино кўп, китоблар қалаш.  
Ажабо, ким кўрар шунча кинони?  
Китоб дўконида китоб ҳам талаш...

Бунга изоҳ берди бир кун бир доно,  
Деди, билганини ҳар ким тўқийди.  
Камбағалга эрмак – ур-йиқит кино,  
Бойга ақл керак, китоб ўқийди...

\* \* \*

От турибди, от устида чавандоз,  
Лекин от ёнида жанжал беаёв.  
«От меники!» – дейди битгаси рўй-рост,  
«От меники!» – дейди бошқа бир яёв...

Улар қичқиритар етганча кучи,  
От сеники эмас, от меники деб.  
Чавандоз бедовга босади қамчи,  
От деган жонивор минганники, деб...

\* \* \*

Еру кўкка солиб совуқ бир ларза,  
Гулдирак келади кўрқинч гулдираб.  
Катта йўл бўйида увоқ бир майса  
Дам менга, дам кўкка боқар мўлтираб...

Кўрқма, жоним, яйраб олабер нафас,  
Кўрқма осмондаги гулдираклардан.  
Фақат қисмат ўзи омон берса, бас,  
Ердаги беомон гилдираклардан...

• • •

Аскар уйқусида ҳамон инграйди,  
Кечалар бағрига босиб ёстиқни.  
Баъзида чироққа солиб қарайди  
Бир замон кўксига қадалган ўқни...

Отган ўқинг – менга абадий ёдгор,  
Токчага қўйибман, қутига солиб.  
Гоҳида юрагим санчганда такрор,  
Салмоқлаб кўраман қўлимга олиб...

• • •

Итлар уришишни истамас, фақат  
Бир-бирин ҳидлашар, бир-бирин ялар.  
Одамлар қўйишмас, шунда ириллаб,  
Бир-бирга ташланар, бир-бирин талар...

Нега аямайди одамни одам,  
Уриб, синдиради дил шишасини?  
Баъзи бировларга бермабсан, Эгам,  
Ҳаттоки итларнинг андишасини...

\* \* \*

Чархпалак шўрлик кун-тун демасдан,  
Айланиб туради мудом, муттасил.  
Ҳар сафар эгилиб, катта ариқдан  
Бир ҳовуч сув олса, муроди ҳосил.

Мен ҳам сенга ўхшаш бандаман, фақир,  
Бисотим – эски шим, янги жужунча.  
Чархпалак эмас, одамсан ахир,  
Эгилиб-букилиб айланма мунча...

\* \* \*

Мавлоно Румийнинг дил сўзларидан  
Ажаб сархуш бўлиб кечди кунларим.  
«Маснавий»нинг ҳикмат юлдузларидан  
Ёришди, чароғон бўлди тунларим...

Ажаб денгиз кўрдим, гавҳарлари мўл,  
Лекин туб-тубида олмос тушунча:  
«Ҳар қанча бор эсанг, шунча монанд бўл,  
Қанча монанд эсанг, бор бўл ўшанча...»

\* \* \*

Коинотда, дерлар, жимжитлик ҳоким,  
Қоронғилик баҳри жимдир беадо.  
Чексиз қоронғилик ичра, ўйлаким,  
Тиқ этган товуш йўқ, на сас, на садо.

Қилармиз барчамиз бир кун томоша,  
Қабр – коинотнинг даричасидир.  
Балки қабрдаги жимлик ҳам ўша –  
Кўкдаги сукутнинг бир парчасидир...

\* \* \*

Кун ора Чотқолга етиш қасдида  
Булутлар ўтади... Сел қуяр шаррос.  
Эртаси кун тагин Дўрмон устидан  
Булутлар қайтади... Яна гулдурос.

Бир учи Тошкентда, тоғда бир учи,  
Кам эмас, кўп эмас – карвон йўли бу.  
Боғларни тоғларга туташтиргувчи  
Кумуш карвонларнинг осмон йўли бу...

\* \* \*

Тонг шафағи айлар хаёлимни маст,  
Келинчак юзидек шаффоф ва гулгун.  
Бир нафас яшайди, фақат бир нафас,  
Кейин кун келади, жазирама кун.

Шом шафағи айлар хаёлимни маст,  
Она нигоҳидек мунис ва майин.  
Бир нафас яшайди, фақат бир нафас,  
Кейин хуфтон келар, тун келар кейин.

\* \* \*

Кўйингда неча бор айланди бошим,  
Ёмғир кечиб юрдим, кийимларим ҳўл.  
Айтиб бермадими сенга сирдошим,  
Остонангта бориб туташгувчи йўл?..

Унсиз фарёд чекдим, кўрсат деб висол,  
Еру кўкни тутди исминг, овозанг.  
Неча бор суяндим ҳорғин, бемажол,  
Айтиб бермадими сенга дарвозанг?..

\* \* \*

Дунёлар ичида дунёлар бисёр,  
Фикр дунёси бор, туйғу дунёси.  
Лекин ҳаммасидан ажиб, бетакрор  
Уйқу дунёсидир, уйқу дунёси...

Уйқуда қаҳ-қаҳлаб куламиз гоҳо,  
Гоҳида йиғлаймиз... Ёстиғимиз ҳўл.  
Уйқу дунёси бу – ғалати дунё,  
Ўлим дунёсига етакловчи йўл...

\* \* \*

Саҳар уйғонасан, келмайди уйқунг,  
Дейсан, дуоларим бўлсин ижобат.  
Ҳовлида чироқни ўчирасан сўнг,  
Тонг ёришиб қолган, чироқ не ҳожат...

Охират етганда тугайди дунё,  
Худди кеча тугаб, тонг отгансимон,  
Охират тонгига етишган асно  
Умр чироғини ўчирар инсон...

\* \* \*

Қорин қўйиш эмас эркакнинг иши,  
Бу гап – Пайғамбарнинг маломатидир.  
Эркакларнинг қорин қўйиб юриши –  
Охир замоннинг бир аломатидир.

Қорин осилтириб юрма, биродар,  
Бу ишни ўзингга сира кўрма эп.  
Токи кўча-кўйда кўрсатмасинлар  
Сени, қиёматнинг даракчиси, деб...

\* \* \*

Олашақшақ шақиллади ногаҳон,  
Атрофда бир жон йўқ... Жинними бу қуш?  
Яна шақиллайди, боқаман ҳайрон,  
На бир ит, на мушук, балки каламуш...

Йўқ, каламуш эмас, кўча тарафдан  
Биров чиқиб келди гандираклар – маст.  
Қушим, шақиллашга юз бор ҳақлисан,  
Шумқадам келди, деб айтабер рўй-рост...

\* \* \*

Кўзингни каттароқ очгил, оғайни,  
Кўргайсан дунёнинг сариштасини.  
Фаришта одамлар ерда яшайди,  
Кўп кўрдим одамнинг фариштасини.

Кўзингни каттароқ очгил, оғайни,  
Кўргайсан, қаршингда не турфа олам.  
Одамнинг иблиси ерда яшайди,  
Мен кўрдим иблисдек одамларни ҳам...

\* \* \*

Бола эдим, ҳаяжондан энтикиб,  
Чақмоқ чақиб, осмон гумбурлаган дам –  
Далага чопардим, кўкка кўз тикиб,  
Ортимдан ҳай-ҳайлаб қоларди онам...

Ҳозир ҳам осмоннинг гулдуросини  
Тингларкан, далага талпинар кучим.  
Онамнинг «болам, қайт!» деган сасини  
Ғойибдан бўлса ҳам эшитмоқ учун...

\* \* \*

Бизлар қарам бўлиб, юртимиз қафас,  
Кўзларга қоронғи тортганда олам,  
Фақат ҳозиримиз, эртамиз эмас,  
Занжирга тушганди ўтмишимиз ҳам.

Қаранг, дунё яна аслига қайтиб,  
Боғларда эсаркан эркин саболар,  
Кишандан қутулиб, шукрона айтиб,  
Чиқиб келаётир буюк боболар...

\* \* \*

Жаноби Пайғамбар ҳовуч-ҳовучлаб  
Сочди ҳар сўзида ҳақиқатларни,  
Исмоил Бухорий битта-битталаб  
Терди у гавҳарлар – маърифатларни.

Кейин хуржунини кўтарди-да даст,  
Эрон оша олиб келди Туронга.  
Йиққани Арабу Ажамга эмас,  
Йиққани етарди жумла жаҳонга...

\* \* \*

Аҳмад Ал-Фарғоний – Турон фарзанди  
Ўлчади Нил суви миқёсларини.  
Оврупо кам эмас, минг йил ўрганди  
Унинг Осмон илми асосларини.

Юртига қайтиши бўлди кўп қийин,  
Не-не ўлкаларда қилди иқомат.  
Минг икки юз йиллик ҳижратдан кейин  
Яна Фарғонада кўтарди қомат...

\* \* \*

Бировни тинглаш ҳам – буюк ҳодиса,  
Англай олиш эса – юксак эътибор.  
Кўкда икки юлдуз сирлашиб қолса,  
Бунга англайдиган инсонлар ҳам бор...

Биз эса икки дўст, номимиз улуғ,  
Бир-бирни англамай ўтамиз, ҳайҳот.  
Мени тингламоққа сенда сабр йўқ,  
Сени англамоққа менда йўқ сабот...

\* \* \*

Сен ҳам кўрасанми мени тушингда  
Фаришталар кўкда тузганда базм?  
Туташиб кетарми, жоним, ўшанда  
Ширин нафасингга менинг нафасим?

Кўкда фаришталар кузатар мени,  
Мен эса айрилиб ақлу ҳушимдан,  
Кўрқаман ҳар сафар ўпганда сени,  
Айрилиб қолмай деб кўрган тушимдан...

\* \* \*

Балли, зўрнинг иши дунёда зўрлик,  
Шамолдай учасан чақмоқдек отда.  
Менинг отим эса чанг ютиб шўрлик,  
Оқсоқланиб чопар ҳаммадан ортда.

Қайга ҳам борардинг отингни суриб,  
Ҳақ ва ҳақсизликнинг буюк жангида?  
Бир кун ийғлама лекин оҳ уриб,  
Қолиб кетсанг чўлоқ отнинг чангида...

\* \* \*

Итлар вовуллайди, кўзилар ўтлар,  
Гулханлар гуриллаб ёнар гоҳида.  
Ўтовлар тикилган, кишнайди отлар,  
Бугун ёзувчилар қароргоҳида.

Кўз тикиб, кўрмоққа бўлма орзуманд,  
Дўрмон боғи кўчиб, бир ёққа кетмиш.  
Қаршилик шоирнинг ҳиммати билан  
Қарши чўли келиб, қўналға этмиш...

\* \* \*

Одамзод ҳамиша ўгитга муҳтож,  
Насиҳатлар қилиб донишманд бир эр,  
Замон боқмас эса, сен замонга боқ,  
Эшагини мақтаб, отини мин, дер...

Балли, дейман унга, шундай дер авом,  
Лекин бир ҳақиқат борки, тўғридир:  
Ҳаромни мақтаган воиз ҳам ҳаром,  
Ўғрини мақтаган шоир ўғридир...

\* \* \*

Бухоронинг тўйи бўлди... Ҳашарга  
Келган-келмаганнинг эсланди номи.  
Лекин эсламадик қадим шаҳарга  
Биринчи тош қўйган Эларслонни...

Бухоронинг тўйи бўлди... Эл билган  
Неча бир зотларни айтдик, толмадик.  
Лекин душманларга қарши жанг қилган  
Туркон хотинни бир эсга олмадик...

\* \* \*

Яралди-ю ерга эгилиб боши  
Тангрини қутлади Ҳазрати Одам.  
Саломдан бошланди Одамнинг иши,  
Саломдан бошланди одамлиги ҳам...

Баъзи бир ёш-яланг, ҳаттоки қўшни  
Безрайиб ўтади сизни кўрганда.  
Салом берганда-чи, мол бўлмас эди,  
Одам бўларди у, салом берганда...

\* \* \*

Ғалати ошнам бор, ювошдир жуда,  
Нуқул «дўстим» дейди, тиллари чучук.  
Ўзини кўзичоқ санар, аслида  
Қабристондан суяк судраган кучук...

Неча бор тишлади, оёқдан олди,  
Неча бор панд едим мен бу кучукдан.  
Хотирамда битмас жароҳат қолди,  
Шунинг-чун кўрқаман тили чучукдан.

\* \* \*

Бир авлиё ўтган экан қадимда,  
Ҳақ зикридан мудом кўнглида сурур.  
Ичида бир ўт бор эканки, тунда  
Гапирса, оғзидан чиқар экан нур...

Сен ҳам авлиёга ўхшайсан, ошнам,  
Билмадим, ичингда нечук бир ўтин?  
Куну тун гапирсанг, гапирмасанг ҳам,  
Оғзингдан бурқираб чиқади тутун...

\* \* \*

Донолар бор эмиш, бир дуо ўқиб,  
Қодирмиш ҳаттоки истаса шу дам  
Оқайтган сувни таққа тўхтатиб,  
Ортига қайириб оқизмоққа ҳам...

Мен ҳам дуоларни биламан алҳол,  
Ҳар гал дуо ўқиб, этаман ҳужум.  
Лекин бир чакакни ақалли бир бор  
Гапдан тўхтатишга етмайди кучим...

\* \* \*

Ҳомиджон Жалолов – санъатимизнинг  
Заҳматкаши эди, ажиб найнавоз,  
Ота Жалол деган буюк ҳофизнинг  
Ўғли эди, нафис санъатда мумтоз.

Аламдан фалакнинг кўнгли бузилди,  
Ҳажрида юраклар қолди зор қақшаб.  
Саҳнада най чалиб, жони узилди,  
Майдонда жон берган жангчига ўхшаб...

\* \* \*

Қўшним Мирза ака ерда ишлайди,  
Саҳардан то оқшом қаддини эгиб.  
Далада ёзлайди, балки қишлайди,  
Ҳар куни манглайи тупроққа тегиб.

Сен ҳам деҳқондирсен сўз даласида,  
Гоҳо бир нималар ёзишга моҳир.  
Лекин шеър дoston ҳафсаласида  
Манглайинг тупроққа тегдими, шоир?..

\* \* \*

Вафо ойинида кўрдим жафони,  
Кунларим гоҳида ўкситиб ўтди.  
Қисмат кам кўрмади менга вафони,  
Ҳар нокас бир туртиб, камситиб ўтди.

Пишдим, кўравериб турфа ишларни,  
Ўзни юпантирдим, дилни хушладим.  
Лекин инсондаги товланишларни  
Кўрганда ҳар сафар ёқа ушладим...

\* \* \*

Ажаб махлуқотлар авлоди Одам,  
Ўзидан ҳеч қачон кўнгли тўлмайди.  
Ўзи-ку майли-я, бошқалардан ҳам  
Рози бўлган эмас, рози бўлмайди...

Балки юзга кирар, юздан ошар у,  
Яна яшай, дейди, нафси ўлмайди.  
Азалдан инсоннинг табиати шу,  
Рози бўлган эмас, рози бўлмайди...

\* \* \*

Кўрганда эгилиб, салом берардинг,  
Ва дердинг: жонажон оғамсиз, акам.  
Ҳар сафар эринмай суриштирардинг  
Ҳаттоки итимнинг соғлиғини ҳам...

Ажаб, сўрашишга ҳушинг йўқ бугун,  
«Тузук, тузук» дейсан, сўрасам аҳвол.  
Кечаги қуллуғу саломларинг-чун  
Қасос олмоқдасан, майли, ола қол...

\* \* \*

Бир қоя устида ёвуз бир бўри  
Уввос солиб, қилар юракларни ғаш.  
Мана менман, дейди дунёнинг зўри,  
Важоҳати кўрқинч, кўзи қонталаш...

Эртаси кун пастга тушди, ажабо,  
Ювош тортиб қолган, кўзлари мунчоқ.  
Бириси кун боқсам, бўримас асло,  
Мўлтираб боқувчи маъсум кўзичоқ...

\* \* \*

Баъзида билмаймиз: ким ҳақ, ким ноҳақ,  
Фақат Оллоҳгадир биринчи салом.  
Оламда Оллоҳдир воҳиди мутлақ,  
Қолган ҳамма нарса – нисбий бир калом.

Дунёнинг ишига қайғурма мунча,  
Эсим кирмади, деб ўртанма, болам.  
Сенинг нодонлигинг — нисбий тушунча.  
Менинг бул оқилу донолигим ҳам...

• • •

Фалсафа илмида бу бир шиорким,  
Сабаб туғилади сабабиятдан.  
Оламда неча бир фалокат борким,  
Барчаси асабдан, асабиятдан.

Оллоҳ, дегил ҳар кун уйғониб барвақт,  
Руҳга руҳдан баланд ҳоқимлик даркор.  
Теран, улуғвор руҳ соқиндир ҳар вақт,  
Кўзга ҳам, сўзга ҳам соқинлик даркор...


• • •

Менга Осмон шоҳид, Замин ҳам шоҳид,  
Уларсиз қайга ҳам қўярдим қадам...  
Оллоҳ ягонадир, муҳаббат воҳид,  
Сен ҳам ягонасен менга, Воҳидам!

Биздан мерос бўлиб шу ёниқ туйғу,  
Балки ишқимиздан афсона юрар.  
Воҳидабегимнинг пойида мангу  
Жамол Камол энди бош эгиб турар...


**1996–2006 йиллар**





### III

Шоиро, шукр айла, кўксингда  
Куйик кўнгил деган  
Ишқ уйи, иймон саройи,  
Тангри истеҳкоми бор...



## ҲУМО

Ўзбекистон, ҳар куни  
бошингдан айлансин Ҳумо,  
Ой бўлиб, осмонларингда  
ҳар кеча тўлсин Ҳумо.

Толеингда тоабад  
тун бўлмасин, бўлсин қуёш,  
Манглайингда шуъла бўлсин,  
тоабад бўлсин Ҳумо.

Сен мудом бор бўл жаҳонда,  
сен билан бўлсин жаҳон,  
Бўлмасанг бир зум жаҳонда,  
бўлмасин, ўлсин Ҳумо...

Сен зафар қучгил ҳамиша,  
сен музаффар бўл мудом,  
Нурга йўғрилган даминг  
нурларга йўғрилсин Ҳумо.

Йиғласанг, ҳолингда куйсин,  
яшнабон кулсанг магар.  
Гул очиб, гулгун табассумлар  
сочиб, кулсин Ҳумо.

Ҳар чаманга соқчи бўлсин,  
ҳар чечакка соябон,  
Сўлса бир япроқ баногоҳ,  
сарғайиб, сўлсин Ҳумо.

Бўлмаса оламда бахтинг,  
                    бўлмасин оламда бахт,  
Ўтда ёнсин, кул бўлиб,  
                    кўкларга соврилсин Ҳумо.

Кун ўтаркан, яшна, юртим,  
                    тун ўтаркан, яшнагил,  
Ой бўлиб, офтоб бўлиб,  
                    бошингдан ўргилсин Ҳумо...



## МЕНГА ШЕЪРНИ

Менга шеърни ҳар саҳар  
ул қодирул Аллоҳ берар,  
Менки Тоҳирмен, сабуҳий  
бўсани Зухро берар.

Қолмагайсан, эй кўнгил,  
дунёда дунёсиз бўлиб,  
Ул Жаноби Ҳақ ўзи  
ҳар кимга бир дунё берар...

Кимга Мусҳафдек буюк  
давлатни айлар ул насиб,  
Кимга деб Байтулмуқаддас,  
кимга Байтуллоҳ берар.

Қайси бир қутлуғ қаламга  
мулк этар Туронни ул,  
Қайси бир қутлуғ қаламга  
«Ҳамса»дек иншо берар...

Саждага бош кўйганинда,  
Эй Худойим, бер, дегил,  
Демагил ҳаргиз: Худойим  
ёки бермас, ё берар...

Мен сенга сирримни айтай,  
дилга завқу нашъани  
Гулшан эрмас, гулшан ичра  
бир гули раъно берар...

Шоиро, кўргил жаҳонда  
не эмиш Ҳақ ҳиммати,  
Бизга деб ҳар кун жаҳоннинг  
ҳуснига оро берар.

Биз, ғарибларни мудом  
ёндиргали, куйдиргали,  
Лаб эмас, жононаларга  
ғунчайи ҳумро берар.

Эй Жамол, мардона ўтгайсен  
умр саҳросини,  
Сен каби лабташналарга  
бир куни дарё берар...



## БОШИМДА МОВИЙ ОСМОНИМ...

Бошимда мовий осмоним  
ки, юлдуз бирла ойим бор,  
Саҳарларда намозим,  
илтижо бирлан дуойим бор.

Кўзимга соя солма,  
эгма бошимни, паришонлик,  
Умидим бор жаҳондин ҳам  
кўнгилда муддаойим бор...

Бу дунёни башар аҳлига бир  
карвонсарой, дерлар,  
Биҳамдуллоҳ, менинг ҳам  
бир уйим, карвонсаройим бор.

Муҳаббат кўйида мен ҳам ўртаниб,  
андоқ адо бўлдим,  
Мени куйдиргувчи бир дилбарим,  
нозик адойим бор.

Кечар йулларда карвоним,  
келар дардимга дармоним,  
Ки тулпор бўлгудек бир неча  
тойим, эркатоим бор.

Ғазал завқига мен ҳам  
ошинодирманки, руҳимда  
Кумуш торлар жаранглаб,  
шуъладек учган садойим бор...

Худоё, мағфират айла,  
ўзинга тавбалар этсам,  
Гуноҳкор бандадирман,  
неча бир саҳву хатойим бор.

Жамол, борингни айтдинг,  
энди айттил Биру борингни,  
Хўжам, Парвардигорим,  
Холиқим, Раббим, Худойим бор...



## КЎЗЛАРИНГГА ТЎЛМАСИН ЁШ...

Кўзларингга тўлмасин ёш,  
кипригинг нам бўлмасин,  
Гул юзинг сарғаймасин,  
барг узра шабнам бўлмасин.

Мен жаҳон кездим вале  
чекдим жаҳон озорини,  
Менга ҳамдам бўлди андуҳ,  
сенга ҳамдам бўлмасин.

Кирмасин остона ҳатлаб,  
ошиёнингга алам,  
Хонадонингда севинч бўлсин,  
сира ғам бўлмасин.

Давлатинг бўлсин зиёда,  
бахту иқболинг баланд,  
Толеингда офтоб бўлсин,  
сўник шам бўлмасин.

Қай киши сенга ҳасад этса,  
иши бўлсин касод,  
Бир умр ташвишга ботсин,  
хотири жам бўлмасин.

Ҳар кунинг бир байрам ўлсин,  
ҳар тунинг ҳуррам вале,  
Сенга байрам бўлмаган кун  
менга байрам бўлмасин.

Эй Жамол, дунёда ошиқ –  
расмидир меҳру вафо,  
Қайси ошиқ ёрига  
жавр этса, одам бўлмасин...

## БИР ЖАҲОН КҮРДИМ, АЖАБ...

Бир жаҳон кўрдим, ажаб,  
инсон билан инсон талаш,  
Жумла инсонларга, ё Раб,  
ер талаш, осмон талаш...

Кўкдаги бургутга боқма,  
боқ оёғинг остига,  
Нотавон уч-тўрт чумолига  
яримта дон талаш.

Бир жаҳон кўрдимки, яккаш  
ё ғулув, ё ғулғула,  
Не талаш аҳли жаҳонга,  
мансабу майдон талаш...

Гар бугундан чарчасанг,  
ҳозирни қўй, мозийга боқ,  
Бетиним жангу жадал,  
Эрон талаш, Турон талаш.

Ҳар балони англаюрман,  
лек билолмай доғман,  
Не учун мўмин-муслмонлар аро  
иймон талаш?

Эй Худойим, сен яратган  
шу жаҳонни сайр этиб,  
Кўрганимни сўйласам мен:  
рост талаш, ёлғон талаш.



## ВАСЛИГА ЕТГАН КҮНГИЛНИНГ...

(Мувашшаҳ)

Васлига етган кўнгилнинг  
ишқи бор, армони йўқ,  
Васлига етмас эса ул,  
дарди бор, дармони йўқ.

Оҳ уриб васлингга етдим  
бир куни, эй соҳира,  
Орзуга етган кўнгил  
шукронасин поёни йўқ.

Ҳар қачон боқсам юзингга,  
юзланур ҳайрат менга,  
Ҳусн элининг сен каби  
бир хуршиди тобони йўқ.

Ишқ аро кечган куним  
бошимда ҳар дам осмон,  
Ишқдан айру кунларимнинг  
ери бор, осмони йўқ.

Дур бўлиб кирдинг садафга,  
биргадирмиз бир умр,  
Даҳр аро бундоқ умрнинг  
васли бор, ҳижрони йўқ.

Айласам арзи муҳаббат,  
неча минг дoston керак.  
Ай Жамол, ишқ дафтарин  
шарҳ айламоқ имкони йўқ...

## БУНИ, ЖОНИМ, ҲАЁТ ДЕРЛАР...

Буни, жоним, жаҳон дерлар,  
жаҳоний бир ҳаёт, дерлар,  
Туганмас мўъжиза, балким,  
туганмас мўъжизот, дерлар.

Ҳаётнинг хислати – энг аввало  
меҳнат – машаққатдир,  
Кейин – меҳру мурувват,  
охири – сабру сабот, дерлар.

Ҳаётнинг лаззатидир –  
ишқ аталмиш мўъжизи даврон,  
Кейин – сидқу садоқат,  
охири – байту баёт, дерлар.

Ҳаётнинг зийнатидир –  
маҳраминг, ул севгили ёринг,  
Кейин – фарзандларинг,  
куч-қувватинг, қўлу қанот, дерлар.

Ҳаётнинг қийматидир –  
сен ҳаётдан излаган маъно,  
Ки тақдири азалдин  
сенга бўлган илтифот, дерлар.

Ҳаётнинг ҳикматидир –  
илму фан, соғлик-саломатлик,  
Ҳалол, мардона турмуш,  
яхши обрў, яхши от, дерлар.

Ҳаётнинг суврати бир бошқа эрмиш,  
сийрати бошқа,  
Заҳар-заққум тутиб илкинга гоҳ,  
қанду набот, дерлар...

Жамол, жиндек ҳаёт дарсин ўқиб,  
бир дона шеър битдинг,  
Бу мавзу аслида андоқки,  
чексиз коинот, дерлар...

## НЕЧА ДЎСТ КЎРДИМ ЖАҲОНДА...

Неча дўст кўрдим жаҳонда,  
жисм аро жонимга дўст,  
Неча дўст кўрдим яна,  
ошимгаю нонимга дўст.

Во дариғо, бир умрлик  
орзую армон менга,  
Орзуйимдек дўст тополсам,  
топсам армонимга дўст.

Дўстга мен жонимни бердим.  
меҳрини офтоб дедим,  
Боқмади лекин қорайган –  
чоғи осмонимга дўст...

Неча бир душманни кўрдим,  
худди дўстдек меҳрибон,  
Неча бор дўстлар топилди,  
бўлди душмонимга дўст.

Дўст эсанг, кел, ҳар нечук  
онимда сен ёнимда бўл,  
Бўлмагил ёлғиз қуёшли  
давру давронимга дўст.

Дўсти содиқ истаюрман,  
кўлла, Оллоҳим, мени,  
Ё ҳабибим, бўл менинг  
покиза иймонимга дўст.

Соябон бўлсин азиз  
бошига мовий осмон,  
Гар қадам қўйса қуёшдек  
Ўзбекистонимга дўст...

## БУ ЖАҲОНДА НАҚДИ УМРИНГ...

Бу жаҳонда нақди умринг  
неча бир фурсат ила,  
Бўлма ғофил, неча фурсат  
ўтмасин ғафлат ила.

Бўлма ғофил, аввало  
Раббингни бил, шукрона қил,  
Йўқса, кетгайсен жаҳондин  
бир куни ҳасрат ила.

Тангри берган умри жонинг  
чин саодатдир сенга,  
Ўтса ул соғлик-саломатлик  
деган давлат ила.

Толеинг улдир жаҳонда,  
жисму жонингга шараф,  
Нон топиб берсанг болангга  
гар ҳалол меҳнат ила.

Ўзлигинг, инсонлигингни  
эсда туттил ҳар замон,  
Илм ўқи, ақлингни пешла,  
ишла чин ғайрат ила.

Камтарин қул бўл, вале  
сабру қаноат шоҳи бўл,  
Сийму зар олма, биров  
берса агар миннат ила.

Яхшидир дунё кезиб,  
санъатга бўлсанг ошно,  
Боқ, Эгам дунёни қурмиш  
не буюк санъат ила.

Қамчи бос отинга, ағрайма,  
шитоб этгил, шошил,  
Ел эмас, ўтгувчи умрингдир,  
ўтар шиддат ила.

Шоиро, келдинг жаҳонга,  
дилда юз ҳайрат эди,  
Қайтасан бир кун, кўнгилда  
бир жаҳон ҳайрат ила...



## КҮНГИЛ ПОК БҮЛМАСА...

Кўнгил пок бўлмаса, кўнгилда  
покиза ният қайда?  
Худойимга сифинмай,  
одамийга тарбият қайда?

Башарсан, насли инсонсан,  
Худодан кўрқ, Худодан кўрқ,  
Худодан кўрқмасанг, инсофу  
андиша, уят қайда?..

Жаҳонга ҳур келибсан,  
даҳр аро ҳурлик шиорингдир,  
Худога банда бўлмай,  
сенга, жоним, ҳуррият қайда?

Нажот гар истаюрсан,  
айру бўл аҳли риёлардан,  
Риёкорларда нафси –  
аждаҳо бор, орият қайда?

Аё кўнгли синиқ, деб,  
таъна этма, эътибор аҳли,  
Жаҳонки дилшикаста бўлса,  
менга офият қайда?

Маломатпеша бўлма,  
лоф уриб адлу адолатдин,  
Маломатпешаларга  
бу жаҳонда оқибат қайда?

Шукур, Парвардигорим,  
кўнглим ичра Биру Борим бор,  
Кўнгилда Биру Бори  
бўлмаганга охират қайда?

Жамол, остонага бошингни  
кўйдинг, энди маҳкам тур,  
Умид дарбозасини очмасанг,  
умри абад қайда?..



## СЎРМА МЕНДАН СЕН ҲАҚИҚАТНИ...

Сўрма мендан сен ҳақиқатни,  
жаҳоннинг жонидир,  
Жумла инсонга Яратганнинг  
буюк эҳсонидир.

Сўрма мендан сен ҳақиқатни,  
ҳақиқат қайда деб.  
У сенинг қалбингдадирким,  
у – башар иймонидир...

Бир малакдирким, яшар  
меҳру мурувват боғида,  
Этиқод посбон анга,  
инсоф – унинг кўрғонидир.

Бир қуёшдирким, чарақлар  
олам узра меҳрибон,  
Пойида ердир муаллақ,  
бошида осмонидир.

Бир дарахтдирким, жаҳон аҳли  
унинг парвонаси,  
Олиму одил ҳукмдорлар  
унинг боғбонидир.

Бир гўзалдирким, ҳамиша  
мубталодир аҳли шеър,  
Ҳар асл инсон унинг  
бир ошиғи ҳайронидир.

Сўрма мендан сен ҳақиқатни,  
ҳақиқат қайда деб,  
Ҳар кўнгилнинг мулкидир ул,  
ё тилак, армонидир...

Гар ҳалоллик бўлса йўлдош,  
қўлласа мардоналик,  
От унинг, байроқ унинг,  
даврон унинг давронидир.

Гар эгилса ё эзилса,  
етса ё заҳму завол,  
Бош букук, тиллар тугук,  
диллар – унинг вайронидир.

Гар ҳақиқат элда устун эрса,  
элнинг кўкси тоғ,  
У – ҳаётнинг машъалидир,  
у – юракнинг қонидир...



## СЕНДА БОРДИР, КИМДА БОР?..

Ул қалам қошлар – қаролар  
  сенда бордир, кимда бор?  
Ул қаро кўзлар – балолар  
  сенда бордир, кимда бор?

Қошу кўзлар баҳс этарлар  
  остину устун бўлиб,  
Бу туганмас можаролар  
  сенда бордир, кимда бор?

Сен кулар бўлсанг, гулим,  
  гулшанда лолдир булбулим,  
Хандалар, нозу адолар  
  сенда бордир, кимда бор?

Майлига ўтсам жаҳондан  
  юзларингга термулиб,  
Кўзларимга тўтиёлар  
  сенда бордир, кимда бор?

Зарра меҳринг деб жаҳонда  
  ҳар куни жоним ҳалак,  
Гунчалаб – меҳригиёлар  
  сенда бордир, кимда бор?

Гар десанг, ёр, майлига,  
  меҳру вафо айлай сенга,  
Мен дегайман, марҳаболар,  
  сенда бордир, кимда бор?

Гар итоб этсанг ва ё  
ишқимга парво этмасанг,  
Эй санам, жабру жафолар  
сенда бордир, кимда бор?

Сўрмагил ким тушди деб  
шўрлик Жамолнинг қасдига,  
У омонсиз муддаолар  
сенда бордир, кимда бор?





## ОСМОН

Нечун бошинг уза юз ўргилиб,  
айлонадир осмон?

Магар бир шамдирсан,  
пирпираб, парвонадир осмон.

Саҳарлар кўзларинг-ла  
сайр этиб, сайронасен кўкда,  
Сенинг ҳам кўзларингда  
сайр этиб, сайронадир осмон.

Кўриб бошингда зўр ҳайъат,  
дилингни қуршагай ҳайбат,  
Ўзинг ҳам боиси ҳайрат,  
боқиб, ҳайронадир осмон.

Худойимга азизу  
аржумандирсанки, бошингда  
Худойим тиклаган  
ҳеч тенги йўқ кошонадир осмон.

Келар қошингта кундузлар,  
ёнар бошингда юлдузлар,  
Заминдек бешик узра  
алла айтган онадир осмон.

Ажаб офтоб жамол унда,  
қамар унда, ҳилол унда,  
Магар ошиқ эсанг-чи,  
нозанин жононадир осмон...

Бу оламда башарни  
кўнгли вайрон этмагил, ё Раб,  
Агар бир кўнгли вайрон  
чекса оҳ, вайронадир осмон.

Боқарсан кўкка, бир кун ул  
муқаррар ошиёнингдир,  
Ки руҳинг ошиёни –  
тилсиму афсонадир осмон...



## СҮНСА БИР ЮЛДУЗ...

Сўнса бир юлдуз фалакда,  
янги бир юлдуз келур,  
Кечса кундуз, тун ўтиб,  
тун ортидан кундуз келур.

Ўйлама, занжир солурман деб  
ҳаёт дарёсига,  
Тўлқину тошқин бу дарёнинг  
суйи сўнгсиз келур.

Бўлма гофил, энди келмас деб  
ҳақиқат йўлчиси,  
Битта кетса, ўнта келгай,  
ўнта кетса, юз келур.

Бу ниҳоллар қувради буткул,  
кўкармайди, дема,  
Коинотдан қилча нур,  
ер остидан илдиз келур.

Дилни хушлаб, боғлару  
тоғларга келгай хуш ҳаво,  
Балки у дилбар ҳаволар  
сенсизу менсиз келур.

Ҳар йигитнинг толеида  
бор муқаррар бир қувонч,  
Гоҳи келгай жамланиб.  
гоҳ яккаю ёлғиз келур.

Шоиро, кўнглингни чоғла  
гул томошасигаким,  
Ўлкага олам томоша  
этгудек Наврўз келур...

## КИМ БИРОВГА РАҲНАМОДИР...

Ким бировга раҳнамодир,  
ким бировга бош эрур,  
Эрга эр йўлдош ҳамиша,  
шерга шер йўлдош эрур.

Ким азалдин Ҳотами Тойдир,  
сахийлар ҳамнишин,  
Ким азалдин тулки бўлса,  
тулкилар ёндош эрур...

Кам – зиёд этма ёронларни  
баҳода, эй рафиқ,  
Қай бири кўздир ватанга,  
қай бириси қош эрур.

Бу жаҳон мавзун жаҳондирким,  
кераксиз кимса йўқ,  
Ул бири меъмор, муҳандис,  
бул бири наққош эрур.

Тунни тонгта пайрав этди,  
не учун, фикр айлаким,  
Лабда бир дам кулгую  
кўзларда бир дам ёш эрур.

Бўлма мағрур, доимо  
ошим, маошим деб асал,  
Бир куни боқсанг, ўшал  
заррин табоқда тош эрур.

Қайга боргайсан шу дунёда  
Худойимдан қочиб,  
Кимлигинг сўзда ниҳон эрса,  
амалда фош эрур.

Давлатинг не, деб Жамолдин  
сўрсалар эл олдида,  
Давлатим – шукру қаноат,  
ҳиммату бардош эрур...





## МУНОФИҚЛАР

Мунофиқлар жаҳонда  
аҳли иймондин уялмаслар,  
Урарлар лофу ёлғон,  
лофу ёлғондин уялмаслар.

Мунофиқларга гарчи  
ер гувоҳдир, осмон шоҳид,  
Вале ул нобакорлар  
еру осмондин уялмаслар.

Улар томларга чиқса,  
сен уларга шотисан, нарвон,  
Тепарлар сўнгра ул нарвонни,  
нарвондин уялмаслар.

Балои нафс эмишдир  
бошлар узра ҳар нафас ҳоким,  
Балои нафсни деб  
иғвою бўҳтондин уялмаслар.

Азозил соз чаларкан,  
рақс этарлар минг муқом айлаб,  
Азозил қуллари  
Оллоҳи раҳмондин уялмаслар.

Кутарсан, во дариф,  
йиллар оша етгайму деб тавфиқ,  
Етиб етмишга ҳам,  
саксону тўқсондин уялмаслар.

Жамол, ёқангни тут,  
Парвардигорга тавбалар айла,  
Улар ўзбек деб ўзни,  
Ўзбекистондин уялмаслар...

## ДУНЁ ЙЎЛИ

Боқ, бугун қайдин келиб,  
Кетгай қаён дунё йўли,  
Ҳар қадам меҳнат-машаққат,  
Ташвишу ғавго йўли...

Бир тараф сайру саёҳатларга  
Бошлар, бир тараф –  
Токиодан то Париж,  
Лондонгача савдо йўли.

Қитъалардин қитъаларга  
Ўтгай у чирмаш бўлиб,  
Пахтаю буғдой, кумуш, газ,  
Пиллаю тилло йўли.

Йўқ, фақат олтин, кумушмас,  
Бунда инсонлар оқар,  
Минг туман қалбдин тўқилган  
Минг туман маъно йўли.

Кимга бойлик манбаи ул,  
Кимга ҳасрат манзили,  
Ким бировларга фароғат,  
Ишрату ялло йўли.

Майлига, оқсин бу йўлдан  
Илму ирфон, сўзу соз,  
Бўлмасин босқин, тажовуз,  
Фитнаю иғво йўли.

Бунда карвонлар шиори:  
«Олға юргил, олға бос!»  
Ортига қайтмайди дарё,  
Қайтмагай дарё йўли.

Шоиро, дунё йўлин  
Шарҳ айладинг андак, вале,  
Йўл – фақат Оллоҳ йўлидир,  
Йўл – фақат Оллоҳ йўли...

## ҲАҚДИН ЖАВОБИ БОР...

Инсоф ила адолатнинг  
    Ҳақдин жавоби бор,  
Тамкин ила қаноатнинг  
    Ҳақдин жавоби бор.

Саҳарлар самога термил,  
    Бедор бўл, кўнгил,  
Саҳарларда ибодатнинг  
    Ҳақдин жавоби бор.

Жоним, жавобсиз қолмагай  
    Дунёда бир амал,  
Таҳқир ила ҳақоратнинг  
    Ҳақдин жавоби бор.

Инсонлар кўзига боқиб,  
    Ёлғон сўзлама,  
Алдов ила хиёнатнинг  
    Ҳақдин жавоби бор.

Шайтон сиёсати охир  
    Не бўлди, ўйлагил,  
Ифво ила адоватнинг  
    Ҳақдин жавоби бор.

Эл мулкидин илкингни торт,  
    Нафсингни тий, лаин,  
Бу қилмишу қабоҳатнинг  
    Ҳақдин жавоби бор.

Жамол, сенга тошлар отиб,  
    Маломат қилдилар,  
Бу таънаю маломатнинг  
    Ҳақдин жавоби бор...

## КЎЗИМ ҚУВНАР БОҚИБ...

Кўзим қувнар боқиб, кўклардаги  
Зангори кўкликдан,  
Дилим яшнар тўниб, боғлардаги  
Анво яшилликдан.

Кўкартмас, сўлдирар ҳам ўлдирар  
Дунёни бир хиллик,  
Ҳаёт бўстони гулшан  
Ранг-баранглик, хилма-хилликдан.

Берибди кўркини бошимгаю  
Қошимга оқшомлар,  
Кўзим оқу қароси  
Субҳидамларга яқинликдан.

Юрак қонимга ўхшайдир  
Лабо-лаб қуйганинг, соқий,  
Узат менга пиёла –  
Олма япроқ, олча гулликдан.

Аҳилликдан қизил гулдек  
Агарчи чеҳралар хандон,  
Вале кўзлар сўник,  
Юз заъфарондир ноаҳилликдан.

Хазон айёми келди,  
Қуршади руҳимни маҳзунлик,  
Кўнгилга нашъа бер,  
Қутқар мени, даврон, ҳазинликдан.

Кўнгилни Каъбатуллоҳ бил,  
Кўнгилга эътимод яхши,  
Кишига эътимод айлаб,  
Бировга орқайинликдан.

Худоё, бандасига  
Банда этма икки оламда,  
Ўзинг асра Жамолни  
Ҳар нафас қулларга қулликдан...



## ИЛТИЖО

Эй Худо, мен ҳам кулингман,  
    Ўзгадин кам этмагил,  
Бу жаҳон қайғусини  
    Жоним аро жам этмагил.

Санъатингга йўқ тараф,  
    Соҳиб ҳунарсен, эй Худо,  
Аслини ҳайвон ясаб,  
    Сувратда одам этмагил...

Бор жаҳоннинг залварин  
    Елкамга қўйсанг, қўй, вале  
Нафси шайтон занжирин  
    Бўйнимга маҳкам этмагил.

Кеча бердинг мунчаким,  
    Бер энди кундуз, Холиқо,  
Кулгуни бир дам бериб,  
    Ғамни дамодам этмагил.

Биру Борим, бермасанг  
    Жаннатсаройлар, майлига,  
Кўзларимга бори дунёни  
    Жаҳаннам этмагил.

Сен яратдинг шу жаҳонда  
    Мардни ҳам, номардни ҳам,  
Мардни маъюс айлабон,  
    Номардни ҳуррам этмагил.

Рўбарў этма мунофиқни  
Менга, Парвардигор,  
Сенга ҳамдам бўлмагани  
Менга ҳамдам этмагил.

Эй Худойим, солмасанг  
Кўнгилга ишқдин инқилоб,  
Нозанинлар нозини  
Жонимга малҳам этмагил...



## ДАВРОН БАШАРНИ...

(«Дугоҳ» йўлида)

Даврон башарни ҳар нафас  
Бир имтиҳон қилур,  
Гоҳи кўнгилни шод этар,  
Гоҳида қон қилур...

Ҳолинг нечук, деб сўрмагил  
Кўнглимни, эй ҳабиб,  
Сўргил, чаманда не учун  
Булбул фиғон қилур?..

Юрсанг тириклик кўйида,  
Оллоҳни айла ёд,  
Ҳақни унутган манфаат –  
Кўрмас, зиён қилур.

Қолсанг машаққат домида,  
Дунёни айблама,  
Ер этмаса лутфу карамни,  
Осмон қилур...

Оғу ичиргай менга деб,  
Ғам чекма, шу фалак  
Бир коса шарбат сенга ҳам  
Армуғон қилур.

Бошингда ёнса юлдузинг  
Офтобга ёндашиб,  
Бахту саодатинг сени  
Соҳибқирон қилур.

Йўқ бир гумонким, эл аро  
                                Комилдир ул киши,  
Гар юртига адлу карамни  
                                Соябон қилур.

Кўргил Жамолни, эй санам,  
                                Ҳар шому субҳидам,  
Айтиб жаҳонга ишқини,  
                                Достон қилур...



## КЎЗИМНИ ТУТМАНГИЗ АЙРУ...

Кўзимни тутмангиз айру  
Кўзи қаролардин,  
Кўзимда ёш эмас, ёғду  
Ўшал балолардин...

Термулиб, тўяй дерману  
Термулиб, тўёлмасман,  
Кечибман шу жаҳонда  
Ўзга ҳар не муддаолардин.

Аё гул юзли ёрим,  
Шу жаҳон уйи обод.  
Сен каби санамлардану  
Мен каби адолардин.

Кўзимда уйқу йўқ,  
Киприкларим қовушмаслар  
Саҳарлар кўнглим ичра  
Янграган наволардин.

Ёмонлик кўрганинг борму,  
Айттил, эй фалак,  
Кўйингда куйманиб юрган  
Биз каби гадолардин?

Бизга ёр васлию яна  
Ишқ дарди бўлса, бас,  
Қутулдик бирйўла буткул  
Мансабу ҳаволардин.

Не бұлгай ул иморатинг  
Дунёда, эй кўнгил,  
Иморат айласанг уни  
Янглишу хатолардин?  
Жамол дуога қўл очиб,  
Омин, дер ҳар нафас,  
Шояд насиба етса деб  
Ёр деган дуолардин...



## МУНЧА КЎП...

*(Яссавий оҳангида)*

Бу жаҳон саҳнида ёлғон мунча кўп,  
Турмуши ёлғонга қолғон мунча кўп.

Шодлигу роҳатга ҳамдам мунча кам,  
Ҳасрату қайғуга тўлғон мунча кўп.

Маст бўлиб, ҳушёр саналғон озмидир?  
Мис бўлиб, олтин аталғон мунча кўп.

Нафс эмиш ҳоким жаҳонда, нафс учун  
Ақлидин бегона бўлғон мунча кўп.

Топмадим кўнгил касофат кўйида,  
Бу тириклар ичра ўлғон мунча кўп.

Боқ, Азозил ҳам ажиб полвон эмиш,  
Йиқмайин, андин йиқилғон мунча кўп.

Ҳар замон айлаб жаҳолат ё ситам,  
Ўзни сўнг ғафлатга солғон мунча кўп.

Эй Жамол, чархи ғалаткор жабридин  
Сен каби қадди букилғон мунча кўп...



## КЕЧА ЭЛ УЙҚУСИДА...

Кеча эл уйқусида,  
Кўнглим биров қайғусида,  
Улки, мен қайғусида,  
Осуда, ноз уйқусида...

Ҳар сафар ҳазрат Навоийдан  
Уқиб шу матлани,  
Ул санамни мен кўрармен  
Кўзларим ўтрусида.

Уйқудин кўз очсаю  
Кўзгуга юзни бурса ул,  
Йўқ ажабким, бир малаксиймо  
Кўрар кўзгусида...

Тонг отарлар шуъласи  
Юзларда зоҳирмиш, не тонг,  
Кўкда Зухродин нишон эрмиш  
Кўзи жодусида.

Тонг билан Зухрони қўйгил,  
Ойдан ахтаргил қиёс,  
Ҳуснини кўргил унинг  
Тунларда, ой ёғдусида.

Гарчи жоду кўзлари  
Фаттон эмиш, жон офати,  
Жонга роҳатлар яшармиш  
Лаблари кулгусида.

Эй Худойим, айлагил  
Ишқу вафони унга ёр,  
Бўлмасин қайғу, аламлар  
Қалбида, туйғусида.

Шоиро, айтдинг, париваш  
Васфига сўз етмади,  
Таърифни топсин адо  
Созандалар чолғусида.

## ҲАР САҲАР...

Ҳар саҳар мен Каъбатуллоҳ  
Теграсида чарх урай,  
Етти карра чарх уриб,  
Ё Раббано, деб қичқирай...

Етти карра чарх уриб,  
Ё Раббано, деб қичқириб,  
Сўнг Халилуллоҳ мақомида  
Намозга ўлтирай.

Тавбалар айлаб дамодам,  
Дилда ишқу кўзда ёш,  
Бош эгиб, Раббим, Худойим  
Бирла мен суҳбат қурай...

Кўрдилар не-не азизлар  
Ҳақ таоло талъатин,  
Ёлборурмен, Ҳақ жамоли  
Шуъласин мен ҳам кўрай.

Ҳақ жамоли шуъласидин  
Бир нишон етган замон  
Оҳ уриб, даргоҳи улёга  
Ўзимни топширай.

Ҳақ ризосига етиб,  
Ҳижрон яқосин чок этиб,  
Эй Жамол, мен ҳам саодат  
Мулкида даврон сурай...



## ҲАММАГА ҲАЙРОНУ ЛОЛМАНКИМ...

Ҳаммага ҳайрону лолманким,  
    Ҳама ҳайрон менга,  
Неча бор давронга боқдим,  
    Боқмади даврон менга.

Мен қадам босган шу тупроқ  
    Бир буюк асрор эса,  
Бир буюк сирри ниҳонийдир  
    Баланд осмон менга...

Бу ҳаёт базмида омад  
    Нозли бир жонон эмиш,  
Боқмади ҳолимгаву  
    Раҳм этмади жонон менга.

Эй ёронлар, таъна этманг,  
    Дам кулиб, дам йиғласам,  
Баъзилар ҳолимга кулгич,  
    Баъзилар гирён менга.

Неча бор ҳолимга исён  
    Айладим, кўрдим вале  
Ҳисларим ҳолимни ёқлаб,  
    Этдилар исён менга.

Давлату сарватда турмоқ  
    Сенга имкон, эй рақиб,  
Ишқ аро мастона юрмоқ  
    Бир гўзал имкон менга.

Кўшқу айвондан гапирма  
    Кўшқу айвон не эмиш,  
Ҳар яшил дуркун дарахт ости  
    Яшил айвон менга.

Эй Жамол, гулгун шаробинг  
    Сен қадрдонларга тут,  
Шул ўзи басдир узатсанг  
    Бир чўмич айрон менга...

## ЙЎЛИНГДА БИР СИНИҚ ОЙИНА КЎРСАНГ...

Йўлингда бир синиқ ойна  
Кўрсанг, устидан юрма,  
Ушалган бир кўнгилнинг  
Парчасидир, сен-да синдирма.

Кўтар бошингнию боққил  
Қуёшга, ойу юлдузга,  
Ғарибдирман, ғарибдек  
Кўзларимга термулиб турма.

Умр ўтди, ариқда шилдираб  
Сув оқдию кетди,  
Надомат чекма, афсус айлама,  
Куйганни куйдирма.

Насибанг – бир нафасдир,  
Балки ўн йил, балки юз даврон,  
Фақат Ҳақ бирла бўл,  
Ҳақ ёдин этмай турма, ўлтирма.

Паризодим, сенга қурбон  
Бўлай мен, қай тараф боқсанг,  
Уни ахтар, уни кўр,  
Бошқаларни кўрмасанг кўрма.

Аё дунёйи дун, соҳиб кўнгилларга  
Мурувват қил,  
Магар оқилни қонлар йиғлатиб,  
Жоҳилни кулдирма.

Жамолинг кўкси қондир  
Даҳр аро тиғи маломатдин,  
Жароҳат устига солма жароҳат,  
Ханжаринг урма...

## ТИЛИМ НОМИНГНИ АЙТИБ...

Тилим номингни айтиб,  
Ўзга бир сўзга қовушмайдир,  
Дилимга ўзгалар меҳри  
Яқинлашмас, ёвушмайдир.

Ширин жоним сенга қурбон,  
Дедим-ку шунчалар севдим,  
Жаҳонда ўзга ошиқлар  
Менинг олдимга тушмайдир.

Қачон боқсам, чарақлаб,  
Суҳбатингда ой билан юлдуз,  
Нетай, ул ой билан юлдуз  
Мени суҳбатга қўшмайдир.

Туташиди кунларимга тунларим,  
Тонгларга оқшомлар,  
Нечун сабри қарорим  
Жисму жонимга туташмайдир.

Аё жон офати, кўрсам сени,  
Бир лаҳза термулсам,  
Шу басдир кўзларимга,  
Кўзларим мансаб талашмайдир.

Муҳаббат, сен умр саҳросида  
Ёнган чироғимсан,  
Сенинг кўйингда юрган  
Йўлчилар йўлдан адашмайдир.

Жамол, қор босди бошинг  
Ҳам оқарди кипригу қошинг,  
Боқиб, инсофга келким,  
Энди шайдолик ярашмайдир...

## ЯХШИ

Жаҳон ичра ватанлар яхшидир,  
Лекин ватан яхши,  
Ватан ичра чаманлар яхшидир,  
Аммо чаман яхши.

Ватандир гарчи бизга  
Мулки Турон номли шу маъво,  
Бухорийга Бухоро хўб,  
Хўжандийга Хўжанд яхши.

На хушдир даврада  
Жам бўлсалар дўсту қадрдонлар,  
Бу янглиғ анжуман бўлмас,  
Бу янглиғ анжуман яхши.

Магар анвойи дастурхон тузиб,  
Кўзни қамаштирманг,  
Йигитга бир ошам ош,  
Отига бир боғ пичан яхши.

Кўнгиллар яшнамас суҳбат аро  
Дилга ғубор инса,  
Алам фош айлагандан,  
Сабру бардош айлаган яхши.

Гўзаллар яхшидир, ҳай-ҳай,  
Вале инсоф билан боқсанг,  
Сенга жуфти ҳалолинг,  
Ёри жонон, гулбадан яхши.

Жамолга базм аро бир коса  
Май ҳам яхшидир, лекин  
Наволар учсалар янграб  
Баногоҳ, ҳаммадан яхши...

## ЭЙ МЕНИНГ ЖОЗИБ ЖАҲОНИМ...

Кўк қоронғу, ой-да йўқ,  
Юлдуз-да йўқ, мовий саҳар,  
Кимсасиз боғ, яккамен,  
Олисда ухлайдир шаҳар.

Сен менинг ёнимдамас,  
Жонимдадирсан, юлдузим,  
Ўртада Парвардигорим.  
Сен – фаришта, мен – башар.

Эй менинг жозиб жаҳоним,  
Сен сари қўйсам қадам,  
Ел эсиб, гул тебраниб,  
Теграмда қушлар сайрашар...

Гоҳи бир дам оташингга  
Кўл чўзарман, бир овоз:  
Ўт билан ўйнашма, дейди,  
Ўт билан ким ўйнашар?

Учрашиб турсин саҳарларда  
Кўзинг бирлан кўзим,  
Кўз билан кўз учрашиб,  
Меҳру муҳаббат бойлашар.

Сендан айру кунларимда  
Хастамен, ҳолим хароб,  
Айрилиқдан энкайиб,  
Ҳаттоки тоғлар йиғлашар.

Ишқ яшар, олам яшар,  
Сен ҳам яшайдирсан, Жамол,  
То юракда туйғу ёш,  
Кўнгилда шайдолик яшар...

## АСРАГИЛ

Эй Худойим, жумла оламни  
Балодин асрагил,  
Ҳар балою ҳар қазо,  
Явмул жазодин асрагил...

Тўлдирибди шу жаҳонни  
Ҳийлаву макру ситам,  
Мазлуму бечорани  
Жабру жафодин асрагил.

Бандадирмиз, гар қадам қўйсак,  
Этилгай бир хато,  
Умматингни, сарварим,  
Саҳву хатодин асрагил.

Кимки худбин, худнамодир,  
Айлагай кибру ҳаво,  
Биру борим, бандани,  
Кибру ҳаводин асрагил.

Не бало келса шу дунёга  
Мунофиқдин келур,  
Аҳли дунёни, Эгам,  
Аҳли риёдин асрагил.

Ноаҳилмиз, қонимизда  
Қутқу бор бешубҳаким,  
Ноаҳилларни низову  
Можародин асрагил.

Бу жаҳон чекди неча  
Нафси юҳолар жаврини,  
Юртимизни гушнадин,  
Нафси юҳодин асрагил.

Сен шафоат айласанг,  
Нафси юҳолар не писанд,  
Эй Худойим, шу Ватанни  
Аждарҳодин асрагил...

## СЕН САЛОМАТ БЎЛ...

Сен саломат бўл, кўлингдан  
Молу давлат кетмасин.  
Дўстга зор, душманга хор,  
Номардга муҳтож этмасин.

Жисми зоринг ичра ул  
Кўнгил – зилол ойинадур,  
Ойина дарз кетмасин,  
Кўнгилга озор етмасин.

Не учун келдинг жаҳонга,  
Не учун кетмоқдасан?  
Ҳақни бил, шукрона қил,  
Ғафлатда умринг ўтмасин.

Ботса қисмат найзаси  
Кўксингга ногоҳ, ўксима,  
Бер чидам, бардошли бўл,  
Сабру қароринг битмасин.

Ёри жонинг бошида  
Парвона бўлким ҳар замон,  
Гул юзи сарғаймасин,  
Ҳажрингда қонлар ютмасин.

Ҳар не қилсанг, қил, вале  
Инсоф ила, олам эли  
Яхшилик кутсин фақат,  
Сендин ёмонлик кутмасин.

Сен раво кўрма бировга,  
Ғар не эрса нораво,  
Нораво қилмишларинг  
Бир кун яқодин тутмасин...

## ШҰРЛИК

Бу дунёда, азиз дўстим,  
Санам шўрлик, манам шўрлик,  
Сени туққан онанг шўрлик,  
Мени туққан онам шўрлик...

Башар дунёсида кўнгли  
Шикаста бўлмаган ким бор?  
Биров озгинча кўп шўрлик,  
Биров озгинча кам шўрлик.

Акам шўрлик, укам шўрлик  
Эрусса, мен-да шўрликман,  
Агарда шўрлик эрсам мен,  
Акам шўрлик, укам шўрлик...

Муҳаббат кўйида куйди,  
Кўмилди қанча ошиқлар,  
Ғарибку бир ғарибдир,  
Тўлган ойдек Шоҳсанам шўрлик.

Ҳаёт бир саҳнадир гўё,  
Ўйинлар ўйналур, ҳайҳот,  
Биров чин, ростакам шўрлик,  
Биров ёлғондакам шўрлик...

Ўзингни мунча шўрлик деб  
Атарсан, аслида лекин,  
Кўзи оч, нафси аждарҳо,  
Мунофиқ, муттаҳам шўрлик.

Сочилсин кўзларингдан  
Қатра-қатра қайғу кўз ёшинг,  
Тугилса, дилда қолса тош бўлиб,  
Дарду алам шўрлик.

Жаранглар даврада  
Авж пардаларда мунгли бир асрор,  
Уни бир шоир айтган,  
Хатта солган бир қалам шўрлик...

## ШОИРО, СИНДИР ҚАЛАМНИ...

Шоиро, синдир қаламни,  
    Қўй, керакмас жимжима,  
Сен менинг руҳимга кир,  
    Қалбимни этгил таржима...

Келдиму кўрдим тамом,  
    Дунё ажиб бозор экан,  
Топганим етмайди бул –  
    Бозорда қилган харжима.

На сотармен бир нима  
    Ўтмас матойимдан бугун,  
На олармен бир мато  
    Йиққан бисоту ганжима...

Эй кўнгил, бас қил, эранларга  
    Ярашмас дийдиё,  
Ҳар не келса, сен ўзингдан кўр,  
    Бировдан инжима.

Игна санчар ҳар куни  
    Кўксимга шу олам эли,  
Шу ўзи етмасми, сен ҳам  
    Наштарингни санчима.

Гар сафо келгай ва ё –  
    Келгай жафо, мардона бўл,  
Тинчима, шу тинчимас  
    Дунёда асло тинчима...

Шоиро, шарҳ айладинг,  
    Куйган кўнгил асрорини,  
Таржима сўлгин ва суст эрса,  
    Қаламдин ранжима...

## НАФСИНГНИ ТИЙ

Гар бўлай чин солиму  
Соғлом, десанг, нафсингни тий,  
Гар бўлай хушчеҳра,  
Хушандом, десанг, нафсингни тий.

Нафсини тийган башар борким,  
Ҳамиша хушбичим,  
Хушбичим номим ҳамиша  
Ном, десанг, нафсингни тий.

Кундузи етсин муқаррар  
Жисму жонимга ҳузур  
Кечалар ухлай, олиб  
Ором, десанг, нафсингни тий.

Сен билан битмас, вале  
Наслингга ўтгай бу сифат,  
Айлайин наслимга бир  
Инъом, десанг, нафсингни тий.

Ҳар қачон нафси бузқлик  
Берди шумликдан хабар,  
Яхшиликдан бер менга  
Пайғом, десанг, нафсингни тий.

Дини исломга тамал эрмиш  
Чидам, сабру сабот,  
Сингисин руҳимга чин  
Ислом, десанг, нафсингни тий.

Қийнасанг нафсингни ҳар гал,  
Шеъру достонинг келар,  
Шоиро, тарк этмасин  
Илҳом, десанг, нафсингни тий.

## БУ ҒАРИБ ДУНЁДА...

Бу ғариб дунёда ким ҳам  
Бир ғарибни ёд этар,  
Мен ғарибман, деб ғариб  
Ўксик кўнгилни шод этар.

Қадр билмаслар тараҳҳум  
Айламаслар, майлига,  
Сен қадрдонларни кўргил,  
Ҳийлаву бедод этар...

Сўйлама менга фалак майли,  
Замона зайлидин,  
Дил нетиб ўзни замона  
Зайлидин озод этар?

Мен савол берсам, баланд  
Тоғларни ҳам қуршар сукут,  
Ногаҳон келган жавобим  
Нолаю фарёд этар.

Бедиёнат бўлма, вайрон  
Этма кўнгил мулкини,  
Яхшилар ҳар дам диёнат –  
Мулкини обод этар.

Сув келар, Ширин деган  
Саҳрода қолмас ўксиниб,  
Этмаса Хусрав бу ишни,  
Бир куни Фарҳод этар.

Шоиро, тик қоматинг  
Ҳам бўлса, элдин инжима,  
Ҳар не қилса, ул пари,  
Ул қомати шамшод этар...

## БУЛБУЛ

Сенга қисмат буюрмиш,  
Қисматинг савту садо, булбул,  
Саҳар сайрашларингдан  
Боғ аро нашъу намо, булбул.

Сенга қисмат буюрмиш,  
Менга ҳам амр айламиш Аллоҳ,  
Навою бенаволик кўйида  
Мен ҳам адо, булбул...

Худойимнинг азиз минг битта  
Номин ёд этиб, сен шод,  
Манам комим тилаб,  
Шу кўйда бир мискин гадо, булбул...

Давосиз дардмидир дардинги,  
Гоҳо зору гирёнсен,  
Манам дард элчиси, дардимга  
Излармен даво, булбул.

Баҳор айёми келди, энди  
Янгат хуш наволарни,  
Уфурди боғчалардан  
Боғчаларга хуш ҳаво, булбул.

Кўзингта томчиларму ё  
Кўзингдин сочилаур юлдуз.  
Ичиб шабнамни, сирринг  
Фош этар боди сабо, булбул.

Кел энди, мунча ғам чекма,  
Саҳарларда алам чекма,  
Гулинг юз очмаса ё ечмаса  
Заррин қабо, булбул.

Чаманда чорасиз қолдингму  
Ногоҳ, сайрамайдирсан?  
Навосиз қолма мендек,  
Бўлса мендек бенаво, булбул.

Жамол эрмас фақат ул,  
Субҳидамларда наво қилсанг,  
Дегайлар аҳли олам:  
Марҳабо, эй марҳабо, булбул...



## ЭЙ КҮНГИЛ...

Бир буюк тилсим магар  
Жон ичра жонсен, эй кўнгил,  
Эл сени, мўъжаз жаҳон, дейди,  
Жаҳонсан, эй кўнгил.

Денгизинг, тоғинг, қуёшинг,  
Юлдузинг, ойинг тайин,  
Ҳам ўзинг ерсан, вале  
Ҳам осмонсан, эй кўнгил.

Аҳли дунё жаҳд этарлар  
Ҳар замон кашфинг учун,  
Неча бўлдинг ошкор,  
Лекин ниҳонсан, эй кўнгил.

Сенда нафрат, сенда шафқат,  
Сенда орзу, эътимод,  
Ҳам ўзинг андишадирсен,  
Ҳам гумонсан, эй кўнгил.

Бир ажойиб кўзгудирсан,  
Айлагай олам зухур,  
Ҳақ назар этса, буюкликка  
Нишонсан, эй кўнгил.

Гавҳари илҳом булоғи,  
Дурри маъно чашмаси,  
Кўп ажиб сирру синоатларга  
Консан, эй кўнгил.

Эътиқод қасри, муҳаббат –  
Мулкининг кошонаси,  
Шул сабабдин сен азизу  
Жонажонсан, эй кўнгил.

Толеинг ёр бўлса, яшнайсен,  
    Қувончинг бир жаҳон,  
Ногаҳон ғам келса бошингга,  
    Фиғонсан, эй кўнгил.

Неки бор дунёда, яхшию  
    Ёмон деб номладинг,  
Балки сен ҳам бир қадар  
    Яхши-ёмонсан, эй кўнгил.

Жумла инсонга Яратгандин  
    Ажойиб армуғон,  
Ҳеч туганмас бир тарона,  
    Достонсан, эй кўнгил...



## ШОИРО, ШУКР АЙЛА...

Тангри тоғдек бу жаҳон ичра  
Жаҳоннинг томи бор,  
Ҳам жаҳон узра фалакнинг  
Тўнкарилган жоми бор.

Ерда тоғдан ҳам улуғвор,  
Кўкда кўкдан ҳам баланд,  
Тангри бор, Ҳақ бор, Худонинг  
Ҳукми бор, аҳкоми бор...

Не азизлар жисми тупроқдир,  
Вале руҳан тирик,  
Барҳаёт сафларда қутлуғ  
Номи бор, инъоми бор.

Очса юз гулшанда гул,  
Ёр васлини истар кўнгил,  
Васлини истар кўнгилнинг  
Ишқи бор, илҳоми бор.

Эй кўнгил, бўлгил ҳазир,  
Маҳбубга бўлгайсен асир,  
Йўлларингда ул санамнинг  
Доми, гул андоми бор...

Гоҳ чақар бошингда чақмоқ,  
Гоҳ сочар пойингга гул,  
Ишқ аро кечган умрнинг  
Неча бир айёми бор.

Шоиро, шукр айла, кўксингда  
Куйик кўнгил деган –  
Ишқ уйи, иймон саройи,  
Тангри истехкоми бор...

## СУВ

Не буюк мўъжиза эрмиш  
    Шу ёруғ дунёда сув,  
Тоғда сув, сойларда сув,  
    Анҳор ила дарёда сув...

Дарёдин оқиб келодур  
    Шода-шода марварид,  
Шода-шода марваридмас,  
    Балки шода-шода сув.

Шалдираб оққан ариқдан  
    Сув ичиб, қуш чулдирар,  
Майсаларни тортқилаб,  
    Ўйнар ўйин шаббода – сув.

Ерга тушган кўкмидир ул,  
    Кўкка солмиш шаъшаа.  
Баҳри қут, мовий муҳит,  
    Денгиз деган маъвода сув.

Боғу бўстонларни кездим,  
    Эртагу афсонадек,  
Ҳар чечак шаҳбону бўлса,  
    Пойида шаҳзода сув...

Дашту саҳроларда бойлик  
    Олтину олмос эмиш,  
Олтину олмосдин авло,  
    Дашт ила саҳрода сув.

Ерда – сув – оби ҳаётдир,  
    Оби раҳматдир яна,  
Не ажаб, бўлса шунингдек  
    Мирриху Зухрода сув.

Эй башар, тоҳир яшашга  
    Ҳар нафас омода бўл,  
Хизматингга ҳар нафасда  
    Ҳозиру омода сув.

Гул дудоқдин бўса олдинг,  
    Олганинг оташ эди,  
Энди шу оташга лозим  
    Бир қадаҳ гулбода, сув...



## МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Билимдан етса гар зехнингта зарра,  
Бу – маърифатдир,  
Кўнгилга тушган ҳар не  
Шуъла борким – маънавиятдир.

Кўнгил ҳар кимсада бир ўзга бўлгай,  
зеҳният ўзга,  
Маърифат, маънавият ичра ҳам  
Шундоқ вазиятдир...

Қаерда қадру қиймат юксалиб,  
Инсон азиз эрса,  
У ерда маърифий ҳам маънавий  
Юксак жамиятдир.

Агар оламини билсанг, оқибат  
Одамини билгайсен,  
Ки оламдан мурод ҳам,  
Муддао ҳам – одамиятдир.

Билиб одамини, сўнг  
Тушгай йўлинг даргоҳи олийга,  
У даргоҳа етишмоқ  
Бандасига эзгу ниятдир.

Худодандир башарга  
Маърифат ҳам, маънавият ҳам,  
Агар бир зарра ҳиммат айласа,  
Минг бир ҳамиятдир.

Насиб айла, Худоё,  
Маърифатни, маънавиятни,  
Маърифатсиз кишидан  
Ҳар қадамда минг азиятдир.

Аё инсон, тафаккур айлабон,  
Оламни идрок эт,  
Умр карвони шошқин йўл босар,  
Дамлар ғаниматдир.

Сенга шаклу шуур берди,  
Яна кўнглингда нур берди,  
Яратганга шукур қил,  
Қилмасанг, кўфрони неъматдир...



## НА ХУШ БЎЛҒАЙКИ...

На хуш бўлғайки, мен ҳам  
Бир куни ўзни унутгаймен,  
Жафони жонга тарк айлаб,  
Вафо расмини тутгаймен...

Замона зайл қилди,  
Сигмайин қолдим қуюшқонга,  
Қуюшқондин чиқибмен,  
Энди бир маъвога кетгаймен.

Ва лекин қолмагаймен  
Шу жаҳонда ўксигу нолон,  
Топиб бир коса сув,  
Бир бурда нонимни увитгаймен.

Аламлар ё қилур жоним,  
Қаламдан ёқилур жоним,  
Қалам қаҳрига сабр айлаб,  
Алам заҳрини ютгаймен.

Ризодирмен жаҳондин  
Ҳам жаҳонда барча жонлардин,  
Жаноби Ҳақ ризосини  
Таслими жон бирла кутгаймен.

Тажалли топмасанг кўнглим аро  
Эй Меҳри оламтоб,  
Тасалли топмагаймен, ўзни мен  
Қандоқ овутгаймен?

Жаҳон узра менинг ҳам  
Бор эмиш бир ўтли фарёдим,  
Ўшал фарёд ила умрим яшаб,  
Оламдин ўтгаймен.

Жамол, тонглар аро бошинг уза  
Сайраб учар бир қуш,  
Ки мен ҳам ташнадирмен,  
Бир куни дарёга етгаймен...

## АЙРИЛДИЛАР

Кечдилар мендан, анису  
Ақробо айрилдилар,  
Неча дўсту неча улфат,  
Ошно айрилдилар.

Менку айлардим уларга  
Жон ила меҳру вафо.  
Айлабон жонимга бундоқ  
Бир жафо, айрилдилар.

Эрлару шерлар демангким,  
Нотавон кўнглим учун  
Неча бир дилкаш, азизу  
Дилрабо айрилдилар.

Тоабад меҳру мурувват  
Дилда эрди орзу,  
Ўртага тушди магар бир  
Муддао, айрилдилар.

Айрилиқ бир кун муқаррар  
Эрдику, сабр айламай,  
Солдилар кўнглимга ҳижрондин  
Яро, айрилдилар.

Мен хижолатман бугун  
Соҳиб иболар олдида,  
Жўралар андиша этмай,  
Беибо, айрилдилар.

Бир неча дардимга малҳам,  
Аҳди маҳкам бор эди,  
Кетдилар бир-бир йироқлаб,  
Ғолибо, айрилдилар.

Дўсту ёрлар васлига  
Ортиқ қувондинг, эй кўнгил,  
Қолгани шу бўлди сенга:  
Эй Худо, айрилдилар!..

Шоиро, Қодир Худойинг  
Бирла бўл, айрилмагил,  
Тилларимдан лаҳза-лаҳза  
Шу дуо айрилдилар...



## МЕН ТУШИМДА БИР КЕЧА...

Мен тушимда бир кеча  
Кездим Бухоро Аркини,  
Токи жон тарк этмагунча  
Этмагаймен таркини...

Кўшку айвонлар музайян,  
Кофурий шамлар ёниқ,  
Ел сочармиш ҳар тарафга  
Лола, райҳон атрини.

Терга ботгандим чамамда,  
Дам-бадам артар эдим.  
Қошларимнинг чангию  
Киприklarимнинг гардини.

Ногаҳонда бир наво учди  
Жаранглаб, во дариг,  
Ким чаларди найнавонинг  
Мунча жонпарвардини...

Тинглабон, айланди бошим,  
Бода ичган кимсадек,  
Қатра-қатра қуйди ул  
Жонимга даврон дардини.

Аллаким фарёд чекарди,  
Аҳли иймон қайда, деб,  
Бўлса, чиқсин, деб талаб  
Айларди дунё мардини.

Ўксиниб, йиғлар эдим мен,  
Ун чиқазмай, кўп ҳазин,  
Билмадим деб сув каби  
Ўттувчи умрим қадрини...

Уйғониб кетдим, ҳаяжон  
Ичра титрар эрди жон,  
Шунда ёздим бу ғазалнинг  
Неча анво сатрини...



## ШУКРИЛЛАҲИ АЗИМ...

Шукриллаҳи азим,  
Кўнглим яна осудадир,  
Ҳар нечук ғамлар, аламлар  
Чақнамас, уйқудадир.

Юксалиб, ер устида  
Осуда, тинчдир осмон,  
Шуълалар, ранглар, жилолар  
Шу тиниқ кўзгудадир.

Ўлтирибмиз мен ва борлиқ,  
Икки улфат юзма-юз,  
Мен жаҳонга ўтрую  
Борлиқ жаҳон ўтрудоадир.

Ҳар не бордир, шу жаҳоннинг  
Мулкидир, хориж эмас,  
Ҳар не улфатдир кўнгилга,  
Нашъаи туйғудадир.

Сайрамас анво чаманнинг  
Турфа булбул қушлари,  
Қумри қушлар лаҳза-лаҳза  
Ун чекиб, ҳув-ҳувдадир...

Еру кўкда бир ажойиб руҳ,  
Мунаввар бир шуқуҳ,  
Сув чиройи кўкка инмиш,  
Ой жамоли сувдадир.

Ҳақ яратган бу азиммушшон  
Синоат олдида  
Ишларинг, ташвишларинг,  
Нолишларинг беҳудадир.

Шоиро, қайғуни қўйгил энди,  
Ҳар дам Ҳақ дегил,  
Ҳақ деганлар бу жаҳон ичра  
Қачон қайғудадир?..



## СЕВГАНИМ ЗЕБО САНАМ

Севганим зебо санам

Ойдан гўзал, кундан гўзал,  
Бу гўзал дунёда бўлмас  
Менга ёр ундан гўзал.

Неча бир юзларга боқдим,

Неча бир кўзларга ҳам,  
Кўрмадим ул жоду кўз,  
Рухсори гулгундан гўзал.

Тонг аро ел бирла ўйнашганда

Сунбул сочининг –  
Жилваси сойларда сув,  
Дарёда тўлқиндан гўзал.

Неча бир кунларни кўрдим,

Неча бир тунларни ҳам,  
Йўқ магар мен ёрга етган  
Ул қаро тундан гўзал.

Сеҳру афсун ичра қолдим,

Бу жаҳонда бормикин  
Менга ул жонона қилган  
Сеҳру афсундан гўзал?..

Шоиро, ёр васлига

Қўшгил диёринг васфини,  
Бир ҳовуч тупроғи менга  
Қуйма олтиндан гўзал.

Неча бир сувларни кечдим,  
Неча тотдим тотини,  
Топмадим Сирдан сулув.  
Дарёйи Жайхундан гўзал.

Бўйла ёринг, эй Жамол.  
Бўйла диёринг, эй Жамол,  
Қайда бор ундан гўзалроқ,  
Қайда бор бундан гўзал?..



## У ТУПРОҚ БИЗГА ЁТ ЭРМАС...

Учарлар бу нафас –

Дарёйи Жайхун ортида ўқлар,  
У ёқда беомон жанглар,  
Менинг жонимда оғриқлар...

У ёқда жон бериб,

Жон истаюрлар эрку иқбол деб,  
Биродар турку тожик,  
Ёвмуту қипчоғу қорлуқлар.

Хуросон аҳли бу,

Майдон сурарлар кўзда ёш бирлан  
Замонларким ватанда  
Бахти боғлиқ, кўкси доғлиқлар.

Беруний, Кошғарий ётган

У тупроқ бизга ёт эрмас,  
Шаҳодат бергуси минг бир китоб,  
Ҳужжат ва ёрлиқлар...

У тупроқлардадир Жомий,

Навоий, бенаво Машраб,  
У тупроқларда Маҳмуд,  
Мирзо Бобур, Бойқаро ухлар.

У маъвонинг қадимий

Номи борким, Банди Туркистон,  
У сарҳаддин туронийлар  
Кўтармиш кўк аро туғлар...

Эзилганлар бугун занжир эмас,

Ҳаққу ҳуқуқ истар,  
Қачон битгай адоват,  
Таҳқиру бахтиқаролиқлар?

У ёқларда бугун жонлар хароб,  
Оқмоқдадир қонлар,  
Нечун жимдир жаҳоннинг  
Дардида ёнгувчи нотиқлар?

Худо сенга мадад бергай,  
Курашда ҳақлисан, Дўстим,  
Бу гапни ҳамма англа,  
Англамас ёлғиз мунофиқлар...



## ХАЛҚ АГАР ОЧ ҚОЛСА...

Халқ агар оч қолса, инсондек  
    Ҳаёти бўлмагай,  
Одамийлик шевасига  
    Илтифоти бўлмагай.

Ҳеч бўлур илму маърифат,  
    Пуч бўлур санъат магар,  
Бенаволарнинг кўнгил ичра  
    Баёти бўлмагай.

Ўтмагай панду насиҳат,  
    Етмагай ҳикмат анга,  
Тингламоққа бир нафас  
    Сабру саботи бўлмагай.

Чеҳра сўлғин, руҳ тушкун,  
    Ақлу идроки карахт,  
Кўзғалиб, кўкларга учмоққа  
    Қаноти бўлмагай.

Оч қолар бўлса, улуснинг  
    Илкидин кетгай бисот,  
Эл нетиб бўлгайки, сандиқда  
    Бисоти бўлмагай?

Бўлмагай меҳру мурувват,  
    Қолмагай мардоналик,  
Қорни очларнинг бунингдек бир  
    Сифоти бўлмагай.

Қай тарафга бош уришни  
    Билмайин, ҳайрону ул,  
Эртаги кунга аталган  
    Эҳтиёти бўлмагай.

Сўйлама озод ватандин,  
Берма гулшандин хабар,  
Оч раиятнинг ватанга,  
Эътиқоди бўлмагай.

Кўзни ул тиккай фалакка,  
Кўкдан ахтаргай нажот,  
Эй Худо, дер, ўзга манзилдин  
Нажоти бўлмагай.

Шоиро, оч қолса халқинг,  
Бўлгай аҳволинг хароб,  
Бу жаҳоннинг бундан ортиқ  
Мушкулоти бўлмагай...



## БИЛДИМ...

Кўнгилга қайғулар солган  
Шу жаҳон экан, билдим,  
Жаҳоннинг ишлари элга  
Имтиҳон экан, билдим.

Яратди еру осмонни  
Азалдин сенга деб, эй дўст,  
Вужудинг ер эса, кўнглинг  
Осмон экан, билдим.

Иймон қуёшидин агар  
Бағрингда ёнса ўт,  
Япроғинг яшилдир, умринг  
Беҳазон экан, билдим.

Етар қулоқларимга бир  
Кўнғироқ жарангоси,  
Нафас-нафас ўтгучи  
Карвон экан, билдим.

Оламга термул кўзларинг  
Қуёшга тўлдириб,  
Меҳр демаким, жаҳонга  
Армуғон экан, билдим.

Меҳр тиланиб гоҳида  
Ичимда йиғлармен,  
Бунингдек йиғларимни  
Билмагон экан, билдим.

Жамол, айлама ўзга бир  
Манзилу масканни ҳавас,  
Нигорим маскани ўшал  
Ғиждувон экан, билдим...

## КЕРАКДИР...

Керакдир шу жаҳоннинг бошида  
Мардона тургувчи,  
Солиб кўз, бир боқишда  
Ер ила осмонни кўргувчи.

Жаҳонда эҳтиёж бор  
Ақлу инсоф аҳлига, дўстлар,  
Муаммоларни бир-бир ҳал этиб,  
Бошдин ўгиргувчи.

Қани ул марди майдон кимсаларки,  
Ҳамма ҳожатманд,  
Адолат ҳукмини байроқ қилиб,  
Майдонга сургувчи?

Туташди зулму бедод ул қадарким,  
Борми бир Рустам,  
Жаҳоннинг дардига дармон  
Топармен, деб югургувчи?

Машаққатларга қолди ўлкалар,  
Бир паҳлавон борму –  
Балойи нафс аталмиш аждаҳо  
Бошига ургувчи?

Балойи нафс эмиш, сармоя эмиш,  
Эй биродарлар,  
Жаҳонга ваҳму ваҳшатлар солиб,  
Бундоқ қутургувчи.

Гуноҳсиз халқни топтаб,  
Айлагайлар мунча хунрезлик,  
Қаранг, кимлар бунни ижро этар,  
Кимлар буюргувчи.

Келарму шу жаҳонга  
Ўртаниб, ёнгувчи бир авлод,  
Жаҳондин муттаҳамлар,  
Порахўрларни султургувчи?

Худоё, бу залолат қавмига  
Ҳукми адолат бер,  
Ўзингдирсен адолат бирла  
Шу дунёни қургувчи...



## МУҲАББАТНИ...

Муҳаббатни юрак осмонида  
Ёнгувчи оташ бил,  
Ўшал ёнгувчи оташга  
Менинг жонимни уйқаш бил.

Муҳаббатни ҳақиқат ишқи деб бил  
Ҳаммадин аввал,  
Бу ишққа мубталоларни  
Жафокаш бил, болокаш бил.

Ёнар тун-кечалар кўнглим аро  
Бир орзую армон,  
Уни Лайлига ўхшатил,  
Мени Мажнунга ўхшаш бил.

Мунофиқ чиқса минбарга,  
Элим, деб солса айҳаннос,  
Ишонма, ҳар сўзин мардумни авраш,  
Элни алдаш бил.

Яшарлар макри шайтон бирла  
Неча нафси ўпқонлар,  
Шу боисдан ҳамиша сувни лойқа,  
Ишни чалкаш бил.

Ҳақиқат хор этилса, тонг эмас,  
Иблисгадир байрам,  
Вале халқ хотирин мотамсаро,  
Маъюс, мушавваш бил.

Жамол, кам тутма ишқинг кўйида  
Офтоб ҳақиқатни,  
Малак бил кўкда, кўнгил мулкида  
Зебо париваш бил...

## ЗАМОНА ЗАЙЛ ҚИЛСА...

Замона зайл қилса,  
Насли Одам пастлашиб кетгай,  
Адоват пеша айлаб,  
Бир-бирига қасдлашиб кетгай.

Йўқолгай қадру қиммат,  
Эл аро инсофу андиша,  
Аламлар, зардалар занжир бўлиб,  
Пайвастлашиб кетгай.

Барор олгай жамиятда  
Гуруҳбозлик, тарафкашлик,  
Юракларда адолат туйғуси  
Ўтмаслашиб кетгай.

Худодан кўрқмаган  
Элдан уялмас, дейди донолар,  
Худодан кўрқмаганлар  
Без бўлиб, нокаслашиб кетгай.

Ҳалоллик – масхара,  
Мардлик, жўмардлик – даврада кулгу,  
Йигитлик хор бўлиб,  
Барги хазондек хаслашиб кетгай.

Хушомад олға босгай,  
Тўғри сўз овораю сарсон,  
Ҳаёсизлик муқаррар тус олиб,  
Кўрқмаслашиб кетгай.

Ҳаётни чирмовуқдай  
Чирмаб олгай ҳийлаю ришват,  
Ки баъзи кимсалар  
Ўзни унутгай, мастлашиб кетгай.

Жамол, кўрдим неча  
Чархипалакни шу жаҳон ичра,  
Умумий манфаат келганда  
Ёвлар дўстлашиб кетгай...

## ИЧРА МЕН

Гоҳида гул – соябоним,  
Гоҳи япроқ ичра мен,  
Гоҳида хас болишимдир,  
Гоҳи тупроқ ичра мен...

Таърифинг ташбиҳ ила  
Талқин этолсам, эй санам,  
Ўз-ўзимдан розиман,  
Кўнгилда ардоқ ичра мен.

Нозланиб, ширин табассум  
Бирла боқсанг, юлдузим,  
Бир кўринмас ўт олиб  
Жисмимни, титроқ ичра мен.

Боқмасанг ё нозу истиғно  
Билан этсанг итоб,  
Шу замон бир бенавойингман,  
Алам-доғ ичра мен.

Гоҳ жим қолсам, асир бўлсам  
Хаёл, андишага,  
Ўйлама, лоқайдман энди  
Ёки мудроқ ичра мен.

Тан – ватан овлоғида,  
Кўнглим – ҳаёт қайноғида,  
Туйғулар қайноғидан  
Ҳар лаҳза қайноқ ичра мен.

Гоҳи қисмат қанд берар,  
Гоҳида даврон панд берар,  
Гоҳ насибимдир садоқат,  
Гоҳи алдоқ ичра мен.

Кўз солиб гоҳо жаҳон азми,  
Замона зайлига,  
Бир жавоб топсам, яна  
Минг битта жумбоқ ичра мен.

Эй Жамол, руҳимга нур,  
Жонимга топгаймен ҳузур  
Шеърият отлиғ хазон билмас  
Чаман боғ ичра мен...



## ЎЗГАЧА

От миниб чиқсанг агар  
Майдонга, савлат ўзгача,  
Қамчи ўйнатсанг, тавозу  
Бирла ҳурмат ўзгача.

Бир замон мен ҳам ўшал  
Майдонда эрдим шаҳсувор,  
Унда ҳиммат ўзга эрди,  
Энди ҳиммат ўзгача...

Қайнаса ҳар кун қозонинг,  
Ўйнаса жомингда май,  
Бизга не хизмат? – дея  
Келгувчи улфат ўзгача.

Қийнама жоҳилни, кўй,  
Оқил этолмассан уни,  
Илму фан бир ўзгадир,  
Фаҳму фаросат ўзгача.

Бемурувватлар гаҳи  
Этса мурувват, не ажаб,  
Аҳли комилдан вале  
Келган мурувват ўзгача.

Яхшиликка бўлса рағбат  
Шу диёру мулк аро,  
Ҳар замон кўнгилда шавқ,  
Руҳингда рағбат ўзгача.

Эй кўнгил, наззора қил,  
Ҳар кимда бор жон офати,  
Лекин ул маҳваш, менинг  
Жонимга офат ўзгача.

Эй нигоро, мубталойингман,  
Қачон бўлгай насиб  
Ошиғи бечорага  
Меҳру саховат ўзгача?

Ою йилларнинг сўроғида  
Юрарсан, эй Жамол,  
Ҳолбуки дунёи дун  
Соатма-соат ўзгача...



## ҚОЧАРЛАР ДЎСТЛАРИМ МЕНДАН...

Қочарлар дўстларим мендан,  
Хатойим борга ўхшайди,  
Боқарлар беписанд, кибру  
Ҳавойим борга ўхшайди.

Бурарлар ҳар тараф юз,  
Кўзларимга тик боқолмаслар,  
Ажабким, кўзларимда бир  
Балойим борга ўхшайди...

Дариғо, бошқалардин меҳр истаб,  
Мен жафо кўрдим,  
Менинг ҳам бошқаларга бир  
Жафойим борга ўхшайди.

Фалакка термулиб, аввалгидек  
Сидқу сафойим йўқ,  
Магар тупроқ аро –  
Кайфу сафойим борга ўхшайди.

Кечибман неча бир  
Жон ўртагувчи муддаойимдан,  
Ўзим ҳам билмаган бир  
Муддаойим борга ўхшайди.

Саҳарлар боққа кирсам,  
Қумри, булбул сайрамас, хомуш,  
Улардан ҳам баландроқ  
Оҳу войим борга ўхшайди.

Шу алпозда юриб ҳам,  
Аҳли дунёга қабулдирмен,  
Қабул бўлган бирор  
Хайру дуойим борга ўхшайди.

Жамол, турсам-ўтирсам,  
Ёлборурман, ё Худойим, деб,  
Нафас олсам, нафас ичра  
Худойим борга ўхшайди...



## ҚАЙТАДИ

Айлама жабру жафо  
Жабру жафолар қайтади,  
Элга қилсанг, сенга ҳам  
Дарду балолар қайтади.

Мен баланд деб ўзгаларга  
Этма кибру иддао,  
Сенга ҳам бир кун бировдин  
Иддаолар қайтади.

Йўқ менинг юртимда ҳеч  
Йўқсил, гадо деб урма дам,  
Ўғрилар соғ бўлса, юртингга  
Гадолар қайтади.

Тонг саҳарларда Худойим деб  
Нидо қил, илтижо,  
Нур бўлиб Ҳақдин кўнгилга  
Илтижолар қайтади.

Авлиёлар бу ватанга  
Энди келмаслар, дема,  
Ҳақ агар амр этса, элга  
Авлиёлар қайтади.

Тушса гар жонларга ул  
Оллоҳу акбар партави,  
Занглаган дилларга  
Ихлосу сафолар қайтади.

Бошлар узра нур сочар бўлса  
Адолат – офтоб,  
Эл аро меҳру мурувват,  
Марҳаболар қайтади.

Шоиро, ҳар лаҳза эл –  
Дардига истарсен даво,  
Бир кун исмнингга бу  
Меҳру вафолар қайтади...

## ОЛЛОҲ УМР БЕРСА

Ёзармен неча бир яхши китоб,  
Оллоҳ умр берса,  
Чалармен неча бир савти рубоб,  
Оллоҳ умр берса...

Бугунча бошим узра кўрганим ул  
Ой ила юлдуз,  
Кўрармен бошим узра офтоб,  
Оллоҳ умр берса.

Жаҳонда файласуфлар минг саволга  
Бир жавоб дерлар,  
Дегаймен минг саволга бир жавоб,  
Оллоҳ умр берса.

Фалак ҳам чарх урармиш ҳар замон  
Бир инқилоб айлаб,  
Солармен туйғуларга инқилоб,  
Оллоҳ умр берса.

Жаҳонга келган ҳар бир кимса борким,  
Бир хитоб этгай,  
Этармен аҳли оламга хитоб,  
Оллоҳ умр берса.

Менинг ҳам кўнглим ичра бир фиғоним,  
Изтиробим бор,  
Супургаймен кўнгилдин изтироб,  
Оллоҳ умр берса.

Муқаррардир Жамолга бир ҳисобу  
Сарҳисоб, дўстлар,  
Берармен шу ватанга сарҳисоб,  
Оллоҳ умр берса...

## МУҲАББАТ НЕ ЎЗИ, ДЕБ СЎРМАГИЛ...

Муҳаббат не ўзи, деб сўрмагил,  
Жисминга жондир бу,  
Яна, ҳижрон надир, деб сўрмаким,  
Оҳу фиғондир бу.

Соғинчни сен йироқ юлдузга  
Монанд этмагил, бўлмас,  
Ҳамиша ёр хаёли бирла  
Равшан осмондир бу.

Висол айёми завқу шавқидин  
Сўз очма бепарво,  
Қовушса икки кўнгил, ўйлаким,  
Айши жаҳондир бу...

Очилган бир қизил гул деб  
Магар ёримни камситма,  
Қизил гулдек бошимга  
Соя солган арғувондир бу.

Муҳаббат – осмоний шуъладир,  
Ҳирсу ҳаво эрмас,  
Биродарлар, шу гапни билмасак,  
Қандай замондир бу?

Кўнгилни эҳтиёт қил  
ногаҳоний қарға-қузғундан,  
Кўнгил не, кумри, булбул  
сайрагувчи ошиёндир бу.

Чаманда шарқираб оққанни  
Сув деб ўйлама, эй дўст,  
Менинг меҳрим оқизган  
Чашмайи оби равондир бу.

Жамол, бир кун париваш деб  
Чаманда йўл адаштирсанг,  
Адаштира, паривашлар  
Макони – Ғиждувондир бу...

## МЕНИНГ КҮНГЛИМНИ РОМ ЭТМАС

Бу ёлғон шиквалар, сўзлар  
Менинг кўнглимни ром этмас,  
Магар ром этмаса кўнглимни,  
Кўнглим эҳтиром этмас.

Адолат бир ажойиб қуш  
Эрурким, қанча ёлборма,  
Адоват соя солган гўшага  
Сайри хиром этмас...

Киши инсон бўлолса,  
Бори басдир, не эмиш унвон?  
Магар олий мақом  
Ҳар кимсани олий мақом этмас.

Бировлар эл аро ёлғонни  
Рост деб айтсалар, сабр эт,  
Кўрарсен бир куни,  
Маҳшаргача шундоқ давом этмас.

Фикр-андиша қил,  
Инсон деган бир хилда қолгайму?  
Замин узра замон ҳам  
Айланиб, бирдек маром этмас.

Ҳаёт ҳар кимсани  
Ҳар лаҳзада бир имтиҳон айлар,  
Ва лекин амру фармон  
Бўлмагунча, интиқом этмас.

Юриб шоми ғарибон ичра,  
Уйла субҳи содиқни,  
Бўлолмас кеча кундуз,  
Субҳидам этгани шом этмас.

Жамолга «Дилхирож» машқини  
Чалгайсиз тонг отгунча,  
Фалак ҳам машқини  
Охирга етказмай, тамом этмас...

## БИЛМАСЛАР

Ватансиз кимсалар юрту  
Ватан қадрини билмаслар,  
Маконсиз қарғалар боғу  
Чаман қадрини билмаслар.

Адабсиз қайданам билсин,  
Ахир лутфу назокатни,  
Қамишзор қушлари ул –  
Ёсуман қадрини билмаслар.

Фиғонким, танпараствлар  
Билмагайлар руҳи олийни,  
Эсизким, руҳпараствлар  
Гулбадан қадрини билмаслар.

Жаҳонда кимки инсондир,  
Йиғилди, анжуман бўлди,  
Кўринг, бу ношукурлар  
Анжуман қадрини билмаслар...

Масалдирким, бухоролик  
Қадр топмас Бухорода,  
Маталдирким, яманликлар  
Яман қадрини билмаслар.

Жаҳоннинг бойидирман, чунки  
Бир йиртиқ чопоним бор,  
Кафанга етмагунча то  
Кафан қадрини билмаслар.

Жаҳонгирлар бугун арқон  
Эшарлар бизга деб, тонг йўқ,  
Уларнинг наздида қуллар  
Кишан қадрини билмаслар...

Жамол, бозорга кирдинг, бас,  
Нечун сенга суханварлик?  
Бу бозор аҳлидир барча,  
Сухан қадрини билмаслар...

## НАҚШ АЙЛАГИЛ

Дилга Оллоҳ номини  
Нақш айлагил,  
Ишқини, илҳомини  
Нақш айлагил...

Армуғон келтирди  
Пайғамбар сенга,  
Сен унинг пайғомини  
Нақш айлагил.

Еру кўкка ҳокими—  
Қодир Худо,  
Ҳукмини, аҳкомини  
Нақш айлагил.

Тангри бермиш сенга  
Жаннатдек Ватан,  
Сабза, гул андомини  
Нақш айлагил.

«Дил баёру даст ба кор»  
Дейди Хўжам,  
Бу ҳақиқат жомини  
Нақш айлагил.

Меҳнату иймон била  
Ўтсин умр,  
Субҳи бирла шомини  
Нақш айлагил...

Ҳур Ватанда сен —  
Нақшбандий бўл,  
Тангрининг исломини  
Нақш айлагил...

Бу тарона келди  
Қисматдин, Жамол,  
Қисматинг инъомини  
Нақш айлагил...

## КАЪБАТУЛЛОҲ ОСТОНАСИДА

Бу ерда айтганинг ҳар сўз  
Жондин хитоб ўлур,  
Кўнгилга тушган ҳар шуъла  
Офтоб ўлур...

«Оллоҳи акбар»инг бергай  
Бирмас, минг садо,  
Сендан савол эса, жоним,  
Ҳақдин жавоб ўлур...

Мажнун бу даргоҳга келиб,  
Чекмишди нолалар,  
Сен ҳам энди бу ҳалқага  
Кирсанг, савоб ўлур.

Сўрдим саволки, ошиқмен,  
Бўлгайму бир самар?  
Келди жавобим: ишқ аро  
Минг бир азоб ўлур.

Сўрдим саволки, йўлчиман,  
Етгайму матлабим?  
Келди жавобим: шошмагил,  
Боб-боб ўлур...

Фарёд солиб дедимки, оҳ,  
Кўнглим юз порадири,  
Келди садо: ҳар порасидин  
Бир китоб ўлур...

Даргоҳингга қай юз билан  
Боргаймен, эй Хўжам? –  
Десам, деди: кўз ёшларинг  
Сенга ҳижоб ўлур...

Тошига бош уриб, Жамол,  
Этдим илтижо,  
Шояд дуоларим бир кун  
Мустажоб ўлур...

## ЎЛАНДАН СЎР...

(Фузулийга назира)

Ватаннинг қадрини ғурбат элида  
Хор ўландан сўр,  
Бу гулшан сеҳрини бир термулишга  
Зор ўландан сўр.

Қарамлик не эмиш дунёда,  
Мандин ўзгадин сўрма,  
Бу қуллик, бу қабоҳат дардини  
Абгор ўландан сўр...

На билсин бахтиёрлар  
Чорасиз бахтиқароларни,  
Ғариб, бечоралар аҳволини  
Ночор ўландан сўр.

Ғанимлар илкида Турон замин  
Чеккан аламларни  
Жаҳонда ҳақ-ҳуқуқи бир йўла  
Инкор ўландан сўр.

Нечун чўл бўлди денгиз,  
Не учун дашт бўлди дарё деб  
Маним-ла ёр эмас, балким  
Ғаним-ла ёр ўландан сўр.

Шукур, юз очди истиқлол,  
Бўйиндан тушди занжирлар,  
Шу бахтни бир асрким боши узра  
Дор ўландан сўр.

Элим, бу не саодат кун,  
Не билсин қарғаю қузғун?  
Бу кунни кўк сари парвоз этиб,  
Шунқор ўландан сўр.

Жамол, оқил эсанг, миллат ғамини  
Сўрма ғофилдан,  
Бу дардни кўксида миллат  
Ғурури бор ўландан сўр...



## БУ ДАМЛАРНИ САОДАТ БИЛ...

Яна маъюсу маҳзунман,  
Яна мен лолу ҳайронлар,  
Ва лекин сиз паришон бўлмангиз,  
Аҳли мусулмонлар...

Симобий саҳфага сен сувратимни  
Солма, сувраткаш,  
Алам, андишадан суврат чекар  
Бағримга инсонлар.

Манам бир бандадирман,  
Ҳар нафас бошимда Раҳмоним,  
Магарким шул сабабдан тош отар  
Бошимга шайтонлар.

На ҳиммат, на ҳамият бор,  
Таҳаммул йўқ, қаноат йўқ,  
Ҳамиша манфаат излаб  
Фано даштида сарсонлар...

Аё кўнглим, ва лекин сен  
Бу дамларни саодат бил,  
Муяссар бўлди истиқлол,  
Юракдан кетди армонлар.

Неча тунлар кечирдинг зим-зиё,  
Зулматли саҳрода,  
Қара, келмоқдадир кунлар –  
Шарафли, шонли карвонлар.

Насибангга шукур қилғил,  
Жамол, сен ношукур бўлма,  
Яратганга, эшит, шукрона  
Айтур еру осмонлар...

## КИМДАН КЕЛАР...

Ўйладингми, бу жаҳон  
кимдан келар?

Шу замин, шу осмон  
кимдан келар?

Кўкда юлдуз сенга  
кимдандир насиб,  
Ерда юксак арғувон  
кимдан келар?

Тонготарларда чекар  
булбул наво,  
Англадингми, бу фиғон  
кимдан келар?

Пайқадингми, ким –  
жаҳоннинг жонидир,  
Кўзга нур, жисминга жон  
кимдан келар?

Ҳар куни бошингдадир  
юз имтиҳон,  
Бу синов, бу имтиҳон  
кимдан келар?

Аввалу охир замондир  
ҳар замон,  
Аввалу охир замон  
кимдан келар?

Саждага бош қўй, Жамол,  
шукрона қил,  
Сендаги ўтлиғ забон  
кимдан келар...

## ОНАЖОНИМ

Онажоним, юзларингдек  
суврату сиймо қани?  
Айрилиб, армонда қолдим,  
менга у дунё қани?

Ялт этиб, кечдинг кўзимдин  
туш каби, рўё каби,  
Кўзларимга энди сендек  
туш қани, рўё қани?

Оқдингу кетдинг йироқлаб  
бир буюк дарё мисол,  
Ташналаб қолдим, тўйиб  
ичмоққа ул дарё қани?

Сендан айрилган куни  
қолдим умр саҳросида,  
Изларинг изларман энди,  
менга у саҳро қани?

Хотирамда ой юзинг,  
юлдуз кўзинг эрди мудом,  
Осмонни тун босибдир,  
Ой қани, Зухро қани?

Бош қўяй дерман оёғингта,  
тополмай, зормен,  
Қўйгали бошимни бир дам  
менга Байтуллоҳ қани?

Онаизорсан Жамолга  
ул жаҳону бул жаҳон,  
Онажоним, юзларингдек  
суврату сиймо қани?

## НЕЧУН БУ ГАПГА КҮНГАЙМЕН...

Азалнинг буйруғи шул деб,  
нечук бу гапга кўнгаймен?  
Агар кўнсам, шамолда шам каби  
йўлларда сўнгаймен.

Шамолда шам каби сўнгум,  
дема, эй, ғофили даврон,  
Ўлармен, кул бўлармен, бир уюм  
тупроққа дўнгаймен...

Ўлармиш, кул бўлармиш деб,  
суюнма, душманним, э воҳ,  
Ўзим айтиб бу сўзларни,  
ўзим ортиқ ўкингаймен.

Бу тупроқда чинорим бор,  
чинорим – устуворим бор,  
Наҳот бир силтанишда  
дарз кетармен ёки сингаймен?

Тилармен мақсади олий,  
замонлар зайлидан холи,  
Тинимсиз талпиниб, бир кун,  
фано даштида тингаймен...

Фано даштида мен ҳам  
ётмагаймен сокину сокит,  
Худога илтижо айлаб,  
адолатга юкингаймен...

Ганимлар хоҳишига қасдма-қасд  
азму шиор этдим:  
Муқаррар тош ёриб бир кун,  
Темур тоғида унгаймен...

Жамол, унда гулинг сўлмас,  
камолда камлигинг бўлмас,  
Тузук тузмоққа дунёда  
қаламни қайта йўнгаймен...

## ХОРИЖЛИК ВАТАНДОШЛАРГА

Келибсиз она юртга, марҳабо,  
фарзона юргайсиз,  
Қадамлаб, ҳар қарич тупроғини  
кўзларга сургайсиз...

Гаҳи ҳижрон ғамин сўзлаб,  
гаҳи бир бўтадек бўзлаб,  
Қариндош, ақраболар қошига  
елдек юргайсиз...

Қадрдон гўшаларга термулиб  
ҳам хўрсиниб гоҳи,  
Чинорлар соясида чой ичиб,  
бир дам ўтиргайсиз...

Гаҳи Тошкент аро сайрон,  
гаҳи Фарғонага ҳайрон,  
Гаҳи шод, гоҳида гирён –  
туғишган элни кўргайсиз.

Самарқандга шитоб айлаб,  
Бухорони тавоф айлаб,  
Гаҳи Урганч, гаҳи Сурхон  
томонга йўлни бургайсиз.

Зиёфатларда сизга май ичиш  
мамну эса, дўстлар,  
Гўзаллар бошидин бир коса  
шарбатни ўтиргайсиз...

Юракларга ҳаяжонлар,  
ширин онларни сувратлаб,  
Кўнгил авроғидин аччиқ  
аламларни ўчиргайсиз.

Кўринди элга истиқбол,  
шу мазлум юртга истиқлол,  
Курашлар, жабҳаларда –  
биз билан бир сафда тургайсиз.

Мадина, Макка, Истанбулда мен  
аҳволингиз сўрдим,  
Ватанда вақт топиб гоҳи  
Жамол ҳолини сўргайсиз...



## КҮНГИЛ, ҮРТАНМА, ҚҮЙ...

Кўнгил, ўртанма, қўй, бу  
нотавонларга, керак эрмас,  
Ачинма нафси деб –  
овора жонларга, керак эрмас.

Адолат ихтиёр этдинг,  
ҳақиқатни шиор этдинг,  
Адолат ҳам ҳақиқат –  
устомонларга керак эрмас.

Оғоч эрмиш жаҳон, сен –  
унда унган бир яшил япроқ,  
Яшил япроқлигинг –  
барги хазонларга керак эрмас.

Жаҳоннинг ҳирсига тўлма  
ва кўкси ногирон бўлма,  
Муҳаббат шавқи кўкси –  
ногиронларга керак эрмас.

Ёнар бўлсанг, ғуборсиз ўт  
бўлиб ён, парча оташ бўл,  
Тутаб ёнма, тутунлар  
осмонларга керак эрмас...

Керакдир базм аро ул яхшиларга  
илтифот такрор,  
Ва лекин илтифот биздек  
ёмонларга керак эрмас.

Жамол, қадринг ошиб, гарчи  
бугун тупроққа етмишсан,  
Дема бу нуқтани, бу –  
нуқтадонларга керак эрмас...

## АЛАМ...

Мазаллат шоми битмасми,  
адолат тонги отмасми?  
Ниқоблар йиртилиб бир кун,  
ғанимлар лойга ботмасми?

Назарга илмадинг, нодон,  
юракка найзалар санчдинг,  
Бу ўқлар жам бўлиб ҳар дам  
менинг бағримда ётмасми?

Менинг бошимни эгтанлар  
сенга айлармикин шафқат?  
Менинг отамни отганлар  
сенинг отангни отмасми?

Кеча виждонни сотганлар,  
дину иймонни сотганлар,  
Амал деб жонни сотганлар,  
Ватанни пулга сотмасми?

Хиёнатлар билан юрмоқ,  
адоватлар билан турмоқ,  
Шақоват ичра кун кўрмоқ,  
муслмонга уятмасми?

Кўнгил сен – лахча оташсен,  
саҳарлаб чекканинг бир оҳ  
Бўғов-бандларни узмасми,  
кишанларни ушатмасми?

Жамол, жайронга ўқ узма,  
гуноҳсиз жонга ўқ узма,  
Бу дунёда ўқ отганлар  
у дунёни йўқотмасми?..



## БУ ЮРТДАН...

Бу юртдан бош олиб бир кун  
Кетай дерман, кетолмасман.

Бу соҳилдан у соҳилга  
Ўтай дерман, ўтолмасман.

Бу соҳилдан у соҳил ўртаси  
Оламча манзилдир,  
Ўзимни итқитолмасман,  
Қулоч отсам, етолмасман...

Бошимда бўйла бир савдо,  
Қошимда бўйла бир ғавғо,  
Бу ғамларни яна ичга  
Ютай дерман, ютолмасман.

Анисим – тош каби болиш,  
Ичимда ўтли бир нолиш,  
У болишда бу нолишдин  
Узун тунлар ётолмасман.

Фалак менга ситам этди,  
Бошимга тошлар ирғитди,  
Бу тошларни фалакка  
Ирғитай деб, ирғитолмасман.

Ўзим очдим эшикни,  
Марҳабо, деб беҳаёларга,  
Ўзим энди эшикни  
Беркитай, деб беркитолмасман.

Келарму юртга истиқлол –  
Менинг ул маҳбуби жоним,  
На сабру на қарорим бор,  
Кутай дерман, кутолмасман.

Сени, жоним, ҳаво дерлар,  
Жамолга нораво дерлар,  
Раво бўл ошиғингга,  
Йўқса, оламдин ўтолмасман...

## АЁ, ҲАҚ СЎЗ...

Кел, эй янграб садо бергил,  
Юракда янграган торим,  
Бу дунёда менинг борим,  
У дунёда тарафдорим.

Ҳақиқат йўлчисидирсен,  
Адолат тилчисидирсен,  
Аламларга гирифторим,  
Балоларга сазоворим...

Таянч борми менга сендек,  
Суянч борму сенга мендек,  
Ўзим бўлгум мадаккоринг,  
Ўзинг бўлгил мадаккорим.

Сенинг ҳиссангни Ҳақ бермиш,  
Фанимлар не писанд эрмиш,  
Худойимдир сенинг ёринг,  
Худойимдир менинг ёрим...

Бу дунё саҳнида битта  
Қумурсқа бўлмамиш такрор,  
Аё бўлгайму такроринг,  
Ва ё келгайму такрорим?

Фусункор бўлмаса мавжинг,  
Фалакка етмаса авжинг,  
Менга етмасми озоринг,  
Сенга етмасми озорим?

Сенинг меҳринг-ла, Ҳақ сўзим,  
Қалам йўндим, китоб ёздим,  
Қараб боқсам, жаҳон эрмиш  
Бугун теграмда бозорим...

Аё Ҳақ сўз, сенга бошим  
Тикибман, сарбадорингман,  
Жамол, деб катта майдонда  
Қурибмен муҳташам дорим...

## ЙИҒЛАМА, СИНГЛИМ...

(Шоира Мақсуда Эргашевага)

Йиғлама, синглим, бу юртга  
Янги бир авлод келур,  
Жонга жон, дардларга дармон,  
Хастага имдод келур.

Келгай осмоний маърифат,  
Келгай олий эътиқод,  
Шум мунофиқлик, бахилликдан  
Ҳама озод келур.

Келгай инсонларга инсоф,  
Ҳаммамизга дини соф,  
Чин адаб бирлан жамият  
Гулшани обод келур.

Тантилик топгай қарору  
Эзгулик бўлгай шиор,  
Фитна, фирромлик, хиёнат  
Шеваси барбод келур.

Бўлмагай бу юртда миждов,  
Занчалиш, зору заиф,  
Эрлари ўктам чинордек,  
Қизлари шамшод келур.

Покланармиз шум замон,  
Машъум асрнинг касридан,  
Тўғрига одил суюнчиқ,  
Ўғрига жаллод келур.

Нафсимиздан бир куни  
Устун келармиз оқибат,  
Сайд этарга ҳар шарафни  
Ҳар кўнгил сайёд келур.

Бирлашармиз шу азиз  
Туронда биз ҳам эл бўлиб,  
Йўқса, то маҳшар Жамолнинг  
Кўксидан фарёд келур...



## МЕН ЭДИМ БИР ЁНДАЮ...

Мен эдим бир ёндаю  
        бир ён – буюк Чотқол эди,  
Менда бир аҳвол эди,  
        Чотқолда бир аҳвол эди...

Оқ булут, байзо булут  
        соқит эди тоғ бошида,  
Мен-да жим, соқит эдим,  
        бошимда мажнунтол эди.

Тоғ эди теграмда, лекин  
        кўзларим осмонида  
Гоҳи кечмиш акс этарди,  
        гоҳи истиқбол эди.

Тоғ ила ҳамдард эдим мен,  
        оҳига оҳим туташ,  
Жўр эди диллар, вале  
        айтмоққа тиллар лол эди.

Чўққиларда мен кўрар эрдим  
        ватаннинг фолини,  
Ҳар оғоч – Ҳақдин нишона,  
        сирли бир тимсол эди.

Бор эди тоғдек юракда  
        минг умиду эътимод,  
Менда ҳам минг бир хаёлу  
        орзуйи аъмол эди.

Кўзларимдин ёш тўкиб,  
сўйлар эдим ҳолимни мен,  
Тоғда ҳам кўк чашма ўйнаб,  
арз этардек ҳол эди.

Эрк ила иқболда эрди  
ҳам хаёлу ҳам савол,  
Ҳам хаёлу ҳам саволда  
эрк эди, иқбол эди...

Мен эдим бир ёндаю  
бир ён – буюк Чотқол эди.  
Ул куни кўкларда байрам,  
ерда истиқлол эди...



## ЯШАМАСМИ?

*(Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига)*

Бир йил яшаган жон яна  
Юз йил яшамасми?  
Манзилга етаркан, яна  
Манзил яшамасми?

Тарқалди ғамим, бўлди мурод  
Гулшани ҳосил,  
Кўк узра қуёш порласа,  
Ҳосил яшамасми?

Ер бизники, кўк бизники,  
Юрт бизники бўлди,  
Инсон боласи юртига  
Масъул яшамасми?

Бос илгари, руҳингдаги  
Занжирни улоқтир,  
Эрсан-ку, йигит руҳида  
Дулдул яшамасми?

Озода қизим, хур яша  
Хур ўлкада сен ҳам,  
Ҳар тоза малак кўксига  
Кўнгил яшамасми?

Юз очди жаҳон бизга,  
Ватан даврага тушди,  
Зебо санамим даврада  
Гул-гул яшамасми?

Эл ичра севинч созини чал,  
Яйра, Жамолим,  
Зоғлар яшаган боғчада  
Булбул яшамасми?..

## ЮЗТА ДАВЛАТ ТАН ОЛИБДИР...

Юзта давлат тан олибдир,  
Ўзбекистоним бугун,  
Юз билан юзлашдинг охир,  
Яйрагил, жоним бугун.

Кўнглим ичра юз ярога  
Юзта малҳам бўлди бул,  
Нотавон эрдим, етишди  
Юзта дармоним бугун.

Ўз уйида сарғайиб,  
Хор эдию зор эрди эл,  
Ўтса қайғу, кетса ғам,  
Битмасми армоним бугун?

Интизормиз термулиб,  
Манзилни кўрсат, эй қуёш,  
Йўл босиб, манзил ошиб,  
Бормоқда карвоним бугун.

Чархи даврон, тўхтама,  
Бошимда эврил ҳар нафас,  
Ҳар нафас келмоқдадир  
Бошимга давроним бугун...

Мен қувонайми, ёронлар,  
Ўз элимда ўз тилим,  
Бўлса беминнат яна  
Ошим бугун, ноним бугун.

Шу жаҳон ичра менинг ҳам  
Давлатим бор, савлатим –  
Ўз туғим, ўз лашкарим,  
Теграмда кўрғоним бугун.

Мустақиллик деб Жамол  
Кўнглида ишқу эътиқод,  
Шукриллаҳким, олибман  
Қўлга Қуръоним бугун...

## ҲАСАН РАЖАБИЙ АШУЛАСИ

Бастакор Юнус отам  
То элни шайдо айлади,  
Ҳар мақомда юз мақом  
Машқини пайдо айлади.

Чертди танбур, сочди дунёга  
Садолар сеҳрини,  
Ҳам кўнгилларга наволар,  
Меҳрини жо айлади.

Ул «Баёт» этганда оғоз,  
Оқди анҳори азим,  
Эй қаро кўзим, деди,  
«Ушшоқ»ни дарё айлади.

Лаҳза-лаҳза урди нохун,  
Зарра-зарра йиғди ганж,  
Сўнг у ганжни сафҳа-сафҳа  
Ёзди, иншо айлади.

Гоҳ Навоий бўлди қўлдош,  
Гоҳи Машраб бўлди эш,  
Ҳар сатрдан неча маънони  
Таманно айлади...

Эй ёронлар, жон қуши  
Парвози эрмиш Шашмақом,  
Шашмақомни бошга гултож,  
Элга туғро айлади.

Эй Ҳасан, сен ҳам мақом  
Айтиб, бугун оламни кез,  
Чунки устозинг мақомни  
Олам оро айлади...

## ОШИҚОНА

Қошингта ўсмалар қўйма,  
Кўзингта сурмалар сурма,  
Ва лекин шўх табассум этмайин  
Сен турма, ўлтирма...

Азалдин қошу кўзинг  
Ўсмалидир, сурмали, жоно,  
Чизилганни чизиб, ўзни  
Хижолат кўйига бурма...

Бу оқшом англадимки,  
Ҳам вафойинг, ҳам жафойинг бор,  
Вафо қилмоққа улгургил,  
Жафо қилмоққа улгурма.

Йўлингда икки йўлчи –  
Ё мурувват, ё итобатдир,  
Мурувват сўзига юргил,  
Итобат сўзига юрма.

Аё жоно, бу дунёда  
Сенинг лутфингча эҳсон йўқ,  
Қиёлаб боқ, табассум қил,  
Сўзимга кирмасанг, кирма...

Менинг жонимни истаб  
Икки жоду наргисинг кулсин,  
Ва лекин йиғлатиб бечорани,  
Дунёни кулдирма.

Жамолинг жон чекиб,  
Васлинг тилаб, доим адоингдир,  
Тирилганни тирилтир, севгилим,  
Ўлганни ўлдирма...

## ЖОНОН БЕЛИНИ БОҒЛАМИШ...

Жонон белини боғламиш  
Баъзда туркона қилиб,  
Билмамки жон истарми ул  
Ўзини жонона қилиб...

Кўрсанг, не кўргилик эмиш,  
Севсанг нечук савдо яна,  
Кўрганни ҳайрона қилиб,  
Севганни девона қилиб...

Нозик адову жилвагар,  
Айтгилки, муддао надир?  
Ётганни остона қилиб,  
Ёнганни парвона қилиб...

Додимга ҳеч етгаймисан,  
Лутфу карам етгаймисан,  
Сеҳр қилиб, афсун қилиб,  
Оламга афсона қилиб?

Додим сенга эй лайливаш,  
Бўлма менга бегонаваш,  
Этгач ўзингга ошино  
Оламга бегона қилиб.

Жонон Жамолни оқибат  
Қувди Бухоро юртидин,  
Мафтунни Хоразм этиб,  
Ошиғи Фарғона қилиб...



## КЎЗЛАР СУЗУК...

Юз тиниқ, лаб қимтиниқ,  
Киприк аро кўзлар сузук,  
Тим қаро қошларга уйқаш  
Тим қаро кўзлар сузук...

Можаролар кўйидан –  
Кечдим сузук кўзларни деб,  
Бошима келмасми янги  
Можаро, кўзлар сузук...

Ул сузук кўзларда бир ҳол,  
Менда бир нозик савол:  
Жонима тушгайми малҳам,  
Ё яро, кўзлар сузук...

Ул сузук кўзларда кулгу,  
Мен бўлиб ўт ичра сув,  
Бас, нетиб бўлмай асиру  
Мубтало, кўзлар сузук?

Эй кўнгил, кўрдинг балоларни,  
Яна ҳайронасан,  
Не бало жон офати ул,  
Не бало кўзлар сузук...

Унга бор шаҳримни бердим,  
Чунки подшоҳим ўша,  
Мен гаодирман ҳамиша,  
Мен гадо, кўзлар сузук...

Сўзни қўйгил, шоирим,  
Чизгил бунинг тасвирини:  
Сен қаламкаш, ул париваш,  
Мен адо, кўзлар сузук...

## СОҒИНИШ

Қолибдир интизор шу кўзларим  
Кўзу қароғингда,  
Кечарлар кечалар васлинг тилаб,  
Жоним, фироғингда...

Паришонҳол, дея айб этмасинлар  
Жўралар зинҳор,  
Агар маъюсланиб кундузлари  
Юрсам сўроғингда...

Йироқмен, дилбарим, аммо  
Хаёлинг бирла ўртоқмен,  
Ёнарман тонггача парвонадек  
Шаъми чироғингда.

Тасаллилар билан қошимга  
Келдинг уйқуда, жоно,  
Қошингда соя ўйнаб, шуълалар  
Яшнаб яноғингда.

Соғинган кўзларимга мисли йўқ  
Жононасан, тонг йўқ,  
Бу жоним, бу жаҳоним  
Ишқинг ичра, иштиёғингда.

Жамолингни хаёлинг кўзгусида,  
Ёр, мунаввар тут,  
Саҳарлар оё ёпинган кўзгудек  
Афсона чоғингда...

## МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҚАБРИ БОШИДА

Келибман бош уриб шу ётганинг  
Мақбарага, Мавлоно,  
Қўяй бошимни қабринг тошига,  
Мармарга, Мавлоно.

Мунаввар бир жаҳонсан,  
Даҳр аро тўлқинли уммонсан,  
Иноят эт, карам қил мен каби  
Мустарга, Мавлоно.

Замоннинг макрига тўйдим,  
Қамишдек ўртаниб, куйдим,  
Кўзим ёшли, дилим ташна  
Суйи кавсарга, Мавлоно.

Қизил гул васл эмиш хандон,  
Гули сафсар эмиш ҳижрон,  
Нечун мен банда бўлдим шул  
Гули сафсарга, Мавлоно?

Аламлар шарҳини ёздим,  
Неча дафтарни тўлғаздим,  
Нетай мен изтиробим сиғмаса  
Дафтарга, Мавлоно?

Қаро кунлар солишди шу жаҳонга,  
Ер чидар, шўрлик,  
Фалак қандай чидайди бу  
Қабоҳатларга, Мавлоно?

Кечирган кунларимни эсга олсам,  
Қалтирар қалбим,  
Мисоли қарға-қузғун даф этар  
Каптарга, Мавлоно.

Нечун инсон бўлибман бу жаҳонда,  
Бўлмасам комил,  
Кўлим етгайму бир кун  
Шамси ул-анварга, Мавлоно?

Буюк устозу раҳбарсан,  
Дилинг денгиз, сўзинг гавҳар,  
Мушарраф эт Жамолни  
Неча бир гавҳарга, Мавлоно...



## МУСТАФО КАМОЛ ОТАТУРК ҚАБРИ БОШИДА

Келибман мухташам қабринг уза  
Эгмоққа бошимни,  
Эгиб бошимни, қабринг тошига  
Тўкмоққа ёшимни.

Тўкиб ёшимни қабринг тошига,  
Шу лаҳза кўмсармен,  
Асрларким булутлар остида  
Қолган кўёшимни...

Фанимлар босдилар, ҳам осдилар,  
Ҳам кесдилар топтаб –  
Муборак мулки Туроним,  
Муқаддас тоғу тошимни.

Аё турк раҳбари, кулик,  
Қарамлик жаврини чекдим,  
Заҳрга қотдилар тотганда туз,  
Ичганда ошимни...

Бани инсон ҳали инсон бўлиб  
Тарихда кўрганмас  
Бу янглиғ меҳнату заҳмат аро  
Кечган маошимни.

Дилимдан қўймадим Оллоҳу акбарни,  
Яшаб қолдим,  
Жаҳон кўрди тинимсиз жангларимни,  
Зўр талошимни.

Шукруллах, етишдим нурли айём –  
Мустақилликка,  
Топибман ўзлигимни, турклигимни,  
Кўзу қошимни.

Кезиб, мен ҳам жаҳон кўрдим,  
Жамолга не саодат бу,  
Зиёрат эттали келдим  
Сенингдек орқадошимни...



## ТОЖ МАҲАЛГА ТЕРМУЛИБ...

Бобурийлар юртидан  
Келдим, бегим,  
Бир кўрай деб йўл босиб,  
Елдим, бегим.

Мулки Ҳиндистон учун  
Сиз – саждагоҳ  
Билмаган эрдим, бугун  
Билдим, бегим.

Қиссангизни менга ифшо  
Этдилар,  
Гоҳи йиғлаб, гоҳида  
Кулдим, бегим.

Тинглабон ишқу алам  
Достонини,  
Яшнадим ҳам сарғайиб  
Сўлдим, бегим...

Кўшкингизга термулиб  
Ҳайрат аро,  
Бир ажиб ҳисларга мен  
Тўлдим, бегим.

Пардадин бир зум  
Қиёлаб боқдингиз,  
Хуснингизга маҳлиё  
Бўлдим, бегим.

Шоҳ Жаҳон бўлдим  
Хаёлда бир нафас,  
Гоҳ тирилдим, гоҳида  
Ўлдим, бегим.

Мен Жамолман, деб кейин  
Бош индириб,  
Мақбарангизни тавоф  
Қилдим, бегим...



Бухоро. Шоир умр йўлдоши Воҳида Ҳамидова билан.



Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида. Чингиз Айтматов ва Жамол Камол.



Жамол Камол ва Эркин Воҳидов.



Бухоро. Профессор Наби Раҳимов, шоир Тошпўлат Ҳамид, ёзувчи Жалол Икромий, Жамол Камол ва ёш адабиётшунос олим Охунжон Сафаров.

## МАЛОМАТ КҮЙИДИН ҮТМА...

Маломат күйидин үтма,  
Жаҳолат лойига ботма,  
Адолат қил, адоват қилма ҳеч,  
Руҳингни булғатма...

Харидоринг бўлай мен ҳар нафас,  
Лекин, ширин жоним,  
Сени дунёга сотсинлар,  
Ўзингни ўзгага сотма.

Қаноат йўллари энсиз,  
Ҳаваснинг сарҳади сўнгсиз,  
Ҳасад – тубсиз қаро денгиз,  
Қаро денгизни чайқатма...

Хиёбонда баланд ўсган  
Чинордек тикка бўл, умрим,  
Биёбонда шамол босган  
Қамишдек айқашиб ётма...

Мунаввар юлдузинг – қалбингни ҳеч  
Ухлатма, уйғоқ тут,  
Ва лекин жон аро нафсингдаги  
Аждарни уйғотма...

Кўнгил кўрғонини андишалардан  
Мусту маҳкам қил,  
Кўнгилга маъқул ўлмасдан бурун  
Бошингни тебратма.

Жамол, жонсўз бўлиб жон сўзларинг  
Айтмоқдасан, лекин  
Ишорат айласанг, бас, яхшиларга  
Мунча ўргатма...

## ЯНА КҮНГЛИМДА УЛ ОЙ...

Яна кўнглимда ул ой  
                    Хусни бирла ҳайронлиғ,  
Яна жонимда жонон  
                    Шавқидин паришонлиғ...

Жаҳонда бор эмиш  
                    Гул мунчаву суман мунча,  
Дариғо, мунча эрмиш  
                    Дилраболиғ бирла жононлиғ.

Чўзиб кўлимни, ёр, сенга  
                    Етолмасам, нетай?  
Менга эрмиш қаро ерлиғ,  
                    Сенга ер узра осмонлиғ.

Куйик жоним каби, дилбар,  
                    Дунёда жон қани?  
Кўнгил борми кўнглим каби  
                    Шикаста, нолонлиғ?

Таажжуб айламанг, дўстлар,  
                    Гоҳида йиғласам,  
Пушаймондир, демангиз, бу –  
                    Эмас пушаймонлиғ.

Оёғига кўйиб бошимни,  
                    Мен кўтармасман,  
Мусулмонлар, бунингдек  
                    Бормидир мусулмонлиғ?

Жамол, назму навони деб  
                    Жон берсанг, арзигаи!  
Муяссар бўлди сенга  
                    Эл аро ғазалхонлиғ...

## ҒИЖДУВОНИМ

Ғиждувоним, боғларингда  
Гул гўзал, раъно гўзал,  
Ғиждувоний ишва бирла  
Ўйнаса, жоно гўзал.

Ғиждувоний бўсалардин  
Ёр ширин, дилдор ширин,  
Ғиждувоний қатралардин  
Базм аро паймо гўзал.

Ғиждувоний ҳусн – Зайнаб,  
Ғиждувоний ишқ – Омон,  
Кўкда ул Зайнаб, Омон деб  
Порлаган Зухро гўзал.

Ғиждувоний дўст, Зарафшонинг  
Сари келмиш Аму,  
Мавжланур боғингда энди  
Икки шўх дарё гўзал.

Шавкатинг, шонинг, ғуруринг  
Меҳнату меҳрингдадир,  
Пахтакорсан, ҳимматингдан  
Чўл гўзал, саҳро гўзал.

Воҳки, дилдан кетди сабрим,  
Кетди қўлдин ихтиёр,  
Олди кўнглим ғиждувоний  
Бир пари сиймо гўзал.

Соқия, қуйгил Жамолга  
Арғувоний бодадин,  
Ғиждувоний пардаларда  
Янграса, ялло гўзал...

## ТАБАССУМ ҚЎШИҒИ

(«Жафо қилма» телеспектакли учун ёзилган)

Атиргул ғунчасидирман,  
Чаманда марварид шода,  
Ўпар кокилларимни,  
Эркалар шомларда шаббода.

Юзимда зарра-зарра нур,  
Тароват ўйнаса, тонг йўқ,  
Ичарман қатра-қатра тотиниб,  
Тонгларда гул бода.

Муҳаббат, эй муҳаббат,  
Сен жаҳонда ошуби савдо,  
Садо бергил, сўроқлар  
Бир санам, озоду озода.

Сенинг кўйингда Лайли  
Ўртаниб куйди, хазон бўлди,  
Сенинг амринг-ла Мажнун  
Умри ўтди дашту саҳрода.

Санамни, майли, зор эт,  
Майли, гоҳи банди озор эт,  
Ва лекин бу кўнгилни  
Қилмагил афтода-афтода.

Муҳаббат, йўлларингда  
Ёри маъсум бу – Табассумдир,  
Табассумдек сенга –  
Ёри малоҳат борми дунёда...

## КҮНГИЛ КҮЗГУСИГА БОҚСАМ...

Кўнгил кўзгусига боқсам,  
Неча рамзу ишоратлар,  
Очилгайдир масофатлар,  
Кўрингайдир иморатлар.

Кўнгил кўзгусига боқсам,  
Фалаклар бўлгуси пайдо,  
Фалаклар қўнида кўргум  
Ажаб ҳусну латофатлар.

Самовотларга чек йўқдир,  
Мақомотларга ҳам поён,  
Қаён боқсам, тамомат йўқ,  
Давоматлар, давоматлар...

Аё кўнглим, шу олам ичра  
Чин олам ўзингдирсан,  
Ки сенга икки оламдин  
Келур сирру синоатлар.

Тириклик не эмишдир, ҳай,  
Бу зулмат, бу зиё ичра?  
Риёзатларда тоатлар,  
Машаққатларга тоқатлар.

Кўйиб ерни, гаҳи авжи  
Фалакка чирмашур оҳим,  
Тушиб жонимга оташлар,  
Етиб руҳимга ҳолатлар.

Нетармен бу жаҳонни, эй кўнгил,  
Бу еру осмонни,  
Кетар бўлса адолатлар,  
Қолар бўлса маломатлар?

Кўнгилга ёр висоли бўлмаса,  
Йўқдир ҳаловат ҳам,  
Худоё, бер Жамолга  
Ганжи васлингдин ҳаловатлар...

## ЖОН ЭТДИНГ АТО...

Жон этдинг ато менга,  
Худойим, нафасингдин,  
Жой этдинг ато сўнгра  
Шу дунё, қафасингдин.

Кўргилки, жаҳон саҳнида  
Саргашта бўлибмен,  
Ҳижрону жафо босқини,  
Шу басма-басингдин.

Кўнглимни ҳақиқатга макон  
Айла, Худоё,  
Руҳимни ҳузурингга равон  
Айламасингдин.

Руҳимни самоларга кўтар,  
Айла сарафроз,  
Пойимга тугун солма  
Ҳавою ҳавасингдин.

Бер менга имонимни,  
Йўқот нафси балони,  
Тўлдирма бисотимни  
Ўшал хору хасингдин.

Ҳошоки, таним қайдида  
Жондин хабарим йўқ,  
Бордир хабарим бир куни  
Жоним оласингдин.

Эй Рабби карим, баски,  
Омонат эса жоним,  
Ол ушбу омонатни  
Мени қийнамасингдин.

Даҳр ичра Жамол топди  
Нафас бирла тириклик,  
Эт лутфу карам унга,  
Худойим, нафасингдин...



## ТИРИКЛИК КҮЙИДА ЮР...

Тириклик кўйида юр,  
Подшолик ё гадолик қил.  
Кўнгил аҳлини топгил,  
Хизмат айла, ошнолик қил.

Жаҳоннинг жони бил,  
Кам тутма андин, ул кўнгил аҳли  
Наво солгай сенинг жонингга,  
Боргил, бенаволик қил.

Бировким лаб очиб сенга,  
Ҳақиқатдин хабар берса,  
Ҳамона пойига бошингни кўйгил,  
Мубталолик қил.

Етишгайдир сенга завқу сафолар  
Тоза кўнгилдин,  
Кўнгилни беғубор эт, бекудурат,  
Бериёлик қил.

Оч-офат бўлма бу дунёда,  
Тўймас аждаҳо бўлма,  
Кўзингни тўқ назарлик айлаю  
Шарму ҳаёлик қил.

Кўнгил бирлан кўзингни асрагил  
Ҳою ҳаваслардин,  
Ҳазар этсин ҳаромдин, йўлга бошла,  
Раҳнамолик қил.

Яша илму адаб бирлан,  
Бировга бермагил озор,  
Кетарда шу жаҳон аҳли ила  
Рози-ризолик қил.

Худойим, бу Жамолни ул  
Кўнгил аҳлига сен ёр эт,  
Анга лутфу карамлар айла  
Меҳрингдин, худолик қил...



## ЭЙ ВОҲИДАМ, ЭЙ ВОҲИДАМ...

Кетдинг мени ташлаб бугун,  
эЙ Воҳидам, эЙ Воҳидам,  
Қалбим тўла фарёду хун,  
эЙ Воҳидам, эЙ Воҳидам...

Бошимда сўнди офтоб,  
бахтим куюк, бағрим кабоб,  
Сенсиз менинг ҳолим хароб,  
эЙ Воҳидам, эЙ Воҳидам...

Аҳдингда тургонинг қани?  
ҳижронга солдинг сен мени,  
Қайлардан излай мен сени,  
эЙ Воҳидам, эЙ Воҳидам...

Қайда сенинг орзуларинг,  
ширин-шакар кулгуларинг,  
Кўз ёшларинг, инжуларинг,  
эЙ Воҳидам, эЙ Воҳидам...

Қалбимдасан, ҳар ёндасан,  
гоҳ уйда, гоҳ айвондасан,  
Юлдуз бўлиб осмондасан,  
эЙ Воҳидам, эЙ Воҳидам...

Сенсиз менга дунё етим,  
боғимда гул раъно етим,  
Шеърү ғазал, маъно етим,  
эЙ Воҳидам, эЙ Воҳидам...

Менга маҳи анвор эдинг,  
дилбар эдинг, дилдор эдинг,  
Меҳру вафоли ёр эдинг  
эЙ Воҳидам, эЙ Воҳидам...

Айлаб яна меҳру вафо,  
кирсанг тушимга гоҳ-гоҳ,  
Пойингда бўлгаймен адо,  
эй Воҳидам, эй Воҳидам...

Кўйингда гирендир Жамол,  
бағри тўла қондир Жамол,  
Ҳар лаҳза нолондир Жамол,  
эй Воҳидам, эй Воҳидам...

Ўлсам, буюк байрам бўлиб,  
кўнглим қувончларга тўлиб,  
Ёнингда боргаймен кулиб,  
эй Воҳидам, эй Воҳидам...

Раҳмат аён бўлсин сенга,  
жаннат макон бўлсин сенга,  
Кавсар равон бўлсин сенга,  
эй Воҳидам, эй Воҳидам...

**23 март 2007 йил**

## ЖОНИМ, СЕНИ ЖОНСИЗ КҮРДИМ...

Жоним, сени жонсиз кўрдим  
Ногоҳ, эрталаб,  
Табассум эрди лабингда  
Ажабданам ажаб.

Жонсиз лабда табассуминг  
Не эрди, эй нигор?  
Сўник бир шам эдинг, аммо  
Ёнардинг парпираб...

Эвоҳ, билдимки, эрди ул  
Табассуми видо,  
Табассум этардинг менга,  
Хайр деб, хушадаб.

Кетдинг сен тобут ичра ҳам  
Табассуминг сочиб,  
Мен қолдим кўзда ёш ила,  
Ортингда мўлтираб.

Видо табассуминг ўшал  
Қалбимда қолди, ёр,  
Кўрармен ул табассумингни  
Ҳар томон қараб.

Ул не табассум эрдиким,  
Табассум этдингу  
Ёқдинг менинг жонимни сен,  
Бағримга ўт қалаб.

Ул не табассум эрдики,  
Табассум айлабон,  
Ҳажру фироқ солдинг бошимга,  
Турмадинг аяб.

Ул не табассум эрдиким,  
Табассум айлагач,  
Сен кетдинг сүйи Кавсару  
Мен қолдим ташналаб.

Лаълинг аро табассуминг  
Ўпмакка интизор,  
Жоним куяр гоҳо тутунсиз,  
Гоҳида тутаб.

Мискин Жамолинг бир куни  
Боргуси жон бериб,  
Чиқсанг табассум айлабон  
Олдига, не ажаб...



## СОҒИНСАМ ГУЛ ЮЗИНГНИ...

Соғинсам гул юзингни, эй нигорим,  
Шу баҳор чоғи,  
Кўринмас кўзларимга бу чаманнинг  
Гулшани, боғи.

Нечуксен деб менинг ҳолимни сўрма,  
Нотавон кўнглим  
Мисоли гул эмишдир қонга ботган,  
Лола япроғи...

Не эрмиш бағриқонлик, кўнглидоғлик,  
Лола билгайму?  
Менинг бағримдадир қони,  
Менинг кўнглимдадир доғи.

Ўшал кун сен кетиб тобутда,  
Мен қолдим қиёматда,  
Ҳамон жонимдадир ул айрилиқнинг  
Дарди, титроғи.

Наҳот мен кўрмагаймен ой юзингни  
Энди, дилдорим,  
Наҳот шу кўзларимнинг тинмагай  
Кўз ёши қайноғи?

Юрар бўлсам, ғамингдин  
Йўлларимга ястанур саҳро,  
Турар бўлсам, яна бошимда  
Ҳижрон, Бесутун тоғи.

Аё гул юзлим, ёрим,  
Сени Маҳшарда излармен,  
Кўлимда чекканим оҳи аламнинг  
Лола байроғи.

Жамол, деб мен томонга  
Талпиниб ногоҳ, қадам қўйсанг,  
Кўзимга сурма бўлсин ул  
Қадамнинг гарди, тупроғи...



## ДЕМА, ГУЛ ЮЗЛИ ЁРИМ...

Дема, гул юзли ёрим, сен кетиб,  
Мен бунда қолгаймен,  
Куярмен, кул бўлармен, бир куни  
Ёнингга боргаймен.

Тириклик чоғида сендан  
Эмасдим бир нафас айру,  
Ўларкан, энди тупроғимни  
Тупроғингга қоргаймен.

Ёнармен кеча-кундуз,  
Кўнглим ичра доғи ҳижронинг,  
Кўнгилдин бу аламнинг дардини  
Қандоқ чиқаргаймен?

Нечук билгай менинг ҳолимни,  
Йўқ, билмайди кундузлар,  
Юрак дардимни мен ёлғиз  
Қаро тунларга ёргаймен.

Ўпар қабрингни ҳар дам  
Эврилиб, бошингда бир эпкин,  
Саҳаргоҳларда сенга  
Оҳи зоримни юборгаймен.

Қорайдим гарчи ҳижронинг чекиб,  
Куйган оғоч янглиғ,  
Висолинг шуъласи тушганда,  
Дилдорим, қизаргаймен.

Агарчи мотамингда чекмадим ун,  
Солмадим фарёд,  
Қиёматда қиём айлаб,  
Булут янглиғ ўкиргаёймен...



Жамол Камол ва академик Бахтиёр Назаров.



Жамол Камол ва Одил Ёқубов.



Ёзувчилар уюшмасида йиғин. Ҳайъатда (чапдан) Шукрулло,  
Одил Ёкубов, Бахтиёр Назаров, Жамол Камол.



Истамбул. Профессор Темир Хўжа, Жамол Камол,  
Шаҳобиддин Яссавий.

## КЎРАРМАНМУ СЕНИ?

Ғиждувон бозорига борсам,  
Кўрарманму сени?  
Термулиб ҳар ён қарар бўлсам,  
Кўрарманму сени?

Ҳар томонга термулиб боғсам,  
Сени учратмасам,  
Ошнолардин сўрар бўлсам,  
Кўрарманму сени?

Ошнолардин сўраб ҳам  
Топмасам сендин нишон,  
Тентираб ҳар ён юрар бўлсам,  
Кўрарманму сени?

Тентираб бир телба янглиғ,  
Исминг айтиб дам-бадам,  
Ёш тўкиб, оҳлар урар бўлсам,  
Кўрарманму сени?

Ҳар сафар келгайди деб  
Кўрғон тарафдин севгилим,  
Ул тарафга юз бурар бўлсам,  
Кўрарманму сени?

Васлинг ичра неча йиллар  
Ёқдим ўзни, эй санам,  
Энди ҳажрингда куяр бўлсам,  
Кўрарманму сени?

Мен Жамолингман, юриб,  
Қайлардин излай, Воҳидам,  
Ғиждувон бозорига борсам,  
Кўрарманму сени?

## ИШҚИНГ ЖОНИМДА ЭРДИ-Ю

(«Сувора» йўлида)

Ишқинг жонимда эрди-ю  
Севинчлар эрди, санам,  
Севинчим кетди-ю қолди,  
Ўрнида доғи алам.

Севинчим бу жаҳонда  
Гул юзинг эрди танҳо,  
Юзинг гулида эрди ул  
Жаҳоннинг сеҳри жам.

Юзинг гулидин айрилиб,  
Теграмни тутди хазон,  
Хазонлар ёприлур, э воҳ,  
Чиқар бошимга ҳам...

Латофатингни ёд этиб  
Хазон чекар фарёд,  
Алам орттирур, эрдиму  
Аламлар менга кам?

Юзинг гулидек топмадим  
Оламда бир чирой,  
Кездим жаҳонни айланиб,  
Кўрдим қадам-қадам.

Шаҳлоларингни бир яна  
Кўрмоққа интизор,  
Мен розидурман бир эмас,  
Бўлмоққа юз адам.

Боқдим азалдин то абад,  
Сен эрдинг ул фақат,  
Сендин нишона эрди ул,  
Дунёни ўйласам.

Ошиқ Жамолинг оқ уриб  
Остонада турур,  
Очгил жамолинг, кўрсин ул,  
Эй ёри муҳташам...



## УЙҚУМДА ЙИҒЛАЙМАН

Ўнгимда тиярмен ўзни  
Йиғлардин гарчи, ёр,  
Уйқумда йиғлаймен, вале  
Йўқ менда ихтиёр.

Кулгуларингни ёд этиб,  
Кўнглимда ғам эрур,  
Жодуларингни соғиниб,  
Жонимдадир хумор.

Кўмсаб қадам босишларингни  
Гоҳи кечалар,  
Турармен кўз тикиб эшикка  
Зору интизор.

Не бўлар бир қадам босмоққа  
Чора айласанг,  
Не бўлар бир нафас кўринсанг  
Менга, эй нигор?

Бу не жафоким, ногаҳон  
Бошимга ирғитиб,  
Сен қарор топдинг ундаю  
Мен бунда беқарор?



## ЁДИНГНИ ЁД ЭТИБ

Муҳаббатингни кўнгил мулкига  
Мурод этиб,  
Ўтум жаҳондин, эй санам,  
Ёдингни ёд этиб.

Кўрсат жамолинг, кўзларингни  
Бир нафас кўрай,  
Киприкларингни от менга  
Кўнглимни шод этиб.

Файб пардаси тушди арога,  
Нозанин нигор,  
Қолдим жаҳонда ўртаниб,  
Ҳажрингда дод этиб.

Ишқи висолинг шавқи бирла  
Маст эдим чунон,  
Мардона эрдим толеимга  
Эътимод этиб.

Ҳажру фироқинг ногаҳон  
Бошимга тушди-ю  
Сўз топмадим лаб очгали  
Дардим кушод этиб.

Кетдинг жаҳондин, жон дағи  
Жонимда қолмади,  
Кетди қувончим хўшлашиб,  
Хайрбод этиб.

Мискин Жамолинг ҳар куни  
Сувратинг ўпар,  
Киргил тушимга кечалар  
Гоҳ илтифот этиб...

## ЭЙ НА ХУШ ДАМЛАРКИ УЛ...

Эй на хуш дамларки ул,  
Ёнимда ёрим бор эди,  
Талъати бирлан мунаввар  
Рўзгорим бор эди.

Васли бирлан шод эдим мен,  
Лутфи бирлан шодмон,  
Келса ғам, бошимда ул дам  
Ғамгусорим бор эди.

Манзилим ер узра-ю  
Бошимда эрди офтоб,  
Кўнглим ичра бир ажиб  
Азму қарорим бор эди.

Ой бўлиб, Зухро бўлиб,  
Ёнимда эрди ул санам,  
Ул сабабдин ҳам ўзимга  
Эътиборим бор эди.

Маст эдим лаъли шаробидан  
Севинчлар сипқориб,  
Неча сипқорсам-да, жонимда  
Хуморим бор эди.

Устувор эрди менинг  
Кўнглимда андоқ бир ғурур,  
Севгию сидқу вафода  
Устуворим бор эди.

Гар кетар бўлса сафарга,  
Йўлларимга кўз тикиб,  
Кеча-кундуз йўлларимда  
Интизорим бор эди.

Воҳида эрди ёруғ дунёда  
Танҳо юлдузим,  
Эй Жамол, айтгил: менинг ҳам  
Гулзорим бор эди...



## НАВОИЙДАН НАВО ЕТМИШ...

Аллоҳ лойдин Одам ясаб,  
Яратди бир вужуд,  
Қирқ йил қуёшга қўйди уни,  
Этмади унут.

Кейин руҳга амр айлади:  
Кир Одам жисмига,  
Ки жойинг ундадир энди,  
Маконни унда тут...

Руҳ чирқираб учди ҳар ён,  
Кирмайман, дебон,  
Гарчи уятлиғ эрди ул,  
Юзлари шувут.

Шунда амри Худо ила  
Таралди бир наво,  
Наво таралди, ўйлаким,  
Оламга тушди ўт.

Маст бўлди руҳ андин,  
Кирди Одам жисмига,  
Ва топди ул сирхонада  
Сабр ила сукут...

Шу боисдин жисмим аро  
Жоним қўзғалур  
Най нола чекса, соз янграб,  
Замзама этса уд.

Эй таассуб аҳли, менинг  
Жонимдадур наво,  
Бенаво бўл дебон менга  
Айламанг ўгит.

Жоним кирмиш наво билан  
Жисмимга, бас, нечун  
Оллоҳ десам, жоним аро  
Кўзғалмасин суруд?

Навоийдин наво етмиш  
Жамолга бўйлаким,  
Намозда ҳам наво тиланиб,  
Айлагай сужуд...

Мажнун ҳам бўлмишди  
Суюкли ёридин жудо,  
Лайли деб кўздин ёш тўкиб,  
Чекмишди оху зор.

Вомиқ ҳам кўймишди  
Тупроққа нозли ёрини,  
Узро деб этмишди ашкдин  
Саҳрони лолазор.

Ошиқ Жамолинг ҳар нафас  
Ҳажрингда ўртанур,  
Эй Воҳидам, деб кечалар  
Кўз ёши шашқатор...



## ЛАБИНГ ШАРОБИДИН...

Лабинг шаробидин нўш этдиму  
Асал тотдим.  
Кўнгил бўстонига сайр этдиму  
Ғазал топдим...

Лабинг шаробию Ғазал завқидин  
Бўлиб сармаст.  
Хаёл айлаким, Сулаймон тахтидин  
Хабар топдим.

Юзинг қуёшига, эй сарвиноз,  
Юз тутиб ҳар дам,  
Умр осмони узра шамс ила  
Қамар топдим.

Юзинг офтобидин бўлди мунаввар  
Кеча-кундузлар,  
Самандардек анга мен талпиниб  
Суду самар топдим.

Кўзингга термулиб боққанда  
Кўрдим сирли бир олам,  
Не олам, мунчаким нозу адову  
Ишвалар топдим.

Мени мендин сўраб васлинг аро  
Айб этма, дилдорим,  
Ўзимни ўзлигимдин бу чаманда  
Бехабар топдим.

Жамол ойдек жамолинг истабон  
Шому саҳарларда,  
Дегайким, эй нигоро, лолагун  
Шому саҳар топдим...

## НОЗ

Кўзларимни бир табассум  
Ўтидин ёндирди ноз,  
Боққан эрдим, бир табассумдин  
Яна тиндирди ноз.

Кўзларимни ноз фақат  
Ёндирмади, тиндирмади,  
Синмаган не-не назокатларни  
Ҳам синдирди ноз.

Гоҳи бир дам сўнган ўтга  
Ўт қўйиб, этди баланд,  
Гоҳи бир дам ёнган ўтга  
Сув сепиб, сўндирди ноз.

Ноз деган бундоқ бўлармиш,  
Нозу истиғно билан  
Бўлганимча бўлган эрдим,  
Йўқ, яна бўлдирди ноз.

Чарх уриб, қошдин ишорат учди,  
Кўздин бир имо,  
Қимтилиб лаб ларза солган  
Чоғида ўлдирди ноз.

Ғамза ўқидин йиқилдинг,  
Ёрга таслимсан, Жамол,  
Оқибат не-не балоларга  
Сени кўндирди ноз...



## ҲАР ҚАДАМ ҚЎЙСАНГ...

Ҳар қадам қўйсанг, кўриб турган  
Худони ўйлагил,  
Охиратни ўйла, дўстим,  
Интиҳони ўйлагил.

Сен бугун бирлан яшарсен,  
Сен шу дунё бирла маст,  
Энди тўхтаб бир нафас,  
Дорулбақони ўйлагил.

Не учун келдинг жаҳонга,  
Нега кетгайсен яна?  
Келмагу кетмакка боис  
Муддаони ўйлагил.

Сендин олдин ҳам жаҳонга  
Келдилар шоҳу гадо,  
Сендин олдин кетган ул  
Шоҳу гадони ўйлагил.

Не эмиш шоҳу гадойинг  
Ҳазрати Ҳақ олдида?  
Неча минглаб анбиёю  
Авлиёни ўйлагил.

Ҳақни эсла ҳар дамнингда,  
Ҳақ сенинг жонингта дўст,  
Душманним деб ҳар нафас  
Нафси балони ўйлагил.

Сенку соғломсен, хабар ол  
Хасталар аҳволидин,  
Бахтиёрсен, неча бир  
Бахти қарони ўйлагил.

Эй Жамол, етди жаҳоннинг  
Дарсидин ҳикмат сенга,  
Хуш амаллар айлабон,  
Хайри дуони ўйлагил...



## ДЕМА, ГУЛ ЮЗЛИ ЁРИМ...

Дема, гул юзли ёрим, сен кетиб,  
Мен бунда қолгаймен,  
Куярмен, кул бўлармен, бир куни  
Ёнингга боргаймен.

Тириклик чоғида сендан  
Эмасдим бир нафас айру,  
Ўларкан, энди тупроғимни  
Тупроғингга қоргаймен.

Ёнармен кеча-кундуз,  
Кўнглим ичра доғи ҳижронинг,  
Кўнгилдин бу аламнинг дардини  
Қандоқ чиқаргаймен?

Нечук билгай менинг ҳолимни,  
Йўқ, билмайди кундузлар,  
Юрак дардимни мен ёлғиз  
Қаро тунларга ёргаймен.

Ўпар қабрингни ҳар дам  
Эврилиб, бошингда бир эпкин,  
Саҳаргоҳларда сенга  
Оҳи зоримни юборгаймен.

Қорайдим гарчи ҳижронинг чекиб,  
Куйган оғоч янглиғ,  
Висолинг шуъласи тушганда,  
Дилдорим, қизаргаймен.

Агарчи мотамингда чекмадим ун,  
Солмадим фарёд,  
Қиёматда қиём айлаб,  
Булут янглиғ ўкиргаймен...

## **ҒАРИБ, БЕЧОРА ҚОЛСАМ...**

Ғариб, бечора қолсам  
Мушкулот ичра хатойимдан,  
Сўраймен мушкулимга  
Чора этмакни Худойимдан.

Хаёлин жонга улфат этмасам,  
Жонимга йўқ роҳат,  
Кўрибман мунча лутфу марҳамат  
Нозик адойимдан.

Кўзимда қолди ёрим суврати,  
Кўнглимда ҳам ул ой,  
Кўзим бирлан кўнгилни  
Узмагайман дилрабойимдан.

Бошимдин айланурлар  
Кеча-кундуз, баски беминнат,  
Малолат кўрмадим ҳаргиз  
қуёшим бирла ойимдан.

Вале бир коса сувдир,  
Лаҳза-лаҳза чайқалур дунё,  
Кўнгил ғаш, кўрқамен шу  
Тинчимас меҳнатсаройимдан.

Жаҳоннинг бошига кун тушса,  
Айтинг, кетмасин инсоф  
Хитойим ул тарафда,  
Бул тарафда Амрикойимдан.

Аё мен ким эмишмен бу жаҳонда,  
Не эмиш гардун,  
Ҳидоят етмаса гар ул  
Ҳабибим, раҳнамойимдан?

Жамолнинг ҳолини билгувчи  
Кўнгилдир, бўлак эрмас,  
Сўранглар ҳолини не кечди деб  
Ул бенавойимдан...



## УМИД ЭТГИЛ...

(Шерали Жўраевга)

Умид этгил мунаввар кўкдаги  
Аллоҳу Раҳмондин,  
Умид этма жафокаш ердаги  
арбоби шайтондин...

Азозил қавмидин жоизми сенга  
айламак уммид,  
Тароват кутма саҳродин,  
умидинг узма осмондин.

Очилгай лолалар руҳингда,  
бағринг лолазор бўлгай,  
Умид ёмғирлари ёғса  
кўнгиш тошига иймондин...

Кўнгиш кўп нола чекма,  
қайда деб юлдузи давроним,  
Жаҳонда истасанг даврон,  
менга сўз очма даврондин.

Гапирма Карбалодин,  
жоним ичра Андижоним бор,  
Манам бир Карбало деб  
қичқирар ул қонли майдондин.

Ниқоб тортиб чиқар халқ олдига  
халқ аскарини, ё Раб,  
Ниқоблар тортилар сўзларга ҳам  
уйдирма ёлғондин.

Агарда одамийда бўлмаса  
инсофу андиша,  
Унинг не фарқи бор одамсимон  
олифта ҳайвондин?

Ҳақиқатнинг гадойи қайда деб  
сўрса жаҳон аҳли,  
Нидо бергай Жамол мен бундаман деб,  
Ўзбекистондин...

**19 сентябрь 2005 йил**



**НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС**

Азалдин толеим рангида оқ камдур, қаро асру,  
Қароликдин келур бошимга ҳар дам можаро асру,  
Бўлибмен бу жиҳатдин мунчаким зору адо асру,  
Вафо аҳлига даврондин етар жабру жафо асру,  
Жафосидин анинг озурдадур аҳли вафо асру.

Бу ғамнинг ибтидоси ҳазрати Инсондин эрмишким,  
Бу савдо ихтироси лаънати шайтондин эрмишким,  
Бу кулфат, бу аламлар гардиши даврондин  
эрмишким,  
Буким, аҳли вафо ноёб эрурлар, ондин эрмишким,  
Бу эски тоқ аларға ёғдирур гарди бало асру.

Тилаб роҳат-фароғат бу жаҳондин, кимса топмайдур,  
Сўраб меҳру мурувват бу замондин, кимса  
топмайдур,  
Кел, эй кўнгил, сабр қил, бошқа ёндин кимса  
топмайдур,  
Фалак дарди иложи чиқмай ондин кимса топмайдур,  
Магар ноёб эрур ул ҳуққа ичра бу даво асру.

Фароғат истагин этма, машаққат йўлига юз тут,  
Кўнгил дарбозасин очгил жаҳонга, бўлмагил маҳдуд,  
Аламдин не самар бўлгай, фиғону ноладин не суд,  
Гарон жонлиғни қўй, жон бер, тилар бўлсанг  
дури мақсуд  
Ки, оламда оғирдур ушбу жавҳарга баҳо асру.

Кўнгилни ранжу ҳасрат тиғи бирла неча бор тилдим,  
Кўзимни тўлдириб ёшга, яна киприкка ҳам илдим,  
Вафо бу бевафо дунёда чун анқо экан, билдим,  
Фидо жонимни айлаб, олам аҳлидин тамаҳ қилдим  
Вафо, астағфуруллоҳ, қилгон эрмишмен хато асру.

Ажаб, бу олам ичра шунча фурсат ғам чекибман, оҳ,  
На оламдин, на одамдин жаҳонда бўлмайин огоҳ,  
Кўнгилга тушди бир ўт, ёқди андоқ, англадим ногоҳ,  
Ризо аҳлин сиёсат тиғидин кўрқитмағил, эй шоҳ  
Ки, қатлингдин сенинг кўрқарға ўлмайдур гадо асру.

Аламлар оҳидин руҳингни қутқарким, хуш эрмасдур,  
Мазаллат чоҳидин руҳингни қутқарким,  
хуш эрмасдур,  
Замон маддоҳидин руҳингни қутқарким,  
хуш эрмасдур,  
Табиат жоҳидин руҳингни қутқарким,  
хуш эрмасдур,  
Қафас қайди аро булбулга бўлмоқ мубтало асру.

Жаҳон сайёд эмишким, қўймади бу жон деган  
сайдин,  
Тасалли истадим жонимга гоҳо нолайи найдин,  
Гаҳи топдим ҳаловат кўнглим ичра шишайи майдин,  
Чу кавсар жоми зикри қилмади рафъ ўзлигим  
қайдин,  
Бу ранжимға ҳамоно наф этар жоми фано асру.

Фано мулкида не эрса, фаноийиким, хуш эрмасдур,  
Яна нафсинга не эрса давоийиким, хуш эрмасдур,  
Жамол, бу лаззати даврон ҳавоийиким,  
хуш эрмасдур,  
Ҳавойи гулшани қудс эт, Навоийиким, хуш эрмасдур,  
Зағанлар бирла бу гулшанда бўлмоқ бенаво асру...

## ВАТАН ҲАҚИДА МУҲАММАС

Ҳар саҳар боқсам фалакка, бир ғаройиб ҳоли бор,  
Мен Ватан васфида сўз айтсам, сўзимнинг боли бор,  
Бу чаманнинг ой ила юлдуз деган тимсоли бор,  
То жаҳонда бу Ватаннинг эрку истиқлоли бор,  
Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор...

Не азизлар шу Ватан деб жисму жондин кечдилар,  
Не насллар қул бўлиб, тўзғиб, жаҳондин кечдилар,  
Неча бир қирғин-қабоҳатли замондин кечдилар,  
То жаҳонда бу Ватаннинг эрку истиқлоли бор,  
Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор.

Халқимизга берди бу ҳурликни Оллоҳи Карим,  
Қўлламас ҳеч зулм ила зўрликни Оллоҳи Карим,  
Ҳеч қачон кўп кўрмасин бирликни Оллоҳи Карим,  
То жаҳонда бу Ватаннинг эрку истиқлоли бор,  
Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор.

Биз яшайлик бу жаҳонда мангу ҳур миллат бўлиб,  
Дилда иймон, измимизда мулк ила давлат бўлиб,  
Ярқираб ўссин насллар соҳиби қудрат бўлиб,  
То жаҳонда бу Ватаннинг эрку истиқлоли бор,  
Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор.

Эй Ватан, тенгсиз гўзал жононадирсан, эй Ватан,  
Ҳаммамизга меҳрибон бир онадирсан, эй Ватан,  
Биз агарда мард эсак, мардонадирсан, эй Ватан,  
То жаҳонда бу Ватаннинг эрку истиқлоли бор,  
Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор...



## ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ВАСФИДА МУҲАММАС

Аллоҳи Карим ошиғи шайдоси Муҳаммад,  
Раҳмону Раҳим маҳбуби аълоси Муҳаммад,  
Ҳар насли башар орзу, таманноси Муҳаммад,  
Ислом элининг машъали дунёси Муҳаммад,  
Раҳмат селининг дилдаги дарёси Муҳаммад.

Ҳақ ҳазратимиз токи Муҳаммадни яратди,  
Эъзозу муҳаббат кўзини унга қаратди,  
Ваҳдат нури, шафқат нурини унга таратди,  
Ислом элининг машъали дунёси Муҳаммад,  
Раҳмат селининг дилдаги дарёси Муҳаммад.

Пайғамбаримиз нур ила, пайғом ила келди,  
Қуръони мажид бағрида аҳком ила келди,  
Иймони илоҳий ила, ислом ила келди,  
Ислом элининг машъали дунёси Муҳаммад,  
Раҳмат селининг дилдаги дарёси Муҳаммад.

Қуръону Ҳадис бандасига лутфу карамдир,  
Инсофу адолат сўзи ҳар сатрида жамдир,  
Ҳар лаҳзада минг мартаба такрорласа, камдир,  
Ислом элининг машъали дунёси Муҳаммад,  
Раҳмат селининг дилдаги дарёси Муҳаммад.

Ҳақ ташна юрибмиз, лабимиз ҳўлла, Худоё,  
Инсонни ҳидоят йўлига йўлла, Худоё,  
Маҳшарда Муҳаммадни ўзинг қўлла, Худоё,  
Ислом элининг машъали дунёси Муҳаммад,  
Раҳмат селининг дилдаги дарёси Муҳаммад...



## ЭЙ АЗИЗ ҚОНДОШ-ҚАРИНДОШ ЎЗЛИГИМ, ТУРКИМ МЕНИНГ...

Эй азиз қондош-қариндош ўзлигим, турким менинг,  
Эгнида ўзбек чопоним, бошида бўрким менинг,  
Бўлмаса эркинг жаҳонда, бўлмагай эрким менинг,  
Бўлмаса кўркинг жаҳонда, бўлмагай кўрким менинг,  
Кўзда ёши кўзда ёшим, кулгуси кулким менинг...

Сигмасанг юртимга сен, жоним жаҳонга сигмагай,  
Ғам аро қолсанг, менинг бағримни ғамлар тифлагай,  
Инграсанг, ул Ҳинду Афғон ичра Бобур инграгай,  
Сен агар оҳи алам чексанг, Навоий йиғлагай,  
Эй азиз қондош-қариндош ўзлигим, турким менинг...

Кимлигингни бу Ватанда тоғ билар, саҳро билар,  
Муштарак тарихни Жайхун, Сир каби дарё билар,  
Марву Урганчу Самарқанддек қадим маъво билар,  
Турк киму ўзбек ким эрмиш, аслида, дунё билар,  
Эй азиз қондош-қариндош ўзлигим, турким менинг...

Янграсин шу кўҳна Туркистон аро турк нағмаси,  
Битта тоғнинг тошидирмиз, битта боғнинг олмаси,  
Фош бўлур ифвогару бўҳтончиларнинг ҳаммаси,  
Бизгамас, ётларга қолгай бу маломат тамғаси,  
Қўлни бер қондош-қариндош ўзлигим, турким менинг...



## ДЎСТЛАР, УЮШМОҚ ОНИДИР...

(Қаламқашларга хитоб)

Бошимиз узра Улугбекнинг улуг осмонидир,  
Пойимизда мард Темурбекнинг азиз Туронидир,  
Қалбимизда Мир Алишернинг муборак қонидир,  
Бизга чин мерос буюкларнинг адаб майдонидир,  
Парчаланмоқ пайтимас, дўстлар, уюшмоқ онидир...

Неча ажлодлар ватанда ёвлашиб, не қилдилар?  
Бир-бирин топтаб, қиличлаб, овлашиб, не қилдилар?  
Ҳар тарафдин тожу тахтни довлашиб, не қилдилар?  
Бизга чин мерос буюкларнинг адаб майдонидир,  
Парчаланмоқ пайтимас, дўстлар, уюшмоқ онидир.

Неча авлодлар уюшмай, элни сарсон этдилар,  
Мулк талаш, мансаб талаш айлаб, адамга кетдилар.  
Дўстга зор, душманга хор этмоқдан ўзга неттилар?  
Бизга чин мерос буюкларнинг адаб майдонидир,  
Парчаланмоқ пайтимас, дўстлар, уюшмоқ онидир.

Бир-бирига ёв бўлиб, мақсадга етган қайда бор?  
Ё ниво бирлан асл матлабга етган қайда бор?  
Қўлни қўлга бермайин, мактабга етган қайда бор?  
Бизга чин мерос буюкларнинг адаб майдонидир,  
Парчаланмоқ пайтимас, дўстлар, уюшмоқ онидир.

Бир қаторда саф чекиб, қарвон бўлайлик барчамиз,  
Бошқалардек бир тану бир жон бўлайлик барчамиз,  
Шу Ватаннинг дардига дармон бўлайлик барчамиз,  
Бизга чин мерос буюкларнинг адаб майдонидир,  
Парчаланмоқ пайтимас, дўстлар, уюшмоқ онидир.

## КИТОБСИЗ ЭЛ...

Китобсиз эл жаҳонда илму донишдан жудо бўлгай,  
Бериб барбод ақлин, боридин ҳам Мосуво бўлгай,  
Кейин мансабга мағрурлик, кейин кибру

ҳаво бўлгай,

Эшит, халқим, сенга ўлмас Навоийдан нидо бўлгай,  
Китобсизлик ҳама кулфатларингга ибтидо бўлгай,  
Асрлар йиққан ул гавҳарларинг бир-бир

адо бўлгай...

Жаҳонда тенги йўқ шармандалик бўлгай

китобсизлик,

Худогамас, бировга бандалик бўлгай китобсизлик,  
Муқаррар камбағаллик, жандалик бўлгай

китобсизлик,

Хунук одат, аянч бир кундалик бўлгай

китобсизлик,

Китобсизликка тоқат этма, халқим, бу хато бўлгай,  
Китобинг бўлмаса, маймун сенга Одам Ато бўлгай.

Китоб – донолигингдир, ўйла сен ҳам, бир

тафаккур қил,

Китоб барнолигингдир, кўз юмиб бир дам,

тасаввур қил,

Китоб бирлан ақлинг ҳам кўнгилнинг кемтигин  
тўлдир,

Буюклардан етишган давлати беинтиҳо шулдир,

Китобсизликка тоқат этма, халқим, бу хато бўлгай,

Кўзинг ёшлик, дилинг ғашлик, йигит қаддинг дуто

бўлгай.

Жаҳонга эртагу афсонлар бўлдинг китоб бирлан,

Қамишдек ботини бўм-бўш эдинг, тўлдинг китоб

бирлан,

Китобдан баҳра олдинг, йиғладинг, кулдинг китоб  
бирлан,  
Китоб бирлан тирилдинг неча бор, ўлдинг китоб  
бирлан,  
Китобсизликка тоқат этма, халқим, бу хато бўлгай,  
Китобсизлар қачон инсониятга ошно бўлгай?

Китобинг бўлса қўлда, эрк ила ҳаққингни билгайсен,  
Замонинг не замондир, фурсатинг, вақтингни  
билгайсен,  
Не бордир чўнтагингда, давлатинг, нақдингни  
билгайсен,  
Яшарсен бехавотир, бекишан, бахтингни  
билгайсен,  
Китобсизликка тоқат этма, халқим, бу хато бўлгай,  
Китобсиз мамлакатда ҳар амалдор подшо бўлгай.

Китобдан айрилиб, сўнг даври давронингдан  
айрилма,  
Жадаллаб, илгари босгувчи карвонингдан айрилма,  
Мунаввар шу ватан, шу еру осмонингдан айрилма,  
Китобинг, офтобинг, жаннати жонингдан айрилма,  
Китобсизликка тоқат этма, халқим, бу хато бўлгай,  
Китоб дардингга дармон, йўлларингда раҳнамо  
бўлгай...



1

Ул шону шарафки, ману ман истарман,  
Гулбарраву барги ёсуман истарман.  
Боғ ичра чечакларни чаман истарман,  
Эл ичра юракларни ватан истарман...

2

Эй гул, гулинг, тароватинг мунча тиниқ,  
Боғ ичра ёниқ латофатинг мунча тиниқ.  
Тонг кўйнида бир ҳовуч кумуш талъатсен,  
Тонг юлдузи, тонги талъатинг мунча тиниқ.

3

На боғу чаман, на кўшқу айвоним бор,  
Кўйингда юрибманки, куйик жоним бор.  
Этсам, дея хизматингни шу жоним ила  
Эвоҳки, этолмадим, пушаймоним бор...

4

Дунё эшиги очилди, сен қайда эдинг?  
Тошлар сурилиб, сочилди, сен қайда эдинг?  
Йиллар бўйи «қўйма-қўйма», чоп-чоп»дан сўнг  
«Қоч-қоч» дейилиб, қочилди, сен қайда эдинг?

5

Эй пир, қўлингни чўз, қўлимдан туттил,  
Қайтар мени, йўлга сол, йўлимдан туттил,  
Ҳайбат била бошла жонни ҳайрат кўйига,  
Бер менга ҳаёти жон, ўлимдан туттил...

6

Эй жон, тамом орзу, ҳавас сенда эмиш,  
Ҳар яхши-ёмону бору бас сенда эмиш.  
Десамки, саноғингда адоғингга етай,  
Жонимни олувчи сўнг нафас сенда эмиш...

7

Эвоҳки, мен ажаб аламлар чекдим,  
Чеккан аламим-ла сўнг қаламлар чекдим,  
Умримга алам билан қалам бўлди асо,  
Умримга асо тутиб, қадамлар чекдим...

8

Эй сенки, ҳасад бирла ҳаром бўлди ишинг,  
Ҳар лаҳза ҳаром бирла давом бўлди ишинг.  
Иш қолмади сенга шу ёруғ дунёда  
Ортиқ тугади, битди, тамом бўлди ишинг...

9

Умримки шитоб этди, югурдим, елдим,  
Остонасига магар яқинлаб келдим.  
Эй бахт, учар оҳу экансан, билдим,  
Эй жон, фақат орзу экансан, билдим...

10

Ё Раб, менга сабр ила тоқат бер,  
Берсанг уни, ҳар дақиқа, ҳар соат бер.  
Ҳар сония ёр кўксига бошимни кўяй,  
Бечора қулингга бўйла бир роҳат бер...

11

Юлдузки сени авраса, юлдуз демагил,  
Кун тунга мубаддал эса, кундуз демагил.  
Бу тавба-тазарру бир эмас, минг бўлди,  
Юз қолмади бизда, энди юз-юз, демагил...

12

Ё Раб, менга расму одатим бергайсен,  
Тонгларда ёруғ ибодатим бергайсен.  
Тонгларда юзингни, ой жамолингни кўрай,  
Олий шарафим, саодатим бергайсен...

13

Сен «Ош ила нон», мен «Худойим» дерман,  
Сен «Боғу жаҳон», мен «Худойим» дерман.  
Сен «Роҳати жон», мен «Худойим» дерман,  
Сен «Омон-омон», мен «Худойим» дерман.

14

Ноз сизники бўлса, садқа жон бизникидир,  
Боғ сизники бўлса, арғувон бизникидир.  
Ўт сизники бўлса, бизники оҳу фиғон,  
Ер сизники бўлса, осмон бизникидир...

15

Дунё иши бирла, ўйлаким корим йўқ,  
Бор эрди ишим, энди ул борим йўқ.  
Фолимни кўрарга пири комил қайда?  
Ҳолимни сўрарга онаизорим йўқ...

16

Ким бўлди ўшал жаҳонда бечора киши,  
Ғам ханжари бирла кўкси минг ёра киши?  
Ҳеч тонги ёришмаган ўшал ким бўлди?  
Ичқора киши, ҳамиша ичқора киши...

17

Меҳнатзада юртимга ҳаёт бер, ё Раб,  
Дунё сари учмоққа қанот бер, ё Раб.  
Олам элига асл суйанчиқ сенсан,  
Туронга тараф айла, нажот бер, ё Раб...

18

Ҳар кимсаю касда мустақиллик бўлсин,  
Ҳар орзу-ҳавасда мустақиллик бўлсин.  
Ҳар янги қадамда – мустақилликка қадам,  
Ҳар тоза нафасда мустақиллик бўлсин...

19

Кўк жимжити кўк остида тоғлар жимжит,  
Тоғ жимжити тоғ пойида боғлар жимжит.  
Тоғ устида, боғ устида юлдуз милт-милт,  
Юлдуз каби олисда чироғлар жимжит...

20

Кимсанки, элим деб эътибор айламасанг,  
Кимсанки, тилим деб ифтихор айламасанг.  
Юрт сенга шу жонингни нисор этсаю сен –  
Юртингга жаҳонингни нисор айламасанг...

21

Эй дўсти ҳабиб, шу лаҳза кўнглим ўксик,  
Бўл менга табиб, шу лаҳза кўнглим ўксик...  
Дўст дерки, билармисан, менинг аҳволим,  
Сендан-да ғариб, шу лаҳза кўнглим ўксик...

22

Бергил менга бир нафас Бухоро бўйидин,  
Куйгил менга бир коса Бухоро суйидин,  
Эй боғу чаманлар кўйида эрка сабо,  
Келтир менга бир насим Бухоро кўйидин...

23

Ишқ бор юрагимда, зангламас олтин бор,  
Руҳимда нафас-нафас дуо бор, дин бор.  
Сен кибру ҳавони қўй, баланд боқма, рақиб,  
Ортимда бобом – Хўжа Баҳоваддин бор...

24

Ё Раб, сенга бандаман, тирик тупроқман,  
Бир кун кам эсам, эртаси кун кўпроқман.  
Шиддат била эсма, мунча силкитма, шамол,  
Анвойи дарахтда бир яшил япроқман...

25

Бир ҳафтада одамни яратдинг, ё Раб,  
Хуснингни шу оламга таратдинг, ё Раб.  
Кўз бирла кўнгилни сўнгра этдинг пайдо,  
Кўргил, дея оламга қаратдинг, ё Раб...

26

Бу ташвишу ғалва бегумон ўтгусидир,  
Ўтганда ҳаялламай, ҳамон кетгусидир.  
Эй дўсту ёронлар, чораи тadbир ила  
Орзудаги манзилга замон етгусидир...

27

Нокас била юрма, ошнолик этма,  
Номардга қайишма, жонфидолик этма.  
Ҳар не тилагинг бўлса, Яратгандан сўр,  
Лек бандасидан сўрма, гадолик этма...

28

Бир давлат эди, қасрига осмон етмас,  
Бир шавкат эди, баҳсига имкон етмас.  
Бир шиддат эди, қиссаю афсоналари  
Айёми қиёматгача битмас, битмас...

29

Қаршингдаги шу шикаста дунёю жаҳон,  
Тўрт кунга эмиш сенга макон, менга макон.  
Кел, ўртада меҳр ила мурувват бўлсин,  
Бўлмас яна бизга бир бунингдек имкон...

30

Куч эрди, амал эрди, шитоб эрди Темур,  
Оламга шу оламча хитоб эрди Темур.  
Меҳнатли, машаққатли китоб эрди Темур,  
Турон эли узра офтоб эрди Темур...

31

Ишқинг, юрагинг эрса, Навоийни ўқи,  
Иймон тирагинг эрса, Навоийни ўқи.  
Ихлос керагинг эрса, Навоийни ўқи,  
Ҳар не тилагинг эрса, Навоийни ўқи...

32

Кўнглим сари кўп сирқима, ёш, томчилама,  
Ёш бўлди шу кўксимдаги тош, томчилама.  
Сабрим тугади, бўлди одош, томчилама,  
Зулмат чекиниб, чиқди қуёш, томчилама...

33

Олқиш сенга бўлсин, эй жасоратли киши,  
Таҳсин сенга бўлсин, эй адолатли киши,  
Лекин шу жаҳон бахтига доим бор бўл,  
Собир киши, эй сабру қаноатли киши.

34

Тақдири азал амри-ла бордир миллат,  
Гоҳ бахтсизу гоҳи бахтиёрдир миллат.  
Ер бирлаю тил бирлаю дин, давлат ила  
Дунёда ҳамиша устувордир миллат...

35

Ҳар яхши-ёмоннинг вақти бор, соати бор,  
Ошкору ниҳоннинг вақти бор, соати бор.  
Тамкин била сен жаҳонга боқ, ҳовлиқма,  
Шу кўҳна жаҳоннинг вақти бор, соати бор...

36

Халқим, яна етди навбатинг, давлат қур,  
Кўрсат яна куч-матонатинг, давлат қур.  
Дунёда буюк саодатинг, давлат қур,  
Ҳар нечаки бўлса давлатинг, давлат қур...

37

Сен тилни шарафла, эл учун номус бил,  
Тарихни тавоф айла, буюк қомус бил.  
Бу кўҳна китобни сен китоб билма фақат,  
Йўлларни ёритувчи гўзал фонус бил...

38

Ҳимматда зиёда бўл, сира оз бўлма,  
Ҳар кимса чалувчи, қўлма-қўл соз бўлма.  
Эл-юртга фидойи бўл ва мардона яша,  
Ғийбатчи, айирмачи, гуруҳбоз бўлма...

39

Ёмғир қуядир, тун бўйи ёмғир қуядир,  
Айвонда ётиб, аламда жоним қуядир.  
Теграмни ўраб неча надоматли хаёл,  
Ҳасрат тошидин бошимда хирмон уядир...

40

Бағримда алам, дилимда армон борсам,  
Саҳро елидек бесару сомон борсам,  
Бир ному нишонингни топарманми, отам,  
Тақдир отига миниб, Шофиркон борсам?

41

Наврўзи жаҳон, жаҳонга сен гул била кел,  
Ҳар боғчага гул шоҳида булбул била кел.  
Тонглардаю шомларда кумуш найсон ила,  
Тоғларга гўзал лолаю сунбул била кел...

42

Наврўзи жаҳон, жаҳонда боринг яхши,  
Шабнамли, фараҳли полазоринг яхши.  
Хуш келдинг элимга карнаю сурнай ила,  
Чилдирмаю тор ила дуторинг яхши...

43

Очдинг яна кўксимда кўнгилнинг кўзини,  
Ёқдинг яна кўнглимда Зуҳал юлдузини.  
Ҳофиз, яна бир карра менга такрор эт  
Мавлоно Жалолиддини Румий сўзини...

44

Дўст тинглади юз карра мени, англамади,  
Душман мени англади, вале тингламади.  
Қисмат неча синдирди синиқ кўнглимни,  
Омад ўша синганни сира ўнгламади...

45

Йилларча забунлик менга тақдир бўлди,  
Руҳимда кишан, оёқда занжир бўлди.  
Мустамлака юртда шу паришон кўнглим  
Ҳар лаҳза куйиб, ҳамиша ранжир бўлди...

46

Ишрат ва ҳаром жаҳонда бир-бирга таянч,  
Сарват ва мақом замонда бир-бирга суянч.  
Эй зеҳну тафаккур эли, эй аҳли қалам,  
Бир-бирга ғаним бўлганингиз мунча аянч...

47

Инсоф била иш тутки, диёнат бўлгай,  
Инсоф йўлидан чиқма, хиёнат бўлгай.  
Олам эли ичра дини соф-инсофдир,  
Инсоф деса, оламга ҳимоят бўлгай...

48

Мулкинда магарки боғ эмас, даштлик бор,  
Кўнглинда ҳамиша ғусса бор, ғашлик бор.  
Эй зарраи оламим, эй одам боласи,  
Руҳингда шу оламга тарафкашлик бор...

49

Мен хаста нетайки, хастаҳолдир санамим,  
Кўп нуқта эди, энди саволдир санамим.  
Ёдингдами, эй фалак, кеча ой эрди,  
Эвоҳ, бугун уфқингда ҳилолдир санамим...

50

Эй ёр, юзингга термулиб тўймасмен,  
Ҳар лаҳза кўзингга термулиб тўймасмен.  
Кунлар эди сувратинг ила маст эрдим,  
Йилларки ўзингга термулиб тўймасмен...

51

Ҳой, сендаги бу кибру ҳаво кимга керак?  
Вой, мендаги бу меҳру вафо кимга керак?  
Ул биттаси бул ердаги маҳкумга керак,  
Бул биттаси ул кўкдаги ҳокимга керак...

52

Ё Раб, шу бандага ўзинг инсоф бер,  
Тиш оқию хандага ўзинг инсоф бер.  
Юмшоқ шу газандани яратган сенсан,  
Юмшоқ шу газандага ўзинг инсоф бер...

53

Ўкситма бировни, сен сира ўкситма,  
Камтар эса, сен-да кам тутиб, камситма.  
Беайб ўзи оламда фақат Оллоҳдир,  
Айб айлама сен бандасини, айбситма...

54

Эй сенки, нифоқ бўлди ишинг, фитна ҳунар,  
Шумликда кечиб ёзу қишинг, фитна ҳунар.  
Битгайму сира бу қилмишинг, фитна ҳунар?  
Манглайга низоми ёзмишинг, фитна ҳунар?

55

Дунё сенга куйди, сен ҳамон куймассен,  
Дунё сени куйди, сен ҳамон куймассен.  
Эй банда, намунча гушнасен, мунча юҳо,  
Дунё сенга туйди, сен ҳамон туймассен.

56

Дийдамни қуруқ айлама, баъзан ёш бер,  
Даф этгали итларни таёқ бер, тош бер.  
Шу биргина жонимга ёғар шунча алам,  
Ё Раб, бу қулингга сабр ила бардош бер...

57

Ёд этмаса Ҳақ, ким сени ёд айлар?  
Шод этмаса Ҳақ, ким сени шод айлар?  
Сен Ҳаққа топингил, шу ёруғ дунёда  
Ё Ҳақ, демасанг, ким сенга фарёд айлар?..

58

Кўнглинг сари кўнглим саридан йўл топдим,  
Кўл чўздиму гоҳи меҳрибон кўл топдим.  
Ҳайҳотки, руҳинг ерида бўстон эмас,  
Нафрат ила қоқу қовжироқ чўл топдим.

59

Эй банда, бировга беомонлик қилма,  
Эл наздида номимни гумонлик қилма.  
Отанг ҳақи менга яхшилик этмассен,  
Оллоҳ ҳақи, раҳм айла, ёмонлик қилма...

60

Эй масхарабоз, бугунча омад сеники,  
Дор устида ўйнаганда қомат сеники.  
Юргайману бир кун оқибат кўргаймен,  
Эл олдида юз таъна-маломат сеники.

61

Қайларга етарсан оқибат, нафси бузуқ?  
Кўз ёши етарсан оқибат, нафси бузуқ.  
Тупроққа эмас, шу аждаҳо нафсинг ила  
Дўзахга кетарсан оқибат, нафси бузуқ...

62

«От-от» деса, бирни ўн қилиб отган ўзинг,  
«Ёт-ёт» деса, ерга мук тушиб ётган ўзинг.  
Отган била, ётган била иш битмас деб,  
«Сот-сот» деса, шартта юртни ҳам сотган ўзинг...

63

Ёв макрига қондинг, эй Бухоройи шариф,  
Гулхан каби ёндинг, эй Бухоройи шариф.  
Ўн олти вагон тилло бериб Масковга,  
Итларга таландинг, эй Бухоройи шариф...

64

Эй сен, яна қулликка йўриқ истарсен,  
Қулликни яна ҳўлу қуруқ истарсен,  
Эвоҳки, яна қўлу оёғингта кишан,  
Бўйнингта яна бўйинтуруқ истарсен...

65

Мустамлака бўлмагин, элим, энди сира,  
Мустамлака бўлмагин, дилим, энди сира.  
Ҳар ерда жарангла, бер жаҳон ичра садо,  
Мустамлака бўлмагин, тилим, энди сира...

66

Ёз бўлсину куз бўлсину ё қиш бўлсин,  
Кўнгилда Худою қўлда бир иш бўлсин,  
Сен ишла жадал, касби камол эт, юксал,  
Шундоқ яшаган кимсага олқиш бўлсин...

67

Дунёи фанода кеча бор, кундуз бор,  
Кундузда қуёш, тунлари ой, юлдуз бор.  
Бахтинг каби шу жаҳонда шўринг йўқми?  
Айт менга ўзинг, қай бириси ёлғиз бор?..

68

Тонг бирла дилимга бир ажиб туйғу келар,  
Шом бирла кўнгилга бир совуқ қайғу келар.  
Бу – шоми ғарибон, дема, ўртанма, кўнгил,  
Тун бирла кўзингга бир ширин уйғу келар...

69

Ўтган кеча уйқумда ажиб туш кўрдим,  
Ой парчаси чеҳрангни яна хуш кўрдим.  
Бошингда ҳарир рўмол, келинчак эрдинг,  
Қаршингда яна ўзимни беҳуш кўрдим...

70

Жон олғувчидир ҳамиша жоно, кулишинг,  
Жоно кулишинг, бир гули раъно кулишинг,  
Алқисса, шу ошиғинг учун офатдир –  
Бир сирли боқиб, нозу таманно кулишинг...

71

Ул нозли нигор юргусидир, тургусидир,  
Жонимга ситам ғамзасидир, кулгусидир.  
Самбит каби силкинма, санам, кулма, санам,  
Кулгинг мени бир лаҳзада ўлдиргусидир...

72

Эй жон, бугун юришларинг масту аласт,  
Гулдек очилиб туришларинг масту аласт.  
Ҳолингни кўрарда англадим, ошиқсен,  
Ҳар ёна боқиб, кулишларинг масту аласт...

73

Эй банда, бу дунёда ишинг гиждабаданг,  
Ишратда кечиб, ёзу қишинг гиждабаданг.  
Етгайсану манзилга, кейин кетгайсан –  
Еткурса балога қилмишинг гиждабаданг...

74

Шом ўтдию тун етди, тилармен уйқу,  
Ҳасрат мени қон этди, тилармен уйқу.  
Қонимни ичиб-ичиб саҳархез қушлар  
Бошимда фиғон этди, тилармен уйқу...

75

Ғайрат била қайларга етарсан, умрим?  
Ҳайрат била қайларга кетарсан, умрим?  
Ғайрат тугаса, дилингда ҳайрат битса,  
Меҳнат тўла дунёни нетарсан, умрим?

76

Май косасига агарчи тегмас лабимиз,  
Май косасини лабо-лаб ичган кабимиз.  
Ҳар лаҳзада бир меҳнат ўлиб мактабимиз,  
Ҳар лаҳзада юз тавба эрур матлабимиз...

77

Дунё, мени қўй, ёнимга келма, нари тур,  
Ичмоққа яна қонимга келма, нари тур.  
Ҳар сония қонимни ичиб, жон дерсан,  
Жон менга керак, жонимга келма, нари тур...

78

Жон сақлаш эди шиор мазлумлар учун,  
Қон сақлаш эди шиор мазлумлар учун.  
Сен таънани кўй, хорлигу зорлик кўйида  
Нон сақлаш эди шиор мазлумлар учун...

79

Холиқ ўзи халқимга буюк ҳақ бермиш,  
Шу еру самони бору барҳақ бермиш.  
Эй гушна, кўп энтикма, ёмон кўз тикма,  
Бу силсилани Ҳақ ўзи мутлақ бермиш...

80

Ул кимсани кўй, тариқати бошқа эмиш,  
Ҳақ дейди, бироқ ҳақиқати бошқа эмиш.  
Тил остида ўйласанг яна тилчаси бор,  
Ким суврати бошқа, сийрати бошқа эмиш.

81

Билсанг, шу жаҳонда яхшилик белгиси қор,  
Боғларга кумуш кулгу бўлиб келгуси қор.  
Оқ сийнали боғларда жаранглайди, эшит,  
Қиш фасли табиат қизининг кулгуси қор...

82

Мен сендан эдим йироқ ёмғирли кеча,  
Бағримда эди фироқ ёмғирли кеча.  
Дардимга тасалли излабон кўз тикдим,  
Милт этмади бир чироқ ёмғирли кеча...

83

Дунё иши ортмагай, вале кам бўлмас,  
Оламда нашида бор, фақат ғам бўлмас.  
Сабр этмаса, дам кулмаса, дам йиғламаса  
Ул зоти шариф, Ҳазрати Одам бўлмас...

84

Эй аҳли қалам, келинг, яна тортишамиз,  
Бир-бирга маломат юкини ортишамиз.  
Биз – аҳли адабмиз, дея майдонга чиқиб,  
Йиртиқ шу яқоларни яна йиртишамиз...

85

Бир неча улуғ фаришталар сенга тараф,  
Бир неча улуғ фаришталар менга тараф.  
Инсофга хиёнат этмасанг, сенга шараф,  
Инсофга хиёнат этмасам, менга шараф...

86

Хушдир менга боғ аро хазон фаслида гул,  
Кўргай ўзини суюклигим васлида гул.  
Билсам, менга беҳазон, ёниқ ишқим учун  
Тақдири азал буюргани аслида гул...

87

Эй банда, бу дунё сеники, кенглик қил,  
Тор олма йўлакни, кенг олиб, энлик қил.  
Иблис сўзига учма, такаббур бўлма,  
Тут шоҳу гадони бирдайин, тенглик қил...

88

Эй банда, кўзингни очки, бошингда Худо,  
Бошингни кўтар, ҳамиша қошингда Худо.  
Бағрингда нафас-нафас ўша пайлодир,  
Бахтинг, аламинг, кўзингда, ёшингда Худо...

89

Бу фитна-фужурнинг айрича нуқтаси бор,  
Ул зоти шарифнинг кўксиди сўхтаси бор.  
Худбинлик уни миниб, тамом хор этмиш,  
Боқ, устида хуржун, оғзида нўхтаси бор...

90

Қаршингдаги шу жаҳон сенга етмасми?  
Шу ер, шу осмон сенга етмасми?  
Эл ичра тафаккурли, азиз инсонсан,  
Шу рутба, шу имтиҳон сенга етмасми?

91

Йилларки қувишди, мен ҳамон ошиқман,  
Жон жонга қовушди, мен ҳамон ошиқман.  
Сен яхши эмишсан шунча, эй яхши санам,  
Мен ҳамон-ҳамон кўп ёмон ошиқман...

92

Лутфинг-ла суюклигимни сен билсанг эди,  
Меҳринг-ла буюклигимни сен билсанг эди.  
Ёққан оловингда ўртаниб, эй жоно,  
Ҳар лаҳза куюклигимни сен билсанг эди...

93

Сен ёзган ўшал китобни ҳеч ким ўқимас,  
Танқидчи ўқир ўқирса, балким ўқимас.  
Кўй, мунча санайвермаки, ким-ким ўқиди,  
Ҳеч ким ўқимас матоҳни ким-ким ўқимас...

94

Ҳолимга маним, ноқису нодон, кулма,  
Ҳолимни маним этма паришон, кулма.  
Келгай менга ҳам айрича даврон, кулма,  
Етгай сенга ҳам айрича эҳсон, кулма...

95

Дунё иши бир-бирга туташир, зичдир,  
Иймонли юракларда табиат тинчдир.  
Қаллоб иши қалтираш ила фитна-фасод,  
Кўрқув тўла жонларнинг иши кўрқинчдир.

96

Етмишга етибсанки ҳамон оринг йўқ,  
Соҳибкараминг – Худога иқроринг йўқ.  
На тавба-тазарру, на уволу на савоб,  
Бор деб санама ўзингни сен, боринг йўқ...

97

Ё Раб, менга лутф айла ўзинг, ҳиммат қил,  
Лутфингни бекорга айлама, ҳиммат қил.  
Шукрона этиб, меҳру ниёз айламасам,  
Этган карамингни ёд этиб, миннат қил...

98

«Ҳай, бўл!» деса юрт, қаторда бўлмасам киши?  
Шу юрти жаҳон дардига тўлмасми киши?  
Шу юрти жаҳон бахтини ҳеч ўйламаса,  
Бир четга чиқиб, канорда ўлмасми киши?

99

Ё Раб, шу юрту масканим боғ бўлгай,  
Юрт ичра элим, азизларим соғ бўлгай.  
Озод яшагай, ҳамиша обод яшагай,  
Осмони қуёшли, теграси тоғ бўлгай...

100

Олам ўзи бир ватан, ўзинг айлана кўр,  
Дунё ўзи бир чаман, ўзинг айлана кўр.  
Олам уйи, дунё кўйида инсонлар –  
Бир нашъали анжуман, ўзинг айлана кўр...

101

Дунё сафида ҳамишалик бор бўлгил,  
Дунёнинг улуғ омадига ёр бўлгил.  
Ер остию ер устию кўк гумбазида  
Не сирри садаф эрса, хабардор бўлгил...

102

Юрт кўксида тоза бир юрак бўлгайсен,  
Эл бахтига тоғ каби тиргак бўлгайсен.  
Сабр айлаю иймонни саломат сақла,  
Бир кун шу Ватанга сен керак бўлгайсен.

103

Эл қисмати «бўл» деганда бўлмасми киши,  
Шу юрту жаҳон дардига тўлмасми киши.  
Дўстларни сотиб, қилич тақиб юргандан,  
Минг гусса чекиб, аламда ўлмасми киши...

104

Йилларки жаҳон саҳнида гулхан бўлдим,  
Ўз юртида ночору ғариб ман бўлдим.  
От устида, туғ остида туронли эдим,  
Ўзбегу қозоқ, тожигу туркман бўлдим...

105

Ё Раб, мени шумларга мувофиқ этма,  
Ёлғончи русумларга мутобиқ этма.  
Ҳар не тиласанг, майлига, эттил-эттил,  
Шайтони лаин этма, мунофиқ этма...

106

Ул кимсани сўрмаким, ажаб қиймати бор,  
Ҳар ерда сўзи, ҳиринг-ҳиринг суҳбати бор.  
Юмшоқ сўзига учма уни, алданма,  
Шайтони лаин деган валийнеъматини бор...

107

Қай ердаки эл аро ҳалоллик бўлгай,  
Эл нонга тўйиб, давлату моллик бўлгай.  
Қай ердаки эл аро ҳаромлик бўлгай,  
Эл зору забун қолиб, заволик бўлгай...

108

Гоҳ серкаю гоҳ эркаю арзанда бўлиб,  
Гоҳ карнаю гоҳ сурнаю чирманда бўлиб.  
Жон куйдирасан мунча бало нафсинг учун,  
Эл наздию юрт олдида шарманда бўлиб...

109

Асримда неча иблиси маккор кўрдим,  
Инсофу карам шартини инкор кўрдим.  
Такрор деманг сўзимни бу мавзудаким,  
Бу мавзуда бу балони такрор кўрдим...

110

Дўст йиғлади ул саботу сабримни кўриб,  
Жонимга неча жафою жабримни кўриб.  
Мен сенга севинч берай, севин, эй ағёр,  
Кўнглим уйидек шикаста қабримни кўриб...

111

Ё Раб, менга тавба бер яна, шукрон бер,  
Ҳар лаҳза кўзимга сурғали Қуръон бер.  
Кам тутма, ҳидоят йўлига бошла мени,  
Умримни мунаввар этгудек иймон бер...

112

Сен оқилу мен жоҳил эсам, халқ айтсин,  
Сен равшану мен ботил эсам, халқ айтсин.  
Ким ўғрию ким тўғрилиги элга аён,  
Сен денгизу мен соҳил эсам, халқ айтсин...

113

Ё Рабки, қулингга қуввату дармон бер,  
Номардга мурод берма, фақат армон бер.  
Ҳар ерда эсам, бошимга мушкул тушса,  
Қисмат мени қўлласин, ўзинг фармон бер...

1

Бухоро, эй Бухоро, эй Бухоро,  
Ватан ҳусни, жаҳонга зебу оро.  
Бухорони саломат сақла доим,  
Худоё, Раббано, Парвардигоро!..

2

Мусулмоннинг сўзи – Оллоҳу акбар,  
Ёниқ кўнгил кўзи – Оллоҳу акбар.  
Ҳақиқат қайда, деб овора бўлма,  
Ҳақиқатнинг ўзи – Оллоҳу акбар...

3

Сени ой юзли бир наргис қаритди,  
Мени юз таънаю афсус қаритди.  
Сенинг қаддингни букди кунда байрам,  
Мени ҳар кунда бир мажлис қаритди...

4

Маломат қилдилар бизни, маломат,  
Маломатпешалар бўлсин саломат.  
Кўнгил, ўксинмагил, шукрона айла,  
Бу ҳам Ҳақ ҳимматидин бир аломат...

5

Қариларга тараҳҳум айла, жой бер,  
Назокат кўрсатиб, илкига чой бер.  
Дуогўй кексаларнинг ол дуосин,  
Тавозу бирла хулқингга чирой бер...

6

Ғазаб қумғонини қайнатмасинлар,  
Жафо ўқини жонга отмасинлар.  
Бировнинг юртида юрган ғарибман,  
Мени беҳудага йиғлатмасинлар...

7

Сени, гулюзлим, гулдин яратди,  
Қаро сочингни сунбулдин яратди.  
Лабингни ғунчадин Ҳақ этди пайдо,  
Менинг қалбимни булбулдин яратди...

8

Яшарсан дилбарим, Дўрмон ичинда,  
Уни Дўрмон дема, ўрмон ичинда.  
Сени гар топмасам, эй сарвинозим,  
Ўтардим бир умр армон ичинда...

9

Менинг жоним учун сени жондин ортиқ,  
Магар жон борму сен жонондин ортиқ.  
Жамолнинг дарди дармонсиз, демишсан,  
Сенинг бир боқишинг дармондин ортиқ...


10

Маломат қилдилар, ўйламадингми?  
Ҳақорат этдилар, ўртанмадингми?  
Ҳасад ўқига ўлгунча нишонсан,  
Нишон бўлмоққа ҳеч ўрганмадингми?

11


Туташ бу ҳийлаву тадбир узилгай,  
Азозил бойлаган занжир узилгай.  
Келар ҳар кимсага қилмиш – қидирмиш,  
Кесилса бандидин, шамшир узилгай...

**1991-2006 йиллар**



#### IV

*Шоиро, синдир қаламни,  
Кўй, керакмас жимжима,  
Сен менинг руҳимга кир,  
Қалбимни этгил таржима...*



**РУБОУИЙЛАР**

Ул ҳусни фалак, хуршиди тобондир – ишқ,  
 Ул қушки, гўзал чаманда сайрондир – ишқ,  
 Булбул каби ун чекишни сен ишқ санама,  
 Ҳар лаҳза ўлиб, чекмаса афғондир ишқ...

\* \* \*

Карвони умрга боқ, чунун ўтгусидир,  
 Ҳар лаҳза тараб айлаки, кун ўтгусидир.  
 Соқий, чекаверма кўп қиёмат ғамини,  
 Сун менга пиёланики, тун ўтгусидир...

\* \* \*

Ул майки, шароби жовидонийдир, ич,  
 Сармойи ишқ, айши жаҳонийдир, ич.  
 Ёндиргувчи оташ ул ва дардинг оқизиб  
 Кетгувчи зилоли зиндагонийдир, ич...

\* \* \*

Гул бўлмаса бизга боғ аро хор ҳам бас,  
 Нур етмаса бизга, етмагай, нор ҳам бас.  
 Гар бўлмаса бизга хонақо, хирқаву шайх,  
 Ноқису калисо била зуннор ҳам бас...

\* \* \*

Лойимни ўзинг қорган эсанг, мен на қилай?  
 Шаклимни ўзинг чизган эсанг, мен на қилай?  
 Ҳар яхши-ёмонки мен этарман, ё Раб,  
 Манглайга ўзинг ёзган эсанг, мен на қилай?..

\* \* \*

Ёшдир-қаридир, жаҳонга юз туттайлар,  
Бу нуқтани то кўнгилга жо эттайлар.  
Ҳеч кимсага қолмагай абад мулки жаҳон,  
Келдик, кетамиз, боз келиб-кеттайлар...

\* \* \*

Эвоҳки, ёшлик эди – номам, тўлди,  
Қиш келдию ул тоза баҳорим сўлди.  
Ул мурғи тараб эрди ажаб, исми шабоб,<sup>1</sup>  
Билмам, у қачон келди – муяссар бўлди!..

\* \* \*

Кун ўтса кунингдан, сен уни ёд этма,  
Ҳам келмаган ул эртага фарёд этма.  
Бу келмаган – ўтган била бунёд этма,  
Хўб, хайр, дегил, умрни барбод этма...

\* \* \*

Азм этки, кўнгил, базм қурайлик энди,  
Май нўш этибон, айш сурайлик энди.  
Сажжодани бир пиёла шарбатга сотиб,  
Ном шишасини ерга урайлик энди...

\* \* \*

Соқий, гулу сабза бас тарабнок эмиш,  
Боқ, ҳафта ўтиб, ўшал бари хок эмиш.  
Гул узгилу май симир, шитоб эт, ҳа демай,  
Гул хок эмишу сабза ҳам пок эмиш...

\* \* \*

Ул нечаки, маъни дурига ботмишлар,  
Тангри насаби васфида сўз қотмишлар.  
Сарриштайи асрор надир, билмасдан,  
Аввал неча вайсаб, охири ётмишлар...

---

<sup>1</sup> Шабоб – ёшлик.

• • •

Бор эрди кулол дўкони, кирдим бир гал,  
Дастгоҳ бошида кўзагар ишларди жадал.  
Кўрдимки, гадо илкийо шоҳ калласидин,  
Ул кўзага ул бўйин била даста ясар...

• • •

Бир журъа шароб давлати Қобусдин хўб,  
Ул тахти Кубоду маснади Тусдин хўб.  
Ошиқ дилидан саҳарлаб учган ҳар оҳ,  
Зоҳид эли чеккан нолайи муздин хўб...

• • •

Шоҳ тожими, хон зийнати – биз отгаймиз,  
Дастору либосни най учун сотгаймиз.  
Тасбеҳки, макр лашкарининг элчисидир,  
Ногоҳ уни ҳам май учун сотгаймиз...

• • •

Бир қўлда тутиб Мусҳафу бир қўлда-чи жом,  
Гаҳ марди ҳалолмизу гаҳ марди ҳаром.  
Биздирмиз ўшал гумбази нилий тагида,  
На кофири мутлақ, на мусулмони тамом.

• • •

Эй соҳиби дин, агарчи май ичгумдир,  
Лек менга аён, ғофилу ҳушёр кимдир.  
Мен май ичамен, сен эса қон ичасен,  
Инсоф била айт, аслида хунхор кимдир?

• • •

Пок келган эдик адамдин, нопок бўлдик,  
Шодон етишиб эшикка, ғамнок бўлдик.  
Ўтдик базе дил оташи, кўз ёши била,  
Бердик шу умрни елгаю хок бўлдик...

• • •

Илкимда шаробу ноб бўлсин доим,  
Қошимда наю рубоб бўлсин доим.  
Хокимдан агар кўза ясар бўлса кулол,  
У кўза тўла шароб бўлсин доим...

• • •

Эй чархки, нокасга берарсан бешак,  
Ҳаммому тегирмон, молу дунё лак-лак.  
Бир бурда нонга зор юрар тўғри киши,  
Уч пулга арзимас демак бўйла фалак...

• • •

Ул ёрки, дилим кўйида кўп зор ўлмиш,  
Кўргилки, ўзи ғамга гирифтор ўлмиш.  
Мен ишқида дардимга тилармен дармон,  
Кўргил, ўша дармон ўзи бемор ўлмиш...

• • •

Келган кетадир, бир самар-суд қани?  
Бу тори вужуддан, ўйла, мақсуд қани?  
Чарх оташи ёндира ва покиза вужуд  
Оташда ёниб, кул бўладир, дуд қани?..

\* \* \*

Асрори азални сану ман билмасмиз,  
Бу ҳарфи чигални сану ман билмасмиз.  
Ҳар нечаки сўзладик, дедик парда оша,  
Чу пардаки тушди, сану ман бўлмасмиз...

\* \* \*

Дерлар мени телба, майпараст – шундоқмен,  
Дерлар яна мен фосиқу маст – шундоқмен.  
Сен суврату зоҳиримга кўп солма нигоҳ,  
Ботинда нечук эсамки, бас, шундоқмен...

\* \* \*

Айёми тирикликдан агар он ўтсин,  
Азм айлайки, ул ҳуррами шодон ўтсин.  
Зинҳорки, сармояи бу мулки жаҳон –  
Умр эмиш, ул ҳам гузарон – ўтсин...

\* \* \*

Ҳар кимки, санамга лаби хандон бермиш,  
Дардмандга жигар қони-ла дармон бермиш.  
Қисматки насиб этмади шодлик, ғам йўқ,  
Шодмиз, ғам ила қайғуни чандон бермиш.

\* \* \*

Ғар бода ичиб, асиру мастман, мастман,  
Ғар ошиқу ринду бутпарастман, пастман.  
Ҳар кимсада бир хаёлу тахмину гумон,  
Лек мен биламан ўзимни, шак этмасман...

\* \* \*

Мендан чу ажал билан ўлим ваҳми йироқ,  
Қисматки тирикликни берибди бундоқ.  
Жонимни омонатга олибмен, уни ҳам,  
Қайтиб берадирмен, муддати етган чоғ...

\* \* \*

Май ичсанг, уни оқилу доно била ич,  
Ё нозли санам, бир гули раъно била ич,  
Оз-оз ичу гаҳ-гаҳ ичу пинҳона симир,  
Кўп ичма, ружу айлама, маъно била ич...

\* \* \*

Шундоқ ичайин шаробки, то бўйи шароб,  
Чиқсин у қабрданам, эсам хоки туроб.  
Қабрим бошига етса агар махмуре,  
Бўлсин у шароб бўйидин масту хароб...

\* \* \*

Паймона каби бир куни тўлсам, не ажаб,  
Бошимга ажал етишса, ўлсам, не ажаб.  
Май кўзасини қўшиб кўмингиз зинҳор,  
Ул бўйи шароб ила тирилсам, не ажаб...

\* \* \*

Дўстлар уюшиб, кўнгилни обод айланг,  
Дийдор кўришиб, бир-бирингиз шод айланг.  
Соқий тўлатиб илкига олганда қадаҳ,  
Бир дам мен бечорани ҳам ёд айланг...



**РУБОИЙЛАР**

Шул хоки сиёҳдин то авжи Зуҳал:  
 Ҳар нечаки мушкулот эрур, этдим ҳал.  
 Очдим неча занжир занжири макру ҳиял,  
 Ечдим неча бир тугун, магар қолди ажал...

• • •

Куфримни аён айламак осон бўлмас,  
 Оламда имоним каби имон бўлмас.  
 Даҳр ичра ягонамен, манам кофир эсам,  
 Бас, ушбу жаҳонда бир мусулмон бўлмас.

• • •

Соқий, қадаҳи журъати жонинг қайда?  
 Ул оинаи нури жаҳонинг қайда?  
 Бер менгаки, кўнглимни мусаффо этайин,  
 Тақвони шикаста айлагонинг қайда?

• • •

Пир ўлдинг, ишингни ончунон этмассен,  
 Соч оқи-ла пирлигинг ниҳон этмассен,  
 Тун зулматида ҳар неки қилдинг-қилдинг,  
 Тонг равшанида бўлди аён – этмассен.

• • •

Эй меҳрки, борми сен каби оламгард,  
 Саргашта йўловчимен, ўзинг йўл кўрсат.  
 Кўрдингми бировниким яна ишқ йўлида,  
 Ким юзида шунча гард эмиш, кўнглида дард...

\* \* \*

Май душмани масту, дўсти чин хушёр эмиш,  
Оз эрса шифою кўпи захри мор эмиш...  
Гар бисёр эса мазаррати кам-кам эмас,  
Гар кам-кам эса, манфаати бисёр эмиш...

\* \* \*

Ул бир неча нодон, чу фаросат қосир,  
Ўйларки, жаҳон аро улар донодир.  
Эшшак бўла қолким, улар эшшаклик этиб,  
Эшшак агар эрмасанг, санарлар кофир...

\* \* \*

Эй кошки, кимлигимни бир билсаме,  
Нечун саргаштамен, назар қилсаме,  
Соҳиби бахт эсам, ўйнаб-кулсаме  
Эрмасам ёш тўкиб, бағрим тилсаме...

\* \* \*

Шул бодия ичраким чунон чопди кўнгил  
Жаҳд этдию қилни қирқ ёриб ташлади ул.  
Кўнглимда-ку минг қуёш ёнар эрди, вале  
Охирда камолга топмади заррача йўл...

\* \* \*

Сўз қолмади, парда ичра бир маълум эмас,  
Кам қолди чу асрор, дағи мафҳум эмас.  
Чун маърифатингда мен андоқ фикр этдим,  
Маълум бўлдики, ҳеч нима маълум эмас...

\* \* \*

Чун дўстки душманам-ла бисёр турур,  
Бас, кўнглим унинг меҳрида инкор турур,  
Парҳез у шакарданки, заҳарга қоришиқ,  
Қоч пашшаданамки, остида мор турур...

\* \* \*

Зулфинг сочилиб, бўйинг қадар эврилмиш,  
Огоҳмисен нечун, магар эврилмиш?  
Чун лаълинг аро лаълию зумрад кўрибон,  
Аждар бўлибон, кўҳи камар эврилмиш...

\* \* \*

Гар бодани гоҳ-гоҳ ичармен – хомлиғ,  
Аммоки мудом ичар эсам – бадномлиғ.  
Май шоҳу ҳақиму ринд ичар эрса, на хуш,  
Гар бошқаси нўш айласа – душманкомлиғ.

\* \* \*

Не хушки, жаҳондин кечибор кетгайсен,  
Манзилга пушаймонсиз агар етгайсен.  
Ҳар нечаки айласанг, бугун айла адо,  
Чун эртага нотавон қолиб, нетгайсен...

\* \* \*

Юзинг каби офтоби пурмоя қани?  
Зулфинг каби ҳар шому саҳар соя қани?  
Бул тавбага ул гуноҳ нечун зийнат эмиш,  
Бу иккисидек ҳамдаму ҳамсоя қани?

\* \* \*

Ким берди руҳи лолаю гулбор сенга!  
Бу сунбули наврастани, гулнор, сенга!  
Кундузни қаро тун қўлига ким берди?  
Бу ёри сазониким, сазовор, сенга?

\* \* \*

Эй тун, иноят эт, яна айлама хун,  
Бу рози дилимни фош этиб қилма фузун.  
Кўрдинг, кеча не қадар узун бўлди кечам,  
Эй васлу висол тун, узун бўл, узун...

• • •

Сўрдимки: – Нечун кўйингда нолондирмен?

Айди: – Сабаби мен, гули хандондирмен.

Сўрдимки: – Нечун кўйингда гирёндирмен?

Айдики санам: – Сен тану мен жондирмен...

• • •

Уч нарса сенинг учингдан олмиш тимсол:

Рухдин – гулу, лабдин – мулу, юздин – жамол,

Уч нарса менинг учимдин олмиш ҳама сол:

Дилдин – ғаму, юздин – наму, кўздин – хаёл...

• • •

Зулфинг, санамим, агарда ларзон ўлур,

Эл ичра баҳойи анбар арзон ўлур.

Гар зулфинг аро юзинг намоён ўлур,

Нур тонг ила тунга тенг фаровон ўлур...

• • •

Биздирмиз ўша, Ҳаққа тавалло қилгон.

Лутфингни тилаб, ўзни табарро қилгон.

Ҳар ерда иноятинг агар бўлса, бўлур

Қилгон қилмагону, қилмаган гўё қилгон...

• • •

Эй нафски, тарк айла ҳавою ҳавасинг,

Зуд ўлки, зарур ҳимояти бир нафасинг.

Дунё дема, молу давлату ишва дема,

Ким, дўст деб душманга гирифтор ўласинг...

• • •

Ҳар нарсаниким замон бузиб хор айлар,

Дунёйи хазинабон йиғиб, бор айлар.

Майл этсаю боз аслига эврилса фалак,

Ғайб пардасидин Ҳақ яна ошкор айлар...

**ТАРОНАЛАР**

1

Сочинг сунбул, боқиб, мафтунман, эй гул,  
Юзингга термулиб, дилхунман, эй гул.  
Ёниб ишқингда андоқ бенавомен,  
Агар Лайли эсанг, Мажнунман, эй гул...

2

Илоҳо, эй фалак, мендек забун бўл,  
Дилим қондирки, сен ҳам бағри хун бўл.  
Мени бир лаҳза кўрсанг ғамдин озод,  
Йиқил, ғамларга ботгил, сарнигун бўл...

3

Мен ул бехонумон, бечорадирмен,  
Аламлар бирла кўкси порадирмен.  
Биебон ичра танҳо бир тиканмен,  
Шамоллар домида оворадирмен...

4

Фалак ҳеч тинглагайму шу фиғоним,  
Ёқар ҳар айланишда жисму жоним.  
Ғаму ҳасратда умрим кечди, эй воҳ,  
Мурувват этмади ул осмоним...

5

Юрак бор менда, султондин ҳайиқмас,  
Кишандин, банди зиндондин ҳайиқмас.  
Очиққан бўри бил ошиқ кўнгилни,  
Очиққан бўри чўпондин ҳайиқмас...

6

Магар шеру палангсен, эй дило, дил,  
Нечун мен бирла жангсен, эй дило, дил?  
Туширсам кўлга, қонингни тўкармен,  
Кўрармен то не рангсен, эй дило, дил...

7

Ғамим кам бўлса гар, не бўлгай эрди?  
Камим ғам бўлса гар, не бўлгай эрди?  
Бошим узра ҳабибим ё табибим  
Келиб ўлтирса гар, не бўлгай эрди?

8

Бу кўнглим шоду ҳуррам бўлмади ҳеч,  
Ғаму андуҳ анга кам бўлмади ҳеч.  
Нигорим бевафо эрмишки андоқ,  
Келиб ёнимга бир ўлтирмади ҳеч...

9

Тани меҳнаткашим бордир, Худоё,  
Дили ҳасраткашим бордир, Худоё.  
Сенинг шавқинг билан андоқ ғарибмен,  
Кўнгилда оташим бордир, Худоё...

10

Қаро тун ёприлиб, жонимни ўртар,  
Яқодин токи домонимни ўртар.  
Яшил тўнлик нигорим ёди ул дам  
Тушар жонимга, иймонимни ўртар...

11

Ерим дашту биёбон кеча-кундуз,  
Кўзимдин ёш оқар, қон кеча-кундуз.  
Танимда зарра дардим, оғриғим йўқ,  
Нечун мен зору нолон кеча-кундуз?

12

Сенга дарду анга дармон керакдир,  
Сенга васлу анга ҳижрон керакдир.  
Менга дармону дарду васлу ҳижрон –  
Керакдир, чунки ул жонон керакдир...

13

Қани менга жаҳонда ком сенсиз?  
Қачон олдим қўлимга жом сенсиз?  
Таним титрайди мажнунтол мисоли,  
Ололмай бир нафас ором сенсиз...

14

Ғариблик бўйла дилгир этди бизни,  
Фалак чун банди занжир этди бизни.  
Фалак, бўйнимни эзма, занжиринг ол,  
Ки ғурбат хоки таҳқир этди бизни...

15

Дило, ғофили субҳонсен, не ҳосил?  
Ғуломи нафси шайтонсен, не ҳосил?  
Малойик қадридин қадринг баланддир,  
Вале сен бўйла нодонсен, не ҳосил?

16

Ғамимдин етти гардунга шарардир,  
Уни оҳим дема, хуни жигардир.  
Сенинг бағрингни чун ёндирмамиш ғам,  
Сенга бу кўргиликдин не хабардир?

17

Кел, эй жонона, дийдоринг кўрай мен,  
Юзингга кўз солиб, ҳолинг сўрай мен.  
Дилимда орзу эрди ою йиллар,  
Ки бир дам рўпарангда ўлтирай мен...

18

Дилимда дарду ғамлар беҳисобдир,  
Худо билгайки, бағрим не кабобдир.  
Ўпармен кўл, оёғинг баски, жаллод,  
Агар қатл айласанг, бори савобдир.

19

Билолмам, дарду розим кимга айтай?  
Ғами сўзу гудозим кимга айтай?  
Эшитганлар этарлар ҳар замон фош,  
Бу гал розу ниёзим кимга айтай?

20

Танимга ғам оғочи солди реша<sup>2</sup>,  
Худо деб йиғлагайдирмен ҳамиша.  
Ёронлар, бир-бирингизни қадрланг,  
Ажал тош отса, одам мисли шиша...



<sup>2</sup> Реша – томир, илдиз.

## РИВОЯТЛАР

...Тинглангиз панди-паёмимни менинг,  
Огоҳ эттувчи каломимни менинг.

Кўр-кўрона кимки тақлид айлагай,  
Ўзни ғам бирлан уятга шайлагай.

Бир тунаб ўтмоққа азми хонақо –  
Бўлди бир кун бир йўловчи бенаво.

Эшагин элтиб оғилга, бойлади,  
Ем-хашак, сув берди, андак сийлади...

Хонақода ўлтирур эрди қатор,  
Бир гуруҳ сўфий гадолар оч-наҳор.

Англай олгингму, аё сен, тўқ киши,  
Не ўйинлар кўрсатур очлик иши?

Ул гуруҳ сакраб ҳамоно турдилар,  
Бир қарор айлаб, оғилга юрдилар.

«Ул расули Холиқу халлоқ, Эгам,  
Чорасиз қолсанг, ўлакса е, деган!»

Сотдилар эшшакни, шай айлаб шу чоғ –  
Нон, таом бирлан гулобу шамчироқ.

«Оҳ, бугун бир айш этармиз!» – деб чунон  
Шодланиб, сўнг солдилар шовқин-сурон.

«Ғам-машаққат бұлди, фориф ётмадик,  
Роса тўрт кун бұлди, бир туз тотмадик!

Тобакай бундоқ жасорат? Тобакай  
Бизни маҳкуми малолат айлагай?

Биз магар одам эмасми? Бизда ҳам  
Бир ажиб айшу тараб бўлгай бу дам!»

Боракалло, ул базмга етдилар,  
Соҳиби эшшакни таклиф этдилар.

Сўрдилар дил ихтиёрини анинг,  
Исмию юрти-диёрини анинг.

Кўргузиб лутфи карам, меҳри ниёз,  
Ул – азиз меҳмон, булар меҳмоннавоз.

Сийпалар тўрва-таёгин қай бири,  
Уқалар эрди оёгин қай бири.

Қай бириси ўпди илкин шу нафас,  
Ул эса оқди эриб, сўз қотди бас:

«Базм этармиз, базмимиз, андоқ бўлур,  
Гар бугун айш этмасак қандоқ бўлур!»

Бас, тановул айлабон, нўш этдилар,  
Сўнг кўнгилларни яна хуш этдилар.

Турдилар рақси-самога саф-қатор,  
Шифтга ўрлаб учди шунда чанг-ғубор.

Рақс тушиб, гоҳ ўзни ҳар ён урдилар,  
Шифт ила деворга соқол сурдилар.

Боқ аларга, ким алар сўфий эмиш,  
Ким аларни сўфийи-софий демиш!

Воҳ, алар ичра бўлурму жоннисор,  
Мингтасидан биттаси Оллоҳга ёр?

Оҳ, қачон мен бир ҳикоят айлагум,  
Бир ҳикоят беривоят айлагум?

Куфри-ғафлат муҳрини бузгайму мен,  
Чин ҳақиқат мадҳини тузгайму мен?

Боқ, кўпик ўйнайди тўлқин устида  
Бетиним тўлқин яшайди остида.

Ҳар ривоятга ҳақиқат жо бўлур,  
Гаҳ ниҳон эрса, гаҳи пайдо бўлур.

Сизни банд этмиш ривоят охири,  
Не билан битгай ҳикоят охири.

Кўча-кўйда болакайларни магар,  
Қандолатчи бўйла авраб, жазб этар.

Тингла, мен сўйлай, не бўлди оқибат,  
Қайда дон, қайда сомон – кўргил фақат.

\* \* \*

Биттаси андак баландроқ ўлтириб,  
Бир тарона бошлади, оҳлар уриб.

Ўртанарди, оҳига йўқ эрди шак,  
Хониши: «Эшак йўқолди! Вой, эшак!»

Шунда сўфийлар бири бошлаб чапак,  
Бўлди жўр: «Эшак йўқолди! Вой, эшак!»

Йўлчи ҳам жўр бўлди бунга бегумон,  
Солди у «Эшак йўқолди!» – деб сурон.

Тонггача кўп айши роҳат сурдилар,  
Сўнгра «хайр!» деб ҳар томонга юрдилар.

Қолди йўлчи бенаво сал орқароқ,  
Ҳорган эрди, йўл босиб ғоят узоқ.

Йўлга тушмоқчи бўлиб сўнг турди ул,  
Турди-ю оғил томонга юрди ул.

Лек эшак йўқ. «Ҳа, хизматкор, бали,  
Уни элтмишдир магар сув бергали».

Келди хизматкор ва лекин: бу не ҳол?  
Ҳовлиқиб: «Эшак қани?» – деб сўрди чол.

«Вой, ажаб... бу не бало ҳолингдир?  
Эй жаноб, у балки соқолингдир!»

Шунда меҳмон ҳам тутақди: «Кўй, нари  
Сен ўша айёрлигингни, пуч бари!

Мен эшакни сенга топширдим? Сенга!  
Берганимни қайтариб бергил менга!

Ўз сўзида ул расули Ҳақ эгам:  
«Олганингни қайтариб бергил!» – деган.

Келмасанг инсофга, билгил бегумон,  
Қозига судраб элтарман шу замон!»

Шунда дер шўрлик мулозим, ул ҳақир:  
«Эшагингни дўстларинг сотди ахир!

Мен уларни олдида ожиз эдим,  
Ҳа, улар кўп, мен эса ёлғиз эдим.

Ким мушукка бовар этгай гўшти ёғ?  
Кимки бовар этса, аҳволи чатоқ!

Ҳа, уларга эшшагингиз бўлди шай,  
Юзта оч кўппакка бир мушукчадай!»

Сўфий айтди: «Майли, шундоқ бўлди гап,  
Ул гуруҳ элтди эшшакни тортқилаб.

Сен нечун менга ҳамоно етмадинг,  
Кирдикорни менга маълум етмадинг?

Қутқарардим мен эшакни бир йўла,  
Юз тадорик, чораи тадбир ила!»

«Келдим уч карра, солардингиз ҳамон:  
«Вой, эшак! Эшак йўқолди!» – деб сурон.

Ўйладимки, сизга иш маълум эрур,  
Балки бахш айлар ажаб завқу сурур.

Бўйла қисмат балки бахш айлар зиё,  
Бежиз эрмас бу, ахир сиз – авлиё!»

Сўфий оҳ чекди: «Сўқир тақлид ила  
Мен ҳалок етдим ўзимни бирйўла.

Ўзни ўлдирдим, алардек еб-ичиб,  
Еб-ичиш деб ор-номусдин кечиб!..»

\* \* \*

... Боришарди турк, араб, форсу юнон,  
Шунда бир кимса – анису меҳрибон.

Хайр, деб бир танга савфо айлади,  
Йўқки савфо, балки ғавфо айлади.

Форс деди: «Бозор тушайлик шу замон,  
Ақчага ангур\* олайлик, дўсти жон!».

«Кўй бу гапни, – деб уни кесди араб, –  
Эйнаб\* олсак ақчага, бўлгай ажаб!»

Турк деди: «Беҳуда бу гаплар бари,  
Мевалар ичра узумдир сарвари!»

Шунда юнон ҳам арога солди сўз:  
«Эй харид этмоққа стафилъ\* дуруст!»

Бас, улар битта қарорга келдилар,  
Лек тушунмай, баҳсу ғавфо қилдилар.

Барчада хоҳиш узум эрди фақат  
Барчаси бирдек, узум, дерди фақат.

Лек арога шум жаҳолат тушди, бас,  
Тиш, қовурға лат еди, топди шикаст.

Ғофилу ғафлат сўзидин – можаро,  
Бизники – бирлик била сулҳу салоҳ...

---

\* Ангур, эйнаб, стафилъ – узум.

ҲАМЛЕТ

(Сўнгги саҳна)

Ҳамлет, Ҳораций, қирол, малика, Лаэрт, Озрик, хос маҳрамлар ва қиличларини кўтариб хизматкорлар киришади.

Қ и р о л

Кел, Ҳамлет, кел, туташтирай кўлларингизни.  
(Лаэртнинг кўлини Ҳамлетнинг кўлига кўяди)

Ҳ а м л е т

Мени маъзур тутинг, тақсир. Мен ҳақсиз эдим.  
Мардлик юзасидан мени этингиз афу.  
Йиғилганлар билишади, балки сизга ҳам  
Айтишгандир буни, баъзан қандай қоронғу  
Босиб, хира тортар ҳушим – хаёлим менинг.  
Шаънингизга тил теккизган бўлсам мабодо,  
Ишонингким, бунинг асл сабабчиси шу.  
Бунга Ҳамлет жавобгарми? Жавобгар эмас.  
Баски, Ҳамлет жунун чоғи унутиб ўзни,  
Етказибди Лаэртга чин малолат – озор,  
Аслида-чи, Ҳамлет таҳқир этмамиш уни,  
Уни таҳқир этган тамом бошқа гуноҳкор.  
Кимдир ўша? Ўша айбдор – унинг жунуни.  
Шундай экан, демак, Ҳамлет ўзи даъвогар,  
Унга уя қуриб олган иллат – жавобгар.  
Дўст-ёронлар даврасида сиздан сўрайман,  
Кўнглингизни фориф тутинг гина-кудратдан.  
Худо шоҳид, сизни хафа қилмоқчимасдим:  
Камондан ўқ узиб, уни томдан оширдим,  
Янглиш қилиб, оғайнимни яралаб кўйдим.

Л а э р т

Юрагимнинг энг қаърида, аслида ўша –  
Нафрат яшайдиган жойда узрингиз қабул.  
Лекин номус иши бошқа: қонун-қоида  
Бошқачадир бунда, маъзур тутолмасман то,  
Бундоқ баҳсу муноқаша билимдонлари,  
Бермагунча, ярашинг, деб тайин бир фатво.  
Ўшангача таклиф этган дўстлигингизни  
Қадрлайман, унга лойиқ жавоб бераман,  
Мен ҳам шундоқ дўстлик билан.

Ҳ а м л е т

Ғоят хурсандман.  
Қабул этдим, мусобақа даъватингизни,  
Хўш, бўлмаса, бошлаймизми? Қиличлар қани?

Л а э р т

Менга қилич беринг.

Ҳ а м л е т

Сизга мен қулай рақиб,  
Нўноқлигим қаршида маҳоратингиз,  
Қоронғи тун юлдузидек кўринар балқиб.

Л а э р т

Сиз устимдан куляпсиз, милорд.

Ҳ а м л е т

Йўқ, рости,  
Агар ёлғон айтсам, мана, қўлимни кесинг.

Қ и р о л

Қани, Озрик, қиличларни тарқатинг. Ҳамлет,  
Мусобақа шарти сизга аёнми?

Ҳ а м л е т

Аён

Кучни қўлиб, заифликка тикдингиз гаров.

Қ и р о л

Бу тўғримас, мен кўрганман иккингишни ҳам.

У машиқини олган, аммо сизда имтиёз.

Л а э р т

Менга бошқасини беринг. Бу жуда оғир.

Ҳ а м л е т

Шу менга боп. Иккиси тенг, баробармикин?!

О з р и к

Ҳа, шахзодам, иккиси тенг, баробар.

*Улар жангга шайланадилар.*

Қ и р о л

Қани, бизнинг дастурхонга шароб келтиринг.

Ҳамлет рақибига икки зарба етказиб,

Учинчи зарбани худди қайтарган замон –

Унинг шарафига барча замбараклардан

Бирваракай ўқлар узиб, солинсин сурон.

Унинг соғлигига қирол кўтарур қадаҳ,

Қадаҳига солиб асл дурдона-гавҳар.

Бир гавҳарким, Даниянинг тўртта қироли

Тожига қўндирган ўша ёқутдан афзал.

Қани, қадаҳ сунинг. Довруғ солиб довуллар

Карнайларга садо берсин, улар – тўғларга,

Тўғлар – самоларга элтсин, самолар ерга:

«Ҳамлет шарафига қирол кўтарур қадаҳ!»

Қани бошланг. Сергак, ҳушёр туринг, ҳакамлар.

Ҳ а м л е т

Бошланг, тақсир!

Л а э р т  
Қани, бошланг, милорд.

*Солишадилар*

Ҳ а м л е т  
Бир.

Л а э р т  
Қайтардим.

Ҳ а м л е т  
Ҳакам!

О з р и к  
Зарба, аниқ зарба.

Л а э р т  
Бўпти, бошқатдан.

Қ и р о л  
Шошманг, менга шароб беринг. Ҳамлет, мана бу  
Гавҳар сеникидир. Сенинг соғлигинг учун.  
Унга қадаҳ тутинг.

*Саҳна ортидан карнайлар чалиниб,  
тўғлар гумбурлайди.*

Ҳ а м л е т  
Мен шу даврани ўйнай.  
Йўқ, ҳозирча кўя туринг. Қани, бошладик.

*Солишадилар*

Яна зарба. Нима дейсиз?

Л а э р т  
Тўғри, бу зарба.

Қ и р о л  
Ўғлимиз енгаяпти.

М а л и к а  
У терга ботибди.  
Ҳамлет, мана рўмолча. Ол, терларингни арт.  
Мен, малика, ғалабангга қадаҳ кўтарай.

Ҳ а м л е т  
Оҳ, онажон...

Қ и р о л  
Гертруда, майни кўй, ичма.

М а л и к а  
Ичгим келди. Ўтинаман, изн сўрайман.

Қ и р о л  
(Четга)

Қадаҳ заҳарланган! Унга нажот йўқ энди!

Ҳ а м л е т  
Йўқ, онажон, ҳали бирга ичишга эрта!

М а л и к а  
Кел, бетингни артиб кўяй.

Л а э р т  
Энди мен урай.

Қ и р о л  
Уриб бўпсиз.

Л а э р т  
(Четга)

Қандай жирканч, аянч бу савдо.

Ҳ а м л е т

Учинчи даврани энди бошлаймиз, Лаэрт,  
Ўтинаман, ҳужум қилинг ҳужумчи монанд,  
Ҳозиргача ўйин бўлди ишингиз фақат.

Л а э р т

Йўғ-е, наҳот? Қани, бошланг.

*Солишадилар*

О з р и к

Устма-уст хато.

Иккиси ҳам бекор кетди.

Л а э р т

Мана, бўлмаса.

*Лаэрт Ҳамлетни яралайди. Сўнг олишув авжга  
чиққанда, қиличларни алмаштирадилар. Ҳамлет ҳам  
Лаэртни яралайди.*

Қ и р о л

Ажратинглар. Иккиси ҳам жаҳлга минган.

Ҳ а м л е т

Йўқ, қайтадан.

*Малика йиқилади.*

О з р и к

Маликага ёрдам беринглар!

Ҳ о р а ц и о

Улар қонга ботишибди. Қон қайдан, милорд?

О з р и к

Қон қаердан, Лаэрт?

Л а э р т

Қушча қафасга тушди.

Озрик, рақибимга атаб тузоқ қўйгандим.

Ўзим тушдим унга макри бедодим учун.

Ҳ а м л е т

Маликага нима бўлди?

Қ и р о л

Қонни кўрибоқ,

Кўнгли озиб қолди.

М а л и к а

Ёлғон, ишонма Ҳамлет,

Шароб! Шароб заҳарланган! Заҳарли шароб!

*Ўлади.*

Ҳ а м л е т

Хиёнат – бу! Эшикларни дарров бекитинг!

Топиш керак у хоинни!

Л а э р т

Шу ердадир у.

Ҳамлет, ўлдирилдинг, энди сенга нажот йўқ,

Бор-йўғи ярим соат умринг қолди, бас.

Хиёнатнинг ашёлари кўзинг ўнгида,

Қилич заҳарланган, яна тиғи яланғоч.

Разолатим учун мен ҳам бўлурман ҳалок.

Малика ҳам адо бўлди. Мадорим битди...

Ҳаммасига айбдор фақат қиролдир, қирол!

Ҳ а м л е т

Нима, қилич заҳарланган?! Бўлмаса ҳозир

Вазифангни бажара қол, заҳарли шамшир!

*Қиролни яралайди.*

Ҳ а м м а  
Хиёнат!

Қ и р о л  
Оҳ, ёрдам беринг, дўстларим, нажот!  
Фақат яраландим, холос. Умид бор ҳали.

Ҳ а м л е т  
Шунақами? Ол бўлмаса ҳиссангни, жаллод!  
Қани, ўша гавҳарингни ўзинг юта қол!  
Бор, онамнинг ёнига бор!..

*Қирол ўлади.*

Л а э р т  
Ҳа, ажаб бўлди!  
Бу шаробни унинг ўзи тайёрлаганди,  
Олижаноб Ҳамлет, қани, кела қол энди,  
Кечдим ўз хунимдан, яна отам қонидан,  
Ўтинаман ўз хунингдан сен ҳам кечгайсан!

*Ўлади.*

Ҳ а м л е т  
Тангри сени маъзур тутгай. Мен ҳам изингдан...  
Дўстим, Ҳорацио, энди ҳаммаси тамом.  
Худо ярлақасин сени! Хайр, маликам!  
Сиз эса, эй ҳалокатли шу хотимага  
Тилсиз, унсиз гувоҳ бўлган қадрдонларим,  
Эвоҳ, яна бир озгина фурсат бўлсайди,  
Лекин ажал деган жоҳил мени қистайди,  
Сизга яна кўп гапларни айтмоқчи эдим...  
Хайр, майли. Ҳамма нарса битди, Ҳораций,  
Сен тириксан. Мен тўғримда бор ҳақиқатни  
Бошқаларга ўзинг айтиб бергайсан.

Ҳ о р а ш и о

Асло.

Даниялик эмас, қадим римликман, зеро,  
Бунда бир оз заҳар қолган.

Ҳ а м л е т

Агар мард эсанг.

Қадаҳни бер менга. Қани, бера қол. Ахир,  
Бундаги чин ҳақиқатни биров билмаса.  
Мен авлюдлар назарида тоғарман таҳқир!  
Дўстим, яна битта савоб, мардона иш қил,  
Ернинг бўғиқ ҳавосидан яна ол нафас.  
Бу дунёда қолиб, менинг шўр ёзишимни  
Инсонларга ҳикоя қил...

*Саҳна ортидан марш ва ўқ овозлари эшитилди.*

Бу не отишма?

О з р и к

Фортинбрас голибона қайтиб Польшадан,  
Англия элчиларин олқишлар бу дам.

Ҳ а м л е т

Ҳораций, мен тугаяпман. Заҳарнинг кучи  
Карахт қилди. Англия элчилари то  
Етиб келгунича тамом юмилар кўзим.  
Башоратим: Фортинбрас қирол бўлғуси,  
Мен ҳам қувватлайман, унга овоз бераман.  
Бунда нелар кечганини ўзинг айтиб ўт.  
Тамом, адо бўлдим. Бундан бу ёғи – сукут...

*Ўлади.*

Ҳ о р а ш и о

Чилчил бўлиб синди, эвоҳ, ноёб бир юрак,  
Хайрли тун бўлсин сенга, азиз шаҳзодам,  
Ухла, фаришталар ширин аллалар айтсин.  
Барабанлар чалиб, бу ён келаётган ким?

Саҳна ортида марш садолари.

Фортинбрас ва инглиз элчилари барабанлар, байроқлар ва хос маҳрамлар билан кириб келишади.

Ф о р т и н б р а с  
Қайда кечди бу можаро?

Ҳ о р а ц и о  
Қайси можаро?  
У қайғули можароми? Мана шу ерда.

Ф о р т и н б р а с  
Ҳали учиб юрар бунда фиғону фарёд,  
Ўлим саройида, демак, зиёфат қуюқ!  
Қонли супрасига шунча ўликни, ҳайҳот,  
Қалаштириб ташлабди у.

Б и р и н ч и э л ч и  
Аросатдир бу.  
Англия хабарлари кечикди ортиқ,  
Уни эшитмоқчи бўлган қулоқлар ботил.  
«Фармон бажарилди», дея келтирдик хабар.  
Ўлим қучди Розенкранц, Гильденстерн,  
Десак, бизга бунинг учун ким раҳмат айтар?

Ҳ о р а ц и о  
У айтиши гумон. Тирик бўлганида ҳам –  
Шундоқ хабар учун раҳмат айтмасди зотан.  
Улар ўлимини сира истамаган у.  
Бу ён – Англия, бу ён – Польшадан келиб,  
Баски, шундоқ қон устидан чиқибсиз, ёху,  
Фармон беринг, жасадларни қўйишсин қатор  
Ошкор-аён қилиб баланд тепа-қўрғонга.  
Мен сўйлайин неки кўрган-эшитганим бор,  
Бу можаро хусусида жумла-жаҳонга.  
Мен сўйларман қонли, қўрқинч фалокатлардан.

Ёвуз кирдикорлар, мудҳиш ҳалокатлардан,  
Қора савдолардан, ифлос риёкорликдан,  
Ўзи қазган чоҳга ўзи йиқилиб тушган,  
Миси чиққан маккорликни айтай ниҳоят,  
Ҳаммасини бирин-бирин айлай ҳикоят.

### Ф о р т и н б р а с

Эшитмоққа мунтазирмиз. Тузармиз алҳол  
Бунинг учун бир муносиб мажлиси олий.  
Ғоят қийин кунда менга юз очди иқбол,  
Бу ўлкага менинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларим бор.  
Ўшаларни айтмоқчиман.

### Ҳ о р а ц и о

Мен ҳам тарафдор.  
Сўз айтарман мунаввар бир кимса номидан  
Ки, сайловда қисматингиз ҳал этар чиндан.  
Ошиқайлик, хаёлларни чулғамиш тутун,  
Яна янги бир фалокат чиқмасин бугун.

### Ф о р т и н б р а с

Ҳамлет жасадини юксак сўрига элтинг,  
Тўрт капитан элтсин, шаҳид жангчига монанд,  
Тирик бўлганда у қирол бўларди лекин  
Ва ўшанга лойиқ эди. Уни элтаркан,  
Ҳарбий низом талабига кўра тамоман  
Чолғу-созлар фарёд солиб, жаранглаб турсин.  
Жасадларни олиб чиқинг. Бу ерга эмас,  
Улар уруш майдонига ярашиқдир, бас,  
Тўплардан ўқ узишга ҳам буйруқ берилсин!

*Мотам марши.*

*Жасадларни кўтариб чиқадилар, кейин тўплардан  
ялпи ўқ узилади.*

## МОЦАРТ ВА САЛЬЕРИ

## 1-саҳна

(Хона)

С а л ь е р и

Дейдиларким, ерда асли чин ҳақиқат йўқ,  
 Ҳақиқат йўқ аммо – ўша осмонларда ҳам.  
 Бу бир оддий сарпардадек мен учун равшан,  
 Мен санъатга меҳру ихлос билан туғилдим;  
 Бола эканимда қадим ибодатхона –  
 Оғушида янграганда оҳанг-тарона.  
 Тинглар эдим, тинглар эдим, берилиб, куйиб,  
 Юзларимдан ёшларимни маржондек куйиб.  
 Эрта кечдим эртақлардан, ҳою ҳавасдан,  
 Кечдим илму амаллардан, донишу дарсдан.  
 Ҳаммасини рад айладим, хулласи калом,  
 Ўзни ёлғиз мусиқага бахш этдим тамом.  
 Қийин бўлди биринчи йўл, биринчи қадам,  
 Меҳнат билан машаққатга беролдим чидам.  
 Мен ҳунарни санъатга бир поя деб билдим,  
 Ҳунар излаб, ҳунар истаб, ҳунарманд бўлдим;  
 Суръатлардан сабоқ бердим бармоқларимга,  
 Бармоқларим бўйсундилар қулоқларимга,  
 Товушларни мурда каби чилпора қилдим,  
 Оҳангдошлик ҳикматига наззора қилдим.  
 Куч-малака йиғиб-йиғиб тажриба-тайин,  
 Мен ижодий хаёлларга фарқ бўлдим кейин.  
 Иш бошладим сукунутлар қўйнида танҳо  
 Кўзим ҳали шуҳратларга етмасди аммо.  
 Баъзан уч-тўрт кунлаб ёлғиз жимжит ҳужрада  
 Уйқу нима, таом нима – тамом тарк этиб,

Илҳом қайғу-қувончини тамшаниб-татиб,  
Ўзганларим ёндираддим, кўраддим шунда:  
Меҳнатларим бўлар эди бирпасда тутун.  
Садоларим тутунларга ўраниб бутун...  
Нимасини айтай? Ўша муаззам Глюк  
Келиб очар экан бизга тоҳир сирларни  
(Йўқ, йўқ, тоҳир эмас, теран, соҳир сирларни),  
Унинг изларига ўзни ташламадимми?  
Ниманидир севиб, жондан ишонган бўлсам  
Ҳаммасини бирйўласи тарк этиб буткул,  
Ўрмонзорда сарсон бўлиб адашиб юрган  
Бир кимсадек нажот сари интилиб дадил,  
Унинг йўлларидан ўзни бошламадимми?  
Мен муттасил меҳнат, сабот, матонат билан  
Санъат, нафосатнинг чексиз майдонларида  
Юксак мақом, мартабага эришдим чиндан.  
Шуҳрат менга кулиб боқди, йўл топа олди  
Одамларнинг юрагига яратганларим.  
Мен бахтиёр эдим, зеро, гаштин сураддим  
Меҳнат, зафарларим, шону шуҳратларимнинг,  
Яна – ўртоқларим, менга санъатдош бўлган  
Дўстларимнинг меҳнат, зафар, маҳорат гаштин.  
Йўқ! Мен ҳасад нима, сира билган эмасман.  
О, ҳеч қачон! – Ҳатто ўша моҳир Пиччини  
Ҳунар билан ёввойи у парижликларнинг  
Қулоғини сеҳру жоду этганида ҳам.  
Ифигениянинг дилбар ибтидо саси  
Менинг қулоғимга илк бор етганида ҳам.  
Қани, ким айтади, қачон мағрур Сальери  
Ичиқора бўлмиш, манфур ҳасадчи бўлмиш?  
Иланг-биланг қилиб мажруҳ илон сингари,  
Эзғиланиб ётмиш, оғзи тупроққа тўлмиш?  
Ҳеч ким айтолмагай! Аммо ўзим айтаман,  
Мен бугун бир ҳасадчиман. Ҳасад қиламан;  
Ҳасад мени азобларга қўймиш. – Ё фалак!

Қайда сенинг ҳақиқатинг, азиз истеедод,  
Барҳаёт бир даҳо севги – садоқатгамас,  
Меҳнат-машаққатлар учун мукофотгамас,  
Балки бир телбага насиб айламиш, ҳайҳот,  
Бир дайдию девонага?.. О, Моцарт, Моцарт!

*(Моцарт киради)*

М о ц а р т

Ана холос! Кўра қолди. Мен сени, дўстим,  
Антиқа бир ҳазил билан сийламоқчийдим.

С а л ь е р и

Ийе, шундамисан! Қачон келгандинг?

М о ц а р т

Ҳозир.

Сенга бир нималар олиб келаётгандим.

Аммо ошхона олдидан ўтар эканман,

Ғижжак ноласини тинглаб, тўхтадим бир дам...

Шунақа бир тасқараки, дўстим Сальери!

Йўқ, умрингда бунақасини эшитмагансан...

Қараб боқсам, ошхонада ожиз бир машшоқ

Voi che serpet чалар... Худди мўъжиза дейсан!

Чидаб туролмадим, бошлаб бу ёққа келдим,

Унинг санъатидан бир оз татиб кўр дедим.

Ҳой, кира қол!

*(Ғижжак кўтариб кўзи ожиз бир Чол киради).*

Ҳа, Моцартдан бирор нима чал.

*(Чол Дон-жуан ариясини чалади, Моцарт қаҳ-қаҳ  
отиб кулади.)*

С а л ь е р и

Шунга ҳам сен куласанми?

М о ц а р т

Ахир, Сальери,

Наҳотки сен ўзинг кулмай тура олсанг?

С а л ь е р и

Йўқ.

Кулолмасман, бир нотавон сувоқчи рўй-рост  
Рафаэлнинг Мадоннасин чизиб-бўяса.

Кулолмасман яна, манфур бир масхарабоз  
Адигери номусини ерга булғаса.

Чол, бу ердан йўқол!

М о ц а р т

Бирпас шошма, буни ол,  
Менинг соғлигимга шароб ичкил.

*(Чол кетади)*

М о ц а р т

Бугун кайфсиз кўринасан. Бошқа келаман,  
Бўлак фурсат топиб.

С а л ь е р и

Менга нима келтирдинг?

М о ц а р т

Йўқ, шунчаки, бекорчи гап. Кеча кечқурун  
Уйқусизлик қийнайвериб, битди бардошим,  
Ва бир-икки фикр келиб, банд этди бошим,  
Ўшаларни қоғозларга туширдим бугун.  
Сенга чалиб бериб, фикринг сўрамоқчийдим,  
Аммо вақтинг зикроқ экан.

С а л ь е р и

Эҳ, Моцарт, Моцарт!

Сен деганда қачон менинг вақтим бўлмаган?  
Ўтир. Эштаман.

М о ц а р т

*(Фортепиано чалишга шайланиб).*

Бир зум тасаввур айла...

Кимни десамикин? Майли, масалан, мени –

Бир оз ёшроқ бўлай аммо сенинг наздингда;  
Ва ошиқ ҳам бўлай, лекин ҳаддан зиёдмас,  
Ҳамроҳим – бир гўзал ёки дўстим, сен ўзинг,  
Шодман... Аммо-лекин – бирдан қора бир рўё,  
Босириқ бир зулмат, хуллас, шундоқ бир нима...  
Хўп эшитиб кўр-чи.

(Чалади)

С а л ь е р и

Шундоқ мўъжиза билан

Мен томонга келаётиб, нечук тўхтадинг?

Кўр машшоқни нечук тинглай олдинг? – Ё Худо!

Моцарт, Моцарт, сен ўзингга лойиқ эмассан.

М о ц а р т

Хўш, қалай, дурустми?

С а л ь е р и

Теран, нақадар теран!

Ва нақадар шиддаткор ва нақадар мавзун!

Моцарт, сен Тангрисан, ўзинг воқиф эмассан,

Буни мен биламан, мен.

М о ц а р т

А, ростданми? Балким...

Аммо очиққандир ҳозир худовандлигим.

С а л ь е р и

Бўлмаса, юр, бориб бирга овқатланайлик

Иккаламиз Олтин Арслон ошхонасига.

М о ц а р т

Майли... Мен розиман. Аммо уйга зув кириб,

Хотинимга айтай, токи кутиб турмасин

Тушликка нақ илҳақ бўлиб.

(Кетади)

С а л ь е р и

Кутаман лекин.

Йўқ. Мен моне бўлолмайман, бўла олмайман  
Тақдир билан толеимнинг тақозосига.

Уни тўхтатсин, деб мени қисмат танлаган,  
Йўқса, ёлғиз менмас – жиндак овозадор зот,  
Балки биз ҳаммамиз – санъат гумашталари,  
Муסיқанинг муридлари бўлурмиз ҳалок...

Хўш, не фойда ахир, Моцарт барҳаёт қолиб,  
Янги чўққиларни яна этар экан забт

У санъатни шунинг билан кўтарарми? Йўқ!

У кўз юмар экан, яна йиқилар санъат;

У кўз юмар экан, бизга ворис қолдирмас.

Хўш, фойдаси надир унинг? Фаришталардек  
Жаннат кўшиғини бир дам янградиб хушҳол,

Биздек хоки ғуборларни безовта этиб,

Яна юксакларга учиб келмоқми алҳол!

Учгил, қушим! Учар бўлсанг, тезроқ уча қол.

Мана заҳар, Изорамнинг сўнгги эҳсони.

Ўн саккиз йил бўлди асраб-аяйман ҳамон.

Ҳаёт менга уқубатдир ўшандан буён,

Неча марта мен бепарво душманим билан

Дастурхонга ўлтирганман, шундоқ ёнма-ён.

Неча бор шайтон мени васваса қилган,

Аммо рад этганман, гарчи кўрқоқ эмасман,

Гарчи ранжихотир бўлсам, бўлурман ёмон,

Гарчи тирикликка меҳри муҳаббатим кам.

Нуқул имилладим, нуқул орқага сурдим,

Мени азобларга кўйди ўлим чанқоғи.

Хўш, ўлимдан нима фойда? Шундоқ ўйладим:

Ҳаёт янги эҳсонини бахш этар балким...

Балки менга ташриф этар ажиб бир сурур,

Ажойиб бир хаёл, балки илҳомий бир тун.

Балки янги Гайден чиқиб олам яратур,

Мен ўшанинг завқларига чўмарман бутун...

Манфур меҳмон билан базми жамшид тузаркан,  
Ўйлар эдим, балки қаттол душманам бир кун  
Топарман деб, балки аччиқ ҳақорат-алам,  
Кибру ҳаволардан магар сочса аланга,  
Асқотарсан, дердим, ёрим эҳсони менга.  
Қандай ҳақ эканман! Мана, топдим ниҳоят,  
Ўша қаттол душманамни ва янги Гайден  
Оби замзам тутиб, мени сарафроз этди.  
Фурсат етди! Муҳаббатнинг азиз эҳсони,  
Дўстлик қадаҳига кўчиб ўтгайсан энди.

## 2-саҳна

*(Ошхонада махсус хона; фортепиано. Моцарт ва  
Сальери ўлтиришибди.)*

С а л ь е р и  
Бугун хомуш кўринасан?

М о ц а р т  
Менми? Йўқ, асло!

С а л ь е р и  
Рости, нима бўлди, Моцарт, авзойинг бузуқ?  
Таом кўп мазали бўпти, мусаллас аъло,  
Сен оғзингга сув олгансан, қовоғинг солиқ.

М о ц а р т  
Сенга айтсам, шу марсия деган даҳмаза  
Мени жуда ташвишларга қўйди.

С а л ь е р и  
А! Нима?  
Сен марсия ёзмоқдасан? Қачондан буён?

М о ц а р т  
Уч ҳафтача бўлди. Аммо ажиб ҳодиса...  
Сенга айтмадимми?

С а л ь е р и  
Йўқ-йўқ.

М о ц а р т  
Тингла, бўлмаса,  
Бундан уч ҳафтача бурун уйга кеч қайтдим,  
Мени биров сўроқлапти. Сабаби – мавҳум.  
Ким бўлдийкин? Менга қандоқ юмуши бор, деб  
Ўша кеча ухламасдан, ўй суриб чиқдим.  
Эртаси кун тагин келиб йўқламиш мени.  
Учратолмай, қайтиб кетмиш. Учинчи куни  
Полда яйраб ўйнашардик ўғилчам билан  
Мени чақиришди. Чиқдим. Нотаниш одам,  
Худди бошдан-оёқ қора либос кийинган.  
Таъзим бажо айлаб, мендан илтимос қилди  
Бир марсия ёзишимни ва ғойиб бўлди.  
Мен пайсалга солмай, дарҳол киришдим ишга,  
Лекин қора кишим сўраб келмади бошқа;  
Мен хурсандман: нега десанг, марсия тайёр,  
Ундан жудо бўлиш эса мен учун душвор,  
Ҳолбуки мен ўшасиз ҳам шундоқ...

С а л ь е р и  
Хўш, нима?

М о ц а р т  
Буни иқрор қилиш қийин...

С а л ь е р и  
Ахир, нимани?

М о ц а р т  
Менга ором бермас, мени ҳолимга қўймас  
На кундуз, на кеча ўша қора одамим.  
Унинг назаридан холи кечмас бир дамим  
Соя каби изларимдан эргашиб, қолмас,

Назаримда у ҳозир ҳам учинчи бўлиб,  
Ўртамизда ўлтиргандай.

С а л ь е р и

Бекорчи ваҳма!

Болаларча бу кўрқоқлик қаёқдан, ошна?  
Бу бўлмағур хаёлларни ҳайда. Бомарше  
Менга айтардиким: «Эшит, дўстим, Сальери,  
Магар қора ўйлар сенга очаркан қулоч,  
Сен тортинмай сира, шампань шишасини оч,  
Ё «Фигаро никоҳи»ни ўқи бир карра».

М о ц а р т

Ҳа! Бомарше сенга дўсти қадрдон эди;  
Қадрдонлик ҳаққи унга ёздинг «Тарара».  
Ажойиб бир асар. Унда бир тарона бор...  
Мен бахтиёр дамларимда этаман такрор...  
Ла-ла-лала... Ҳа, кимнидир ўша Бомарше  
Заҳарлаган дейишади, ростми, Сальери?

С а л ь е р и

Бўлмаган гап, бу ҳунарда оламда кулги  
Бўлиши нақ тайин эди.

М о ц а р т

Даҳо эди у.

Сену мендек. Даҳо билан қабоҳат асти  
Бир-бирига қовушмайди. Шундоқ эмасми?

С а л ь е р и

Шунақами?

*(Моцартнинг стаканига заҳар солади)*

Хўп, ича қол.

М о ц а р т

Соғ бўл, оғайни,

Нафосатнинг икки ўғли – Моцарт, Сальери  
Ўртасида қадрдонлик бор бўлсин.

*(Ичади)*

С а л ь е р и

Шошма,

Шошма, дейман, шошма! Ичиб бўлдингми!.. Менсиз?

М о ц а р т

*(Сочиқни столга ташлаб)*

Бас, кифоя, тўйдим.

*(Фортепиано томон юриб)*

Энди, азиз Сальери,

Марсиямни эшит.

*(Чалади)*

Нима, йиғлаяпсанми?

С а л ь е р и

Ёш тўкаман биринчи бор шундоқ шашқатор:

Азоб бахш этмоқда, аммо ҳузури ҳам бор.

Гўёки бир оғир бурчим айладим адо,

Гўёки бир шифо тиғи шарт кесиб ҳозир,

Жароҳатли бир жойимдан айлади жудо.

Дўстим Моцарт, бу кўз ёшлар... Э, яхшиси, қўй.

Сен уларга парво қилма. Давом эт, давом,

Юрагимни оҳангларга тўлдир батамом.

М о ц а р т

Нафосатни ҳамма шундоқ ҳис этса эди!

Йўқ-йўқ, унда дунё тугаб, бўларди адо.

Унда тириклик деб ким ҳам бош қотирарди,

Турмуш ташвишига ўзни этарди фидо?

Ҳамма эркин санъатга бир банда бўларди.

Биз бекорчи бахтиёрлар оз эрурмиз, оз,  
Манфур фойда – манфаатни рад эта билган,  
Воҳид гўзалликка ёлғиз саждалар қилган  
Неча аҳли ибодатимиз, неча аҳли хос.  
Ҳа, шундоқ эмасми? Бугун хастаман бир оз,  
Руҳим алланечук оғир: бориб ухлайман.  
Хайр, сенга!

С а л ь е р и

Саломат бўл.

(Ёлғиз)

Энди ухлайсан,

Энди уйғонмасдан, узоқ ухлайсан, Моцарт!

Аммо тўхта, наҳотки, у ҳақ бўлиб чиқса,

Мен даҳо бўлмасам? Ахир қабоҳат, даҳо

Бирга чиқишолмас. Йўқ, бу ёлғон мутлақо:

Ундоқ эса, хўш, анави Бонаротто-чи?

Ёки авом халойиқнинг чўпчагидир бу –

Ватиканнинг ижодкори қотил эмасми?

### **«Моцарт ва Сальери» асарига изоҳлар**

Пиччини – итальян композитори, унинг «Роланд» операси Парижда катта шов-шувга сабаб бўлган эди.

«Ифигения» – Глюкнинг шу номдаги операсига ишора.

Voi che sapote – итальянча: «Эй, сиз хабардорлар...» Моцартнинг «Фигаронинг уйланиши» операсидан ария.

«Тарара» – Сальери операси, сўзини Бомарше ёзган.

Бонаротти – Микеланжело. Ривоятларга қараганда, у жон бераётган Исони табиий тасвирлаш ниятида ўзига нусха бўлиб турган кишини ўлдирган.

**ОСМОН ВА ЕР**

Алвидо, хаёлим яшаган макон,  
Мана калитларинг, кетаман ҳозир.  
Остонангни ҳатлаб, чиққанам замон  
Эшигинг ортимдан ёпилар оғир.

Само оғушида порлаган мағрур  
Сомон йўл эшигинг кўрсатди менга.  
Қасрингда боладай сурдим шўх сурур,  
Энди кетар бўлдим, хайр мангуга.

О, мен сафо кўрдим сенда бемисол,  
Афсона кошонанг оғушида жим –  
Ҳисларга фарқ бўлдим... Чулғади хаёл,  
Шундай оқиб ўтди зилол ёшлигим.

Беҳуд умидларим битди ниҳоят,  
Қуриди ишончинг алдов булоғи.  
Сароб – хаёлларни сурдим бағоят,  
Энди йигит бўлиб ўй суриш чоғи...

Юксак манзилингдан кетай шу асно,  
Хайр, эй ҳавойи, баланд остона.  
Самовий кошонанг гурсиллаб ногоҳ  
Оғир қулаб тушиб, босмасин яна.

Ювош-ювош учгил энди, хаёлим,  
Атрофда хатар бор, даҳшатли жар бор.  
Ногоҳ тойиб кетсам, не кечар ҳолим?  
Ногоҳ тойиб кетсам, бўламан абгор.

Аммо нечун менинг кўзларимда ёш?  
Алвидо, хаёллар, топингиз барҳам.  
Ватанга қайтаман, мен унга ғамдош,  
Инсонман, мен энди заминга ҳамдам.

Тўғри, ерда ҳали хусни шинам йўқ,  
Аммо меҳринг ортар термилган сайин.  
Фариштаси йўқ-ку, иблиси ҳам йўқ,  
Лекин қиши тайин, баҳори тайин...



## УМИДЛАНАМАН

Йўқол, кузнинг ҳиссиз, тунд хаёллари,  
Ахир, зумрад фасл, баҳордир бугун.  
Бебаҳра туташиб ёшлик онлари,  
Наҳот кечар фақат унсиз ва сўлғин.  
Дилни ғам босса-да, куйлаб ёнаман,  
Зулмат босган тунга боқаман хушҳол.  
Умид йўқ, мен эсам умидланаман,  
Яшайман, эй қора ҳасратим, йўқол!  
Униққан далада, унсиз гулшанда  
Қора муз устида ўстираман гул.  
Гулларим сочаркан ёниқ бир ханда,  
Қайноқ кўз ёшимга кўмаман буткул.  
Кўз ёшимдан эриб, адо бўлар қор,  
Эриб, кўз ёшимдан адо бўлар муз.  
Чечагим барқ урар, бошланар баҳор,  
Маҳзун дилим учун бошланар кундуз.  
Тикка сўқмоқ йўлдан юксак тоғ сари  
Тош ташиб, мардона ташлайман қадам.  
Аччиқ заҳмат аро мағрур, жангари  
Қўшиқларим учар дардимга малҳам.  
Зулмат кечаларни кечарман уйғоқ,  
Кўзимга қўнмайин заррача ғафлат.  
Тун ва туман аро термилиб чанқоқ,  
Йўлчи юлдузимни изларман фақат.  
Кечанинг сим-сиёҳ зулмати ичра  
Мудрашга қўймасман, мудрамас кўнглим.  
Гарчи асаблардан юрагим яра,  
Кўксимга залворин ташламиш ўлим.

Кундан-кун ёвуз у, кундан-кун оғир,  
Зулмат босиб келар зиёни қуршаб.  
Ва лекин юрагим депсиниб, охир  
Беомон ажални енгса, не ажаб...  
Шундай! Ғам босса-да, куйлаб ёнаман,  
Зулмат босган тунга боқаман хушқол.  
Умид йўқ, мен эса умидланаман,  
Яшайман, эй қора ҳасратим, йўқол!..



## СУКУНАТ

Шамол юрмас кунлар бузғун дот узра  
Сарғайиб тўкилар барги хазон жим.  
Бу ерда тантана бўлмаган сира  
Бу ерда дўстини кутмаган ҳеч ким...  
Снарядлар портлаб, емрилган бетон  
Гўёки ҳозир ҳам чеккандай фиғон...  
Ва бунда йиқилиб жон берган ботир,  
Мангу деб аталган ўша безавол.  
Қичқиргандай гўё: «Ким келаётир?»  
Сўрагандай: «Нечук фронтда аҳвол?»  
Жондан саломларим сенга, эй солдат,  
Ўлсанг-да қолдирдинг мангу тириклик.  
Мукофотинг йўлин тўсиб ҳалокат,  
Ётибсан, устингда хазонрезгилик.  
Фронт ҳам Брянск ўрмонларидан  
Йироқлаб Берлиндан нарида тинди.  
Мовий кўз неваранг эрта куз билан  
Учган турналарга термилар энди.  
Турналар тизмаси кўкда юксакдир,  
Зумрад майсазорлар, дарёлар пастда.  
Атрофда сукунат ва сукунатдир,  
Жанг йўқдир, жимжитлик жонга ораста.  
Бу қуюқ сукунат қанчалар зебо,  
Қулоқ ҳам, назар ҳам қаршисида лол.  
Сукунатта чўмиб, куз – қадим момо  
Бутазор ёнида мудрайди беҳол.  
Бироқ осойишга ишонма, солдат,  
Тутун белбоғини фронт ҳам дема.

Гарчи сокин турар найза, автомат,  
Ғалабамиз ўсар зинама-зина;  
Ҳали душман тирик, юзин кўрсатмай,  
Ўзини ҳар нафас ҳар ёққа уриб,  
Судралиб юрибди, фингшиб пайдар-пай,  
Худбинлик чоҳида разил кун кўриб.  
Шубҳани ўқ қилиб дилларга отар,  
Қутуриб вишилар вайсақи, тамтам,  
Тўмтоқ ақли билан чўқиб, кесатар,  
Бегона қирғоқни кўзлар муттаҳам.  
Шунинг-чун ҳар куни жангдамиз, солдат,  
Танксизу, найзасиз ва тўппончасиз.  
Ёзда-ку резервга тушмаймиз, албат  
Ва лекин қишда ҳам бўлмас танаффус.  
Қурбонлар ёдида қайғуриб оғир,  
Қайириб ташлаймиз ўлимнинг тифин.  
Атрофда сукунат, ҳа, сукунатдир,  
На ўқ товушию на дод, на ёнғин...  
Офтобни симириб, барглар каҳрабо,  
Мезон тортиб учар ўтлоқда шамол.  
Сукунатга чўмиб, куз – қадим момо  
Бутазор ёнида мудрайди беҳол...



**ОКЕАН СОҲИЛИДАГИ  
ҚАРАҒАЙЛАР**

Булар қарағай эмас,  
Тул қолган бечоралар,  
Ёрларин қаршилаш-чун  
Келишган соҳил ёққа.  
Қояларда тош қотиб  
Қолган бахти қоралар,  
Етишолмай висолга,  
Асир бўлиб фироққа.

Илдизларин кўпориб,  
Кемирган ел-гирдибод,  
Шохларин қовжиратиб,  
Қуритган ёз кўёши.  
Бу ерга қачон келсам,  
Эшитилади фарёд  
Ва оқар қора шира,  
Гўё аччиқ кўз ёши...



**ГЕНАЦВАЛЕ**

Гар хастаҳол эсанг ажиб бир дору,  
Ёш эсанг, изидан эргаштирар у.  
Ажин чехраларни яшнатиб бир зум,  
Қўндирар бир жило,  
Жонон табассум.  
Тилларда ҳамиша  
Болдек мазали  
Меҳрибон шу калом – «Генацвале»<sup>3</sup>.

Булбуллар юлдузни ўпган маҳали  
Менга юлдуз бўлдинг, генацвале!  
Қалбингга бешикдан уринар шу соз  
Кейин самолардан қуйилар шу роз...  
Деҳқоннинг уйида қувончга тўлиб,  
Яшар у ғаллаю мусаллас бўлиб.  
Азиз меҳмонларга пешвоз азали:  
«Марҳабо, марҳабо!  
Генацвале!»

Жўхори нон пишар тандирда шу тоб,  
Тутунга ўраниб, қизарар кабоб...  
Жужуқларни суйиб, эркалаб хушвақт,  
Ҳордиғинг ёзасан, қизийди суҳбат.  
Турмуш, тирикчилик  
Сўйланар бир-бир,  
Сўнг йўлга шайланиб,  
Дейсан: «Ташаккур».

<sup>3</sup> Грузин халқ ибораси, бизнинг «Ўргилай», «Қурбонинг бўлай»га тўғри келади.

Омон бўлсак, яна келармиз ҳали,  
Сира офат кўрманг, генацвале!

... Тун қаро, шивирғон узум тусидай,  
Тонгда қуёш – улкан бахт юлдузидай.  
Грузия субҳу шомлари кўркам,  
Сизни тасвир айлар қайси бир қалам!  
Лекин тасвирингиз келтирар, балли,  
Меҳрибон шу калом – генацвале...

Генацвале, деб шивирлар шамол,  
Бу сўз – парвоз, бу сўз – бутوقдаги бол.  
Бу – майиноб яна,  
Бу – нозу неъмат,  
Бу – қорли чўққидир, зилол табиат.  
Бу – зўр қадимият,  
Бу – гўзал ёшлик,  
Бу – чин нафосатдир, қоябардошлик.  
Бу – йигит ғурури, қизнинг рози ҳам,  
Бу – дўстнинг тилида янграган қасам,  
Бу – очиқ дарвоза, бу пушти паноҳ,  
Бу – шодон бир назар, шуълали нигоҳ.  
Бу – севги, бу – қудрат, жасорат, демак,  
Генацвале – бизга, ватандир, бешак...



## САМАРҚАНДИМ

Абадий муҳташам харобалар бор,  
Баъзан хароба ҳам қудрат сочармиш.  
Бекилган қалъалар, сардобалар бор,  
Фалак боғлаганни инсон очармиш...

Маҳмуд Кошғарийнинг оч луғатини,  
Самарқанд – семиз кент, жаранглар баланд.  
Кўклардан излама ер жаннатини,  
Бу кавсар булоқнинг суви – асал, қанд.

Шаҳар ёнбошида бошқа бир шаҳар,  
Қадим Афросиёб боқур паришон.  
Афросиёб – Алп эр, алплар, ёронлар  
Шу азиз манзилда тутмишлар макон.

Бунда сарбадорлар салобати бор,  
Бошини тикса-да дор оғочига,  
Ишқи, имонидан кечмаган зинҳор,  
Ғубор қўндирмаган шавкат тожига.

Бу Ургут, бу Кўҳак – пурвиқор тоғлар  
Ботирлар ёдини эъзоз этар жим.  
Зарафшонда сузган қирмиз балиқлар  
Уларнинг қонидан яралмиш балким...

Қадим Ғарбу Шарқни олган Искандар  
Кўз солиб бу юртнинг кошонасига,  
Бошидан тожини олиб муқаррар,  
Юз қўйган Самарқанд остонасига...

007  
1000  
Румий мақбараси, Шердор, Регистон –  
Башар дурдонаси, олам гавҳари.  
Шарқнинг кўзи бўлдинг, эй Ўзбекистон,  
Улуғбек кўзини очгандан бери.

Ўрта Осиёни кезиб ўтурман  
Муҳташам боғларда – бағримда ором.  
Сени шарбат каби ичиб кетурман,  
Менинг Самарқандим, менинг Бухором!

Мен на паҳлавонман, на ботир, балки  
Шу ер, шу самонинг дил пайвандиман.  
Бир қўлда бирлашган беш бармоқ каби  
Муаззам ватаннинг жигарбандиман!

Баҳор – гулистоннинг энг ўртасида,  
Юрак – жисму жоннинг энг ўртасида.  
Мен – Ўрта Осиё йўлларидаман,  
Қуёш – осмоннинг энг ўртасида...



## ОШИҚ ДИЛ РОЗИ


Айт-чи, бирор кимсани суйганмисан,  
 Ёрни суйиб, ишқида куйганмисан?  
 Оҳ, бу сурур мисли сурур қайда бор?  
 Бўйла яна чашмаи нур қайда бор?  
 Кел, яна бир сўзга қулоғингни тут,  
 Ишқ сўзи бу, бошқани бир дам унут.  
 Йўқки, демасмен, менга ғам бўлмади,  
 Ҳиссаи ғам мен сари кам бўлмади.  
 Гар гаҳи турмуш ғамидин уфладим,  
 Устига бош ишқ ғамини юкладим.  
 Ишқ деса бирдак, ҳама бирдак экан,  
 Тупроғу зар фарқи ҳам андак экан.  
 Йўқса, мену бесару сомон қаён,  
 Ул санаму дилбару жонон қаён?  
 Йўқса, бу бечораю безеб қаён?  
 Ишқи паризоди Сарандеб қаён!  
 Менда бирор машқи ҳунар йўқ эди,  
 Балки ҳунар сори назар йўқ эди.  
 Йўқ эди бошим сари мақсад яна,  
 Йўқ эди кўнглим сари рағбат яна.  
 Келди-ю ишқ меҳрига банд айлади,  
 Бирйўла ул банди каманд айлади.  
 Воҳки, ажаб менда ажаб ҳол эди,  
 Гоҳида ғам, гоҳида иқбол эди.  
 Қайғу-қувонч бўлмади кам-кам сира,  
 Оташи ишқ топмади барҳам сира.  
 Оташи ишқ тушса агар эр сари,  
 Эр йўли тушгай шу замон шеър сари.  
 Ҳайлаки, шоир не деган бандадир,  
 Севгига ул эркаю арзандадир.

Бошқаси, солсам назарим, паст эди,  
Лоиқи ишқ шеър эди, шу бас эди.  
Кошки билсанг, на қийиндир, қийин  
Шеър ёзиш мен каби некбахт учун.  
Фикру ҳавас сели пурушуб эди,  
Аммоки шеър – косачайи чўб эди.  
Қофия ҳам вазни сухан танг эди.  
Унда сатр оқсоқ эди, ланг эди,  
Баски, дилимдан учубон ўтли оқ,  
Шеър бўлиб дафтарга у тушгунча то –  
Музлар эрди, муз босибон роҳини,  
Кўргай эдим суврати арвоҳини.  
Мисраки, қоғозга битиб, жойладим,  
Ёр назари бирла назар айладим.  
Ёрга агар бўлмаса шеърим писанд,  
Оҳки, ўлармен бу аламлар билан.  
Бўйла асорат эди ижод менга,  
Бўйла эди васваса устод менга.  
Ёрнинг ёди ила сурсам қалам,  
Шеър эди ҳуснда зебо санам.  
Тўрт йил ёндим туташиб сийнасўз,  
Пайванд этиб шеър аро сўзга сўз.  
Тўрт йил тунларни ёритди сўзим,  
Шеър ила ишқ дарсига солдим ўзим.  
Ўз нуридин кўзни жудо айладим,  
Кўзга ўшал ёр нурина жойладим.  
Токи дилимдан баса кетгай ғубор,  
Тоза бўлиб тоза қадамгоҳи ёр.  
Нури жамоли – қалам эрди менга,  
Номи азизи – қасам эрди менга.  
Оҳ менга, бу ҳоли паришонга оҳ,  
Мен каби бу соддаю нодонга оҳ.  
Шунча юрибманки гумон айламай,  
Ишққа жаҳон ичра гаров бўлмагай.

Учмоқ учун болу паринг бўлса ҳам,  
Битта эмас, юз ҳунаринг бўлса ҳам.  
Ёки баланд пояда султон эсанг,  
Ёки юриб, ит каби сарсон эсанг,  
Кўйида жонингни нисор айла, бас,  
Ишққа гаров, ишққа инобат эмас...  
Сўнгра-чи, не бўлди?  
Мана, тингла, кўр,  
Тўрт йил шу зайлда кечди умр.  
Бир куни келдим ўшал остонага.  
Рози дилим айтгали жононага.  
Ташна эдим, ортди яна нолишим,  
Гушна эдим, тош ушатди тишим.  
Хайриятам, шеър менга ҳамроҳ экан,  
Менга суюнчиқ, менга огоҳ экан.  
Йўқса, аламдан яна бўлгай эдим,  
Бўлгай эдим, ўртаниб, ўлгай эдим.  
Қолгай эдим икки кўзим кўр бўлиб,  
Ичганим аччиқ, еганим шўр бўлиб.  
Бахт қувиб ҳайлади даргоҳидин,  
Ўлмайн қолдим, ажаб, дил оҳидин.  
Ўйлар эдим, яккаю танҳо ўзим.  
Лойиқи ҳамхонаю ҳамроҳ ўзим.  
Ўйлар эдим, ёр муяссар бўлур,  
Бир умр бахтимга баробар бўлур.  
Энди-чи, ҳижронзада бир бандамен,  
Ёр кўйидин қувғину шармандамен.  
Синди умидим, уни бас айладим,  
Жаҳл аро, ўйлаки, қасд айладим;  
Энди дилим банди санам бўлмагай,  
Банди санам, балки алам бўлмагай.  
Кетди жаҳл, кетди жаҳл бирла қасд,  
Кўнглим аро ўзга азоб қолди бас.  
Кам эдиму менга магар эски ғам,  
Воҳ, яна кўнглим тўрида ул санам.


Солсам агар бир парирухсорга кўз,  
Кўнглим аро боз ўшал қошу кўз.  
Қайси санамга солар эрсам назар,  
Кўнглим аро боз ўшал жилвагар...  
Излаганим – чеҳрасидин бир нишон,  
Истаганим – баҳрасидин бир нишон.  
Бир санаме, ул каби анвар эмас,  
Бир санаме, унга баробар эмас.  
Бўйла азоб ичра яшарман нетай,  
Бунга нечук чораи тadbир этай?  
Уф, не қилай, мен не қилай бу нафас,  
Дарди дилим барчаси зое, абас...





V

*От кишнаб юборди,  
Яна мук тушди,  
Яна ирғиб турди жойидан.  
Оёқлари қалтирар эди,  
Қони оқар эди пойидан...*



## ВАРАХША

**Ватаним, ким келса, сени деб келар,  
Дунёга аламлар мени деб келар...**

(Эрнафас қўшиғи)

## ДЕБОЧА

Хаёллар қанотида  
Саргашта юрдим,  
Ўзимни талабларнинг  
Отида кўрдим.  
Юрдим жонсўз, жаҳонсўз,  
Юрдим жонҳалак,  
Ҳар куни бошим узра  
Айланди фалак.  
Тилак остонасига  
Бошимни қўйдим,  
Кўзимни, кўзимдаги  
Ёшимни қўйдим...  
«Ҳаёт – офтоб тийнадир,  
Офтоб сийнадир,  
Унда менинг ўзлимим,  
Шарафим надир?  
Борми инсон зотига  
Шундай бир инод –  
Инсонлик унвонига  
Тенг бир коинот?  
Ки унинг осмонига  
Талпиниб етсам,  
Майлига, ғубор бўлиб

Таралиб кетсам...»  
Ёндим, юз очди дилда  
Ёруғ бир жунун,  
Мурод дарвозасидан  
Ўтдим ўша кун.  
Ким эмас, бир мажнунча  
Севдим жононни,  
Кашф айладим ўзимча  
Мен ҳам жаҳонни.  
Титроқ-титроқ сўз билан  
Ёздим номалар,  
Ғазаллар... гўзалларга  
Ошиқномалар.  
Лекин чамандан чаман  
Оча берди ишқ.  
Қувдим, баланддан-баланд  
Қоча берди ишқ.  
Билмам, қайси бир оқшом,  
Қай бир субҳидам.  
Шеър бўлиб юрагимда  
Юз очди Ватан...  
Ватан, мен сени борим,  
Ҳаётим, дедим.  
Сенсан бахтим, баҳорим,  
Баётим, дедим.  
Титроқ-титроқ сўз билан  
Ёздим номалар.  
Ғазаллар... толеингга  
Табрикномалар...  
Завқимни гулга буркаб  
Гулдаста қилдим,  
Шавқимни ойга буркаб  
Ораста қилдим.

Шу нурли тўлқинлару  
Талқинлар оша  
Мен сенинг тупроғингга  
Етдим, Варахша.  
Келган эдим май нўшлаб,  
Кўнглимни хушлаб,  
Қолдим «воҳ» деб қалтираб,  
Ёқамни ушлаб...  
Неъмат, Фулом, дўстларим,  
Айтинг, нима бу?  
Шаҳар эмас, бу маҳшар,  
Мозористонку...  
Бир чеккаси уфққа  
Тулашиб тушган,  
Кўрғонлар, кумлар аро  
Қотган, увишган...  
Гузаргоҳлардан ўтдим  
Бесару сомон,  
Қабрлар... оҳ, ал-омон,  
Яна ал-омон.  
Бир минг икки юз ёшли  
Вайронадир бу,  
Шунча йил кўкка боқиб,  
Ҳайронадир бу.  
Шунча йил кўкка боқиб,  
Алодир, адо,  
Сопол синиқларидан  
Таралар садо...  
Ўлик шаҳар мудрайди  
Паришон ва гунг,  
Юзларида мусибат,  
Кўзларида мунг...  
Саксовулзорда кимдир  
Инграйди беҳуш,  
Ҳақни уйғотолмайсан,  
Йиғлама, ҳаққуш.

Ҳақ ётар яксон бўлиб,  
Қоришиб кумга,  
Бу ёниқ нолаларни  
Чекасан кимга?  
Йўқ, ишонма, сўзимга,  
Йиғлайвер, қушим,  
Буюк вайрона узра  
Бўзла, беҳушим.  
Ахир унинг бағрида  
Қурбонларинг бор,  
Осмонида чарх урган  
Армонларинг бор...  
Қайтдим ўлик шаҳардан  
Кўзга ёш олиб,  
Юрагимда дард эмас,  
Тийра тош олиб...  
Йиллар ўтди, йўл босдим  
Довонлар оша,  
Айрилмади, мен билан  
Қолди Варахша.  
Беҳиштосо боғларга  
Қўяркан қадам,  
Чарх урди атрофимда,  
Чарх урди ҳар дам.  
Муаззам қасрларга  
Келганда ўтру,  
Энгашиб қулоғимга  
Шивирлади у...  
У менга асрларнинг  
Додини айтди,  
Энг буюк ҳақиқатнинг  
Отини айтди.  
Ватан, фақат гул эмас,  
Гард ҳам экансан,  
Фақат завқу шавқ эмас,  
Дард ҳам экансан....

Мен ҳам бир фарзанд бўлиб  
Дардингни туйдим,  
Қутлуғ бир коинотга  
Қадамим қўйдим.  
Йиғилди қатра-қатра,  
Тўлди моҳият,  
Сўнг сурат келди, сўнгра  
Келди хосият...  
Титроқ-титроқ сўз билан  
Ёздим номалар,  
Номалар... мозийлардан  
Ҳасратномалар...  
У минг йиллик фалокат,  
Минг йиллик фироқ  
Қорайган кўзларимга  
Кўринди шундоқ...

1

Сана – саксон саккиз.... кўклам чоғ эди<sup>4</sup>  
Еллар латиф, ҳаволар порлоқ эди,  
Гул ёпиниб, яшнар эди Варахша,  
Атрофлари тарам-тарам боғ эди.

Қуёш ҳар кун боши узра куларди,  
Ой ҳар кеча осмонида тўларди,  
Гул ҳажрида булбул гирён бўларди,  
Ариқларда сувлар шарқироқ эди.

Туташ-туташ экинзорлар, ишкомлар,  
Осойишта ўтар эди айёмлар,  
Мўъжаз-мўъжаз дарчаларда оқшомлар  
Парпираган минглаб шамчироқ эди...

---

<sup>4</sup> Бу – ҳижрий ҳисоб, милодий ҳисобида 706–707 йилларга тўғри келади.

Қирларида учқур жайрон, оҳуси,  
Боғчаларда қумриларнинг «ҳу-ҳу»си,  
Базмларда созандалар чолғуси  
Сайроқ эди, симобдек титроқ эди.

Чин ошиқлар, йигит умри фидолар,  
Яратганга чекар эди нидолар,  
Висол сари юрса нозик адолар,  
Йўлларида ипак гул япроқ эди.

Хамир қориб, нон ёпарди хамирчи,  
Ўчоқ қалаб, ўт ёқарди кўмирчи,  
Болғасини гурсиллатиб темирчи,  
Руҳи тетик эди, тани соғ эди.

Чор атрофга от елдириб аъёнлар,  
Ҳашаматда яшар эди боёнлар,  
Савдогарлар кўриб фойда-зиёнлар,  
Чопонлари заррин, ярқироқ эди.

Варахшада бозор эди кунора,  
Ҳар қадамда яшил маскан, канора,  
Ўн бир ёқда – ўн бир юксак минора,  
Арк қалъаси шаҳар ичра тоғ эди.

Миноралар кўл чўзмишди кўк томон,  
Кўп сирлардан огоҳ эди осмон,  
Бухорхудот вафот этиб ногаҳон,  
Маликанинг кўкси алам-доғ эди...

2

Кўзлари ҳасратли, киприги намли,  
Мотам либосига бурканган санам,  
Чаманларга оқшом чўкиб шабнамли,  
Уфқларга шафақ парда тутган дам

Чиқар тароватли, яшил айвонга,  
Йироқ-йироқларга хомуш кўз сунар.  
Сўнг аста юз буриб жануб томонга,  
Узоқ бир тин олар, оғир хўрсинар...  
Унда бир маъбад бор, зумрад мақбара,  
Нилий кошинлардан сабзаранг гумбаз.  
Шу гумбаз остида ётар бечора...  
Бухорхудот ўлим уйқусига маст.  
У энди сезмайди, балки севмайди,  
«Туркон – менинг Турон бегим!» демайди,  
Чорласанг, зорласанг, тингламайди ҳам,  
Тингласа, эҳтимол англамайди ҳам.  
У энди мунаққаш гумбаз остида  
Сийнасига совуқ тош босиб ётар.  
Ўша тош марҳумнинг жонсиз кўксига  
Кунлар ўтган сайин оғирроқ ботар...  
Шундай аламлардан, аломатлардан  
Ғуссали ёшларга тўлиб кетар кўз,  
Кўшк ичра пирпирар бир танҳо юлдуз,  
Ёнишлар, нолишлар, надоматлардан...  
Эгилган гул каби маъюс бош билан  
Ўйлар гирдобига узоқ толар у.  
Юзларини ювган маржон ёш билан  
Ҳасратлар селида жимжит қолар у.  
У шундоқ хаёлга чўмиб зиёда  
Қайларга йўл олар, қайларга кетар...  
Ва лекин қиличдай кескин ифода  
Юзида ногаҳон чақнаб, акс этар.  
Йўқ, ортиқ шам каби куйиб-сўнмайди,  
Малика кўнмайди, бунга кўнмайди.  
Бесамар, қоронғи хаёллар абас,  
Санам айтганига ноил бўлажак.  
Юракдан сиғиниб, чорлай олса, бас,  
Кутгани қарамга мойил бўлажак!

Кароматли сўзлар тушар эсига,  
Юрагида умид кўтарар тошқин.  
Шунда у муаззам Арк ҳовлисига  
Зинапоялардан тушади шошқин...

### 3

Арк қалъанинг худди шимол бурчида  
Юксалиб туради Буюк минора.  
Буюк миноранинг авжи учида  
Айлана айвон бор, хилват, тим қора.  
Шу холи маконда сочларин ёйиб,  
Рутубатли тошга кўксин этиб жо,  
Шаҳло кўзларидан дув-дув ёш қуйиб,  
Надоматли Туркон этар илтижо...  
«Кел, Ота Қуёшнинг нури мисоли,  
Тонг юлдузи каби кулиб келгайсан.  
Не кечур энди бу санамнинг ҳоли?  
Ўзинг аён айлаб, ўзинг дегайсан!..  
Кел, Она заминнинг меҳри мисоли,  
Осмонда ой каби тўлиб келгайсан.  
Не бўлур биргина зурёдинг ҳоли?  
Ўзинг аён айлаб, ўзинг дегайсан!  
Кел, Осаф дарёнинг дури мисоли,<sup>5</sup>  
Шом шамоли каби елиб келгайсан.  
Не бўлур бечора ватаннинг ҳоли?  
Ўзинг аён айлаб, ўзинг дегайсан!..»  
Дарчада кўринган сўник ҳилолга  
Термилиб, малика йиғлар, қон ютар.  
Ғойиб бир шарпага, ғойиб висолга,  
Ғойиб бир садога, эвоҳ, кўз тутар...  
Ана, тош девордан ажралди соя,  
Қоронғида ёнди бир жуфт чақин кўз.

---

<sup>5</sup> Осаф дарё – ҳозирги Зарафшон.

Малика шу неча титроқ сония  
Қараб турди унга довдираб, дилсўз.  
Сўнг ногоҳ ўзига ўзи чанг солди,  
Қиличин қинидан суғуриб олди...  
Оқшом зулматида олмоснинг тифи  
Яшинворий шуъла сочиб титради.  
Ва ўша номатлуб сояни худди  
Совуқ тош деворга элтиб тиради.  
Бир силтов рақибга етар эди, бас,  
Малика таниди лекин: «Эрнафас...»  
Тош қотган йигитга оғир кўз солди,  
Шамшир тутган кўли солиниб қолди.  
Бир сўз демоқчидай, бўғилди бир дам,  
Йўқ, ҳайрат аралаш бир араз билан,  
Ўзи ҳам сезмаган аччиқ ноз билан –  
Пастак эшиккача отилди илдам.  
Буюк минорани тарк этгунча то,  
Зинапояларда таралди садо...

4

Деворга қапишиб, лаби қуришиб,  
Суврат бўлиб қотган эди Эрнафас.  
Ҳаяжон гупурган тани бўшашиб,  
Энди кўкси олди эркинроқ нафас.  
Мўъжаз даричага юзини тутди,  
Ажал уни бу дам қоралаб ўтди...  
Энди нима бўлур? Қалби беомон,  
Мажҳул ва хавотир ҳисларга тўлди.  
Майли, не бўлса ҳам, лекин шу замон  
У бир синоатнинг шоҳиди бўлди...  
Нега у бу оқшом бу ёққа елди?  
Нега маликага бунда дуч келди?  
Ўзи ҳам билмайди... хаёлда фақат:  
Узун зинапоя, айлана айвон,  
Жисмини ларзага солган ҳаяжон,  
Зарчўлпидан учган оҳанг-латофат...

Сўнг кўкдан тушгандек... шом ёғдусида  
Ранглари оқарган, сўлғин малика.  
Ундаги изтироб, ўтинч, таҳлика...  
Айлана айвоннинг қоронғисида  
Саждалар, саломлар, таъзим-адолар,  
«Кел!» деб ёлворишлар, ёниқ нидолар.  
Туманли таъбирлар, беомон сўзлар,  
Қўрқинч ишоратлар, турфа тамизлар...  
Малика ёнаркан, унинг оҳидан  
Бурчакка қапишган йигит ҳам куйди.  
Чидаб туролмади, жилди жойидан,  
Тузалмас хатога, мана, йўл қўйди...  
Энди не деб ўйлар у тождор малак?  
Ҳалок айламасми, этмасми ҳалак?  
Балки бу дам юксак, яшил айвонда  
Гўзал жориялар уни қаршилар...  
У гумонин сўйлар балки шу онда,  
Унинг гумонига барча қўшилар...  
Унда нима бўлур бу ишнинг фоли?  
Унда не кечади Эрнафас ҳоли?..  
Беҳудага шаҳид бўлиб кетмасми?  
Ё гулшан умрини овсар мисоли  
Зиндон занжирига нисор этмасми?..  
Ўйлай-ўйлай, йигит бир ерга етди,  
Буюк минорани охир тарк этди...  
Юрди Аркнинг ғарбий бурчига қараб,  
Пастқам дарвозани очди қалтираб.  
Ҳовлида, айвонда мутолаага  
Банд эди отаси – Тўқсон чилангар.  
Аслаҳасоз уста шамшир ҳақида  
Қадим рисолани ўқирди магар...  
Бир зум кўз остидан боқиб қария,  
Яна бўлди ҳарфу ҳисоб билан банд.  
Ўғил-чи, бош эгиб, «Ассалом» дея,  
Чироқсиз хонага ўтди дафъатан,

Тўшакка чўзилиб, тўлғанди узоқ,  
 Бошида чарх урди яна жуфту тоқ.  
 Яна маликанинг қўрқинч ва гўзал  
 Савдойи сурати қошига келди.  
 Йўқ, ўйлаб турмади Эрнафас, бу гал,  
 Санамнинг бошига унсиз эгилди...  
 «Ҳой, маликам, бўйла фироғинг надур?  
 Фалакдан шунчалар сўроғинг надур?  
 Тўғри, қисмат этди толеингни кам,  
 Кўшиғингга йиғи ҳижо келтирди.  
 Бухорхудот банда эди, маликам,  
 У ҳам бандаликни бажо келтирди...  
 Шунга шунча ёниб, шунча куйишми?  
 Аламлар домига ўзни қўйишми?  
 Тоғшод боланг ўсиб борар кун-бакун,  
 Мулки Бухоронинг эгасидирсан.  
 Шоҳи замонидирсан, соҳиб ҳумоюн,  
 Элнинг азизию эркасидирсан...  
 Бас, нечун, белгисиз фироғинг надур?  
 Фалакдан шунчалар сўроғинг надур?  
 Келмасингни нечун «кел» деб чорладинг?  
 Шунчалар ёлбординг, шунча зорладинг?  
 Нечун сўз демасдан турмоқдасан жим?  
 Бунда бир маъно бор мубҳим ва машъум.  
 Жавоб бер, жавоб бер, гўзал малика...»  
 Оҳ, малика яна сўзламас сирни,  
 У яна суғуриб пўлат шамширни,  
 Йигитнинг бошига кўтарар тикка!  
 Қоронғида шамшир тиғи ялтирар,  
 Аросатда қолган юрак қалтирар...

5

Эҳ, Эрнафас ўғлон, чилангар ўғли,  
 Исми давраларда чарх урган ботир!  
 Қулочи қамровли, қараши чўғли –  
 Йигит эдинг, лекин хаёлкаш шоир...

Бедов қанотида яшнаб ҳар сафар  
Учганда, шамолга ўчинг бор эди.  
Рақиб найзасига тутардинг сипар,  
Найза отар бўлсанг, кучинг бор эди.  
Ажаб, темир эди билагинг сенинг...  
Лекин ҳассос эди юрагинг сенинг.  
Япроқлар шивири, шафақ яллиғи  
Қалбингга қуярди турфа бир ҳолат.  
Томоғингни бўғиб ширин бир йиғи,  
Руҳингга айларди сирли далолат.  
Шунда гўзал байтлар оқарди равон,  
Отанг ўқирди-ю, боқарди ҳайрон...  
Ҳассос илғар эдинг, сезардинг ҳассос  
Табиатнинг алвон қурамасини,  
Ранглар, оҳангларнинг титрамасини  
Ардоқлай олардинг бир шоирга хос!  
Хуллас, шу гўзаллик аталган бало,  
Сени ҳам домига этди мубтало...  
Наврўз шарафига саодатли шоҳ,  
Бухорхудот тузди мастона базм.  
Хос бир чаманзорки, чароғон, азим,  
Шу кеча тонггача бўлди базмгоҳ.  
Олмос шамшир ясаб ўша паллада  
Чилангар кўрмишди илтифот – эҳсон.  
Кекса отанг билан қийғос даврада  
Сен ҳам ҳозир эдинг Эрнафас ўғлон.  
Не бало латофат қулф урди унда,  
Машғаллар қуёшдек порлаган тунда  
Чарх урди даврада юлдузлар, ойлар,  
Алёрлар айтилиб, ичилди майлар...  
Чарчоқдан йўқ эди лекин асар-да,  
Ўша нозик-нозик сарпардаларда  
Гоҳ сўниб, гоҳида чақнади чақин,  
Лекин худди ойдин саҳарга яқин  
Яна янграб кетди сўғдиёна соз  
Ва унга омукта туркий эҳтирос...

Сурурдан юраклар талпинди, жўшди,  
Бу ҳам етмагандай, ёниб завқига,  
Бардош этолмайин ёшлик шавқига,  
Маликанинг ўзи даврага тушди...  
Не бало бир санъат кўрдинг, Эрнафас,  
Оташ ишваларнинг адоларини,  
Ўтли ғамзаларнинг нидоларини  
Симирдинг, симирдинг нафас-банафас!  
Ўқиб имоларда дил розларини,  
Вужудинг титрарди, балки куярди.  
Гўзал руҳнинг латиф парвозларини  
Айт-чи, сендек яна ким ҳам туярди?  
Вазирлар, дабирлар, хос мулозимлар  
Барча таҳсинини сўйларди бийрон.  
Ва лекин сен эдинг маънос нақадар,  
Ва лекин сен эдинг ошуфта, гирён.  
Бир офат қонингда чақмоқлар чақди,  
Пинҳона-пинҳона ёшларинг оқди...  
Бухорхудот вафот этди кейин, хуш,  
Улуғ йиғин куни, расми бийъатда –  
Яна ўша санам бошдан олди хуш,  
Мотам либосида, қора ҳайъатда...  
Сўнгра ойлар ўтди паришон, сўлғин,  
Саргашта хаёллар билан лим тўлғин  
Пари қаршисида бўлдинг ҳувайдо,  
Бу ёғи кўп оғир, оғир эрур, оҳ!..  
Малика кўп ёмон назар ташлади,  
Ишқ тўла сийнангга қилич пешлади...  
Сен, чилангар ўғли, Эрнафас ўғлон,  
Ўзингга шу нафас ўлим тиларсан.  
Лекин сен ишқ аро ёниб юрган жон,  
Малика кўнглини қайдан биларсан?  
У телба қисматнинг комига тушди,  
Мушкул бир савдонинг домига тушди...  
Бухорхудот айтиб сўнгги алвидо,  
Кечир, жоним энди ўламан, деган.

Бошингга тушаркан чигал бир савдо,  
Чақиргил, шу замон келаман, деган.  
Деган, аямасман марҳаматимни,  
Меҳрим, мададимни, маслаҳатимни!  
«Келарман нур бўлиб, соя бўлиб ё...»  
Шундай паймон ила ўзни бойлаган.  
Махфий кўришмоққа манзил деб ҳатто,  
Азим минорани тайин айлаган...  
Нима бу? Умидми, хаёл, таҳлика?  
Ғойиб бир шафқатми, алдамчи имдод?  
Лекин не бўлса ҳам Туркон малика  
Шу ёниқ сўзларга этган эътиқод.  
Мана ўн кундирки, дарё ортидан  
Хуфиялар унга етказмиш хабар:  
Яқинлашиб келар қонли хавф-хатар,  
Малика айрилмиш бор тоқатидан.  
Шунинг-чун у шўрлик нажот излайди,  
Шунинг-чун келмасин, кел, деб бўзлайди.  
Бор мушкулни сўйлаб солмоқчи бўлар,  
Тайин бир машварат олмоқчи бўлар.  
Кутгани келмайди бироқ, келмайди,  
Айтган ваъдасига вафо қилмайди...  
Сен, чилангар ўғли, Эрнафас ўғлон,  
Ўзингга шу нафас ўлим тиларсан.  
Лекин, сен, ишқ аро ёниб юрган жон,  
Бу шўрлик савдони қайдан биларсан?  
Малика бу оқшом оқ уриб неча,  
Яна у каромат измини тутди.  
Эвоҳки, шу кеча, шу машғум кеча  
Қутайба кўшини Жайхундан ўтди...

6

Саҳар, «Кўзғол!» деган товушлари-ла  
Бўғиқ таҳдид солиб, гумбурлайди бонг.  
Туннинг уқубатли оғушларида  
Бўғила-бўғила бўзаради тонг.

Нечун бемаҳалда довул қоқилур?  
Чимқўрғон устида гулхан ёқилур?  
Эл келар чувалиб кўча-кўй оша,  
Чуввосларга тўлиб кетмиш Варахша.  
Гуриллаб халойиқ оқар ҳар ёндан,  
Белларида белбоғ ё қайиш камар,  
Қўлларида найза, шамшир ва шашпар,  
Ҳавода гулғула сузар сурондан.  
Ҳар жойда бир сўроқ, тахмин, фаросат:  
Жайхун дарё қирғоқ уриб кетдими?  
Ёки Эрон яна хуруж этдими?  
Нима бу безовта чорлов, аросат?..

Халойиқдан тиқин, тўлқинли майдон,  
Майдон этагида муаззам қалъа.  
Улкан мис дарвоза очилур, шу он  
Малика от суриб чиқар, дубулға –  
Бошида ярқирар, демакки, фаним...  
Демак, жангоҳдирсан яна ватаним...

Йўқ, асло ғойибдан келмади имдод,  
У қисмат юзига кўз солди тикка,  
Йиғлаб қолди олтин бешикда Тоғшод,  
Саҳарлаб бедовга минди малика.  
Бироқ, бегим, бир оз кеч эмасми, ҳай?  
Ахир, душманинг зўр, душманинг қавий.  
Ахир, нақлларда айтилганидай,  
Илондан ҳам маккор эрур бадавий.  
Ўйланган ўйини қандоқ билурсан?  
Кейин чорасини қандоқ қилурсан?..  
Ортиқ видо айтиб нола – фироққа,  
Қийиқ кўзларида кин олам-жаҳон,  
Жазм этиб қиличга қилич солмоққа,  
От суриб боради малика Туркон.  
Бедов бургут бўлиб елар, қир ошар,  
Ортидан гуриллаб келади лашкар...

Кўшин борар... Лекин Эрнафас қани?  
 Ажаб бир руҳият қуршамиш уни...  
 Мана у, кўшиннинг чап қанотида  
 Манглайи юлдузли, тўриқ остида  
 Жиловни елвагай, бўш кўйиб борар,  
 Елларга оловдек тўш кўйиб борар.  
 Бир оз оқаргандек қорача юзи,  
 Қомати қиличдек бир зарбга йиғиқ,  
 Чақмоқ чақиб боқар хаёлчан кўзи,  
 Зулукдек қайрилган қошлар чимириқ.  
 Хаёл уни судраб дала-тузларга,  
 Кеча ухлатмади, сарсон айлади,  
 Лекин бугун тонгда ўша кўзларга  
 Бир карра боқди-ю – тамом англади...  
 «Тангрим, энди шу безовта жонларни  
 Ўзинг кўллаб, ўзинг мадад бергайсан.  
 Баттол ғаним оқизаркан қонларни,  
 Бошимизга паноҳ бўлиб тургайсан...  
 Тангрим, ситамгоҳга йўл олди санам,  
 Қанотида ўзинг ҳамроҳ юргайсан.  
 Майли, қоним оқсин, топталсин танам,  
 Аммо унга паноҳ бўлиб тургайсан!..  
 Ажаб хоки покдир, тангрим, Варахша,  
 Унинг иқболини ўзинг қургайсан.  
 Қирғин – қабоҳатлар тўфони оша  
 Ўзинг унга паноҳ бўлиб тургайсан!..  
 Тангрим, сен шуларни асра омонда,  
 Шулар борки, борман – бағри бутунман.  
 Варахшасиз Туркон йўқдир жаҳонда,  
 Гар Туркон бўлмаса, мен ҳам тутунман...»  
 Нақ уфқ тагида душман галаси,  
 Қораси ўт кетган кўғайга ўхшар.  
 У бирдан кўзғалди, учиб наъраси,  
 Бирдан қойим бўлди афсона маҳшар:

Даъват, жазавалар чарх урди, ана,  
 Ҳавода талпиниб, ёнди яловлар,  
 Тўқнашди икки тоғ, икки пўртана,  
 Шамширлар сочдилар чақин-оловлар...  
 (Ватан, шу қабоҳат олами аро  
 Бизнинг ҳайқириқни ўзинг тингларсан.  
 Умрлар қуёши кияркан қаро –  
 Ўзинг ёш тўқарсан, ўзинг тингларсан!  
 Туёқлар зарбию қилич заҳмидан  
 Ўзинг фарёд чекиб, ўзинг инграрсан!)  
 Бир зарбга йиғилди ибтидо-абад,  
 Ҳаёт-мамот қўйди бир-бирга қадам.  
 Ботирлар савашди, лекин оқибат,  
 Майдонга от солди ҳукмдорлар ҳам...  
 (Ватан, жаҳаннамнинг оташ ваҳмидан  
 Жонлар фиғонини ўзинг инграрсан!)  
 Солишди икки ёв – икки беомон,  
 Таналар топталиб, янчилди бошлар.  
 Фалак қорайди-ю, қизарди майдон,  
 Хун бўлиб тўкилди кўздаги ёшлар...  
 (Ватан, Ватан, бизнинг сўнги алвидо,  
 Сўнги саломимиз ўзинг тингларсан.  
 Қора қонга ботиб ўлсак мабодо –  
 Бизнинг ҳолимизни ўзинг англарсан!..)

Қоронғи бир кеча. Машғум сукунат,  
 Унда-бунда тутар қора гулханлар.  
 Тун либоси қалин қаватма-қават,  
 Юлдузлар мўлтираб кўкдан кўз солар.  
 Лашкаргоҳ мудрайди... Унинг бағрида  
 Туркон хотин шўрлик тентирар ҳар ён.  
 У тўхтаб, шивирлар гоҳи-гоҳида:  
 «Мана бу – Эрйигит, мана бу Элжон,  
 Мана бу – Элтузар, ана – Эломон!..»  
 Тун қуйилиб борар. Унинг қаърида  
 Кимдир кезиб юрар сарсон-саргардон.

Жасадларга боқиб, гоҳи-гоҳида  
Туркон хотин шўрлик шивирлар гирён:  
«Мана бу – Бидундир, мана бу – Муғон,  
Мана бу – Вардондир, ана – Армуғон...»  
Шу зайл у юриб қадам-бақадам,  
Шаҳид ботирларга узри жон айтар.  
У дардини айтмас, дардини бу дам  
Тун айтар, ер айтар, осмон айтар...  
Мана, қаршисида ҳасратга тўлиқ,  
Лол қотган кимсага парво этди ул.  
Мунғайган сояни танимади, йўқ,  
Чодирига томон ўтиб кетди ул...

8

Оламда шундайин махлуқотлар бор,  
Шиори: бошқани ғорат қил, яша!  
Уларга боису баҳона бисёр,  
Сен шуларга дучор бўлдинг, Варахша!

Оламда улар мўл, ҳазор бор, ҳазор...  
Асрлар, наслар, давронлар оша.  
Уларда на инсоф, на номус, на ор,  
Сен шуларга дучор бўлдинг, Варахша.

Сўлим чаман эдинг, сўлим бир диёр,  
Бухоро аталган юртга яраша.  
Етиб келди гала аждаҳою мор,  
Сен шуларга бозор бўлдинг, Варахша!..

9

Яна жанглар бўлди... Жароҳат, ажал  
Кимга тигдан, кимга найзадан тегди.  
Яна нелар бўлди... Хулласи азал,  
Туркон Қутайбага бошини эгди.  
Олтин, кумуш юклаб жўнатди карвон,  
Сулҳу амниятга ярашиқ товон...

Йўқ, ғаддорнинг кўнгли сира тўлмади,  
Шунча еди-ичди, нафси ўлмади.  
Мажруҳ ўлжасини чирмаб-чандиқлаб,  
Комига оҳиста тортгандай илон,  
Бир-бир ютаберди, қийма-қиймалаб,  
Чекка-чеккаларда бошлади талон...  
Малика хат йўллаб, этди эътироз,  
Қутайба жавобан, сайр этиб бир оз,  
Варахшани кўриб қайтажагини,  
Халққа «амри маъруф» айтажагини  
Бир шарт қилиб қўйди мунофиққа хос...  
Худди жума куни аста ғижирлаб,  
Катта мис дарвоза очилди равон,  
Ғанимлар шаҳарга кирдилар ҳамон,  
Қурол-аслаҳалар машъум ғичирлаб...  
Қутайба борарди қора тулпорда,  
Малларанг чакмону ола дасторда.  
Қирғий кўзларини сузиб оҳиста,  
Мушукдек милтираб ҳар ён қарарди.  
Кўшқу айвонларким, растама-раста,  
Боғлар, боғчаларга ҳайрон қарарди.  
Арк қалъага етгач тўхтаб бир қадар,  
Ўзни иззатлаб сиймо қилди ул.  
Кўз учириб бирпас кошин деворлар,  
Мавзун минорларга имо қилди ул.  
Лекин пешвоз чиққан биров бўлмади.  
«Марҳабо!» деб ҳеч ким пешвоз бўлмади...  
Қутайба ғижиниб ичкари юрди,  
Туёқлар тарақлаб таратди садо,  
Арк ҳовлида бир тўп оқарганнамо,  
Қаҳрли, шиддаткор юзларни кўрди,  
Туркон маликани кўрмади аммо!..  
Кўриб не-не кишвар ботирларини,  
Кўрмаганди бундоқ қайсар ҳарифни.

Ён-верига тизиб шотирларини,  
Бўгилиб бошлади «амри маъруф»ни...

### ҚУТАЙБА:

Ғолиб лашкаримиз сизга бу айём  
Мумтоз ва мунаввар имон келтирди.  
Куфри – иштибоҳни айлаб саранжом,  
Қодирга сиғинмоқ пайтидир энди.  
Аввали Оллоҳдир, сўнг Расулуллоҳ,  
Демишким: «Валлоҳу зулфазил азим»,  
Охири халифа – раъиятпаноҳ,  
«Анносун ало дини мулкиҳим»<sup>6</sup>.  
Мусулмонлик нима? Инсонсеварлик.  
Оҳи ваҳдат чекиб, иймонсеварлик.  
Мусулмонлик – ҳаром луқма емаслик,  
Мусулмонлик – ҳаром сўзни демаслик,  
Мусулмонлик – ҳаром йўлга юрмаслик,  
Ҳаром билан бир қаторда турмаслик,  
Ўзгаларнинг бисотига боқмаслик,  
Юракларни ҳасад билан ёқмаслик,  
Шафқатли ва шарофатли бўлишлик,  
Адолату инсоф билан тўлишлик...  
Кимки фақат меҳнат билан топса нон,  
Ўша муслим, ўша комил мусулмон!  
Кимки фақат ҳиммат билан топса жон,  
Ўша муслим, ўша комил мусулмон!  
Мусулмонни кутар қутлуғ келажак,  
Раҳмат уйи мусулмонга бўлажак.  
Эҳ-ҳе... бунинг таърифига тараф йўқ,  
Шарафига тенг келгудек шараф йўқ...

Куйик коржомали, кўн тақияли,  
Оловда қорайган Тўқсон чилангар –

<sup>6</sup> «Оллоҳ катта эҳсон эгасидир», «Кишилар подшонинг изидан борадилар».

Темирдек кўлини тўлғаб долғали,  
Қутайба сўзини кесади дангал...

### ЧИЛАНГАР:

Тўхта, воиз, шошма: бу ерда бир оз  
Янглиш ва ё хато борга ўхшайди.  
Айтганларинг бари бизнинг элга хос,  
Бизда шундай низом билан яшайди.  
Оллоҳи акбардир сенга у хилқат,  
Кимларга хуршиддир, кимларга Тангри.  
Исм-ку турфа ранг, бирдир моҳият:  
Олам коинотнинг хўжа сарвари!..  
У қуёш бўб кўкдан ҳаёт таратар  
У ўт бўлиб қозонимиз қайнатар.  
Қовур бўлиб қонимизда яшар у,  
Уриб турган жонимизда яшар у..  
Майли, хўш, баҳс этмай тариқатлардан,  
Сўрайлик сен айтган фазилатлардан...  
Инсонпарвар, дединг, ўша биздадир,  
Иймонпарвар, дединг, ўша биздадир,  
Бизнинг элат ҳаром лўқма емайди,  
Бизнинг элат ҳаром сўзни демайди,  
Бизнинг элат ҳаром йўлга юрмайди,  
Ҳаром билан бир қаторда турмайди.  
Ўзгаларнинг бисотига боқмайди,  
Юрагини ҳасад билан ёқмайди,  
Қалби унинг офтоб билан тўлиқдир,  
Адолату инсоф билан тўлиқдир.  
Меҳнат билан, заҳмат билан нон топар,  
Ўз элида ҳиммат билан жон топар.  
Эзгуликдан дединг... Ёру диёр, бас,  
Биз учун ҳам азиз, эзгу, муқаддас.  
Бас, биздадир ўша самовий иймон,  
Соҳиб иймон биз эрурмиз бегумон.  
Баски, шундоқ бу бемаъни дов нечун?

Ҳар қадамда йўлимизга ғов нечун?  
Таҳдид нечун? Талон нечун? Дўқ нечун?  
Қирғин нечун? Қирон нечун? Ўқ нечун?..

ҚУТАЙБА:

Самовийлик калимайи азалда...

ЧИЛАНГАР:

Самовийлик оғиздамас, амалда.  
Самовийми ўлкаларни, элларни  
«Иллаллоҳ» деб ғорат қилиб юрганлар?  
Талон этиб етимларни, тулларни,  
Юрт бошида қузғун бўлиб турганлар?  
Самовийми қон дарёсин кечганлар?  
Қонимизни шароб қилиб ичганлар?  
Самовийми бошимизни букканлар?  
Самовийми ёшимизни тўкканлар?  
Юртимизни поймол қилиб беомон –  
Юрган шумлар самовийми? Ҳеч қачон!..

ҚУТАЙБА:

Нималар деб алжирайсан, девона?

ЧИЛАНГАР:

Биласанми, айтганларинг баҳона.  
Қилмишларинг тарих учун янгимас.  
Қиличингда қондир, замон зангимас,  
Олам шоҳид, ҳар бир юртта босқинчи  
Эзгуликни шиор қилиб киради.  
Бошлар узра ўйнар экан қиличи,  
Шиорини такрор этиб туради.  
Мана бу нур, дейди, пуркайди тутун,  
Мана поклик, дейди, булғайди бутун.  
Мана тенглик, дейди, лекин кул этар,  
Тарихингта ўтлар қўйиб, кул этар.  
Виждон, дейди, виждон йўқдир ўзида,  
Ҳуқуқ, дейди, тайин йўқдир сўзида.

Залварини ташлаб худди ўликдай,  
Қонларингни сўра бошлар зулукдай.  
Бечора эл қолиб бесару сомон,  
Шу тариқа яксон бўлар бегумон.  
Замин кетар, давлат кетар, дил кетар,  
Ўзлик кетар, шавкат кетар, тил кетар,  
Ана шундай тугар сен айтган ғоя,  
Ана шундай етар бизга ниҳоя...  
Ё ёлғонми сўзим?

ҚУТАЙБА:

Пучдир мутлақо,  
Замирида ҳақиқатдан ҳеч вақо...

ЧИЛАНГАР:

Эса эттил ҳақиқатнинг писанда,  
Одил бўлиб, айла бизни шарманда...  
Кет, бу юртдан! –  
Мана, бунинг йўли шул.

ҚУТАЙБА:

Шум мажусий!

ЧИЛАНГАР:

Айтганларинг икки пул,  
Демакки, сен обид эмас, зобитсан!..

ҚУТАЙБА:

Шунинг учун йўқсан, несту нобутсан!..

Бир ишорат айлар золим, Шотири –  
Узун найзасини отар беомон.  
Оҳ уриб, ажалга учган шерсимон,  
Йиқилар ўлканинг кекса ботири.  
Бағрини чўрт кесиб ўтмишди найза...  
Лекин бунга парво этмас Қутайба,

Томоша тугади... Энди у пинҳон –  
 Режасига амал этмоғи лозим.  
 Энди бош рақибга рост келиб шу он,  
 Хўрлаб, радди-бадал этмоғи лозим.  
 Ҳовлида аросат, сурон, қасирға...  
 Қутайба қайрилиб, юрар қасрга.  
 Пишқириб, ўшқириб хонама-хона,  
 Худди шохдор молдек сузиб борар у.  
 Хоналарда қилич сирмаб ҳар ёна,  
 Ҳайкаллар бошини узиб борар у.  
 Ана, олтин кўчқор, нақ тирик каби,  
 Ана, тигдан у ҳам калласиз қолар.  
 Орқадан ҳансираб чопган бадавий  
 Заррин парчаларни тўрвага солар...  
 Қутайба дамашқий эгри қиличдан  
 Қаламда бир тамға кўйиб боради,  
 Санамлар кўзини ўйиб боради,  
 Ёввойи бир нидо солиб севинчдан...  
 Лекин нима бўлди? Тўхтади таққа,  
 Қилич тутган кўли солинди бир дам,  
 Қаршисида тошмас, жонли бир санам,  
 Офтобдек юзида сабзаранг парда...  
 У Бағдоднинг тенгсиз гўзалларини,  
 Шероз ва Басранинг асалларини  
 Кўп кўрганди... Лекин шундайин бир ҳур  
 Бўлишин этмасди ҳатто тасаввур.  
 Шунинг-чун хаёли бошидан учди,  
 Бир зум инсонлиги ёдига тушди.  
 Лекин шамдай қотиб тура берди у.  
 Гўлдираган тили келмади сўзга,  
 (Маъносиз «Аҳлан ва саҳлан»дан ўзга<sup>7</sup>)  
 Ўз лойига ботиб тура берди у...  
 Лаблари қимтилган париваш Туркон  
 Боқарди рақибга мағрур, совуққон...

<sup>7</sup> Одатий лутф. «Бу ерда барча ўз кишиларингиз».

Поёнсиз бир ғариб оқшом... Саройда  
 Шамлар чарс-чурс ёниб, совуқ ялтирар.  
 Бир пайт Бухорхудот ўлтирган жойда  
 Беқарор Қутайба энди ўлтирар.  
 Ўша «амри маъруф» баҳонасида  
 Қиличини ёвга қаттиқроқ солди,  
 Не-не жасурларни оёқдан чалди,  
 Энди у малика кошонасида  
 Қағиллаб, қарғадек ин қуриб олди...  
 Яшар Варахшада фармон билан у,  
 Лекин юрагини армон қитиқлар,  
 Саркаш ва беписанд Туркон билан у  
 Базм айлаб, шоҳона айш этмоқ бўлар.  
 Пайт пойлаб, чанқоғи ҳаддига етди,  
 Ишрат айламоққа охир жазм этди...  
 Поёнсиз бир ғариб оқшом... Саройда  
 Шамлар чарс-чурс ёниб, совуқ ялтирар.  
 Бир пайт Бухорхудот ўлтирган жойда  
 Беқарор Қутайба мағрур ўлтирар.  
 Пачоқ елкасида абрешим хилъат,  
 Хинога бўялган соқоли – кулги.  
 Қароқчига монанд безовта келбат,  
 Ўнг томон қайрилиб, сўлга боқар у...  
 Кумуш хонтахтада ипак дастурхон,  
 Мўъжаз зар косалар, биллур қадаҳлар.  
 Бари ял-ял ёнар, чақнар, чарақлар,  
 Нақшин кўзаларда шароб-арғувон..  
 Даврада емакка, ичмакка ружу,  
 Бир неча басавлат хос мусоҳиблар.  
 Бир неча қаппайган оч мужоҳидлар<sup>8</sup>,  
 Ғализ тилларида нуқул «Алҳамду».

<sup>8</sup> Мусоҳиб – суҳбатдош, улфат; мужоҳид – дин йўлида жанг қилувчи.

Ногоҳ созлар янграб кўтарар фиғон,  
Эшикда кўринар даъватли жонон...  
Туркон шу кўланса, очкўз тўдага  
Боқаркан, шубҳасиз, ёнар, қалтирар,  
Ва лекин бош ирғаб сардор тўрага,  
Муносиб, курсига келиб ўлтирар –  
Белида зар камар, юзида ҳижоб;  
Муғбача шу замон тутар майи ноб.  
Базм қизиб борар пояма-поя,  
Машшоқлар пойгакда «Дилхирож» чалар,  
Вазмин чайқалади сархуш каллалар,  
Бўғиқ нидоларга йўқдай ниҳоя.  
Ҳамма маликани олқишлар атай,  
Кимдир шараф айтар унга ҳирқироқ,  
Кимдир шеър ўқийди саёз, тумтароқ,  
Мақтов шалоласи ёғилар селдай...  
Лекин битишгандай, қайси бир асно  
Барча қаёққадир бўлишар ғойиб.  
Ўртада шам йиғлар сочини ёйиб,  
Бўм-бўш бўлиб қолар улкан базмгоҳ...  
Қутайба бу дамни кутмишди узоқ,  
Шунинг-чун кўрсатиб ортиқ ташналик,  
Суйканар санамга, термилар муштоқ,  
Мойли кўзларида қора гушналик.  
Кимнидир рад этар, кимдандир кечар,  
Ваъдалар ёғдирар, қасамлар ичар...  
Лекин тикка қалқар оёққа санам,  
Зотан, бу фурсатга ҳозирди у ҳам,  
У ҳам бай кутмишди қалтис ўйиндан,  
Шартта шамширини юлиб қинидан  
Қутайбанинг худди бурнига тўлғар:  
«Сен, ёввойи тўнғиз, маърака булғар.  
Гулни сассиқ алаф, дея билдингми?  
Ўзингга тенг тараф дея билдингми?  
Кўпдан чанқоқ эдинг қора ажалга,  
Айт, додингни энди тақдир-азалга...»

Дер-да, шамширини кўтариб азот,  
Қулочкашлаб урар, малъун шу заҳот  
Гурс этиб йиқилар, нафаси ўчар,  
Гўё манфур жони адамга кўчар...

Йўқ, ўчмапти буткул унинг нафаси,  
Узоқлаб, тинаркан қадам шарпаси,  
Иблис, эвоҳ, яна кўзларин очар...  
Тимирскилаб кўрар чаккасида қон,  
Инграб ва кўтарар бўғиқ бир фиғон.  
Шотирлари кирар қирғий важоҳат,  
Қутайба буюрар, қирғин, қабоҳат...

## 11

Саҳро этагида қурғоқ бир қудуқ,  
Гўё қабр, гўё тийра бир қафас.  
Шунда азоблардан тинкаси қуриб,  
Алаҳсираб, инграб ётар Эрнафас.  
Ивирсиқ ўргимчак, ирганч ҳашарот.  
Ҳавоси униққан рутубат макон.  
Ўзга на бир жон бор, на бирор жонзот,  
Тепада туйнукдек бир парча осмон...  
Ота ўққа учган ўша қаро кун  
Қора бир аланга ичра қолди ул.  
Ҳайқириб, қаҳридан сочиб ўт-учкун,  
Қаттол бадавийга қилич солди ул.  
У қайнаб, ҳансираб, қон тиларди, қон,  
Лекин босди бирдан ёвуз оломон.  
Қайириб, тепкилаб, додлатиб уни,  
Танини дабдала этдилар тамом.  
Сўнгра от думига боғлатиб уни,  
Саҳрода судратиб юрдилар давом.  
Қудуқда кўз очди... Демакки, ғаним  
Уни буткул ўлган гумон этипти.

Бас, депти шунчалар сарсон этганим,  
Мурдани кудуққа эҳсон этипти...  
Кўллар моматалоқ, оёқлар абгор,  
Кўкраги жароҳат, юзлари шишиқ.  
Жисмида неки узв, неки аъзо бор,  
Бариси тупроққа, қонга қоришиқ...  
Инграниб, танини узди тупроқдан,  
Оғриқ енгди, ҳайҳот, қулатди уни.  
Дод солди у оғриқ, алам, фиरोқдан,  
Гўёки шу фарёд қулатди уни.  
Яна кўп уринди, яна... Беҳуда.  
Уни бўшатмади қоронғи ўнгир.  
Кудуқ деворлари тик эди жуда,  
Туби чуқур эди, ўпқондай чуқур.  
Тиришиб, тирмашиб, бўлди кўп ҳалак,  
Лекин чиқармади тийра тор қафас,  
Тупроққа қоришиб, тортиб ғужанак,  
Алаҳсираб ётди гўё маст-аласт.  
Ҳушсиз ётар эди... Лекин сарбасар  
Хаёли талпиниб чиқар кенгликка.  
Дуч келар отаси – Тўқсон чилангар,  
Дуч келар санами – Туркон малика.  
Ана... Баҳор эмиш... Наврўзи олам,  
Йигит чўлдан кулон отиб қайтармиш.  
Ёнма-ён от суриб келармиш санам,  
Эрнафас мастона қўшиқ айтармиш:

Сенинг сарҳадингга такрор ва такрор  
Юрак оташини тўкай, Ватаним,  
Токи, боғларингни кўролмай бир бор,  
Оташларда куйиб, кул бўлсин ғаним...

Сенинг сарҳадингга қадам-бақадам  
Юрак қонларимни тўкай, Ватаним,  
Токи, дийдорингни кўролмай бир дам  
Қонларимга чўкиб, фарқ бўлсин ғаним...

Сенинг сарҳадинга тиниқ, беғубор,  
Кўзим ёшларини тўкай, Ватаним.  
Ўша денгизлардан ўтолмай зинҳор,  
Аросатда қолиб, даф бўлсин ғаним...»

Эрнафас куйлармиш куйиниб гирён,  
Тинглар эмиш уни осмон, дала, чўл.  
Малика термилиб боқармиш ҳайрон,  
Кулармиш ва лекин киприклари ҳўл...

Сароб ғойиб бўлди, уни шу нафас,  
Учириб кетгандай бўлди бўронлар,  
Саҳрони қоплади даҳшат суронлар.  
Бирдан сергак тортди мажруҳ Эрнафас,  
Кўкни тутиб кетди майдонлар чанги,  
Учди ботирларнинг ўрон, урроси.  
Отларнинг кишнаши, қилич жаранги,  
Минглаб туёқларнинг ваҳшат гурроси.  
Қайнар эди кўрқинч, қонли савдолар,  
Қонли савдолардан қайнарди саҳро,  
Янграр эди суғдий, туркий нидолар,  
Арабий «Айҳаннос» янграр эди гоҳ.  
Эрнафас тўлғаниб, инграниб хаста,  
Деворга суюниб турар эди жим.  
«Тангрим! – дерди. – Тангрим!..» Унга пайваста:  
«Ватаним, жафокаш, менинг Ватаним...»  
Ана, жанг-жадалнинг икки жабҳаси  
Нақ қудуқ бошига етиб, савашди,  
Кимдир фарёд чекди... Учиб найзаси –  
Қудуққа, Эрнафас ёнига тушди...

12

Саҳро жимиб қолди... Босилди бўрон,  
Йироқлашиб тинди сурон, ғулғула.  
Эрнафас тепага интилди шу он  
Минг бир азоб, минг бир машаққат ила.

Найза учи билан қаричма-қарич  
 Қудуқ деворига уйдумлар ўйди.  
 Боши гир айланди... Кетди мадор – куч,  
 Неча бор тупроққа бошини қўйди.  
 Қанча фурсат ўтди... Бутун борини  
 Сарф этиб, танидан қўйди тер-ҳовур.  
 Талпина-талпина жисми – зорини  
 Қудуқ қирғоғига олди ҳайтовур...  
 Узоқ ётди, узоқ... Кейин кучаниб,  
 Бошини тупроқдан кўтарди, ҳайҳот.  
 Шунча золиммисан, тақдир дегани,  
 Шунча золиммисан, муқаддас ҳаёт?  
 Саҳрони тўлдириб, минглаб қўй каби,  
 Ётар эди инсон – авлоди башар.  
 Бу бир маҳшар эди, ундан ҳам нари –  
 Яна маҳшар эди, ўзга бир маҳшар...  
 Қорайган саҳрога очиб кенг қучоқ  
 Далалар, дарахтзор чаманлар оша –  
 Ёнар эди тутаб силсила бир тоғ,  
 Ёнар эди тутаб қўрғон Варахша.  
 Аён эди бари... Сўзсиз ҳам аён...  
 Ёвуз бир қароқчи, босқинчига хос –  
 Яшнаган шаҳарни янчиб беомон,  
 Қутайба олмишди мудҳиш бир қасос.  
 Ҳеч бўлди йигитнинг кўрган кулфати,  
 Чеккан уқубати тамом бўлди ҳеч.  
 Билмам, қайдан келди яна шиддати,  
 Билмам, қайдан келди унга мадор – куч.  
 Ярали йўлбарсдай сапчиди худди,  
 Қўлида ярқираб олов найзаси.  
 Гўё кўчди бирдан саҳро булути,  
 Бағрида оташу тилда наъраси...  
 Дўнглаarga тирмашиб, ошди қирлардан,  
 Далалардан учиб, ел каби ўтди.

Сакраб ўтди неча ваҳим жарлардан,  
Лов-лов ёнаётган шаҳарга етди.  
Бузғун эди бари манзил-хоналар,  
Гузарлар, кўчалар кўмир ва тутун,  
Ёнарди айвонлар, гул кошоналар,  
Қасрлар гуриллаб ёнарди бутун.  
Ҳар қадамда ўлик... Узилган бошлар,  
Ҳар қадамда бошсиз, оёқсиз тана.  
Тупроқ ёнар эди, ёнарди тошлар,  
Шаҳар – ёнаётган буюк вайрона...  
«Жоиз эмасмиди сукут айласанг,  
Тангримиз эдинг-ку, муқаддас олов.  
Наҳот, сен ҳам энди човут айласанг  
Наҳот, сен ҳам энди айласанг талов?»  
Шаҳар қабристондай бўм-бўш эди, бас,  
На бир жон бор эди, на жонзот ажаб,  
Кимнидир чақириб, кимнидир чорлаб,  
Яна юраберди шўрлик Эрнафас...  
Мана, Арк қалъаси... Таниш дарвоза  
Дарвоза йўқ энди! Уюм олов, кул!..  
Қора бир шарпадек қора ҳавоза  
Ҳамон тутаб турар... Тамом, бори шул!  
Йигит ўтди ундан... Ҳовли ичида  
Ҳамма нарса йиқиқ, сарой чилпора,  
Фақат Арк ҳовлининг шимол бурчида  
Тугунга ўраниб турар минора.  
Ўшанга югурди... Чўғдан, оловдан  
Кўли, юзларини этди жизғанақ.  
Ҳатлаб ўтди неча оташ бўғовдан,  
Бир руҳ каби ёхуд сармаст телбадек.  
Ўтли зиналардан сезмай бир асар,  
Эрнафас талпиниб борар баландга.  
Ўша зиналарни ямлаб сарбасар,  
Ортидан гуриллаб келар аланга.

Етди, ана, юксак айлана айвон,  
Бўм-бўш эди у ҳам, эвоҳки, бўм-бўш!..  
Йигит найзасини қўймай, шу замон  
Қизиган тошларга яна урар тўш.  
Чиқар миноранинг худди қоядек –  
Азим ва ялтироқ куббасига ҳам.  
Бир дам тикка турар унда соядек,  
Атрофида – ёниб, чарх урган олам!  
Шунда олисларда, қуёш тиғида  
Суриган лашкарни илғайди, ҳайҳот,  
У бир фарёд чекар жон аччиғида,  
Аламли, армонли, ёниқ бир фарёд!..

Кимдир йироқлардан чорлар бировни,  
Кимдир фарёд чекар, ҳушдан айрилиб.  
Туркон хотин шартта тортар жиловни,  
Буюк минорага боқар қайрилиб.  
Кўзлари қовжираб термилар анча,  
Сўнг бирдан сесканар: Эрнафас, ёҳу!  
Шўрлик нималар деб қичқирар мунча?..  
Ана, найзасини силкитганича,  
Аланга ичида ғойиб бўлар у..  
Фалакка чирмашган олов ва тутун  
Уни ҳам уфқдан ўчирар бутун!..



## ХОТИМА

Қоронғу тун,  
қон қусгудек  
қаро тун,  
Шамол изғиб,  
шамол тўзғиб,  
увлайди.  
Лашкар борар,  
лашкар аро  
бағри хун,  
Юрт эгаси –  
Туркон хотин  
йиғлайди.  
Йўллар узун,  
кўланкалар  
нақ қузғун,  
Уфқларда  
алангалар  
ўйнайди,  
От пишқирар,  
от устида  
сарнигун,  
Юрт эгаси –  
Туркон хотин  
йиғлайди.  
Туркон хотин,  
Туркон хотин, йиғлама,  
Ғамларингни  
абас айла, бибижон.  
Бир дам эркин  
нафас айла, бибижон,  
Маржон ёшинг  
тўкиб, бағринг тиглама!  
Ишон, ҳали  
истиқболда кураш бор.

«Хўш, гапир!» деб  
нобакордан сўраш бор,  
Дунёсини  
жаҳаннамга ўраш бор,  
Умидларинг  
сўндирмагин, бибижон!  
Ботирларинг  
ҳали ўсиб, улғаяр,  
«Ё Ватан!» деб  
майдонларга от қўяр,  
Мард Муқанна  
босқинчига ўт қўяр,  
Гул юзингни  
сўлдирмагин, бибижон.

Товуш бердим  
асрларнинг  
ортидан,

Эркин, озод  
насларинг  
отидан,

Биз форигмиз  
у кунларнинг  
додидан.

Бўлмас ғамни  
бўлдирмагин  
бибижон!..

Лекин, эвоҳ,  
алам кетмас, дейди ул,  
Айтганларинг  
асар этмас, дейди ул,  
Тарихларга  
ҳукминг ўтмас, дейди ул,  
Зорланади,  
оҳ чекади, инграйди...

Тарихларнинг  
тун қўйинини тўлдириб,  
Қонлар ютиб,  
гул юзини сўлдириб,  
Қандоқ қилай,  
мени ғамдин ўлдириб,  
Юрт эгаси –  
Туркон хотин йиғлайди!..

**1975, декабрь**



## РАЖАБ АШУРОВ ДОСТОНИ

Йигитнинг йўлдоши – от...

### Оталар сўзи

Йироқлардан –  
Кишнаб келар жийрон от,  
Туёғига таслим бўлиб майдонлар,  
Дупур-дупур қадамлари бийрон от,  
Ялт-юлт ёниб кўзларида осмонлар.  
У қирларни, кўкламларни севади,  
Майсаларни, шабнамларни севади...

Йироқлардан –  
Кишнаб келар жийрон от,  
Шамолларда ўйнаб ипак ёллари.  
Еру кўкка солиб келар сурон от,  
Шамолларга тўлиб атроф-ёнлари.  
От ўзини уфқларга отади,  
Туёқлари тупроқларга ботади...

Дупур-дупур,  
Дукур-дукур... дунёга  
Бир чайқалиш, ларза солиб ўтади,  
Жийрон учиб борар қайси маъвога,  
Балки бир кун манзилига етади.  
Чақиради уни баҳор еллари,  
Туёғига оқиб тушар терлари...

\* \* \*

Мана, у –  
Чимирди қулоқларини,  
Бир қуш учиб ўтди  
қичқириб.

Кейин тарс-турс босиб  
туёқларини,  
Тушиб келаверди  
сувга  
пишқириб.

Атрофга  
Юлдузлар сачради, кейин  
Кўзларини қамаштирди нур.  
Жунжикди,  
сесканди,  
силкинди,  
Танига ёйилди  
тиниқ бир ҳузур.

Кейин  
Муздек сувга қўйди лаб,  
Муздек тўлқинларга  
тўлди теграси.  
Шу пайт, етмагандай,  
Ҳовуч-ҳовучлаб,  
Елкасидан қўйди эгаси...  
Сувдаги аксига боқарди ҳайрон,  
Уни бирпас кўрмоқчи эди,  
Лекин  
бирдан отди  
ўзини жийрон –  
Пишқирди,  
силтанди,  
ирғиди...

У тикка сапчиди,  
Сузук кўзларини  
Олайтириб боқди: «Бу нима қилиқ!»  
Лекин қайиш юган қайирди уни,  
Ботиб кетди оғзига сувлиқ.  
– Тек тур, Жийрон! Тек тур!..

Кўзларини –  
Тортди яна лиммо-лим зилол.  
Зилол ойинада кўринди  
Яна ўша сурат – мунаввар тимсол.  
Сув ичида сеҳрлангандек,  
От турарди  
Дуркун, хипча бел,  
От ёнида эса  
Турарди йигит,  
Жингалаксоч,  
Қомати адл.  
Отнинг туришидан  
ёғарди виқор,  
Йигитнинг юзидан –  
севинч, табассум.  
Кейин –  
Кўринарди осмон беғубор,  
Осмонки,  
боланинг кўзидек маъсум...  
Кейин –  
Кўзгу синди,  
суврат йўқолди.  
Чайқалди,  
Чалпинди зилол сув.  
Йигит енг шимарди,  
Ҳовуч-ҳовучлаб,  
От устига қўяберди у...  
Ҳар ёнида –  
Тўлқинлар  
чулдираб  
бийрон,  
Кумуш қатраларга кўмилди.  
Кумуш қатраларга  
кўмилди жийрон,  
Кумуш шодаларга чўмилди,  
Кейин

Бир талпиниб,  
Қирғоққа чиқди,  
Тани атлас каби  
        яшнаб зиёда,  
Сувдан чиқаётган  
        дуркун от каби  
Гўзал малак борми дунёда!..  
Ҳарорат ошганди йигит танида,  
Отнинг баданида – тароват,  
Томчилар –  
Марварид маржонлар каби  
Оқиб тушар эди,  
Бахш этиб роҳат.  
Йигит  
Силаб-сийпади такрор,  
Оқшом эди,  
        мовий,  
                        хушчирой,  
Чорбоғлар оралаб  
Юриб кетди тулпор,  
        Кўкдан боқар эди  
                                кемтик ой...

\* \* \*

Ўша оқшом,  
Ўша мовий оқшом  
Йигит яна келди  
        жийрон ёнига,  
Келиб, кучиб олди  
Бўйнидан маҳкам,  
Юзларини сурди ёлига.  
От яна пишқирди,  
Йигитдан –  
Келар эди ғалати ҳидлар...

Улардан отга ҳам уфурар эди  
Ажаб энтикишлар,  
                                умидлар...

«Жийроним!»..

Жийроним! Жоним!..» дерди йигит,

Отига бергудек жону жисмини

Оловдек лаблари

Шивирлар эди

Яна аллакимнинг исмини...

Йигит кетди,

Унинг ўпичларидан

Қолди от бўйнида

                                иссиқ-совуқлар.

Қоқоғлаб қўйишди

                                чўчинқираб,

Бостирма тагида ётган

                                товуқлар.

Йигит масрур эди бу оқшом,

Олам гўзал эди кўзига.

Илк бўса олганди

Қизнинг лабларидан,

Кўксини босганди кўксига...

\* \* \*

Кемтик ой кўринган

Ўша оқшом –

Илк бора ёрини кучди ул.

Ухлаб қолди

Лабда табассум билан,

Илк бор уйқусида

                                учди ул...

Ҳар ёнда

Ҳарирдек чала ойдин

Юлдузлар чамани – осмонда.

Йигит термиларди чалқанча ётиб,  
Ариқ шовулларди чорбоғ томонда.  
Шаббода елпиниб, ҳовличани  
Нур ва сояларга ўрайди.  
Жим қотиб туради деразалар,  
Деворлар жимгина мудрайди.  
Дарахтлар учида  
Ёнади милт-милт  
Юлдузларнинг гавҳар донаси.  
Супада,

    тўшакда ётади йигит,  
Бир ёнда отаси,  
    онаси...

Узоқ ётди осмонга боқиб,  
Ёниқ юлдузларга кўз тикиб,  
Ёниқ орзулардан энтикиб...  
Қаноти бўлсайди,  
    учарди,

У ёқда севгани – қизлар сараси...  
кўзларини юмди,  
мудроқ босди,  
Борлиқ билан йўқлик ораси...  
Ана,  
Япроқларнинг қатидан  
Аста чиқиб келди  
    кемтик ой.

Шунда  
Пахса девор ортидан  
Кимдир овоз берди:  
    «Ражаббой!..»

Ҳовлиқиб,  
Атрофга кўз солди,  
Атроф жимир-жимир...  
Ипак – шойидан.  
Шу маҳал  
Мўъжиза рўй берди худди,

У кўзғалиб,  
                                учди жойидан!..  
Юраги ҳапқириб,  
Энтиккан кўйи,  
Учаркан,  
                                юзига сочилди ёғду.  
Аввал дарча бўйи,  
Кейин том бўйи,  
Кейин дарахт бўйи  
                                кўтарилди у...  
Осмон!..  
Ойдин, мовий бир кенглик!  
Ҳайратдан  
Ҳар замон «тавба»лар айтиб,  
Қулочини ёзиб,  
Учарди қушдек,  
Ҳаяжондан нафаси қайтиб...  
Қулочи остида эди қишлоғи,  
Боғчалар,  
                                ҳовлилар,  
                                ариқлар.  
Чизилгандек, тиниқ эди бари,  
Сувлар ой нурида ярақлар.  
Туташ-туташ  
Боғчалардан нари  
Кўринарди поёнсиз дала.  
Уфққа ёндашиб Кўрғонтепа,  
Кўриниб турарди баралла...  
Шундай ёнбошида турибди,  
  мана,  
Суюкли қизининг ҳовлиси,  
Яшил айвончаси  
                                боқар жимгина,  
Олдида олмаси,  
                                ўрик, олуси.







Ўлгунича отлиқ аскар эди у,  
Ўлгунича чавандоз эди.  
Урушдан сўнг қирқ йил яшади,  
Баъзан кўринарди ҳоли танг.  
Қирқ йил юрагида

жанг тўхтамади,

Қирқ йил юрагида –

давом этди жанг...

Буни биров билиб,

Биров билмади,

Бировлар билса ҳам,

парво қилмади.

Қундузлар кечарди

меҳнатда,

Иш-ташвиш,

ҳар турли мажлислар билан.

Лекин кечалари, албатта,

Солишиб чиқарди фашистлар билан.

Урушдан сўнг қирқ йил яшади,

Лекин юрагида қонли из...

Орёл кўчасида уни ҳар кеча

Кутиб турар эди уч фашист!

Ўзини ҳеч кечиролмасди,

Ҳамиша руҳида яшарди ларза.

Унинг кўз ўнгидан кетмасди –

Ўзи шошиб қолган

ўша бир лаҳза...

Ўлгунча солишди фашистлар билан,

Сўнгги нафасгача солишиб, ўлди.

Ўша ҳалокатли,

қўрқинч бир лаҳза

Унинг сўнгги нафаси бўлди...

• • •

Қадим Жондор туманида

Бир қишлоқ бор – Тасилдор.

Пахта ўсар ёвонида,  
Атрофлари мевазор.  
Уфқлардан уфқларга  
Туташи йўллари.  
Яшнаб ётар гулзорида  
Нозбўй деган гуллари...  
Гулларига мовий само  
Ёғдиради саломлар.  
Бу ерларда тонглар сулув,  
Сафолидир оқшомлар.  
Оқшомлари осмон юзи  
Юлдузларга тўлади.  
Шунда оппоқ чангга ботиб,  
Бир машина келади.  
Етиб келиб, тол тагида  
Тинар мотор товуши.  
Машинадан тушар аста  
Адлқомат бир киши.  
У оёғин судраб бир оз,  
Оқсоқланиб юради.  
Келиб, бирпас ариқ лаби,  
Сув бўйида туради.  
Ҳовучида сув олади,  
Юзларини ювади.  
Кўкрагини хўллаб-хўллаб,  
Чарчоғини қувади.  
Шунда бир оз тиниққандай  
Бўлар ҳуши-хаёли  
Уни супа ўртасида  
Кутиб олар аёли.  
– Келдингизми?  
– Келдик...  
– Келинг...  
Ҳар куни шу гап такрор.  
Уч калима гапда лекин  
Ҳар куни бир маъно бор.

Аввал бошлаб, чойнакдан у  
 Симириб чой ичади.  
 Сўнг ястаниб кўрпачага,  
 Протезни ечади.  
 «Ёғоч оёқ» бир чеккада  
 Жой оларкан тиккайиб,  
 У «уҳ-уҳ»лаб оёғини  
 Уқалайди, энкайиб.  
 Хотин лаган келтиради,  
 Келтиради илиқ сув.  
 Тўмтоғини силаб-сийпаб,  
 «Уҳ-уҳ»лайди ҳамон у.  
 «Тўмтоқ» яна қизарибди,  
 Қаварганга ўхшайди...  
 Хотин яна чидаёлмай,  
 Дийдиёни бошлайди.  
 – Парткомликни кўйинг энди,  
 Сизга тўғри келмайди...  
 У индамай боқар яна,  
 Не дейишин билмайди.  
 – Ўзингизни ўйланг, ахир,  
 Болалар бор бу ёқда...  
 – Ҳа, айтмоқчи, кўринмайди,  
 Болаларинг қаёқда?  
 – Ўт теришга кетди Жамол,  
 Жаббор ҳали мактабда.  
 – Розия-чи? Назира-чи?  
 – Келиб қолар шу топда...  
 Улар пахта теришади  
 Тонгдан қора шомгача.  
 Кейин китоб ўқишади  
 Шомдан яна тонггача.  
 Оёғини силайди эр,  
 Уф тортади аёли.  
 У эрига ачинади,  
 Бўлинади хаёли.





Йилтираган девор ортидан –  
Кимдир қичқиради: «Ражабжон!...»  
Шунда у қўзғалиб, учади,  
Шарпасиз, садосиз, булутга монанд.  
Ана, том бошига кўчади,  
Ана, кўтарилар томдан ҳам баланд.  
Яна кўтарилсам, дейди, баландроқ,  
Ва яна баландроқ кўтарилади.  
Қуш каби ҳавода туриб муаллақ,  
Атрофга термилиб,

кулади...

Атрофда кенг, ойдин уфқлар,  
Ой нурида томлар,

ишкомлар сулув.

Боғлар ой нурига бурканиб ухлар,  
Ярқираб кўринар ариқларда сув...  
Лекин шу пайт –  
Таниш дукур-дукур  
Титратиб юборар ҳар ённи.  
Аланглаб, кўрар у  
Катта йўлда  
Кетиб бораётган жийронни.  
Талпиниб-талпиниб, қувади,  
Ана, яқинлашар полиз чайлага.  
Лекин чайлани ҳам ортда қолдириб,  
Жийрон чиқиб олар далага.  
Жийрон чопиб борар,

бошини буриб,

Гоҳ эгасига тикар кўзини,  
Эгаси талпинар,

энгашар

Ва эгарда кўрар ўзини...  
«Атака!» деб қичқирар кимдир.  
У шошиб,  
Атрофга кўз ташлар ҳамон:

Қияликдан пастликка қараб  
От қўйиб боради эскадрон!  
Снарядлар портлайди бот-бот,  
Оқиб тушар манглайдан тер.  
Эгар ғирчиллайди, ҳансирайди от,  
Ялтираб боради қўлида шамшир.  
Душман қочиб борар пилдираб,  
Командир ҳайқирар:

«Вперёд! Олға бос!»

Тутунга бурканган уфқ остидан  
Орёл шаҳри чиқиб келади пешвоз...  
Пистирмага қўйиб отларни,  
Шаҳарга уришар ўзни шу заҳот.  
Шаҳар бўм-бўш –  
Кўчалар жимжит,  
Қайдадир тириллаб қўяр пулемёт,  
Қайси бир қуролдош ўртоғи билан  
Ўзни бир кўчага урар Ражаббой.  
«Шаҳарни душмандан тозалаш керак!  
Изғиб юришгандир ҳойнаҳой...»  
Лекин кутмаганда,  
Ҳеч кутмаганда,  
Ён кўчадан – шундоқ юзма-юз,  
Уч фашист чиқади,  
кийимлари қон,  
Қўлда автоматлар,  
қарашлари муз...  
Душманга кўз солиб,  
Ражаббойга  
Ғолиб келар ғалати бир ҳол,  
(Икки йил жанг қилиб, шундоқ яқиндан  
Кўриб турганидан эҳтимол).  
Автоматни бўйнидан олиб,  
Отмоқчи бўлар у, мана, қўл чўзди.

Лекин улгурмади,  
 Шу маҳал –  
 Фашист тариллатиб ўқ узди.  
 Худди чўрт кесилган дарахтдек,  
 Шериғи йиқилди юзтубан.  
 Ражаббой учаркан бир ёққа,  
 Уни кўриб қолди кўз қири билан.  
 Қаттиқ зарб учирди Ражаббойни,  
 Бир ёққа итқитиб юборди.  
 Гўё даҳшатли бир аждаҳо  
 Уни ямлади-ю  
 ютиб юборди...

Бўғилди,  
 зўриқди,  
 бўғриқди,  
 Дунёни қоплади қоронғу.  
 Нафаси ичига тушиб,  
 музларкан,  
 «Онажон!.. Ўлдим!..» деб  
 айта олди у...

Шу талваса, шу зўриқишдан –  
 Бирдан фавворадек отилди қони!  
 (Сонини ўқ мажақлаб ўтган,  
 Косадек ўйилиб ётар бир ёни.)  
 Қони отиларкан,  
 Нафаси чиқди,  
 Гўё қайта кирди танига жони;  
 Ва лекин шу маҳал  
 Худди шу маҳал  
 Кулоғига етди

таниш дукур-дукур,  
 Излаб келар эди уни жийрони...  
 Тўрт қадам нарида уч фашист  
 Ҳамон туришарди тўсиб дунёни,  
 Ён кўчада эса –



Шу пайт  
 Қуйироқда турган сўридан  
 Эшитилди совуқ, хирилдоқ кулги.  
 Бойвачча эди бу, ичиб олганди,  
 Гап отарди турган еридан.  
 – Тоға, дейдиларки, Амир Темур  
 Чўлоқ бўлган экан, шу ростми?..  
 – Ҳа, Темурланг дейишган уни!..  
 Жавоб берар унга қўшни сўридан  
 Тоғаси, гумбаздек кал Бадир;  
 Яна ўша хунук, хирилдоқ кулги...

Бир сесканиб тушди Ражаб ака,  
 Ништар қадалгандай кўкраги санчди.  
 Пичинг отишарди тоға-жиян,  
 Унга шама қилиб... Қандай аянчли  
 Уларнинг қилмиши! Лекин не илож?  
 Тўйда айтишмоқни айб санайди эл.  
 Шунинг-чун тишини тишига қўйди,  
 Вазмин тура берди сиполик билан.

Унга маълум эди, кимлиги аён –  
 Пихиллаб юрувчи, семиз кал Бадир.  
 Ҳалол кишиларни кўрарди ёмон,  
 Ор-номус эди унга беқадр.  
 Раис бўлиб уруш йиллари  
 Қадамини кўп чакки босган,  
 Хотинбоз деб ном ҳам чиқазган,  
 Ҳозир беда – ўт қоровули.  
 Ҳаромдан ҳазарни билмас ҳеч қачон,  
 Ҳаромдан келарди омади.  
 Лекин жони қаттиқ, жудаям қаттиқ,  
 Икки бор ток урди, ўлмади...

«Амир Темур эмиш... сени қараю,  
 Олти аср бурун яшаган Темур.



Сўнг силади,  
Силаб-сийпади,  
«Жийроним, ётақол!» деди  
эркалаб.

Жийрон ётақолди.  
Шаҳарга қараб  
Изма-из эмаклаб кетишди  
жадал.

Шаҳар вайрон,  
Бинолар бузғун.  
Уйларга ўт кўйиб  
кетибди қузғун.

Тутун минораси  
Кўкка урар тўш,  
Тутундек имиллаб  
кечади дамлар.

Шаҳар жимжит,  
Кўчалар бўм-бўш,  
Акс-садо берар қадамлар.  
Лекин кутмаганда,  
Ҳеч кутмаганда,  
Ён кўчадан –  
Шундоқ юзма-юз  
Уч фашист чиқишар,  
кийимлари қон.

Кўлда автоматлар,  
қарашлари – муз!..

Бу гал  
Хатойимни тузатарман деб,  
Келганди Ражаббой умидга тўлиб.  
Йўқ, яна бўлмади,  
Улгуролмади,  
Яна фашист отди  
биринчи бўлиб...

Қаттиқ зарб учирди Ражаббойни,  
Бир ёққа итқитиб юборди.  
Гўё даҳшатли бир аждаҳо  
Уни ямладию

ютиб юборди...

Бўғилди,

зўриқди,

бўғриқди,

Дунёни қоплади қоронғу.

Нафаси ичига тушиб,

музларкан,

«Онажон!..

Ўлдим!» деб айта олди у...

Шу талваса,

Шу зўриқишдан

Бирдан фавворадек отилди қони!

Шу пайт қулоғига етди –

дукур-дукур,

Излаб келар эди уни Жийрони...

Тўрт қадам нарида – уч фашист,

Ҳамон туришарди тўсиб дунёни,

Ён кўчада эса ҳамон дукур-дукур,

Излаб келар эди уни Жийрони...

Мана, от –

Чамаси яқинлаб қолди...

Ражаббой шунда бор мадори билан,

Жонининг энг сўнгги дармони билан

«Отни қайтаринглар!» – дея дод солди.

Товуши чиқмади,

Тинди дукур-дукур.

Юраги пўкиллаб, қаради,

ҳайҳот!

Шундоқ қаршисида,

Кўча бошида

Ҳайкал бўлиб турар эди от...



Катта-кичик теримга деб енг шимарди,  
Кимлар қолиб, кимлар ўзиб, доврўқ солар.  
Мактабларда – қуйи синф болалари,  
Уйда қолди мункиллаган кампир-чоллар.  
Эски «газик» югуради дала-даштда,  
Югурмасанг, ишнинг сира унуми йўқ.  
Узун-узун йўллар босар Ражаб ака,  
Тиними йўқ бирор жойда, қўними йўқ.  
Кундузлари юрар пахта даласида,  
Шошилтирар: бир тола ҳам қолдирма, тер!  
Кечалари эса райком бюросида  
Раис билан тикка туриб ҳисобот бер...  
Ҳашарчилар келиб, бир оз ошди суръат,  
Иш кўпайди, яна узун бўлди йўли.  
Уйига бош суқишга ҳам қайда фурсат,  
Ҳаттоки бош қашишга ҳам тегмас қўли.  
У билади, унга орден берилмайди,  
Номи чиқмас Республика тўйхатида.  
Лекин режа бажарилса, майли эди,  
Колхоз ҳамон қолоқларнинг рўйхатида.  
Соч-соқоли ўсиқ, кийим-боши тўзиқ,  
Мажлис қилар: қани, гапир, бер сводка!  
Кўзлари ҳам киртайишган, юзи чўзиқ,  
Парткомда кам кўринади Ражаб ака...

\* \* \*

Эшвой даласида эди ўша кун  
Қулоғига етиб келганда магар –  
Бадалвой шофёрнинг боласини  
Машина босибди деган шум хабар...  
– Вой, афсус! – деб изтироб билан  
Кўтаролмай қолди бошини анча.  
«Ким бостирган? Ким? – деб сўради кейин,  
«Магазин-чи бор-ку... Бойвачча!..»

Болакай мактабдан пилдираб чиқиб,  
Кўча ўртасига аранг етибди.  
Ширакайф бойвачча «Жигули»сида  
Шамолдай келаркан, босиб ўтибди...  
Бола қоришибди тупроққа,  
Дафтар-китоблари сочилиб, абас.  
Лекин босганича, кетаверибди  
Қарамабди ортига нокас.  
Шумқадамнинг шум қадамидан  
Рўй берибди шундай ҳалокат.  
Авжи йиғим-терим палласи  
Бу қандай фожиа, фалокат!..  
Бутун колхоз чувиллаб қолди.  
Чалинди қулоқдан қулоққа.  
Тумандан келишди,  
Тергов қилишди,  
Бойвачча олинди қамоққа...  
Орадан ўн кунча ўтди шекилли,  
Бўм-бўш эди каттакон кўча.  
Магазин олдида кўриб қолди у:  
Ишшайиб турарди бойвачча.  
Яқин борди, унинг кўзига  
Кўзларини тикди: «Гапир! Нима гап?»  
Бойвачча илжайиб-тиржайди: «Бадал  
Даъвосидан кечди», – деди бидирлаб.  
– Даъвосидан кечди? Наҳотки?!  
Бойвачча ютиниб, тасдиқлади: «Ҳа».  
Ражаббой тушунди ва шарақлатиб  
Қотилнинг бетига туширди:  
«Аблаҳ!»  
Сўнг шартта бурилиб, жўнади,  
Юрди ижирғаниб, тупуриб...  
Бадални топтирди, кутиб олди  
Уни кабинетда тик туриб.  
Бадал кириб келди боши хам,

Иккови туришди юзма-юз.

– Қани, гапир, – деди Ражаббой ака,  
Бадал тура берди

мўлтайиб, маъюс.

– Гапир, пул бердими?!

Бадал нафасини

Ичига ютгандай, на садо, на ун.

– Қисмат экан, – деди кейин ғудурлаб,  
Йиғламоқчи бўлди...

– Қисматинг курсин!..

Ўз болангни пулга сотдингми?!

Одамхўр шарманда!..

Бадал турар лол.

Ражаб ака муштумини тугди,

Гурсиллатиб урди столга: «Йўқол!..»

От кишнаб юборди,

Яна мук тушди,

Яна ирғиб турди жойидан.

Оёқлари қалтирар эди,

Қони оқар эди пойидан...

Шунда яна бири –

Учинчи фашист

Юриб келди бир-икки қадам.

Туриб қолди, икки оёғин кериб,

Жийронга тикилар, кўли тепкида...

Ражаббой –

Яқиндан кўриб турарди

Душманнинг чаёндек важоҳатини:

Отга тикиларди фашист – кўзи лўқ...

Ана, у бир елка учириб,

Найзадек ўқталди автоматини.

Ўшшайди лунжини шишириб

Ва тепкини босди... Қарсиллади ўқ!

От унсиз йиқилди, кишнамай,

Йиқилди жонивор ногаҳон,  
 Ҳар ёнга сачради

лахта-лахта қон...

Ражаббой ингради, оҳ урди!

Шунда

У сира ҳам кутмаган савдо,

Ҳатто хаёлидан ўтмаган савдо

Унинг кўз ўнгида

Рўй берди...

От ётаркан оғир ҳансираб,

Ҳамма ёғи қон ва шилта лой,

Бир чеккадан киришди пусиб –

Бойвачча, кал Бадир, Бадалвой...

Улар ўраб олиб Жийронни,

Тепкилаб кетишди беомон.

Гурс-гурс тепишарди айланиб,

Инграб қўяр эди гоҳида Жийрон...

Ражаббой ингради отга қўшилиб,

Гоҳ чиқиб, гоҳида чиқмай нафаси –

Дод солди, дод солди, дод солди!..

Кейин –

Айқаш-уйқаш бўлиб кетди ҳаммаси...

\* \* \*

Бир ҳафтача ётди ёниб-ҳансираб,

«Отни қутқаринглар!» дея дод солди.

Докторлар йиғилди бошига,

Бири укол қилди, бири қон олди...

Барибир кўзини очмади,

Еттинчи кун таслим этди жон.

Тонготар маҳали

Унинг ҳовлисида

Ёниқ фарёд учди:

«Ражабжон!..»

\* \* \*

Сен кетдинг,  
Алвидо, дединг оламга,  
Кўзда ёшимизни селдай тошириб...  
Мен қандай чидайман энди бу ғамга,  
Азиз биродарим Ражаб Ашуров?

Етим қилиб кетдинг дунёни ҳайҳот,  
Йиғлайди кўксига ер ҳам тош уриб.  
Қаро ер тагида ётибсан наҳот,  
Азиз биродарим Ражаб Ашуров!

Мард эдинг, соҳиби майдон эдинг сен,  
Яшадинг, курашда зарбинг ошириб.  
Зотан, инсон эдинг, инсон эдинг сен,  
Азиз биродарим Ражаб Ашуров!

Нега сен дардингни элга айтмадинг?  
Нега юрагингда юрдинг яшириб?  
Лекин сен йўлингдан сира қайтмадинг,  
Азиз биродарим Ражаб Ашуров!

Бағримда ифтихор, кўнглимда тугун,  
Қабрингга бораман ҳали бош уриб.  
Алвидо айтаман руҳингга бугун,  
Азиз биродарим Ражаб Ашуров!

Оламга боқаман: суронли ҳаёт,  
Кўзимда умидлар, ҳайрат-ажаблар.  
Қаранг, туғилмоқда янги бир авлод,  
Янги Ашуровлар, янги Ражаблар!..

Ҳаёт боқий эрур, қуёш абадий,  
Қуёшда кўкарган ниҳоллар боқий.  
Меҳнат абадийдир, бардош абадий,  
Ҳаромлар ўткинчи, ҳалоллар боқий.

Қисматингни ўйлаб, оғир ўй суриб,  
Умр қўшиғингга яна қайтаман.  
Умринг қўшиқ бўлди, Ражаб Ашуров,  
Дам кулиб, дам йиғлаб туриб айтаман:

Йироқлардан –  
Кишнаб келар жийрон от,  
Туёғига таслим бўлиб майдонлар.  
Дупур-дупур қадамлари бийрон от,  
Ялт-юлт ёниб кўзларида осмонлар.  
У қирларни, кўкларни севади,  
Майсаларни, шабнамларни севади...

Дупур-дупур,  
Дукур-дукур... дунёга  
Бир чайқалиш, ларза солиб ўтади.  
Жийрон учиб борар қайси маъвога,  
Балки бир кун манзилига етади.  
Чақиради уни баҳор еллари,  
Туёғига оқиб тушар терлари...

**1983, август**



# ҲАСАН ВА ОЙ

## Болаларга

1

Яшнаб ёнар кўк саҳнида  
Юлдуз мисли оқ лола.  
Хаёл суриб остонада  
Ўлтирибди бир бола.  
Илғанади кўзга аранг  
Жиккаккина жуссаси  
Кўзларида бинафшаранг  
Уфуқларнинг шуъласи.  
Қоши қуюқ, сочи қуюқ,  
Қоришибди шом билан.  
Тенглошлари ичра суюк  
«Митти» деган ном билан.  
У ҳамиша хаёлотлар  
Тўлқинида оқади.  
У оламга олам қадар  
Ҳайрат билан боқади –  
Ўзи «митти», лекин сира  
Митти эмас хаёли.  
Ҳар нарсага, ҳар кимсага  
Саволи бор, саволи...  
Нега шамол мажнунтолнинг  
Сочларини силайди?  
Шабнам нега йилтирайди?  
Ҳаққуш нега йиғлайди?  
Оқ булутга етган тутун  
Нималар деб сирлашар?  
Кўкда булут, сойда тўлқин  
Нега ҳадеб бирлашар?

Ёнаётган дала

Шивиллайди яшил япроқ,  
Шарпамикан, сўзмикан?  
Шом кўйнида ёнган чироқ  
Чироқмикан, кўзмикан?  
Хас чумчуққа нега керак?  
Иссиқмикан уйчаси?  
Ёвондаги ёлғиз терак  
Кўрқмайдими кечаси?  
Нималарни ўйлаб турар  
Баҳайбат шу дарвоза?  
Нега ҳадеб хаёл сураб  
Токзордаги ҳавоза?..

Бинафшаранг шом судралар  
Яшил қишлоқ кўйнида.  
Қуриллайди қурбақалар  
Овлоқда, сув бўйида.  
Намчил тупроқ ҳид таратар,  
Ҳид таратар ўчоқлар.  
Йўл ястаниб, унсиз ётар  
Мудрар яқин-йироқлар.  
Кўк саҳнида яшнаб кулиб  
Юлдуз мисли оқ лола.  
Остонада хаёл суриб  
Ўлтиради бир бола.  
Мана, бир сас:  
– Ҳув, Ҳасан, ҳув...  
Ҳовли ёқдан чарх урар.  
(Чумолилар боласини,  
Қизиқ, қандай чақирар?..)  
Яна овоз:  
– Ҳув, Ҳасан, ҳув...  
Қаёқдасан?.. Намунча!..  
(Қизиқ, нега ой чиқмади,  
Ҳаяллади бу кеча?)

– Қайда қолдинг,  
хув, Ҳасан, хув...  
Чорлар яна аяси.  
(Қайга тушар шундай сулув  
Оймоманинг сояси?..)

2

Супа. Йўғон, бужур тутнинг  
Қанотлари остида.  
Дастурхонга давра тутиб  
Ўлтиришар осуда.  
Шом нафаси шундай маза,  
Шом ёғдуси – зар қатим.  
Тош товоқда ялпиз сомса  
Қандай ширин, хуштатим.  
Ҳасан кулар: боши узра  
Япроқларнинг шарпаси.  
Қош учириб, кўзлари-ла  
Эркалайди дадаси.  
Чигит экиб, қорайгандир  
Қўллари ҳам, бети ҳам.  
Ёнбошлаган ҳорғин, оғир,  
Мудраб кетар дам-бадам.  
Сингилчаси ниманидир  
Ғужурлайди сидирға.  
Ялт-юлт ёнар ойисининг  
Қулоғида исирға.  
Койир, бир дам ороми йўқ,  
Қошларини чимираб.  
Укалари безовта, шўх,  
Бир-бирини чимчилар...  
Ерга қора чойшаб солар  
Кўк гумбази қорайиб.  
Укалари ухлаб қолар  
Ҳар томонда дўмпайиб.

Үчоқ ёқда сув шилдираб,  
Жириглайди лаган, жом.  
Она унда ивирсираб,  
Қилар ишни саранжом.  
Бир пайт қадам шарпалари  
Эшитилар пайдар-пай  
Ойижони кўрпа ташиб,  
Ўрин солар бир талай.  
Ҳасан бир зум осилади  
Ойисининг бўйнига.  
Ўзни бир зум яширади  
Унинг иссиқ кўйнига.  
Чўзилади сўнг тўшакка  
Кўнгли тўлиб, хўрсиниб.  
«Ойи» дейди боқиб кўкка,  
Ойни излар ўксиниб.  
Ой чиқмаган... Ҳасан уни  
Қилар аниқ тасаввур:  
Шундай чексиз нур тўлқини,  
Шундай чексиз тўлқин-нур...  
Ой Ҳасанни ширин-ширин  
Хаёлларга ўрайди.  
Ҳасан Ойни бирин-бирин  
Саволларга ўрайди.  
Сал кўрмаса Ҳасан ўша  
Хаёлларни соғинар.  
Ойга берган кўша-кўша  
Саволларни соғинар.  
Ойисига ўхшайди Ой,  
Ойга ўхшар Ойиси.  
Ойисидек яшнайди Ой,  
Ойдек яшнар Ойиси.  
«Ойи...» дейди ва шу кўйи  
Хаёлларга толади.  
Уйқу сели тошиб, уни  
Оғушига олади...

3

Чақнар само юлдузлари,  
Тун яримми ё саҳар?..  
Ҳасанжоннинг шўх кўзлари  
Очилади бир маҳал.  
Очилару... тўниб-тўниб  
Боқар ўнгу сўлига.  
Бутун ҳовли ётар чўмиб  
Ипак шуъла селига.  
Деразанинг ойнагида  
Ловиллайди шуълалар.  
Укасининг кўйнагида  
Живиллайди шуълалар.  
Япроқ-япроқ ёғдудандир  
Олучанинг бутоғи.  
Атлас каби живир-живир  
Пахсанинг лой сувоғи...  
Бирдан... Ҳасан қотиб қолар  
Михлангандек тақа-тақ...  
Шамол очган дарвозада  
Ой туради муаллақ!  
Шундай йирик: ичкарига  
Сиғмай турар гардиши.  
Гардишидан остонага  
Томиб турар кумуши...  
Кўзларига чўкиб чирой,  
Ҳасан завқи жўшадир.  
Учрашгани келибди ой,  
Уйғотган ҳам ўшадир.  
Кеча сокин, супа сокин,  
Уйқудадир дов-дарахт.  
Кеча ойдин, супа ойдин,  
Эшикда ой муаллақ...  
Тушиб келиб у осмондан  
Остонада кутади!

Ёнаётган дала

Ҳасан титраб ҳаяжондан,  
Нафасини ютади.  
Дарвозадан узмай кўзин  
Кўзғалади у аста.  
Ой яшнатиб баркаш юзин,  
Йироқлашар бирпасда.  
Ҳасан юриб, қопқа таги –  
Остонага етади.  
Ой бир қалқиб, адирдаги  
Сой устидан ўтади.  
Қувлашмачоқ ўйнар нега?  
Ой бекўним, Ҳасан лол.  
Суза-суза қир-тепага  
Кўниб олар бемалол.  
Ой наҳотки шунчалар қув,  
Наҳот уни билмаса?  
Бир нафасда етарди-ку,  
Бир нафасда жилмаса...  
Ҳасан ўйлар чимчиб манглай:  
Борми шундай бир чора?  
Сезмай қолсин Ҳасанни Ой,  
«Воҳ» деб қолсин, бечора...  
Жим! Кўз ости назар солар  
Ҳасан қирга, далага.  
Писиб... дарров ўзни олар  
Дарахт орти – панага.  
Сўнг ариққа отар ўзни,  
Ариқ – сувсиз, тап-тақир.  
Сал энкайиб, букиб тизни,  
Чопар шошқин, бесабр.  
Чирт юмади кўзларини,  
Саваларкан бутоқлар.  
Шудринг ювар юзларини,  
Шитирлайди япроқлар...  
«Парт» учади сирли бир қуш,  
«Виз-виз» қанот силкитиб.

Сўнгра «қув» деб берар товуш,  
Ҳасан қолар тош қотиб...  
Нафас ростлаб чопар яна,  
Атроф тўла сирли тун.  
Атроф тўла сирли дала,  
На бир садо, на бир ун.  
Қиртепага пана ёқдан  
Яқинлашар ниҳоят.  
У кам эмас баланд тоғдан,  
Юксалмишдир бағоят...  
Мушук каби тирмашади  
Ҳасан қирнинг ўртига.  
Ўркач-ўркач дўнг ошади,  
Сира боқмай ортига.  
Тева боши унсиз ва лол.  
Кўққайгандир хув, ана...  
Шунинг орти баркашмисол  
Оймомага бошпана.  
Ҳовлиқади Ҳасан ҳар он,  
Тийғанали дам-бадам.  
Сўнгти марра, сўнгти довон,  
Ошар сўнгти дўнгни ҳам...  
Ой!.. Ой эмас, бўм-бўш тақир  
Ётар мудроқ, бемажол.  
Ҳуштак чалиб топқир-топқир,  
Гириллайди шўх шамол...  
Йиғлагудек бўлар Ҳасан:  
Ой пайқабди ҳойнаҳой  
Шундай ажиб ҳийласин ҳам,  
Йироқлардан боқар Ой...  
Имлаб турар у йироқдан,  
Уфуқ узра парвози.  
Ҳам таралар ўша ёқдан  
Гумбур доира садоси...  
«Тўй!» Ҳасаннинг лабларига  
Ёйилади табассум.

Чир айланиб теваракка  
Термилади у маъсум:  
Осмон мунча кенг, баҳайбат,  
Мунча кенгдир далалар...  
Ҳасан бунда уйғоқ фақат,  
Ухлаб ётар болалар.  
Ий, нима у? Жар тошида  
Липиллайди бир соя.  
Жунжикади, ёнбошида  
Хўмрайгандек гунг қоя...  
Зув югурар пастга шу дам,  
Кўтарганча тўзон, чанг.  
Бир думалаб ариққа ҳам  
Етиб олар у аранг.  
Ел ғувулар қулоғида,  
Шовуллайди бутоқлар.  
Ниманидир сўроғида  
Гувлар яқин-йироқлар.  
Чопар, чопар... бир дам очиб,  
Юмар яна кўзини...  
Бир пайт таниш остонада  
Кўрар яна ўзини.  
Мудроқ супа. Укалари  
Ётишибди жим, гунгурс.  
Қари тутнинг япроқлари  
Шивиллайди бир маъюс.  
Ойисининг сочларида  
Живиллайди шуълалар.  
Пастдакина кат-сўрида  
Дадаси ҳам тин олар...  
Ҳасан аста хўрсинади,  
Чўзилади тўшакка.  
Бир пайт секин кўз сунади  
Ҳовли юзи, йўлакка.  
Ҳой, нима бу? Михлангандек  
Қотиб қолар тақа-тақ...

Ланг очилган дарвозада  
Ой туради муаллақ!  
Шундай йирик: ичкарига  
Сифмай турар гардиши.  
Гардишидан остонага  
Томиб турар кумуши...  
Ҳасан дейди: «Вой, алдоқчи,  
Нимадир бу қилганинг:  
Ўзинг имлаб, ўзинг қочиб,  
Излаб яна келганинг?  
Ёнгинангда туриб сени,  
Боқиб баркаш юзингга,  
Ойим қадар севганимни  
Айтмоқчийдим ўзингга...»  
Ой жилмайиб ниманидир  
Шивир-шивир сўрайди.  
Ҳасан уни англамайди,  
Уни уйқу ўрайди...

4

Туш кўради: ойдин супа  
Туташганмиш сой билан.  
Қулоч отиб Ҳасан унда.  
Чўмилармиш Ой билан.  
Йўқ, сой эмас, ариқ эмиш,  
Оқар эмиш шилдираб.  
Ҳасан қувнаб, қувалармиш,  
Ой қочармиш пилдираб.  
Ойни қучар... Димоғига  
Урар иссиқ нон иси...  
Кўз очса, тонг, манглайини  
Силаб турар ойиси...

**1973, май**

## ШАҲРИБОНУ

Неча зарурат аро қолган чоғи,  
Чин демас эрсанг, дема ёлғон дағи...

**Алишер Навоий**

1

Бир ҳикоят сўйлайин ўтмишдан,  
Шу жаҳонга келмишу кетмишдан.

Майли, бир қаричмас, бир қулоч бўлсин,  
Кўнгилга завқ, фикрга ривож бўлсин.

Сўз нашъасидин кўнгилни гулшан этай,  
Ҳақ ҳимматидин кўзимни равшан этай.

Лаззати соф бўлсину сафо бўлсин,  
Суврати дилкашу дилрабо бўлсин.

Орзу-тилагимки, бўлсин орзудек,  
То ҳусну чиройда Шаҳрибонудек...

Маъни жиҳати – ажиб аломатлиғ,  
Таркиб жиҳати – нажиб, малоҳатлиғ.

Чунки мен ҳол ичинда ҳол кечдим,  
Неча кун тасаввуру хаёл кечдим.

Қўлимда эски бир дафтар эди,  
Ўқирдим, улфатим қаландар эди.

Дафтарда эди ҳаёт савдоси,  
Сатрлар аро – қаландар сиймоси...

У сўйлар эди, мен эса тинглар эдим,  
Тинглабон, ҳар сўзини англлар эдим.

Ул қиссаки мен унда эшитдим бир бор,  
Дедимки, яна эшитсам такрор-такрор.

Кўзимда суврат эмас, сийрат эди,  
Ҳосилим – нақши жаҳон ҳайрат эди...

Ҳар неки тингладим қалам чекдим,  
Шеър шаклига солиб, рақам чекдим.

Шоядки, байт эмас, баёт бўлгай,  
Қиссадин алқисса – ҳаёт бўлгай.

Шоядки, бул ажиб, қадим қисса  
Ҳар кимсаки тинглагай, асир этса...

2

Хулласки, у дарвеш чайқалиб яккаш,  
Бошлади қиссани қаландарваш:

– Бор эди бир Хўжа Хуросонда,  
Паймонаси тўлгунча Хуросонда –

Яшаб, ул умрини басар этди,  
Сўнгра ўзга оламга гузар этди...

Зангин эди, молу сарвати катта эди,  
Ҳар турли бисоту давлати катта эди.

Обрўси баланд, номдор эрди Хўжа,  
Соҳиб эди, соҳиб ихтиёр эрди Хўжа.

Кўрғонида неча кўшку айвонлар,  
Имконида қанча боғу бўстонлар.

Яйловда кезиб сурув-сурув чорвоси,  
Сандиқ уза сандиқ эди мол-ашёси.

Минмоқ тиласа, бор теваю нори унинг,  
Учмоққа мудом шай эди тулпори унинг.

Ҳар не тилар эрса, олдида ҳозир эди,  
Ҳар ишгаки азм айласа, ул қодир эди.

Эшигида неча хизматкору ғулом,  
Умри бори роҳатда кечиб субҳ ила шом.

Маъсуд эдию комрон эрди Хўжа,  
Боғ ичра чинору арғувон эрди Хўжа...

Лекин бу жаҳон, бу кекса дунёи ҳавас,  
Кам айламайин кимсани, комрон этмас.

Олам элининг камсизи бўлмас, чунки,  
Дунёнинг иши – ҳамиша миркам икки.

Ҳеч бандасининг бахти бутунмас зинҳор,  
Ҳар неча тўкис эрса, унинг кемтиги бор.

Қай бандасида айшу фароғат кемтик,  
Қай бандасида ҳусну малоҳат кемтик.

Ул биттасику дарду мараздин маъюс,  
Бул биттаси – бўҳтону ғараздин маъюс.

Ул Хўжа агарчи бахтиёр комрон эди,  
Кўнгли пича кам, кемтик эди, нолон эди.

Маъюслиги шул – йўқ эди фарзанди унинг,  
Йўқ эрди бирор жонига пайванди унинг...

Шу кўйда алам ва интизор чекди Хўжа,  
Пинҳон-пинҳон фиғону зор чекди Хўжа.

Не азиз остоналарга бош урди,  
Субҳидамларда фалакка термулди.

Неча бор бўлди Хўжа азми Ҳижоз,  
Неча бор қилди Хўжа нарзу ниёз.

Кўз ёши тўкди «Раббим, Худойим!» деб,  
Ҳосил бўлгайму муддаойим деб.

Не айбим ўтди, не гуноҳим бор?  
Маъзур тут ўзингки, оху воҳим бор.

Кўрсат менга сен, боламни, наслимни кўрай.  
Наслимни кўрай, магарки, аслимни кўрай.

Додимга етиш, дод ила имдод бергил,  
Мен хастани кам айлама, зурёд бергил –

Деб неча зиёрат ерига борди Хўжа,  
Ёлборди Хўжа, Худога ёлборди Хўжа...

Бечорага бир куни иноят бўлди,  
Ҳақ даргаҳида арзи ижобат бўлди.

Тун босган эди бахтини, юлдуз берди,  
Тангри ўша бечорага бир қиз берди.

Бир бахтга етишдики, сира поён йўқ,  
Тил бирла баён қилай деса, имкон йўқ.

Фарзанди азизига боқиб тўймасди,  
Тўймасди боқиб ва илкидин қўймасди.

Кун-тун демайин, бошида парвона эди,  
Кўрганлар унинг ҳолига ҳайрона эди...

Ҳиммат эшигини элга ланг очди Хўжа,  
Фарзанди бошидин сочқилар сочди Хўжа.

Эл-юртга овоза айлабон, тўй берди,  
От сўйди, ҳўкиз сўйди, неча кўй берди.

Қиз исмини Шаҳрибону, дедилар,  
Бир оиланинг жони жаҳони, дедилар.

Қиз бори латиф, мисоли гулғунча эди,  
Гулғунча магар қанча эса, шунча эди.

Боққан неча кўз борки, фақат маст бўлди,  
Маст бўлса-да, гул васлига тўймас бўлди.

Тиз чўкди-ю боз дардини ёрди Хўжа,  
Ёлборди яна, Хўдога ёлборди Хўжа:

«Ё Рабки, ишинг бандасига раҳмонлиғ,  
Ё Рабки, ишим сенга фақат шукронлиғ.

Мен бандайи бечорага фарзанд бердинг,  
Фарзанд демаким, дийдайи равшан бердинг.

Исмингни мудом дилимда такрор этайин,  
Қай нукта била кўнгилни изҳор этайин...

Ё Рабки, ишинг бандасига султонлиғ,  
Ё Рабки, ишим орзу ҳавас, армонлиғ...

Армонли кўнгилга сен яна ком эттил,  
Бир қатра мурувватингни инъом эттил.

Гулғунчайи боғимни сарафроз айла,  
Бердинг чу баҳор, фаслини ёз айла.

Ҳам унга насиба айлагил ҳусну жамол,  
Ҳам унга муяссар айла идроку камол.

Ҳақ иззати шавқига уни ошно эт,  
Ғайб пардаси ортидан ўзинг огоҳ эт.

Ҳақ завқу сурури била тўлсин юраги,  
Ҳақ ишқи ҳузури била тўлсин тилаги.

Ул турса-ўтирса, ҳамдами Ҳақ бўлсин,  
Дунёда фақат дарду ғами Ҳақ бўлсин.

Ҳақ бўлсину Ҳақ кўрса кўзи, айтса сўзи,  
Ҳақ бўлсину Ҳақ бўлсину Ҳақ бўлсин ўзи!..»

Ул Хўжа, қаранг, не турфа ғавғо солди,  
Ҳақдин тиланиб, бўйла алоло солди...

Тинглаб уни, Ер жимжиту Осмон жим эди,  
Жимжитлик аро бори жаҳон тилсим эди.

Ҳар кимса магар қодир эмас Ҳақ ишига,  
Ҳақ хизмати, бас нечук бўлур қиз кишига?..

\* \* \*

Шу нуқтага етганда баногоҳ дарвеш  
Жим қолди, магар ҳайрат эди кўнглига эш.

Жим қолди, узоқларга боқиб, уҳ чекди,  
Билмам, не сабаб уфлади, андуҳ чекди.

Бор эрди паришонлиги, ҳайронлиги ҳам,  
Ҳайронлик аро баски паришонлиги ҳам.

Бир неча дақиқа сукут айлаб шу маром,  
Лаб очди яна, қиссасини этди давом...

3

...Йиллар кеча берди неча айланди фалак,  
Гулдек ўса берди ул Шаҳрибону малак.

Кўзлар сузилиб, баайни юлдуз бўлди.  
Қошлар чўзилиб, мисоли қундуз бўлди.

Бўй чўзди чаманзорда гули самбитдек,  
Лаблар қизариб ва товланиб ёқутдек.

Япроқ каби юзларга латофат келди,  
Кўкрак ва ўмизларга балоғат келди.

То бўйла безатди уни наққоши азал,  
Ким, асли гўзал эрди, яна бўлди гўзал.

Тол новдасидек адил эди, бўйчан эди,  
Гул ғунчасидек хомуш эди, ўйчан эди.

Юзларида ҳамишалик дил изҳор,  
Кўзларида ҳамишалик бир асрор.

Ой ҳар кеча боқиб, висолига шайдо,  
Юлдуз уни кўрмоқ учун пайдо.

Қуёш ҳар тонг эрди интизори унинг,  
Не йигитлар ошиғи-зори унинг...

Лекин шу ажиб ниҳоли навраста,  
Эвоҳки, шу гулшан ичра гулдаста.

Шу гўзал нақши саодат, шу ҳумой,  
Шу тиниқ рамзи малоҳат, шу чирой.

Сўзлар эди кўз бирла фақат, унсиз эди,  
Лаб очмас эди сўзга, магар тилсиз эди.

Йиллар бўйи ул юрар эди жим, сокит,  
Қайга борса, турар эди жим, сокит.

Сокитлиги бўйлаким, анга йўқди адо,  
Сассиз эди, лабда на такаллум, на садо.

Овозини бир жаранг қўйиб, кулмас эди.  
Бу сирни биров билиб, биров билмас эди.

Бу ҳолга ёнар эди, куяр эди Хўжа,  
Дунёда алам борки, туяр эди Хўжа.

Қўймасинми, шу биргина ёлғиз боласи,  
Ёлғиз боласи, кўзининг оқу қораси.

Тилсиз бўлса, гапирмаса, сўзламаса,  
Ёки бир овоз қўйиб, бўзламаса...

Бундан ортиқ бир фалокат бўлгайму?  
Бундан оғир бир надомат бўлгайму?

Маили, кўксин пора-пора қилсин ул,  
Бу балога не чора қилсин ул?

Бир чора топилса-ю ул ҳамон келса,  
Фарзандига тил келса, забон келса...

Шу йўлда совурди ул тамом давлатини,  
Сарф этди бисоту бойлигу сарватини.

Бир самар топмади табиблардин,  
Ё Ҳақ, деб юргувчи ҳабиблардин...

Ҳар бандаки бор, бошида бир тақдир экан,  
Тақдир дегани такбир этилмас сир экан.

Тақдир дегани бўйлача шум бўлгайму?  
Оши дағи шунчалар зақум бўлгайму? –

Деб лайли-наҳорда бўйла йиғларди Хўжа,  
Ўз бағрини чок этарди, тигларди Хўжа.

Йиғлай-йиғлай, ўзин ул адо қилди,  
Чин азми сафарни муддао қилди.

Деди: эй Ҳақ, эй Карими ғаффор,  
Ҳеч вақойим йўқ, биргина жоним бор.

Розимен, берай жонимни, сен олгил,  
Шу шикаста ҳолимга назар солгил.

Сўнгги дам лабимга табассум бер,  
Фарзандимга тил бер, такаллум бер!..

Деб Хўжа бандаликни бажо қилди,  
Ҳақ унинг ҳожатин раво қилди.

Фарзандига сўнгги бор боқиб дилсўз,  
Шу ёруғ жаҳондин у юмаркан кўз,

Фарзандига ўтли бир фиғон келди,  
Не фиғонки, тил келди, забон келди...

Шўрлик Шаҳрибону чекиб фарёд,  
«Вой, отам! – деб солди дод устига дод.

Мен тилсизу сен тирик эсанг бўлмасму?  
Дардимга мудом шерик эсанг, бўлмасму?

Сен мурда эсанг, мен бу забонни не қилай?  
Боғ бўлмаса, бу оби равонни не қилай?

Шу меҳру мурувватингму, эй жоним отам?  
Қолгай бир умр кўнгилда армоним, отам!..»

Бу сиру синоатдан ҳама ҳайрон эди,  
Дам отага, дам қизга боқиб, гирён эди.

Бир ёнда тугик тилда такаллум бор эди,  
Бир ёнда ўлик лабда табассум бор эди.

Оллоҳ-Оллоҳ, бизга руҳи раҳмон бер,  
Ҳар бандайи мўминга ўзинг иймон бер...

\* \* \*

Шу нуқтага етганда ривоят, дарвеш  
Жим қолди яна, ҳайрат эди кўнгилга эш.

Гоҳ-гоҳида «тавба» дерди, бош чайқар эди,  
Иқболга боқиб, бир нимани пайқар эди.

Бор эрди фаромушлигу дилхушлиги ҳам,  
Дилхушлик аро балки фаромушлиги ҳам.

Айлаб дилида неча ҳақиқатни аён,  
Лаб очди яна, қиссасини этди баён...

...Хуллас, Хўжа ишни чун бадар қилди,  
Қайтмас йўлга кетди ул, сафар қилди.

Шаҳрибону шўрлик мунғайиб қолди,  
Йиғлабон, сочини ёйиб қолди...

Суянчиқ бўлгудек бир кас йўқ эди,  
Ва қўлга олгудек бир хас йўқ эди.

Яхшиямки неча хешу ақрабо келди,  
Қўшни келди, дўст келди, ошно келди.

Келдилар, етим қизни қўлладилар,  
Қўллабон, йўлга уни йўлладилар.

Кун-кундан ўнгланиб, бўлди ҳоли тузук,  
Андухни унутди, бўлди аҳволи тузук.

Аҳволида ўзга бир аломат бор эди,  
Авзойида ўзгача шижоат бор эди.

Ҳаммани қолдириб лолу ҳайронлар,  
Гоҳида сўзларди ажаб бийронлар...

Сўзларкан, сўзлари ажаб ўтлиғ эди,  
Ҳам юзлари, кўзлари ажаб ўтлиғ эди.

Сўз очарди ул гоҳида кечмишдин,  
Сир очарди ул гоҳида келмишдин...

Бировга қизу бировга сингил эди,  
Нафаси иссиғу қўли енгил эди.

Ҳам табиб эрди, ҳам башоратчи,  
Кўринмас сирларга ишоратчи.

Гоҳида кўкка кўз тикиб мажнунвор,  
Бир гапларни қилар эрди ошкор...

Ҳар нарсани чин, тўғри, аён айтар эди,  
Ким тўғрию ким ўғри, аён айтар эди.

Баҳсида ҳаққу ҳақойиқ бор эди,  
Лафзида дарду дақойиқ бор эди.

Сўзида ташбиҳ эди, таъсир эди,  
Эл уни тинглаб, мутаассир эди...

Хулласки, юртга таралди овоза,  
Ланг очилди эл юзига дарвоза.

Кела берди фақиру давлатманд,  
Кела берди бечораву ҳожатманд.

Келдилар, ғалва солдилар, ғавфо ҳам,  
Теграсин қуршабон, алоло ҳам...

Ҳақгўйлиги бирла элга машҳур бўлди,  
Ҳақгўйлиги бирла масту масрур бўлди.

Ҳақ бўлмаса сўз, сўзни ул айтмас эди,  
Айтар сўзини айтар эди, қайтмас эди.

Кимларда севинч, кимда ваҳим орттирди,  
Бу йўлда неча дўсту ғаним орттирди.

Келди, неча бор бошига ташвиш келди,  
Гоҳ таҳсину гоҳ қарғишу койиш келди.

Мақтаб уни гоҳ Меҳрибону, дедилар,  
Қарғаб уни гоҳ Қаҳрибону, дедилар.

Бўлди неча карра у маломатга нишон,  
Эл наздида афсусу надоматга нишон.

Қилт этмади қиз, ҳамиша фарзона юриб,  
Ҳақ сўзини айта берди мардона туриб.

Алқиссаки, довруғи кетиб ҳар ёнга,  
Овозаси етди оқибат султонга...

5  
Ўшал кун дам қуёш, дам ёмғир эди,  
Шаҳрибону ҳовлида ҳозир эди.

Ўлтирарди мўъжаз бир айвонда,  
Ўзи бир ёнда, ўзгалар бир ёнда.

Келмишди халойиқ нажот истаб,  
Шифо тилаб ё сабру сабот истаб.

Дард бунда эрди-ю даво бунда,  
Бор эрди неча арзу муддао бунда.

Боқарди қиз кўз кўриб, томир ушлаб,  
Ҳар жумбоғу ҳар мушкулни тафтишлаб.

Кимнинг қисмати, фолидин айтар эди,  
Кимнинг шикаста ҳолидин айтар эди.

Кимга сирли сўз айтиб, аломатлик,  
Тиларди Тангридан саломатлик.

Қиз муолажа этаркан, шу миён  
Ҳозир бўлди бир акобиру аён.

Қаватида неча бир шотир эди,  
Шотир демаким, ҳар бири чин ботир эди.

Шаҳрибону сари кўз отиб ул аён,  
Дедиким, эй нодирайи даврон,

Хайринг тилармен улуғ Оллоҳдин,  
Мужда келтирдим сенга подшоҳдин...

Шаҳаншоҳимиз фолини кўргайсен,  
Фол очиб, иқболини кўргайсен.

Шоҳимизга хизматинг раво қилғил,  
Кўл очиб, ҳаққига дуо қилғил...

Шундоқ деб, қизга у қовоқ уйди,  
Олдига бир қилич, бир камар кўйди.

Атрофга бўридек боқиб бир дам,  
Кўйди дағи бир халтача тилло ҳам...

Шаҳрибону бир зум индамай турди,  
Бош эгиб, дам ютиб, сўз демай турди.

Сўнг аёнгамас, камарга юз бурди,  
Сўнг камаргамас, қиличга кўл урди.

Кўл урди қиличгаю нидо чекди,  
Чайқалди, ўртанди ул, оҳ чекди...

Деди, эй кимса, борму ҳеч огоҳинг,  
Бир худбинуну бедаво эмиш подшоҳинг.

Ўзидан ўзгага назар этмас,  
Ўзидан ўзгани гузар этмас.

Кундузи юзларида кулгуси йўқ,  
Кечалар кўзларида уйқуси йўқ.

Роҳатин излар ул, барор топмас,  
Ўлтириб бир ерда қарор топмас.

Шумлардин иборат раёсати бор,  
Улусга бераҳм сиёсати бор...

Шаҳрибону чун буни қилди баён,  
Ҳай-ҳайлаб, ўрнидан қўзғалди аён.

Тошди ғазабию чун қайнади қони,  
Лекин тингламади уни Шаҳрибону.

Дедики, фол кўрилди, сўз битди,  
Халтачани олди, четга ирғитди.

Тангалар ярқираб-ярқираб учди,  
Ерга тилламас, тош бўлиб тушди...

Аён буни кўрди чун телбалаб қолди,  
Яқо ушлаб, тавба-тавбалаб қолди.

Сўнг кетди судралиб, гўё булут чўкди,  
Атроф тинчиди, ҳовлига сукут чўкди...

6

Хуллас, яна кун кечди-ю, тун топди адо,  
Аён бўлди тағин эшикда пайдо...

Айлабон таъзиму табассумлар,  
Бошлади бир ширин такаллумлар.

Дедиким ул, эй фаридайи айём,  
Шаҳаншоҳдин сенга шоҳона салом.

Бунда не дединг, кўнгилдин ўтказдим,  
Шаҳаншоҳга бирма-бир етказдим.

Шоҳ тинглади сўзингни, басе шод бўлди,  
Шодлиги ул қадар кушод бўлди.

Аҳсан, деди, меҳрин ул аён этди,  
Сенга зебу зийнат армуғон этди...

Ҳиммат этди, ҳимматинг раво қилғил,  
Ол буни, ҳаққига дуо қилғил.

Деб лол қолдириб ул куйинчакни,  
Олдига қўйди бир тугунчакни...

Сен ўйлама, дунёда фақат занжир бор,  
Занжир каби неча ҳийлаву тадбир бор.

Занжир каби ҳийлага дучор бўлса киши,  
Кўргил, не кечар ҳолию не бўлгай иши...

...Аён ўша, ол, дерди тугунчакни ҳамон,  
Шаҳрибону боқар эрди ҳайрон.

Бир кўнгли дерди: нечун олгаймен,  
Гар олсам уни, балога қолгаймен.

Бир кўнгил дерди: зиёни йўқ олгил,  
Олмасанг-да, оч уни, назар солгил...

Қиз очди тугунни, билмайин қолди ўзи,  
Айланди боши чун қамашди кўзи.

Бир узук, бир тиллақош, бир зебигардон,  
Юлдуз каби товланарди, чақнарди чунон.

Не қилсин, ул-да қиз эди, хотин эди,  
Ҳам кўксида шунга мос кўнгил, ботин эди.

Хўрсинди-ю кўкка бир назар сочди,  
Кўз юмди, кейин дуога қўл очди...

7

Аъён яна эртаси кун келди, ҳамон –  
Ҳозир бўлди эшикда бир тахтиравон.

Деди, эй қиз, борми ҳеч огоҳинг?  
Йўлингда интизор эрур подшоҳинг.

Бор энди, шоҳингга сен салом қилғил,  
Лаб оч дуойи хайрига, калом қилғил.

Бир кўрай деб ўзингни истар ул,  
Ҳақиқатгўй сўзингни истар ул...

Қиз бош эгди, йўлга чун қўйди қадам,  
Бошланди тантана, томоша ҳам.

Етишди саройга чун Шаҳрибону,  
Пешвоз чиқди сарой аҳли аркони.

Чиқдилар карнаю сурнай чалишиб,  
Тўтию товус каби товланишиб.

Сочқилар сочиб, марҳабо, дедилар,  
Сафо келдинг, эй пурсафо, дедилар.

Кулоч ёзиб, қарши олди султон,  
Деди, эй зийнату зебойи замон,

Эй гул, чаманга хуш келдинг,  
Бизнинг бул анжуманга хуш келдинг.

Шаҳрибону эмас, Меҳрибонудурсен,  
Меҳрибону не, Сеҳрибонудурсен.

Бизга бир меҳрингни кўрсаттил,  
Сўз очиб, сеҳрингни кўрсаттил...

Гарчи мард майдонда юриш бергай,  
Олқишу мақтовга ким туриш бергай?

Юриш беролмади Шаҳрибону,  
Туриш беролмади Шаҳрибону...

Деди: – Шоҳим, жаҳонда одил ўзинг,  
Ҳам қобил ўзинг, ҳам муқобил ўзинг.

Сендек яна шоҳи тождор бўлгайму?  
Алломайи соҳиб иқтидор бўлгайму?

Пойдор бўлсин жаҳонда кўрғонинг,  
Давлатинг, шавкатинг, шараф-шонинг.

То жаҳон тургунча омон бўлгил,  
Бошимизда соҳиби замон бўлгил...

«Омин!» дея чекдилар сарой аҳли нидо,  
Чирмашди магар гумбази гардунга садо.

«Офарин»ни кўшиб «иншоолло»га,  
Шаҳрибонуни кўмдилар тиллога.

Бонунинг турмуши туташ тўй бўлди,  
Ҳақгўй эди ул, энди дуогўй бўлди...

\* \* \*

Шу нуқтага етганда ривоят, дарвеш  
Жим қолди яна... Ҳасрат эди кўнглига эш.

Уф тортар эди, кўзлари кўп маъюс эди,  
Кўзларда надомат эди-ю афсус эди.

Ўйладим қиссасин ул тамом қилгай,  
Йўқ, деди, қиссамиз давом қилгай.

Олдинда ажаброқ неча бир ҳиссаси бор,  
Ҳар қанча узанса қисса, алқиссаси бор...

8

Бонунинг турмуши туташ тўй бўлди,  
Ҳақгўй эди ул, энди дуогўй бўлди...

Ҳар лаҳзада подшони қилар эрди дуо,  
Ҳар лаҳзада подшога тилар эрди дуо.

Ҳар лаҳзада бир мадҳу сано айтар эди,  
Ҳар неча сано айтса, яно айтар эди.

Йўқ, унга етолмади не-не муллолар,  
Ҳар кун ёғаверди бошига тиллолар.

Эл ичра аталди аввал Мулло бону,  
Сўнгроқ дедилар исмини Тилло бону.

Бўлди кийими, либоси зар, тиллодин,  
Уйининг бор жиҳози зар, тиллодин.

Соч ювса, тароғу кўзгуси тилло эди,  
Кўнглида ҳамиша орзуси тилло эди...

Тилло яна тиллога етиштирди уни,  
Дунё яна дунёга етиштирди уни...

Бир куни чўриси кириб, тонг қолди,  
Тонг қолди магарки, қичқириб, дод солди.

Тўпланди халойиқ, аҳли аркон келди,  
Вазиру дабир, ҳаттоки султон келди.

Кўрганлар, тавба, деб яқо ушладилар,  
Астағфурулло, деб бўйин муштладилар.

Шаҳрибону ўрнида ҳайкал эди,  
Олтин сувидин бошдин-оёқ сайқал эди.

Ҳақ ҳукмини бўйлаким юритмиш эди,  
Жисму жонин симу зар тутмиш эди.

Олтин эди кўллару оёқлар тилло,  
Гавҳар эди кўзлару қулоқлар тилло.

Аввалда фақат исми эди тилло унинг,  
Энди батамом жисми эди тилло унинг.

Лаблар юмилиб, қотган эди, қонсиз эди,  
Тан энди вужуд эмас, жасад, жонсиз эди...

Султон деди: – Шул ҳолича инсон ўлмас,  
Шул ҳолича дафн этилса, маъқул бўлмас.

Марҳумага лутфимиз раво бўлсин,  
Элтинг уни, хазинага жо бўлсин!..

Хазинага жо бўлди сўнг Шаҳрибону,  
Ушалди орзуси, битди армони...

9

Эл дерди, хазина ёқдин гоҳо тунлар,  
Қиш чилласи, ул қоронғу, ялдо тунлар

Ингроқ ила мунгли бир овоз тарқар эди,  
Ҳар кимса эшитса, шубҳасиз, қўрқар эди.

Эл ичра юрарди неча бир миш-мишлар,  
Миш-мишга баҳона неча бир қилмишлар...

Кўп ўтмади, эл дардига малҳам топди,  
Миш-миш бари ул туганди, барҳам топди.

Тун яримда нарвонни улаб нарвонга,  
Ўғри тушди ул хазинайи султонга.

Таланди, ташилди хазина дирам-дирам,  
Бенасиб қолмади Шаҳрибону ҳам.

Чун эртаси кўрдилар қулоқсиз эди ул,  
Кўзсиз эди, қўлсизу оёқсиз эди ул.

Гўёки инграниб, қон ютар эди,  
Қисматнинг сўнгги зарбасин кутар эрди.

Кутгани келди, шоҳдин бўлди талаб,  
Шаҳрибонуни ўғирда майдалаб

Тилла танга қуйдилар зарбхонада,  
Битди савдою самар афсонада...

10

Йўқ, мен янглишдим, хато қилдим,  
Гап битмасидан гапни адо қилдим.

Бенаво қолса дил, наво битгайму?  
Қалб қиссаси бўйла бенаво битгайму?

Дерларки, ҳар нарса аслига тортар,  
Ҳар кимса камоли наслига тортар.

Тоғ кўчса мабодо, бир зарра қолгусидир,  
Юз карра йўқолса, бир карра қолгусидир.

Бўйладир ҳақгўйлигу ҳақиқат ҳам.  
Бўйладир тараққою тариқат ҳам,

Ҳақ деганда заҳматинг гарон кетмас,  
Ҳақ жаҳонда беному нишон кетмас.

Кетса ҳам, бир куни аён бўлгай,  
Ҳеч бўлмаса, бир оби равон бўлгай...

11

Бир қўйчивон яшарди Хуросонда,  
Чўл кезиб, қир ошарди Хуросонда.

Бир куни тонг билан бозорга йўл олди,  
Қўй сотиб, ақчани ҳамёнига солди.

Қайтаркан, дашт йўли дароз келди,  
Ғойибдан унга бир овоз келди.

Билмасди, ердаму, кўкда эрди овоз,  
«Мени кўй... Мен – Шаҳрибону» дерди овоз.

Кўйчивон ҳанг-манг туриб анча,  
Сездики, сас берар ҳамёнидин ақча.

Чун кўркув босди уни, хароб этди,  
Олди ақчани, узоққа ирғитди.

Танга ярқираб-ярқираб учди,  
Ерга тилламас, тош бўлиб тушди.

Тарс ёрилди ер, ул тақир ташна,  
Шарқираб отилди бир зилол чашма.

Энди мавжи чашмада эрди овоз,  
«Ич мени... Мен – Шаҳрибону» дерди овоз.

Чашмадин илк ичган кўйчивон бўлди,  
Шукур, деб йўлга ул равон бўлди.

Қолди чашма, қолди ул Шаҳрибону,  
Дашт бағрида Ҳақнинг меҳриафшони...

Кимки бу чашмадин зилол ичса,  
Ҳаққа ҳамд айтиб, уни ҳалол ичса,

Ҳақгўй бўлгаю Ҳаққа мубтало бўлгай,  
Ноҳаққа, ўйлаким, бир бало бўлгай...

Кетди шу гап, ёйилди ҳар ёнга,  
Таралди овоза жумла Хуросонга...

Мен фақир бир кун ул чашмага бордим,  
Сув ичдим, ҳамд айтдим, Худога ёлвордим,

Кўрдимки, фарқ бўлиб ҳиссу ҳаяжонга,  
Бир кекса ваъз ўқирди неча ўғлонга.

Ичманг сувдан, дерди, нечун ҳақгўйлик?  
Ҳақгўйлик дегани – баложўйлик...

Рост айтсанг – халқдин жафо келгай,  
Ёлғон айтсанг – Ҳақдин бало келгай.

Яхшиси, дунёда сукут қил, сукут,  
Қулоғингда бўлсин бу доно ўғит...

Шундоқ деб донишманд берар эди панд,  
Мен дедимки, эй азизу аржуманд,

Инсоф қил, шу дунё, кўҳна саройда,  
Халқ балоси қайдаю Ҳақ балоси қайда?

Халқдин бало келса, унинг чораси бор,  
Ҳақдин бало келса, не чораси бор?

Эр эсанг, ростликни элга тарғиб эт,  
Ҳақиқатни улусга марғуб эт.

Шоядки бутун жаҳонда ростлик бўлгай,  
Ёлғон йўқолиб, элга халослик бўлгай...

13

Шу нуқтага етганда ривоят, дарвеш  
Жим қолди тамом... Ҳайрат эди кўнглига эш.

Кўнглимда менинг-да бир жаҳон ҳайрат эди,  
Ҳайрат зўридан дилимда бир ғайрат эди.

Ки бунда эшитганимни мен ёзгаймен,  
Тош ариқни игна бирла қазгаймен...

Шояд бу ривоят элга дoston бўлгай,  
Ҳақ ташна кўнгил сайрига бўстон бўлгай.

Чун амри азал: рости – русти<sup>11</sup> эрур,  
Ростлик – олам элининг дўсти эрур.


Олам элининг душманидир – ёлғон,  
Ҳомийси унинг Азозилу шайтон.

Ҳақиқатнинг энг буюк сўзи, илло,  
Ҳар нафасда: Ло илоҳа иллаллоҳ!..

**2000, апрель**


---

<sup>11</sup> Рости–русти – Қудрат ростликда, ҳақиқатда.



## VI

*Ҳақиқат, мен сени севдим,  
Ўзинг масжиду меҳробим,  
Сенинг пойингда қилгаймен  
дуо бирлан ибодатлар...*



## ҲАҚИҚАТ, МЕН СЕНИ СЕВДИМ...

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
келур сендин саодатлар,  
Агарчи гоҳи севмаслар,  
бўлакдир бизда одатлар.

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
ўзинг масжиду меҳробим,  
Сенинг пойингда қилгаймен  
дуо бирлан ибодатлар...

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
кўнгил офтобни севмасму,  
Кўёшга ошиқ эрмасму,  
саҳар бонг урса соатлар?

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
йўлимда бўлмасанг пайдо,  
Қани жонимга роҳатлар,  
қани жисмимга тоқатлар?

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
мунофиқларни севмасман,  
Улардан кутганим ҳар дам  
маломатлар, маломатлар.

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
бировлар севсалар мендек,  
Очилгайди саховатлар,  
кўмилгайди адоватлар.

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
сенинг бағрингда жо эрмиш  
Буюклардан буюкларга  
насиб этган омонатлар.

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
агарчи масканинг осмон,  
Сени тупроққа қоргайдир  
иҳонатлар, хиёнатлар.

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
хиёнатпешалар севмас,  
Улар кўп, сен эсанг танҳо,  
тиларман сенга омадлар...

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
башарга қайда бор сенсиз  
Бу дунёда диёнатлар,  
у дунёда ижобатлар?

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
сени хор айласа миллат,  
Қуюндек боши узра айланур  
ҳар кун қабоҳатлар...

Ҳақиқат, мен сени севдим,  
ўзинг Раббимсан, Оллоҳим,  
Сени дерман, сени, гар келса  
бошимга қиёматлар.

Ҳақиқат, мен сени севдим...

**2005**



## МУНДАРИЖА

### I

Аввал Ватан, кейин жон.....	6
Ўзбекистон айблдирму? .....	7
Ёнаётган дала... ..	8
Халқим .....	10
Азалий савол .....	11
БМТга мактуб.....	12
Усмон Носир.....	13
Менга нима? Сенга нима? .....	15
Айлама .....	16
Айтсинлар .....	17
Кўшнилар .....	18
Майли, сен шод бўл... ..	20
Етдингму? .....	21
Наволар истар.....	22
Таажжуб қиламан... ..	23
Шоир.....	25
Самарқанду Бухоро бу.....	26
Тошкент таронаси.....	27
Орзу .....	28
Хивони кўрдим .....	30
Тўхтасин Жалолов ёдимга тушди... ..	31
Тонгларда юлдузи бордир шуҳратнинг... ..	33
Тўра Мирзо – мирзоларнинг тўраси... ..	34
Фахрия.....	35
Чинор.....	37
Дил сўзи .....	38
Денгизга .....	39

### II

#### **Саккизликлар**

Товушларга тўлиб кетганда кўнглим... ..	42
---	----

### III

Ҳумо.....	90
Менга шеърни.....	92
Бошимда мовий осмоним... ..	94

Кўзларингга тўлмасин ёш.....	96
Бир жаҳон кўрдим, ажаб.....	97
Васлига етган кўнгилнинг.....	99
Буни, жоним, ҳаёт дерлар.....	100
Неча дўст кўрдим жаҳонда.....	101
Бу жаҳонда нақди умринг.....	102
Кўнгил пок бўлмаса.....	104
Сўрма мендан сен ҳақиқатни.....	106
Сенда бордир, кимда бор?.....	108
Бир гўзал оқшом эди.....	110
Осмон.....	111
Сўнса бир юлдуз.....	113
Ким бировга раҳнамодир.....	114
Бу балолар дастидан.....	116
Мунофиқлар.....	117
Дунё йўли.....	118
Ҳақдин жавоби бор.....	119
Кўзим қувнар боқиб.....	120
Илтижо.....	122
Даврон башарни.....	124
Кўзимни тутмангиз айру.....	126
Мунча кўп.....	128
Кеча эл уйқусида.....	129
Ҳар саҳар.....	130
Ҳаммага ҳайрону лолманким.....	131
Йўлингга бир синиқ ойна кўрсанг.....	132
Тилим номингни айтиб.....	133
Яхши.....	134
Эй менинг жозиб жаҳоним.....	135
Асрагил.....	136
Сен саломат бўл.....	137
Шўрлик.....	138
Шоиро, синдир қаламни.....	139
Нафсингни тий.....	140
Бу ғариб дунёда.....	141
Булбул.....	142
Эй кўнгил.....	144
Шоиро, шукр айла.....	146
Сув.....	147

Маърифат ва маънавият.....	149
На хуш бўлғайки.....	151
Айрилдилар.....	152
Мен тушимда бир кеча.....	154
Шукриллаҳи азим.....	156
Севганим зебо санам.....	158
У тупроқ бизга ёт эрмас.....	160
Халқ агар оч қолса.....	162
Билдим.....	164
Керакдир.....	165
Муҳаббатни.....	167
Замона зайл қилса.....	168
Ичра мен.....	169
Ўзгача.....	171
Қочарлар дўстларим мендан.....	173
Қайтади.....	175
Оллоҳ умр берса.....	176
Муҳаббат не ўзи, деб сўрмагил.....	177
Менинг кўнглимни ром этмас.....	178
Билмаслар.....	179
Нақш айлагил.....	180
Каъбатуллоҳ остонасида.....	181
Ўландан сўр.....	182
Бу дамларни саодат бил.....	184
Кимдан келар.....	185
Онажоним.....	186
Нечун бу гапга кўнгаймен.....	187
Хорижлик ватандошларга.....	188
Кўнгил, ўртанма, қўй.....	190
Алам.....	191
Бу юртнинг.....	192
Бу юртдан.....	193
Аё, ҳақ сўз.....	194
Йиғлама, синглим.....	195
Мен эдим бир ёндаю.....	197
Яшамасми?.....	199
Юзта давлат тан олибдир.....	200
Ҳасан Ражабий ашуласи.....	201
Ошиқона.....	202

Жонон белини боғламиш.....	203
Кўзлар сузук.....	204
Соғиниш.....	205
Мавлоно Жалолиддин Румий қабри бошида.....	206
Мустафо Камол Отатурк қабри бошида.....	208
Тож Маҳалга термилиб.....	210
Маломат кўйидин ўтма.....	211
Яна кўнглимда ул ой.....	212
Ғиждувоним.....	213
Табассум кўшиғи.....	214
Кўнгил кўзгусига боқсам.....	215
Жон этдинг ато.....	216
Тириклик кўйида юр.....	218
Эй Воҳидам, эй Воҳидам.....	220
Жоним, сени жонсиз кўрдим.....	222
Соғинсам гул юзингни.....	224
Дема, гул юзли ёрим.....	226
Кўрарманму сени?.....	227
Ишқинг жонимда эрди-ю.....	228
Уйқумда йиғлайман.....	230
Ёдингни ёд этиб.....	231
Эй на хуш дамларки ул.....	232
Навоийдан наво етмиш.....	234
Лабинг шаробидин.....	236
Ноз.....	237
Ҳар қадам кўйсанг.....	238
Дема, гул юзли ёрим.....	240
Ғариб, бечора қолсам.....	241
Умид эттил... (Шерали Жўраевга).....	243
<b>Мухаммаслар</b>	
Навоий ғазалига мухаммас.....	245
Ватан ҳақида мухаммас.....	247
Жаноби Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам васфида мухаммас.....	248
Эй азиз қондош-қариндош ўзлигим, турким менинг.....	249
Дўстлар, уюшмоқ онидир.....	250
Китобсиз эл.....	251
<b>Рубонийлар</b> .....	253
<b>Тароналар</b> .....	279

#### IV

Умар Хайём.....	282
Абу Али ибн Сино.....	288
Бобо Тоҳири Урён.....	292
Мавлоно Жалолиддин Румий. Ривоятлар.....	296
Вильям Шекспир. Ҳамлет.....	302
А.С.Пушкин. Моцарт ва Сальери.....	313
Шандор Петефи. Осмон ва ер.....	324
Леся Украинка. Умидланаман.....	326
Николай Грибачев. Сукунат.....	328
Максим Танк. Океан соҳилидаги қарағайлар.....	330
Фридон Ҳалваши. Генацвале.....	331
Халил Ризо. Самарқандим.....	333
Ғаффор Мирзо. Ошиқ дил рози.....	335

#### V

##### **Достонлар**

Варахша.....	340
Ражаб Ашуров достони.....	375
Ҳасан ва Ой.....	405
Шаҳрибону.....	414

#### VI

Ҳақиқат, мен сени севдим.....	440
-------------------------------	-----

*Адабий-бадий нашр*

**ЖАМОЛ КАМОЛ**

**ЁНАЁТГАН ДАЛА**

**САЙЛАНМА**

**II жилд**

*Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар,  
достонлар*

**Муҳаррир**

**Гавҳар МИРЗАЕВА**

**Мусаҳҳиҳ**

**Мадина МАҲМУДОВА**

**Бадий муҳаррир**

**Зилола ТЎЛАГАНОВА**

**Техник муҳаррир**

**Умидбек ЯХШИМОВ**

**Компьютерда саҳифаловчи**

**Дилдора ЖЎРАБЕКОВА**

Лицензия рақами: АІ № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.  
Босишга 23.04.2018 й.да рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32.  
Босма табағи 14,0+0,5 вкл.  
Шартли босма табағи 23,52+0,84 вкл.  
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.  
Адади 2000 нусха. Буюртма № 53.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 147-00-14, 129-09-72.

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87.

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

# ҚАЙДЛАР УЧУН

---







**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____	



ЯНГИ АСР АВЛОДИ



ISBN 978-9943-20-437-9



9 789943 204379